

Н.Ф.Низомиддинов

ХИНДИСТОНДА ИСЛОМ:  
ТАРИХ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ҲАЁТ ВА ҲИНД-МУСУЛМОН  
МАДАНИЯТИ


*Islam in India:  
History, Social-Political life  
and Indo-Muslim Culture*



**Н.Г.Низомиддинов**

***Ҳиндистонда ислом:  
тариҳ, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва  
ҳинд-мусулмон маданияти***

1986 7



Тошкент 2008й.

Тошкент ислом университети ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ушбу монографияни нашр этишда ҳомийлик қилган «Максам-Чирчик» очиқ акциядорлик жамиятининг касаба ўюшма қўмитаси ва кимёгарлар маданият саройи унитар корхонаси раҳбаријатига миннатдорчилик билдиради.

Мазкур монография Олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар, илмий ходимлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
А.Ҳасанов

Тарих фан. док., профессор  
Тақризчилар:  
С.С.Агзамходжаев  
Тарих фан. док., профессор  
Э.Ф.Ибрагимов

Ўзбекистон Президенти Девонининг  
консультанти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг эксперт гурухи холосаси  
ҳамда Тошкент ислом университети Илмий кенгаши  
тавсиясига биноан чоп этилди.

© Ўз. Р ФА Давлат Адабиёт музейи, 2008  
© Н.Ғ. Низомиддинов 2008

## *Муқаддима*

Ўзбек ва ҳинд халқарининг қадим тарихга эга ўзаро алоқалари, аллақачон фанда ўз исбот-диллини тоғган воқелик. Ҳали буддапарастлик даврига доир "Жатаки" тұпламидаёк Рим, Юнон ва башка Европа мамлакатларига қатнайдын ҳинд ҳамда хитой савдо карвоңлари йўлида Ўрта Осиё ҳудудининг жуғрофий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим оҳамиятта эгалиги қайд этилган эди(55:3).

Еки Страбондан қолган хабарга кўра, Ўрта Осиёдаги Окс – Аму дарё, ҳинд молларини Каспий ва Қора денгизи орқали Европага олиб чиқишида Шарқ билан Гарб савдо занжирининг асосий халқаларидан бири ҳисобланган(26:127). Күшон давлати ва эфталитлар даврида эса, Ўрта Осиё-Хинди斯顿 ўртасидаги муносабатлар аста-секин маданий-маърифий тус ола бошлаган.

Қиссадан ҳисса шуки, даврлар ўтили билан икки минтақа орасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик жараёнида ўлкамизга "гоҳ савдогар ва гоҳо айрим қабилалар ташрифи боис ҳинд маданияти унсурлари билан бирга Будда дини ҳам кириб келган". Буддапарастликтининг бундай кенг сарҳадларга ёйилиши сабабини Абу Райхон Беруний ҳам ўз асарида эслаб ўтган:

"Будда эътиқоди жанубга томон Сурия худигача тарқалганидан сўнг, маздакийлик сиқуви остида буддапарастлар Эрон ва Ироқдан Балхнинг жанубидаги мамлакатларга қўчиб келганлар"(5.37).

Лигар яна буддизмнинг тарихимизга тааллукли жиҳатларига келсак, Қоратепа, Фаёзтепа ва Далварзинтепаларда олиб бориалган археологик қазиш

ишлари, ушбу диний этиқоднинг дастлаб Сурхон воҳасида қўним топганлигини бевосита буддавий ашёлар асосида намоён қилди. Хусусан, эски Термиз остида сақланиб қолган санскрит, кхароштхий, браҳмий ва бактрий тилларидағи ёзма ёдгорликлар намуналари шулар сирасидандир.

Баъзи манбаларда ҳатто ҳиндлар каби Ўрта Осиёда ҳам Будда ибодатхоналарининг ғорларда қурилганлиги ҳамда бу услубни Хитойгача етиб, у ерда ўз аксини топганлиги ёзилган. Бинобарин, буддизмнинг юртимиздаги қайд этилган қароргоҳлари ҳалқимизнинг маънавий-ижтимоий ва маданий ҳаётида ҳам ўз изини қолдирган ва биз бу масалага хонаси келганда яна қайтамиз.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳиндлар билан азалдан мавжуд бўлган турли жабҳалардаги ришталар – бу ҳали масаланинг бир тарафи. Унинг бундан-да муҳимроқ иккинчи тарафи, Ҳиндистонда исломнинг қарор топганидан кейинги ҳамкорлигимиз самаралари бўлиб, уларнинг илмий тавсифи, асарнинг асосий мавзуи қатори қуидаги тартибда баён этилди:

1.Берунийнинг ўзбек ҳиндунослиги тамал тошини қўйган олим сифатида ҳинд сарзаминидаги илмий-ижодий фаолияти.

2.XII асрда Чингизхон қўшилларининг Ўрта Осиёга юриши арафасида мовароуннахрлик дин, илм-фан ва адабиёт намояндаларининг ҳиндлар юртида паноҳ топганлиги.

3.Бобурийларнинг бағрикенглик руҳидаги ички ва ташқи сиёсати шарофати билан маҳаллий хукмрон сулола сифатида Ҳиндистон тарихида тутган ўрни ва аҳамияти.

Юкорида кўрсатилган омилларнинг энг муҳим жиҳати – бу XII аср мусулмон дунёсининг йирик теологи Муҳаммад ибн Абдулкарим Аш-Шаҳрисабий таърифидаги "*Ummat kabira wa millati aziyyata*" – "Улур халқ иш азим миллат" ватанида бунёд бўлган «Ҳинд мусулмон маданияти»нинг "икки дин – бир миллат"га хос муштарак тафаккур ҳосиласи ўқанилиги. Ва жаҳон цивилизациясининг ажралласи бир кисми бўлган бу феномен, ақидапа-растлик ва экстремизм очиқ тероризм шаклида дунёга ҳавф солаётган бир вактда, инсоният учун турли миллат ва эътиқод вакилларининг ҳамжиҳатлика қандай мўъжизалар яратишга қодирлигининг ёрқин тимсоли десак, муболаға бўлмас!

Дарвоқе, кези келганда, яна бир нозик нуқтага дикқатни жалб қилмоқчимиз. У ҳам бўлса динишунослик бўйича баъзи илмий кенгаш ёки диссертация ҳамда тадқикотлар мухокамасида, у ёки бу диний эътиқод тарихи ва фалсафий қарашлари таҳлилига "муқаддам ўрганилган мавзу" сифатида қараш тенденцияси. Пировардида дунё динларини ўрганиш ва улар юзасидан чоп этилган манбалар мавжудлигини, албатта, ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ, янги бир изланишга нибатан бундай тугал хуносага келишдан илгари шуни унитмаслик керакки, жорий нашрларда мавзуга факат бир ёклама, яъни "яқин ўтмишимиз"нинг ягона мафкураси асосида ёндашилган бўлиб, у вактларда миллий менталитет масаласи мутлақо илм-фан кун тартибида бўлмаган. Эндиликда, қай бир соҳа бўлмасин, унга нисбатан, ўйлашимизча, факат миллий қадриятлар тикланаётган давр талаби замирида фикр билдирилмоғи лозим.

Айни шу нуқтаи назардан Ҳиндистондаги ислом тарихини ўрганиш, наинки азим бир минтака халқларининг ўтмишдаги диний таълимотлари моҳияти, балки шунингдек, уларнинг ҳозирги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг маънавий асосларини англашда ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, "Мустақил Ўзбекистоннинг кучқудрати манбаи ҳам, халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир" (35:56). Шунинг учун ҳам бундай содиқлик анъанаси руҳидаги илмий тадқиқотлар натижасини, Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистоннинг илмий, иқтисодий ва маданий-маърифий муносабатларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган хайрли ишларнинг фандаги мантиқий давоми, дейиш мумкин.

### **Ҳиндистонда исломгача бўлган диний-маънавий муҳит**

Дунё динларининг тарихи, фалсафаси ва маънавий-ижтимоий моҳиятини ўрганиш ҳамда уларни ўзаро қиёсий таҳлил қилиш соҳасида буюк Абу Райхон Беруний кўрсатган шиҷоат, шубҳасиз беқиёс. Чунки, аллома ўзга диний қадриятлар ҳақида сўз юритищдан олдин, танланган мавзунинг ўз жамиятида муаммоли туюлиши мумкин бўлган барча жиҳатларини одам ва олим сифатида енгиги ўтиши керак эди. Зотан, шу асосда «Ҳиндистон» асарини ёзишда тутилган йўл ва илмий услуб, унинг қуйидаги «муқаддима»сида аниқ ўз аксини топган:

“...Кимки бу ишнинг аҳамиятини тўғри тушунса, менинг ҳинҷ тилидаги(мусулмонлар тасаввурига) ўхшаш ва қарама-қарши бўлган асарлар

таржимаси устида тинмай ишлаганлигим ҳамда мазкур иш масъулиягини ўз бўйнимга олганлигимдан ажабланмайди. Аммо, кимки бундан нотўғри ҳукм чиқарса, мени ақлсиз деб билиб, меҳнатимни ўзбошимчаликка йўяди. Менга ҳинд китоблари ҳарфма-ҳарф ўқиб берилгач, уларнинг мазмуни-ни англаб етганимдан кейин, ўқишга чанқоқ кишиларни бу манбалар мазмунидан бенасиб қолдиришга виждоним йўл қўймади ...

Мен араб тилига икки манбани таржима қилиб тутгатдим: бири, "Санкҳя"<sup>1</sup> деб аталувчи икки азалий ибтидонинг тавсифи бўлса, иккинчиси, руҳнинг тана исказжасидан озод бўлиши ҳақидаги "Патанжалий" номи билан машҳур асар. Агар Аллоҳнинг иродаси ихтиёр этса, ушбу иш илгари номи зикр қилинган икки рисола ва шу мазмундаги бошқаларининг ҳам ўрнини босишига умид қиласман" (6:21,60).

Албатта, ҳар бир даврда неки мафкуравий ёки сиёсий-ижтимоий тизм бўлмасин, унда ҳамиша мавжуд илмий-тадқиқий ишлар тамойили ва маҳсулига терс келувчи тўсиқлар қатори, уларнинг асл мазмуни ва мақсади қадрига етувчи зоти шарифлар ҳам топилган. Шу жумладан биргина Беруний фаолияти мисолида айтиш мумкинки, аждодларимиз узоқ ўтмишдан доимо башариятнинг диний, илмий-ижодий меросини асраб-авайлаб келганлар ва тарғиб қилганлар.

Агар Ҳинд ярим ороли халқлари маданияти тарихига атрофлича назар солсак, қадимдан уларнинг диний манбалари, миллий анъаналари, адабиёти ва санъати билан қизиқсан ҳамда тарғиб

<sup>1</sup> Эрамиздан аввалги VII асрда Капила томонидан яратилган дуалистик руҳдаги фалсафий асар.

қилган илму маърифат аҳли ўтганлигини кўрамиз. Масалан, араб адабиётида дастлаб ҳиндлар ҳақида очиқ хайриҳоҳлик руҳида маълумот берганлардан бири басралик ал-Жоҳиз эди:

“Бизга аён бўлишича, ҳиндлар илми нужум ва алжабрда жуда илгарила бетишган ва ҳатто, уларнинг ўз ёзувлари бор. Ҳиндлар тиббиётда ҳам муваффақиятта эришишга улгуриб, муолажа сирасорини ҳам эгаллаганлар, айниқса, ўта оғир хасаталикларни даволаш борасида.

Улар тошларни ўйиб ҳайкаллар ясайдилар... Шатранж ҳам уларники бўлиб, бу – энг нуфузли ва такомил ақл-заковат талаб қиласидиган ўйин... Улар заҳар ва оғриқча қарши ўқиласидиган дуюю афсунларни биладилар.

Ҳиндларнинг қўшиқлари ажойиб, шеърияти эса ниҳоятда бой... У ерда нотиқлик санъати, тиббиёт, фалсафа ҳамда этика фоятда ривожланган. “Калила ва Димна” ҳам ўшаларники. Қатъиятлик ва қаҳрамонлик уларга хос хусусиятдир. Ҳиндларда бор нарсалар ҳатто, хитойларда ҳам йўқ.

Одам ато ҳам жаннатдан тушиб уларнинг юртига равона бўлган экан...”(6:9).

Аббосийлар даври ижодкори ал-Жоҳиз асаридаги ҳиндлар хусусидаги хабарлар, асрлар ўтиб Farb ва хинд олимлари томонидан янада янги – гўё «дунё цивилизацияси Ҳиндистондан ибтидо олган»идек ёки шу тушунчага яқин тарихий фактлар билан бойитилди:

“Ҳинд маданиятининг қадимиyllиги шубҳасиз омил бўлиб, бу ҳақиқат Шарқ ва Farb мутафаккирлари томонидан тан олинган. Таълим-тарбия соҳасида ҳиндлар Наланда, Таксила ва Катакада дунёда биринчилардан бўлиб ўз универсиитетларига эга бўлганлар. Назм ва насрда “Маҳаб-

ҳарата" ёки "Рамаяна"дек муazzзам достонларни яратган бирор миллат йўқ. "Панчантантра"нинг ўзи шундай асарки, уни мазмуман бирор бир машхур бадиий манбага таққослаш қийин. Акс ҳолда у араб, форс, лотин, испан, хитой ва яна кўплаб бошқа хорижий тилларга таржима қилинмасди. Балки өшитмаган кишиларга қизиқ туюлар, лекин парижлик профессор Лассан, арабларнинг «Минг бир кечаси ҳам ҳиндлардан олингандигини аниқлаган. Еарб мутахассислари холосасига мувофиқ, "ҳиндлар фалсафада ҳам юонон ва римликларга қаранганди пешқадам бўлганлар».

Доктор Сеалнинг айтишича, "Ҳиндлар биринчи бўлиб мурдаларни текшириш тажрибасига эга бўлгач, жарроҳлик қилганлар ва қасалхоналар қурганлар". Аниқ фанлар – математика, геометрия ривожланган ва унинг бир қисми араб ва форсларда «Іт-i-Hinsa»<sup>1</sup> деб қабул қилинган. Астрономик жадваллар мелоддан уч минг йил муқаддам тузилиб, ер куррасининг ўз ўқи атрофида айланиши эрамиздан аввалги V асрда кашф этилган" ва ҳоказо(99:29–42).

Агар ҳиндларнинг илм-урфонда эришган муваффакиятларидан энди уларнинг бевосита диний-фалсафий дунёқарашларига ўтсак, ал-Жоҳизнинг Одам ато тўғрисидаги маълумотига муқобил қуйидаги омил тавсифига дуч келамиз:

"Веда"<sup>2</sup> илоҳий қаломидан кейинги "браҳманлар"<sup>3</sup> ва "пуранлар"<sup>4</sup>да ёзилишича, "Браҳма" –

<sup>1</sup> Атамалар қайди асл манбаларда ёзилган шаклда берилди.

<sup>2</sup> Веда – санскрит тилида "билим" дегани.

<sup>3</sup> Браҳманизм таълимотининг манбалари.

<sup>4</sup> Пуран – ўн саккиз қисмдан иборат бўлиб, ведаларнинг шарҳига бағишланган асар.

дан икки жинсли Ману туғилган<sup>1</sup>. У ўзининг аёллик қисмидан икки ўғил, уч қиз кўрган ва улардан беадад "ману"лар пайдо бўлган. Шунда Притҳвий номи берилган манулардан бири подшо бўлгач, ер курраси ҳам унинг номи билан атала бошлаган, яъни "Притҳвий" деб. Биринчи подшо ерни ўрмонлардан тозалаб, уни экин экишга тайёрлагач, мол-ҳол боқиши ва савдо-сотиқ қилиш учун керакли барча шароитларни яратган.

Ака-укалар ичида "ўнинчи ману" энг машҳури эди. У подшолик қилган даврда ер юзини сув босиш хавфи туғилади. Тангри Вишну уни яқинлашиб келаётган оғат ҳақида огоҳлантирганида, у ўз оила аъзолари ва «етти қария аллома»ни омон сақлаб қолиш учун кема ясади. Вишну эса, наҳанг балиқ шаклига кириб, оғзидаги кема билан сузиб тоғ чўққисига етиб боради. Кемадагилар то сув тошқини тутагунича, шу ерда жон сақлаб, сўнг соғ-саломат ўз маконларига қайтишади. Яна Ману оиласидан одамлар тарқалади.

Манунинг тўққизинчи кенжা ўғли ҳам икки жинсли туғилиб, у шунинг учун икки ном билан маълум: Ила ва Илаа. Кейинчалик бу зотдан икки сулола ибтидо олган: "Сурявамша" – "Қуёш сулоласи" ва "Чандравамша" – "Ой сулоласи"(117:28) Шунинг учун "Ведани инсон ақл-заковати махсули эмас, балки ғайб оламидан нозил бўлган деийлади".

Ведани ҳиндупарастлар гоҳо "шрути" номи билан ҳам аташади. Атаманинг лугавий маъносига мувофиқ "шрути" сўзида, тинглаш орқали ўзлаштириладиган илм ифодаланади. Бу муқаддас калом

<sup>1</sup> Браҳма – «Бҳагавд – гита»даги таърифга кўра, ҳинду динида Тангрининг яратганлари ичида энг "аввали" ҳисобланади.

илмидан аввал бошда Тангрининг илк яратган тирик зоти Браҳма хабардор қилинган, ундан сўнг Уўз билганларини Нарада ва шогирдларига, улар ўз навбатида ўқувчиларига етказганлар" (84:10).

Диншуносликда эса, Веданинг пайдо бўлиш сабаби ва даврига доир турли фикрлар мавжуд. Ҳа, айрим европалик диншунослар ҳинд теологияси хуросаларини тасдиқлайдилар. Ва хусусан, проф. Макс Мюллер эътирофи бўйича, "Веда адабиёти бизга бирор ерда параллел равишда учрамайдиган билимнинг дастлабки бобини очиб берган". Яна бунга қўшимча тарзда, Веда матнининг қадимиyllигини ҳиндалар, унинг эрамиздан аввалги 2800 йиллардан "Ҳинд-европа тилларининг онаси" бўлган санскритдаги ёзма шаклига ўтилганлиги билан далиллайдилар (99:11). Ҳолбуки, маҳаллий ва баъзи хорижий олимлардан фарқли ўлароқ, "Ведани одам боласининг ижоди дея, уни эрамиздан аввалги иккинчи ва биринчи мингийилликлар орагида ёзилгай" лигини тахмин қилувчи тадқиқотчиликлар ҳам йўқ эмас.

Дарвоҷе, бир қарашда ўрганилаётган мавзу, яъни Ҳинди斯顿га исломнинг кириб келиши ва ўзлашиши тарихи билан гўё беш минг йил муқаддам жорий бўлган Веда динининг бевосита алоқаси йўқдек. Аммо, масалага билвосита ёндашсак, икки турли давр диний эътиқодига мансуб жамиятларнинг ўзига хос руҳий, маънавий, ижтимоий ва маданий жиҳатлари билан юзма-юз келиши ҳамда вақт ўтиши билан уларнинг ягона миллий муштарак хусусият ҳосил қилиши, илмий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим жараён. Шунингдек, Ведадан ибтидо олган браҳманизм, жайнизм, буддизм, йогашастр, бҳактизм ва индуизм каби диний эътиқодлар даргоҳида исломнинг қа-

пор топиши, наинки Ҳиндистон, балки унга чегарадош ва яқин халқлар ҳаётида ҳам муайян ўзгаришлар олиб келди.

Яна, бизнинг мазкурда Ведадан то исломга қадар ўтган асрлар даврида вужудга келган диний-фалсафий таълимотлар тўғрисида сўз очиши миздан мақсад, бу – аввало, Ҳиндистон мисолида дунё динлари мантиқий асосининг бирлиги ва тараққиётининг узвийлигига эътиборни қаратишидир. Қолаверса, фақат шунда, яъни ҳинд диний тафаккури ва анъаналаридан бохабар бўлган ҳолдагина Ҳиндистондаги ислом тарихига объектив муносабат билдириш мумкин. Ва маҳаллий динлар мағз-мантиғи билан танишишни, назаримизда, машҳур ҳинд давлат арбоблари ва файла-суфлари фикридан бошлаган маъқул. Негаки, эътиқоднинг жонли вакили ҳамда билимдонлари-нинг ўз диний қадриятлари тўғрисидаги холосалари, ўтмиш ҳинд диний муҳитини нисбатан реал ҳис қилиш ва шунингдек, Ҳиндистондаги ислом тарихини янада яқиндан кузатиш имконини беради.

“Индуизм, – деган эди ҳинд халқининг отаси Маҳатма Гандий, – аслида ҳақиқат ва “аҳимса”га<sup>1</sup> асосланган, шунинг учун унда ўзга диний эътиқодлар билан зиддиятга ўрин йўқ”. Зоро, “ҳиндупарастлик – бу бамисоли жами динларни ўзида қамраган бир баҳри уммон. Лекин ҳозирда унинг фожиаси шундаки, ҳиндистонликлар ўз манавий “мерос”и и унитган кўринади”<sup>2</sup>.

Ёки, машҳур ҳинд диний рефарматори Сва-

1. Аҳимса – тирик жонзотга зиён-захмат етказмаслик ҳақидаги таълимот.

2. Маҳатма Гандийнинг 1939 йил 25 март ва 1947 йили 14 декабрдаги нутқларидан.

мий Вивекананда фикрича, "...Ҳар бир эътиқодда уч поғона мавжуд: аввалига биз Яраттанни жуда узоқдан кўрамиз, сўнг Унга яқинроқ келамиз ва ниҳоят, Уни чексиз қудрат сифатида қабул қилиб, Унда яшай бошлаймиз ва охир оқибатда ўзимизнинг ҳам У эканлигимизни англаб етамиз..."

Биз ҳиндларнинг наинки бағримиз кенг, балки барча дин вакилларини эътироф ҳам этамиз — хоҳ у масжиддаги тақводор мусулмон бўлсин, хоҳ зардуштийлик оташпари бўлсин ёхуд хоҳ у хоч нишони тақъсан христиан бўлсин..."(99:12).

Ва ниҳоят, Ҳиндистоннинг собиқ президенти доктор С.Радҳакришнан тушунчасида, "Барча динлар бизларга ўз-ўзимизни англашга берилган имкон сифатида ҳаётни кузатишни талаб этади...

Будда биздан билим излашни сўради, ўзга турли динлар эса, табиатимиздаги маънавият талабига терс "авидя"-жоҳилликни "видя" — "билим"га ва ақл-заковатга ўзгартиришни"(118:9–17).

### *Веда дини ва тароналари*

Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" асарида ёзилишича: "Веда — муқаддам маълум бўлмаган билимни англатади... Уни ҳиндлар Олий тангрининг Браҳма тилидан айтган сўzlари, деб ишонадилар..."

Ведалар (таркибан) фармойиш ва тақиқлар, рағбатлантириш ва қўрқитиши, мукофат ва жазо (ҳолатлари)ни ўз ичига олган. Уларнинг катта бир қисми ҳамду сано ҳамда мушкул ва санаб адогига етиб бўлмас олов-оташга ташланадиган қурбонликлар(ҳақида кўрсатмалар)дан иборат».

Бордию, олимнинг ҳинд диний манбаидан келтирган иқтибосини бироз кенгроқ тафсилласак, Веда ҳар бир ҳинд учун табиатнинг инсон

ақли бовар құлмайдиган құдратли күчлари иродасига бўйсуниш, уларни эъзозлаб марҳаматига ноил бўлиш ва бу йўлда қурбонликлар қилиш кераклиги тўғрисидаги тароналардан таркиб топган диний қомусдир. “Бу илоҳий қаломни қуи табақа вакилларидан сир тутилиши маҳсус кўрсатмаларда уқтирилиб, уларни сўзсиз бажарилиши қатъян талаб қилинганд”.

Ривоятларда ведаларни ёдаки ўзлаштирилишининг асосий сабаби қилиб, қадимда одамларнинг бағоят ақлли, хотиржам, кучли бўлганиклари туфайли бир бор эшиттанини эсда сақлаб қолиш қобилияти зўргидан матнларни ўқиб ўрганишга ҳожат бўлмаганлиги айтилган. Аммо, ведаларга бўлган бундай муносабат ҳар доим ҳам ўзини оқламаганлигини Беруний шундай изоҳланган:

“Улар ведаларни фақат муайян оҳангларга солиб куйлаш вожиб бўлганлиги учун ҳам ёзиб олиш тақиқланган, деб ўйладилар. Улар(шунингдек) қаламда ёзилган матн (асл) мазмунни ифодалашга ожизлигидан – бирор нарсани қўшилиб кетиши ёки тушиб қолишидан қўрқадилар. Шу сабабдан (ҳиндлар) ведаларни кўп маротаба йўқотганлар... ”(6:141)

Илоҳий қаломни ёдаки ўзлаштириш фақат ҳиндларда эмас, дунёning бошқа эътиқодлари, хусусан, исломда ҳам тажриба қилинганд:

“Расулуллоҳ ва мўъминлар Қуръондан бирон бир оят йўқолмаслигига ишончлари комил эди. Бунда ёзишдан кўра ёд олиш қобилиятига эътимод қилинарди. Араблар ўзларининг муҳофаза қувватларига жуда ишонардилар... Шунинг учун ҳам улар Қуръондан нимаки нозил бўлса, дарҳол

дилларига жо этардилар. Саҳобаларнинг Қуръонни ёд олишга бўлган завқу шавқларига далолат қиладиган хабарлар кўп"(82:1 – 12).

Эътибор берилган бўлса, Веда ҳақида адабиётлардан олинган иқтибосларнинг баъзиларида бу манба бирлиқда, бошқаларида эса кўплиқда, яъни "ведалар" номи билан зикр қилинган. Гап шундаки, ибтидода яхлит нозил бўлган Веда, "борган сари инсон умрининг қисқариши, хотирасининг кучсизланиши сабабли бундан беш минг йил муқаддам уни биринчи бор Вясадева «калиюг»<sup>1</sup> – охирзамон одамлари учун ёзма равишда қоғозга туширган. Сўнг, у саводхон оиласдан чиқадиган зиёлиларнинг тафаккур имкониятларини инобатта олиб, Веданинг туб мағзини тушинишга ёрдам берувчи "упанишадлар"<sup>2</sup>, пурандар сингари асарларни яратган..."(84:15).

Веда тафсири мақомидаги асарларнинг нима учун тартиб этилганлиги, иккинчи бир йирик диний манба "Вҳагавад–гита"да, инсониятдаги маънавиятнинг ахир бориб манфаат мойиллигига юз тутиши асосида шундай тушунтирилган:

"Унутувчан зотлар ёки шартли руҳлар(одамлар) моддий дунё фаолиятига берилиб кетиб, Олий тангри билан ўз ибтидоий ришталарини йўқота борадилар. Айни ўшаларнинг тафаккур қувватини қайта руҳий оламга жалб қилиш учун Кришна давланнаяна Вяса ўзидан Веда адабиётига таалуқли қуйидаги асарларни қолдирган:

<sup>1</sup> Калиюг – ҳиндулар ҳисобида, қарийб беш минг йил муқаддам бошланган ва қиёмат кунигача давом этадиган жанжал – тўпалон ва мунофиқликлар даври.

<sup>2</sup> Упанишадлар – фалсафий трактатлар ва метофизик талқинлар йиғиндиси. Уларда шунингдек, Универсал руҳ ва индвидуал руҳнинг бирлиги ҳақида фикр юритилади.

"У аввал Ведани тўрт қисмга бўлиб, уларнинг мазмунини пуранларда баён этган. Нисбатан иқтидори паст кишилар учун бир қисми "Бҳагавад-гита"<sup>1</sup>дан иборат "Маҳабҳарата" эпосини ёзган, кейин Веда адабиётини "Веданта-сутра"да умумлаштириб, уни келажак авлодлар учун "Шри-мад-Бҳагавад" номи билан атаган(17:41).

Ҳиндупарастларнинг Вясадева томонидан тўрт қисм ёки гуруҳга бўлинган илк илоҳий манбаи "ригведа", "самаведа", "яжурведа" ва "атҳарваведа" номлари билан аталиб, жамланган тарзда уларни "самхит" дейилган. Яхлит манбани тўртга бўлиниши бежиз бўлмгани каби, бу шунингдек, қурбонлик қилиш жараёнида роҳиблар фаолиятидаги масъулият турлари билан ҳам боғлиқ эди.

Мана шундай қурбонликларнинг бирида, эмишки, "ригведанинг билимдони "хотар" маросими вақтида хос тароналар билан худоларни чақирган, самаведанинг билимдони "удгатар" маросимида тегишли қўшиқларни куйлаб борган, яжурведанинг билимдони "адҳварю" маросимини дуюю афсунлар билан адо этган. Браҳман-назоратчи эса, бош-қош сифатида роҳибларни кузатиб турган. Мутахассислар фикрича, диний жараённи бундай "яхшилик келтирувчи атҳарванроҳиблар"нинг ўзаро узвий иштироки билан амалга оширилиши, ўша давр талабига яраша тўлатўкис ўзини оқлаган бўлиши керак"(21:188).

---

<sup>1</sup> Бҳагавад-Гита – "Маҳабҳарата" эпосининг муайян бир қисми сифатида, дунёнинг яратилишидан то қиёмат қоимгача бўлган даврлар тарихини ўзида акс эттирган. Бу жараён, тангри шри-Кришнанинг садоқатли дўсти Аржун билан қилган суҳбати орқали баён этилган.

Энди, ведалар тўғрисида муайян маълумотга эга бўлгач, улардаги турли кўрсатмалар, вожиб амаллар ва умуман, ухровий ҳамда дунёвий масалаларнинг айримлари билан бевосита асл матнлар орқали танишишга ўтамиз. Қўлимиздаги "Ригведа"нинг кириш қисмидаёқ, ўқувчиларни мутолаа вақтида учраши мумкин бўлган баъзи қийинчиликлардан огоҳлантирилган:

"Лингвистик жиҳатдан оддий, лекин концептуал нуқтаи назардан ниҳоятда "провакацион характер"даги тароналарнинг юзлаб комментариялари, Ҳиндистон теологлари ва Farb олимлари ўртасида жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган. Чунки, улар аксарият ҳолларда фақат ишни мушкуллаштирибгина қолмай, жавобсиз саволлар ҳамда талай парадоксал масалаларни келтириб чиқариши билан ҳам характерли..."(128:25).

### *Rigveda taronalari*

1. Аввал бу ерда на йўқлик ва на борлиқ бўлган; на бирор фазовий мавжудлик – на осмон бўлган. Бирор тирик жон бўлганми? Қаерда, кимнинг ҳимоясида? Об-ҳаёт бўлганми (ё) тубсизликми?

2. Аввалида бу ерда на ўлим ва на мангалик бўлган; на бирор тун ёки кунни ажратувчи белги<sup>1</sup>. У ҳавобсиз нафас олган – ўзи. Қолгани эса, йўқликдан иборат бўлган.

3. Аввалида қоронгулик зулматнинг ичидаги яши-ринган бўлган; бирор ажратувчи белгисиз ҳаммаси сув бўлган. Бўшлиққа йўғрилган ҳаёт «тапас»\* кучи билан пайдо бўлган.

\* "Тапас" – иссиқлик маъносида келиб, иссиқлиқдан эса ҳаракат пайдо бўлган.

4.Аввал бошда истак пайдо бўлган; у – дастлабки онг уруғи бўлган. Кавий<sup>1</sup> аҳли ўз юрагидан онг билан йўқлиқдан қидирган борлиқ риштасини топган.

5.Ришта воситалари тўрт томонга тортилган эди<sup>2</sup>. Ости бўлганмиди? Усти бўлганмиди? У ерда уруғлантирувчилар бўлган; у ерда куч-қувват<sup>3</sup> бўлган. У ерда туртки қуиидан бўлган, кейин юқоридан.

6.Ким аниқ билади? Ким уни бу ерда эълон қиласди? У қандай қилиб яратилган? У қандай яратилмиш? Худолар борлиқ<sup>4</sup> яралишидан кейин келган. У ҳолда ким унинг қандай пайдо бўлганлигини билади?

7.Бу яралмиш қандай пайдо бўлган – балки у ўзи шакллангандир ё бундай эмасдир – балки фақат фазодан унга қараб турган Зот билар – ё балки У ҳам билмас.

### *Нутқ таронаси*

1.Мен Рудралар, Васуслар, Адитялар ва барча илоҳлар билан ҳаракатланаман.

2.Мен мағрур Сома<sup>5</sup> ва Твастр ва Пусан ва Ваҳаганийни олиб юраман. Мен сомани чеклаган ва қурбонликни таклиф этувчилар ҳамда эъти-

<sup>1</sup> "Кавий" сўзи таронада "шоир" ёки "муқаддас зот" маъносидан истифода этилган.

<sup>2</sup> "Борич" учун чизимча, яъни буни ўлчагич маъносидан келганилиги тахмин қилинади.

<sup>3</sup> Юқоридан – музаккар уруғлантирувчи, қуиидан – муаннас назарда тутилади.

<sup>4</sup> Бу – илоҳлар яратувчи эмас, чунки улар борлиқ яратилгач келганлар.

<sup>5</sup> Сома – Веда илоҳлари пантеонидаги худоларнинг бири ва шунингдек, худолар учун сармаст қилувчи ичимлик тайёрланадиган ўсимлик номи.

қодли фидойиларни бойлик билан мукофатлайман.

3.Мен "қироличаман" – бойликларни жамлашишида, ҳатто энг устомони ҳам уларнинг орасида қурбон бўлишга арзийди. Илоҳлар Мени "бир неча бўлакларга бўлдилар", шунинг учун Мен турли ерларда ва шаклларда яшайман.

4.Кимки таом еса, кимки ҳақиқатда ҳам кўрса, кимки нафас олса, кимки гапни эшитса, у буларни Мен орқали қиласди. Ваҳолонки, улар мени англамайдилар, (лекин) улар Менда яшайди... Тингла, бу – сени улар эшитган:<sup>1</sup> Мен сенга айтганим – албатта бажарилади.

5.Фақаттина Мен – ўзим айтганим илоҳларга ва одамларга хурсандчилик бағишлайди. Кимники Мен севсам(унигина Мендан) қўрқувчи қиласман; Мен уни мутафаккир, доно ва браҳман қиласман.

6.Мен Рудра учун камонни эгаман, шунда унинг пайкони...санчилади. Мен одамлар орасида баҳс<sup>2</sup> қўзғатаман. Мен осмон ва ерни қамраганман.

7.Мен мазкур дунё остига түғилиш берганман. Менинг бачадоним уммон остидаги сувда. Ана шу ердан Мен барча яратгаларимни тарқатаман ва бошимдаги тож билан осмонга қадар етаман.

8.Якка Мен ўзим бамисоли шамолдек эсиб, барчаки бор мавжудотни қучаман. Осмону фалаклардан узоқларда, ер куррасидан узоқларда, мана

<sup>1</sup> Адабий талқинда, кимнингдир эшитилганлиги ёки кимнингдир машҳурлиги.

<sup>2</sup> Тахминан ҳақиқий жанг эмас, балки оғзаки баҳс ёхуд тортишув назарда тутилмоқда.

Менда құдрат қанчалик – осмон ортида, ернинг ортида, мана, қанчалик үз улуглигимга эришганман(128:63).

### *Саховат таронаси*

«Афоризм руҳидаги ушбу тарона тақводор ва қолған барча инсонларни саховатли бўлишга чакиради. Бу ерда шунингдек, ўзи ва ўзгага хизмат қилиш ҳақида панд–насиҳатлар ўрин олган: омад ўзгарувчан ва кимгаки сиз ҳозир (нимадир) берган бўлсангиз, у ҳам сизга аввалроқ (ўшани) берган бўлиши мумкин<sup>1</sup> ва бу балки яна қайтарилар».

1. Албатта илоҳлар қон тўклишига ижозат бермайди. Тўқ қиши ҳам ўлимдан мустасно эмас. Бой қиши бергани билан бойлиги камаймайди, лекин зиқна бойиса, ундан ҳеч ким барака топмайди.

2. Бадавлат бўла туриб, ғарибларга нисбатан юраги тош кишининг ёнига йўқчиликдан қийналган ва оч қолған кимса келса,(билинки) балки у ҳам унга<sup>2</sup> қачонлардир – ҳеч ким раҳмдиллик қилмаганида ёрдам бергандир.

3. Кимки, ўзига мурожаат қилган ночорга саховат кўрсатиб таомлантирса, у ўзини инсон хизматига бағишлийди, балки уни ҳам «ғариб» келгусида ўз дўсти билар.

4. Кимки, ўз таомини дўстидан дариг тутар экан, у дўст эмас, (садоқатдан) четлашди. Бундай дўстдан юз ўгириш жоиз; бу энди унга тўхтай-

1 Ҳиндупараастлиқдаги “қайта туғилишлар” силсиласи назарда тутилаяпти.

2 Бу ерда ҳам қайта туғилиш силсиласига биноан, бойнинг ҳам балки қачонлардир – аввалиги туғилишларининг бирида камбағал бўлганлиги эслатилмоқда.

диган жой эмас. Унга бошқа – қўли очиқ кишини топиниң керак, майли, у бегона бўлса ҳам.

5.Бегона бўлса-да, ўзидан кўра ўта ночорга берсинг. У бу узоқ "йўл"га<sup>1</sup> эътибор билан ҳарасин. Бойлар учун(бу) арава фиддираклари ҳаракатининг биридан иккинчисига ўтиши – айланishiдек таш.

6.Ўзидан нарини кўролмайдиган киши учун истоъмол қиласидан таоми бефойда; Мен ҳақиқотни гапираман: бу – унинг ўлими. У бундан на хомий топади ва на дўст. Ўзи ёлғиз таом ейдиган одам, фақат ўзига ўзи ёлғиз<sup>2</sup> қийинчиллик келтиради.

7.Ерга ишлов берадиган омочгина одамни боқади; юрган оёқларгина йўлни ўз ортида қолдиради. Роҳиб гапирмайдиган кишидан яхши гапиради. Бегараз бергувчи дўст бундай қилмайдигандан афзал.

8.Бир оёқ Икки оёқдан афзал; Икки оёқ Уч оёқни ўз ортида қолдиради. Тўрт оёқ икки оёқнинг чақириши билан ёнига келади – унинг подасини қўриқлади ва унга хизмат қиласиди<sup>3</sup>.

9.Икки қўл бир хил бўлса-да, бир хил иш қилолмайди. Икки сигир бир онадан туғилган бўлса ҳам бир миқдорда сут беролмайди. Икки эгкзакнинг куч-қуввати ҳам бир хил эмас. Икки қариндош-уруг ҳам бир хил сахий бўлмайди(128:68–69).

1 Инсон ўз ҳаёт йўлида турли мушкилотларга дуч келиши мумкин.

2 Зиқналил қилиш охирни кишининг бошига қашшоқлик ва очарчилик келтиради.

3 Юнонларнинг сфинкси тимсолида одам аввал тўрт оёқда(эмаклаётган бола рамзида) юрган, кейин икки оёқда(рисоладаги одам) ва охирда уч оёқда, яъни қарилиқда хассага таянган ҳолда. Айни ташбих ҳинд талқинида: Бир оёқ – бу қуёш( муаммоли ўҳшатиш бўлса ҳам Ведада кўп зикр этилган). Икки оёқ – бу рисоладаги одам, уч оёқ – бу хассага таянган қария ва тўрт оёқ – бу ит.

Ригведанинг уччала таронасида ҳам кўрдикки, тақвадор ҳиндупараст учун берилган диний-дунёвий, маънавий-ижтимоий ва фалсафий таҳлиллар ҳамда ҳаётий кўрсатмалар ўз руҳи, маслаги ва мақсади билан кейинги пайғамбарларга нозил этилган йирик диний эътиқодлар мантиғига анча яқин. Айниқса, икки ижтимоий қатлам вакиллари – “оч ва тўқ” ёки “бой ва камбағал” ўртасидаги тағовут ўрнини меҳр-муруват, инсоф ва диёнат каби комил инсоний фазилатлар эгаллашига даъват этиш борасида. Бироқ, шуни ҳам унитмаслик керакки, ведаларда, насоролик ёхуд исломдан фарқли ўлароқ, бандасининг жаннати ҳам, дўзахи ҳам унинг кармаси – яхши ё ёмон аъмолига қараб шу дунёning ўзида ва ҳали бу мавзунинг таҳлилига яна қайтамиз.

Ҳозир эса, “индуизм илоҳияти” тўғрисидаги монотеистик эътиқод тақво аҳли хулосасига хос айрим англашилмовчиликларга ҳинд теологияси кўзи билан ойдинлик киритишга ҳаракат қиласиз. Чунки, ҳар бир соҳадаги сингари диний масалада ҳам, унинг аслиятидан бехабар ҳолда юзаки тасаввурлар таъсирига берилиш, нафақат бирор маънавий қадриятга нисбатан беписандлик, балки бу шунингдек, у ёки бу ҳалқнинг ҳаёти ва умуман тарихига терс тушунчада бўлиш билан баробар. Бунинг оқибатида миллатлар, ҳалқлар, ҳаттоқи, давлатлар ўртасидаги соғлом муносатларга ҳам путур етиши мумкин. Шунинг учун, индуизм ибтидоси бўлган Веда динининг аслида монотеистик эътиқод эканлигини ҳинд диншунослари қандай омилларга асосланиб талқин этишларини, олдин маҷаллий ва хорижий нашрларда бир кўздан кечириб, сўнг хулосани холисона таҳлил қиласиз.

"Агар ведоларга бўлган ўзга эътиқод вакил-  
лари мунисабатига келсак, — деб ёзган машхур  
"Ревл индуизм" асарининг муаллифи Гокул Чанд  
Наранг", мусулмонлар орасида ҳам кучли та-  
фикакур соҳиблари Веданинг Тангри томонидан  
Навиля ғулиғонлигини тан оладилар. Гарчи, Веда-  
нинг табииатни илоҳийлаштириб, турли худоларга  
сигинишни тарғиб қилувчи манба эканлиги ҳа-  
қидаги фикрлар жуда кенг тарқалган бўлса-да!<sup>1</sup>

Бу тажриба аслида ведаларни хато тушу-  
шилишидан келиб чиқсан, уларнинг тўғри талқини  
клити оса, ригведанинг ўзида. Мутафаккирлар Аг-  
ни, Индра, Суря ва Ваю худоларини «Олий мавжуд-  
лик»нинг турли аспектлари ва қудрати рамзида  
билидилар ва «У — ягона!». Мен, ҳар қалай, бу ху-  
суслаги масалани сэр Авробинда Ғҳошдан кўра ях-  
широқ бритиб беролмасам керак. У киши шундай  
дигоне: "Веда тароналари, Унинг сифатлари ва қуд-  
ратини ўзида мужассамлаган турли номлар остида-  
ти ягона Илоҳни тараинум этган".

Бу дегани, ҳали минглаб йиллар муқаддам  
мопотеизм ёки Худонинг бирлиги гояси бирор  
бонқа дин асосчиси томонидан эндиғина тарғиб  
қилинаётган даврда, индуизм уни эътироф этиб,  
ведоларда ягона Илоҳ ҳақиқатини аллақачон ил-  
гори сурған эди" (99:54–60).

Муаллиф ўз холосаси амалиётини ведалар  
ҳамда уларнинг тафсири — упанишадлардан кел-  
тирилган иқтибосларда тасдиқлаб, қуйидаги қатор  
нега матти парчаларини эътиборга ҳавола қиласди:

"У шок ва поклайди"(Rig.VIII 13,19...)."У бар-  
чанинг қўриқчиси ва албатта макони.(Rig I.31.13  
15...).

<sup>1</sup> Наранг:Romila Thaper. A short history of India. London. 1991.p.46.

"У ягона, оддий, ёлғиз. У барча нафас олувчи яралмишларни кўради, улар эса йўқ." (Atharva.XIII-4-14-21).

"У – кимларки ўзини изласа, улар барча – сининг ҳақиқий дўсти(Rig. I. 10.6.1.11...)..."

"У барчанинг таянчи ва маркази, барча шу Устунга суянади, уларнинг "совути"ни эса фидо – иилигида белгилайди"(Rig.I.59 – !.VIII.17.14).

"У кўринмасни кўради, эштилмасни эши – тади, ўйланмаганини ўйлайди, номаълумни билади"(Brihad III.7.).

"У ҳаёт беради, қазо Унинг илкида. Барча борлиқ Унинг шарофати билан мавжуд(Athar.XIII 3.3).

"Бутун борлиқ Унинг ҳифзи ҳимоятида, У барчанинг эгаси, кўринмай ҳамма ерда яшайди, Уни таниган ақлли ва художўйлар ўлим чангали – дан озод бўлади"\*(Shveta VI. 2.3.).(128:63,65).

Ёки ведаларнинг иккинчи бир ҳинд тадқи – қотчиси Абдураим Гаваҳи, коинот ва мавжудод – нинг илоҳий эманациядан пайдо бўлганлигини айтиб, у "ҳинд, эрон ёхуд хитой диний манбаларининг турли бўлгани билан "Ҳақиқат" ҳақида улар ўзаро ўхшашлигини ургулайди, зеро, улар фақат тавсифда турли, лекин асосий масалада ҳам – фикр». Ва унинг назарида, жами ривожланган мистик доктриналар асосини ведалар ва упани – шадлардан топиш мумкин!(92:61 – 63).

Модомики сўз Веда тарихи, фалсафаси ва унинг монотеистик руҳияти тўғрисида борар экан, бу эътиқоднинг ҳинд маънавий, маъмурий – ижти – моий ҳаёти мазмунига айланган қонун – қоидаларининг мингийилликлар мобайнида ўз тамо – йилларида қоим қолишида, жамиятдаги табақа

тизимининг маслаги ва моҳиятини ҳам унутмаслик керак. Тизим ҳиндупараст турмуш тарзининг тўрт асосий – артериал қон томири бўлиб, уларнинг ҳар бирида инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеига мувофиқ тоат-ибодати, хулқ-атвори, юриш-туриши ва емоқ-ичмоғи каби руҳоний ва жисмоний амаллари мужассамланади.

Аксарият учун ғайритабии бўлиб туюлиши мумкин бўлган бу тизимнинг замини ва мантиғига ҳиндларнинг кўзи билан қарагудек бўлсак, табакаланишинг жамиятни бошқарища энг самарали услуг сифатида баҳоланиши, кишини бироз ўйлантириб қўяди. Лекин биз учун бу "муаммо"да муҳими, унинг ижобий ёки салбий томонлари ёмас, балки уларнинг фалсафий мағзини билиш ва реал маълумотга эга бўлиш. Шунга кўра, мавзу бўйича асосий эътиборни яна бевосита ҳинд телологлари ёки файласуф давлат арбоблари мушоҳадасига қаратамиз. Чунки, уларнинг ўзлари маълум табақа вакиллари бўлишлари билан бирга, ҳинд ва жаҳон динлари тарихига доир тадқиқотлардан боҳабар эканликлари, тизимнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритишга ёрдам бериши муқаррар. Масалан, Ҳиндистоннинг собиқ Бушвазири Жавоҳирлал Нехру, "Табақа тизими, орийларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетмасликлари ва ўзларининг забт этилган ирқдан алоҳида нуфузли эканликларини сақлаб қолишга бўлган интилишлари оқибатида юзага келган", деб ҳисоблади(22:44).

Бизнингча, юқоридаги таърифнинг тарихий, яъни орийларнинг Ҳиндистонга қачон ва қаердан келганлиги ҳамда бу ерда улардан муқаддам мавжуд бўлган қадимий цивилизация асосларини бил-

май туриб, умуман табақаланиш ибтидосини тўғри тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, ўтган асрнинг биринчи чорагидан Ҳиндистонда олиб борилган археологик қазилмалар вақтида «Индводийси»да эрамиздан аввалги учинчи мингийилликда Хараппа ва Маҳенжо-Даро каби ўз даврининг ривожланган марказлари бўлганлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, «Инд водийси»даги деҳқончилик ва ҳунармандчилик иккинчи мингийилликнинг тўртинчи чорагидан, аниқроғи, "орийлар"нинг Ҳиндистонга юришлари билан инқирозга учраган. Баъзи манбалар ҳинд маданиятида орийларнинг тили ва динининг етакчи роль ўйнаганлигини таъкидлайди(21:186–187). Ҳолбуки, бошқа бир тоифадаги манбаларга кўра, "Хараппадаги топилган ёзув қолдиқларини инобатга олганда, "Орийлар ҳиндарларга қараганда анча кеч, яъни факат эрамиздан аввалги 700–йиллардан хат–саводга ўтганлар"(117:42).

"Орийлар дастлаб Ҳиндистонга келганларида уч ижтимоий гуруҳга бўлинганлар: аристократлар, руҳонийлар ва оддий авом. Шу сабабдан бу вақтларда ҳали улар орасида расман табақаланиш бўлмаганлиги учун, касб–ҳунарни бир авлоддан иккинчисига ўтиши ёки оила қуриш масаласи кейинги даврлардагидек фуқароларнинг ўзаро тенглик ҳуқуқига таъсир кўрсатмаган.

Жамиятда насл–насабга қараб бўлиниш соҳасида қўйилган биринчи қадам, бу – "дос"лар, яъни қуллар билан аралашиб кетмасликка қаратилган тадбир эди. Табақа тизимининг ilk бўса-

Гасида ҳатто "браҳман"<sup>1</sup>лар ҳам подшоҳ ва жангчи кшатрийлордни<sup>2</sup> кейин турғанлар. Лекин дин раҳимолори шароитта қараб қўл қовуштириб ўтирамай, төз орада жамиятда энг юқори мавқега эгаллик қилиш мақсадида нафақат подшоҳга илоҳийлик марғабасини берилишига зимдан йўл қўймалар, балки тизимни диний томондан ижтимоий таобақаларга бўлиниши кераклигига ҳам фатво берилб үлгурғанлар"(117:37–38).

Браҳманлар қўллаган чора-тадбир ёки уларниң ҳинд жамияти келажаги йўлидаги «жонбозлиги»ниң бесабаб эмаслиги, қўшни хитойлар тажрибасидан маълум эди. Чунончи, муқаддам илоҳий кучларнинг ибтидоси ҳисобланган «Шанди»<sup>3</sup> ўрнини Чжоулар замонасида «Осмон» эгаллаб, шундан Унинг ҳукмдор билан бевосита ирсий тааллуқдорлиги қарор топиб, Чжоу подшоҳи «Осмон ўғли» унвонига сазовор бўлган. Ёки, айтилил, Японияда эса императорлар «Қуёш худоси»ниң авлоди мақомида тирик худо ҳисобланганлар. Илоҳларни шарафловчи «мацуру» сўзи ҳам «салтанатни бошқариш» маъносида истифода этилган ва ҳоказо.

Агар яна табақа тизими Ҳиндистон учун ўз диний-ижтимоий моҳияти билан ижобий воқеаликми ёки салбий эканлиги масаласига қайтгудек

1 Браҳман – кишиларнинг ҳинд жамиятида тутган ўрни ва касб – кори бўйича табақаларга ажратувчи Веда талқинига кўра энг юқори табақа вакили.

2 Кшатрий – санскрит тилидаги "кшатра", яъни "ҳукумрон"лик сўзидан олинган бўлиб, олий табақанинг иккинчи поғонасига мансуб ҳарбий саркардалар ва аристократлар.

3 Шанди – қадимги Хитой мифологиясида энг Олий илоҳ, луғавий маънода эса, самовий император.

бўлсак, бу жиҳатдан Жавоҳирлал Нехру мулоҳа-залини якунига етказиб қўйилгани яхши.

Пандит Нехру табақаланишдаги ирқий характерни "варна" сўзининг "тана ранги" маъносидан келиб чиқиб, орийларнинг маҳаллий қора танли аҳолига бўлган киборли муносабати асосида белгилаган. У ўз хулосаларида табақа тизимининг салбий томонларидан кўз юммай, шунингдек, ундағи Юнон ва Рим қулдорлик жамиятидан фарқли жиҳатларининг ўз даври учун ижобийлигини ҳам реал баҳолаган:

"Табақаланиш, ўз қусрларига қарамай, қулдорлик тизимидан мутлақо афзал эди: ҳар бир табақа ўз фаолияти доирасида меҳнат қилиб, ҳунарманҷчилик соҳасида юқори сифатларга эришган; ҳар бир гурӯҳ умумий ҳаёт жараёнида иштирок этиб, айни шароитда ўз ҳолига мустақил яшаш эркинлигини ҳам сақлаб қолаверган" (22:225).

Хуллас, ҳинд жамиятида касб-хунарнинг ёки бу тури билан маълум табақа кишиларининг бир умр банд бўлишлари диний тарафдан расмийлаштирилгач, бу қонунга гўё пешонага Тангри ёзган тақдирдек ишонилган. Шунга биноан, ҳунарманҷ ёки хизматкор ўз кори ҳолини ўзгартирган, демак, "гуноҳга ҳам ботмаган". Ва шуни ўз диний аҳкомларидан яхши билганки, "Биронинг касбини мукаммал бажаргандан, юқори даражада бўлмаса-да, ҳар бир киши ўз ишини қилгани дуруст. Сабаби, тақдирда битилган касбнинг масъулияти ҳеч қачон гуноҳ келтирмайди".

Ким билсин, балки худди шу боисдан касбкорнинг қадр-қиймати, баракоти, деярли барча динларда муносиб улуғлангандир! Масалан, мусулмон учун исломий ақидага кўра касб-ҳунар Аллоҳ берадиган ризқ-рўзининг манбай – ҳалол

лукма билди умргузаронлик қилишининг рамзи. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинадики:

"Қоғаси биримизга Аллоҳ таоло бир касб сабабли риг' өтказиб турган бўлса, то ўша қасбнинг ўти ўнгармагунча, бу қасбни ташламанг"(3:81).

Шу иуқтариш зардан исломда мутахассислик масаласига шу қадар жиддий аҳамият берилганки, гўй унга омода қилмаслик ва буни ёдда тутмаслик қиёматиниң оломати:

"Қочонки, ишлар ўз аҳлидан бошқа кишилор қўлиги ўтказилса, қиёматни кутаверинг"(3:101)

Яна, ҳинд теологларининг шу нарсага имони комилки, табақа тизими жамиятда бўлиб турадиган ўғрилик, ноҳақлик, зўравонлик, тажовузкорлик ёки маънавий бузуқлик сингари иллатларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этишининг энг яхши кафолати. Табақа қонунлари бошқалар учун қанчалик инсонпарварлик ғоялагрига зид кўринмасин, Маҳатма Ганди кафолат беришича, "Варнашрама<sup>1</sup> умуман инсон зоти табиатига хос хусусият бўлиб, уни фақаг индуизм таълимотга айлантирган, холос..."(23:477). Узоқ ўтмишдан ҳинд сарзаминида табақа тизими замарида шаклланган диний-ижтимоий муносабатларнинг маҳаллий жамиятда чуқур илдиз отганлиги ҳам шунда!

Дарҳақиқат, Маҳатма Гандийнинг «варна» – табақа тизимининг фақат ҳиндаларга хос эмаслиги тўғрисидаги «кафолат»ида жон бор. Мисол учун, табақа тизими ҳиндаларнинг ён қўшниси хитойларда ҳам қадимдан жорий бўлиб, уларда табақаланиш Ҳиндистондаги Веда дини таркибидағи

<sup>1</sup> Аслида ҳинд динининг номи «варнашрама» бўлиб, унинг луғавий маъноси «варна» – «табака ёки ранг» ва «шрама» – «маскан» ёки «макон» сўzlари йиғиндисидан тузилган.

каби диний-наслій әмас, маъмурий-ижтимоий жиҳатдан ўзаро фарқланган. Хитой давлатларида қуллардан ташқари фуқароларнинг асосий қисмини ташкил қилган озод аҳоли беш қисмга бўлиниб, уларнинг ҳар бири шунга яраша яшаш ва фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган:

Биринчи табақа – подшо бошчилигидағи олий насаб мансабдорлар.

Иккинчи табақа – Чжоу аристократиясининг катта ер-мулк меросхўрлари.

Учинчи табақа – «Чжоу-хоу» мулки меросхўрлари гурӯхларининг сардори.

Тўртинчи табақа – хитой жамиятидаги катта оиласарнинг бошлиқлари.

Бешинчи табақа – оддий авом.

Веда ғояларининг келгуси истиқболи кўп жиҳатдан орийларнинг маҳаллий аҳоли билан бўлган муносабатларига боғлиқ эди. Бунда шунингдек, Веда ва абориген культларининг ўзаро мослашуви ҳам ниҳоятда муҳим бўлиб, бу жараён асрлар оша давом этди. Мазкур бардавом трансформация қатори тафаккур тараққиётининг маънавий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга кўрсатган таъсири, ҳинд жамияти дунёқарашларида муайян бурилишлар ясалishiغا олиб келди. Натижада, Веда томиридан илдиз отган янги таълимот, эрамиздан аввалги биринчи мингийилликдан Ҳиндистонда олий табақа вакили ҳамда диний матнлар<sup>\*</sup> номи билан аталган «браҳманизм даври»ни бошлаб берди.

---

\*Таълимот матнлари номи кўзда тутилади.

## **Браҳманизмда яккахудолик ғоясининг шакланиши**

Янги таълимотнинг ибтидоий манбалари броҳмани роҳиблар томонидан яратилиб, улар асосдан подоларнинг насрий тафсиридан иборат бўлгани: табака тизими, руҳнинг танассули, қурбонлик қилиш, дхарма ва карма – диний-дунёвий вожиб омоплар. Лекин тугал браҳманизм шаклангач, унга подолар фалсафасидан фарқли бирмунча янги ғоялар татбиқ этилди: бири иккинчиси билан алмаштиб турувчи ҳодисаларнинг ўз субстанцияси – Браҳма атрофида содир бўлиши, уларга атаб қандай дуолар ўқилиши ҳамда сўз, фикр, руҳ, ҳиссиёт ўргасидаги алоқалар таърифи ва бошқлар.

Браҳманизм таълимотининг ўз асосига нисбатан табиат қудрати ва ҳодисалари таъсиридан аста узоқлашиб, унинг ўзидан ташқаридаги Таянчини доимий сифиниш обьектига айлантириши ва мазкурнинг упанишадларда ўз аксини топиши, айни замонда, келгусидаги ҳинд диний эътиқодининг энг йирик шакли бўлган индуизм пойдеворига қўйилган биринчи тамал тоши эди. Ёки бу холосани янада аниқроқ тафсил асосида ифодаласак, Веда тароналаридаги Индра\*, Сома, Варуна, Митра, Савитри сингари кўп сонли худоларнинг бирлиқдаги фаолияти бутун борлиқни яратган Пражапатий тимсолида мадҳ этиб куйланиши, унинг яратувчанлик қудрати ва илоҳий нафасининг кейинчалик упанишадларда баён этилиши каби омиллар, ҳиндупарастликдаги монотеизм руҳияти белгиси эди.

\*Индра – Веда эътиқодидаги энг нуфузли илоҳ, уни илоҳлар подишоҳи ҳамда момақалдироқ худоси ҳам дейилади.

Агар Веда ва унга нисбатан эволюцион рухдаги браҳманизмнинг илоҳият тушунчасини умумлаштиrsак, қуидаги холосага келиш мумкин: индуизмдаги кўп худолик, унинг пойдеворининг фақат ташқи қиёфаси, аслида эса, «пракритий ва пуруша» ягона Олий тангриниг инъикоси. Зотан, ведалар талқинида “Нито нитянам” – Худо бирдир!. Ярим худоларга фақат моддий дунёни бошқариш учун маълум бир куч ва ваколат берилган. Шунинг учун “Бҳагавад-гита” таъбирича:

“Кимки, Тангри ҳамда ярим худоларни баробар – бир деб ўйласа, адашади ва у дахрийдир. Ҳаттоқи, Браҳма ва Шивадек энг улуғ ярим худолар ҳам Олий тангрига сажда қиласилар. Бироқ, Нараян, Вишну ва Кришна, Олий тангрининг инкарнацияси – инкишофи бўлганлиги учун моддийликдан истисно”(17:232–233).

Браҳманизм адабиёти ичида “Сирли таълимотлар”нинг биринчи намуналари – “Мейтри”, “Прашна”, “Мандукя”, “Шветашватара” упанишадлар ўз фалсафий қамрови билан эътиқоднинг сўнгти йирик манбай сифатида шуҳрат қозонди. Упанишадлар, моҳияттан, икки турдаги билимдан хабар беради: “пара” – юқори ва “апара” – қуий. Билимлар номининг ўзидан шуни англаш мумкинки, упанишадлар фалсафаси нуфузини идрок этиш учун ўқувчидан албатта муайян тайёр гарчилик талаб қилинади, айниқса, улардаги плюрализм – билимнинг бирнече босқичларга бўлинishi борасида!

Айтайлик, упанишадлар соф фалсафий мавзулар қатори шунингдек, инсондаги инстинкттив ўзгаришлар – турли эмоционал ҳолатларда эҳтиросга берилиш мойилигини сўндириш масалалари юзасидан ҳам фикр юритади. Яъни, киши

ногаҳон почор ва аянчли аҳволларга тушиб қолганидан уйдан қандай қутилиш йўлларини ўргатди. "Инсон, баъзан худди денгиздаги бошқариш воситаси ишдан чиқсан ва қай томонга сузишни билмай чайқалиб турган кеманинг ўзи! Упанишадлар эса, уни тўғри йўлга бошлаб, хавфу хатарсиз ўз бандаргоҳига етказиб қўювчи бамисоли бир маёқ!"

Ана шу образли ўхшатишдан кейин, агар мисол тариқасида бевосита упанишад матнларига кос бир фалсафий талқинда ёндашсак, бу манбаларининг нечоғлик кишини ўйга толдириши мумкинлигини ҳис этамиз:

*"Thou canst not comprehend the comprehender of comprehending, thou canst not know the knower of knowing – Сен англанадиганининг англовчисини англай олмайсан, сен билинадиганининг билгучисини била олмайсан..."*

Шунинг учун бўлса керак, "Шветашватара" упанишад инсонга қуидагича тафаккур ва тажриба асосларидан сабоқ беради: нафас назорати, онгни жамлаш ва унинг ёрдамида ҳиссиётни бошқариш. Бу машқлар инсон онгини субъектдан объектга – хаёлдан ҳақиқатда мужассамланишига олиб келади, индвидуал ва Универсал руҳларни бирлаштиради. Кимки бундай космик онг каби юқори даражали билимни эгалласа, у ғам-ташвиш, иккиланиш, қўрқув ва қутқуларидан қутилади, борлиқ бирлигини англайди, ўзини ўзга ўзликлар билан ягоналигини фаҳмлаб етади. Бу эса, ақлан, руҳан ва жисмонан ўзини қўлига ола билиш демакдир! Упанишаднинг яна бир машҳур сабоғи – бу:

*"Etad vai tad"* – Бу ҳақиқат – Удир.

*"Tad tvamasi"* – У эса – билимдир.

*"Aham Brahmasi"* – Мен Браҳмаман!

Тафсир. Кимки Браҳмани билса – у тинчланади, борлиқни ўзида ва ўзини борлиқда кўради. Шунда иблиц ундан устун келолмайди, хоҳишлиар онгта йўғрилади, онг эса билимга, билим эса ўзликка ва ўзлик эса Абсолютга. Абсолютни таниш инсонни барча дунёвий изтиробу ташвишлардан фориғ қилади ва унга "смадҳи мақоми"да файблик оламига хос ҳотиржамлик ҳисси туюлади. Мана шулар, упанишадлар фалсафаси нинг мезоний тафсили. Ёки «бу, – ҳинд диншуноси Б.Н Пандей қиёсида, – сўфийлар тасаввуридаги "Анал Ҳақ"нинг тафсири(114:1–8).

Упанишадларнинг Ҳиндистондаги фалсафий тафаккур ва маънавиятда тутган ўрни шу қадар юксак эдики, улар ўзидағи бой билим хазинаси билан мусулмон ҳукмронлиги даврида ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолди. Хусусан, маҳсус Акбаршоҳ фармони билан "Аллоҳ упанишад"нинг ёзилиши, браҳманизм манбалари фалсафий жозибасининг ўрта асрлардаги тантанаси эди.

Агар ведаларда илоҳият ва борлиқнинг яратилиши мавзуи у қадар чуқур таҳдил этилмаган бўлса, браҳманизм адабиётида бу жиҳат анча юксак даражада ўз поёнига етди. "Самхитлар"даги абстракт тангри Пражапатий, янги таълимотда бутун борлиқ яратилишининг асосий сабабчиси ва унинг тараққиёт шаклларига тааллуқдор омил сифатида биринчи планга ўтди.(28:91). Чунки, Ҳиндистонда политеизм руҳидаги эътиқоднинг монотеизмга ўтиш жараёни фақат руҳоний эмас, балки бевосита ижтимоий–иқтисодий ҳаёт тараққиёти талаби эди. Шу маънода марказлашган давлатларнинг вужудга келиши яккахудолик унсурларнинг шаклланишини жадаллаштириди – "Якка подшога ер юзида худонинг ҳам якка бўлиши ке-

рак өди". Нихоят, Пражапатий сиймосида якка худо ҳақида тасаввур пайдо бўла бошлади(12:503) Ва монкур тасаввурларнинг натижаси ўлароқ жамиятдаги якка «Худо» тўғрисидаги тушунча, астасекин кейинги давр диний манбаларида политикик туйғу даражасига кўтарилди:

“Кимки ярим худоларга сифинса, у ярим худолар орасида туғилади, кимки ўз аждодларига сифинса, у улар ҳузурига боради, кимки жонворларига сифинса, у улар “қавмида” дунёга келади, лекин кимки Менга сифинса, у Мен билан бирга яшайди”(17:465).

Шунингдек, Тангри таолонинг яратувчанлик қудрати, иродаси ва фаолиятининг тарғиботи жабхасига ҳинд диний китобларида катта аҳамият берилди, хусусан, моддий табиат ва жонзотларнинг бирини иккичиси билан азалдан ўзаро уйғунлигига:

“Билингки, моддий табиат ва тирик жонзотларнинг ибтидоси йўқ...”

Изоҳ. “Моддий табиатга ўжшаб тирик жонзотлар ҳам абадийдир, зоро, улар ўз яратилгунларига қадар ҳам мавжуд бўлганлар. Моддий борлиқ аслида Олий тангрининг шахсиятида мужассам бўлиб, у зарурият туғилганда “маҳататва” – “олий унсур” замирида пайдо этилади. Илоҳий захирадаги тирик жонзотларга ўзларининг шартли ҳолатлари – саркашликлари туфайли дастлаб руҳий оламга киришга изн берилмайди. Аммо, моддий табиат вужудга келиши билан тирик жонзотлар ҳам ҳаракатланиш имкониятига эга бўладилар ва руҳий оламга дохил бўлишга тайёрланадилар. Аввалда улар Олий тангрининг зарраси бўлади, бироқ, ўзларидаги саркашлик хусусиятлари боис моддийликка боғланиб қоладилар.

Тирик жонзотларга хос кейинги ўзгаришлар, турфа шакл-шамойиллар фақат улардаги жисмоний тана туфайли, лекин руҳий моҳиятда уларнинг табиати бир хил"(17:627-638).

Браҳманизм гояларининг оммалашуви ҳам, худди Веда давридагидек, ерлик аҳолининг диний анъаналарига нисбатан "ориёна беписанд муносабат"ни тубдан ўзгартиришни талаб қиласади. Ўз ўрнида "нуфузли дин"нинг маҳаллий маънавий муҳитта янада тезроқ мослашуви, янги омиҳта эътиқодни кенг ҳудудларга тарқалишини таъминларди. Бу йўналишда браҳманизм тизими "қолилип"нинг кенгайиши, аллақачон ҳиндларнинг ўзи учун ҳам мифологик қатламлардаги ўз ҳаётийлигини йўқотаёзган веда динининг ўзида юз берган эволюциянинг оқибат натижаси эди(38:131).

Веданинг ислоҳ қилинган шакли браҳманизмда, бутун борлиқ ва ҳаёт жараёни қонуниятини ўзида мужассам этган браҳма, дҳарма, сансара ва карма таълимотлари сақланган ҳолда, илгариги бажариладиган қурбонлик маросимлари ўринини маънавий ибодат унсурлари эгаллади.

Асрлар оша турли илоҳларга муттасил қурбонликлар қилиш билан чекланган ведизмдан фарқли ўлароқ браҳманизмда сезилган сиёсий-ижтимоий ўзгаришларга ён бериш тенденцияси, на орий ва на дравид бўлмаган янги диний таълимотларнинг яратилишига йўл очиб берди. Бир тарафдан, ҳинд диний-фалсафий ислоҳотлари борасидаги сўнгги упанишадлар ўзининг кенг дунёқарашлари ва ўзга диндорлик шаклларига бўлган муросасизлиги билан диққатни жалб қиласа, жайнизм ва буддизм каби ноортодоксал тизмлар ўзининг негизидаги маънан мустақил тамомо-

йиллари ҳамда ҳар қандай диний эътиқодга нисбатан номухолиғ ва эркин муносабати билан эътибор қозонди(38:112).

Эрамиздан аввалги IX–VIII асрларга келиб Ҳиндистоннинг шимолида мустаҳкам ўрнашиб олган веда дини, кейинчалик, айтиб ўтганимиздек, жамиятнинг моддий ва маънавий талаблари билан кескин тўқнашувга дуч келди. “Алмисоқдан қолган мифология, чалкаш ва майда-чуйда маросимлар, удумлар силсиласи, роҳибларнинг деярли чекланмаган имтиёзлари ахир бориб ҳинд воқелиги нормаларига тўғри келмай қолди.

Буни биринчи бўлиб, диний аҳкомларни тарғиб қилувчиларнинг ўzlари пайқадилар. Уларнинг яқинлашиб келаётган муаммолар олдини олишга бўлган уринишлари, упанишадларда ўз аксини топган диний-фалсафий тафаккурнинг парвози билан тугалланди. Шундан бошлаб, ибтидоий эътиқодни янгича талқин этувчи радикал ислоҳотлар Ҳиндистон шароитида уч йўналишда – Браҳман, Жайн ва Будда таълимотлари таъсирида шакланди”(38:111-112). Ва бу жараёнда жайнизм, ведалар давридан кейиги дастлабки ноортодоксал руҳдаги диний эътиқод сифатида ибтидо топди.

### **Жайнизм – оламни идрок этиш диний-фалсафий таълимоти**

Масалан, жайнизм ўзининг 24 «тиртаҳанкар»лари<sup>1</sup> силсиласи билан қадимий динлар сираидан эканлигига даъво қилса-да, аммо бошқа диний тизимлардан ўз асосчилари ўртасидаги фоя-

<sup>1</sup>Тиртаҳанкар – жайнизм таълимоти асосчиларининг умумий номи.

вий бардавомликнинг йўқлиги билан фарқланарди. Таълимотнинг сўнгти ва энг йирик тарғиботчиси Вардҳаманга "ваҳий"нинг келиши, гўё унинг ўз эътиқоди йўлида кўрсатган шахсий ғидойилиги шарофатидан содир бўлган. "Ўн икки йилдан зиёд дарвешона умргузаронлик қилган Вардҳаман руҳиятида шаҳвоний хирсадан покланиш истагининг устун келганлиги, унинг "қалб кўзи"ни очган". У шундан сўнг ўз таълимотини атрофида йиғилган ўқувчи-роҳиблари билан оддий авом орасида тарқатишга киришган.

Жайн фалсафий мушоҳадасида бутун борлиқча чексиз давом этувчи жараён объекти сифатида қаралади: у яралади, ўз тараққиёт мезонига кўтарилади, аста-секин емирилади, сўнг тугаб, яна қайтадан пайдо бўлади. Худди шу фалак чархи янглиф инсон ҳам туғилади, куч-қувватга тўлади, қартаяди, ниҳоят ўлади ва яна қайта дунёга келади<sup>1</sup>.

Дину тақвода комил жайнпарастнинг «нирвана»га мұяссар бўлиш бахти жайнизмда илоҳиятга ҳам худди инсон каби қайта туғилишлар орқали насиб этади, чунки, «инсон ҳам тақводаги мустаҳкам иродаси билан илоҳий мақомга ҳақли». Бинобарин, жайнпарастларда илоҳга нисбатан индвид омилиниңг мустақиллиги кучлироқ бўлиб, худоларга сифиниш тақводорликнинг бошланғич бўсағаларидағина фаол ўтади. Сабаби, Жайн динида барча инсоний фаолиятнинг ҳосиласини илоҳий ирова ёки унинг кўмагидан эмас, балки билим, тажриба ҳамда мақсадга бўлган ғидойилиқдан кўрилади.

<sup>1</sup> Бу талқин орқали инсон рамзида хилқатнинг бутун борлик билан бирлиги таъкидланади.

Фалсафий нуқтаи назардан «Маҳавира»<sup>1</sup> ғоясининг асосий мағзи, дунёнинг ижобий ходиса өканилигини англаб етиш ва борлиқ түгрисида муқоддам тўпланган маълумотлар ҳамда илм–урфонининг эътиборга лойик эканлигини эътироф этилишидир. Ёки таълимот фаолиятини кенгроқ тавсифлаганда, “Жайн фалсафаси бирор кашшофликка даъво қилмаган ҳолда, мавжуд борлиқни қиёсий ўрганиш ва уни тушуниб етиш мумкинлигини тарғиб қиласди. Тақводор учун ибодатнинг маъноси туғилишлар изтиробидан қутилиш учун моддий оламни идрок этиш ва уни ўзлаштиришдан бошланади”. Бу олам жайнизмда уч қисмга бўлинади: “акаша”–само, “лока”–борлиқ, “алока” – ҳар икки қисмни ўз ичига олган ақл бовар қилмас бўшлиқ(117:112).

Бир сўз билан айтганда, жайнизм назарида эътиқодли бўлиш, ҳаётни кузатиш ва дунёни ақлан ўзлаштириш натижасида тўпланган тажрибалар билан ўлчанади. Фақат шу ҳолдагина руҳий ва жисмоний мутаносиблик қарор топади, чунки таълимотда борлиқнинг яхлитлигини азалдан мавжуд ва ҳеч қачон ғойиб бўлмайдиган икки категория ташкил қиласди: “жива”–жонли ва “ажива”–жонсиз моддий ибтидо. Файб дунёсида жива доим ажива билан бирлиқда – ўзаро боғлиқликда яшайди. Ва “жива” карма қонуниятининг замирида қўпол материя билан бирлашиб ўсимлик, жонзот ёки одам шаклида фаолият кўрсатади(21:208–209). Буларнинг ичида факат ушбу ҳаётий занжирнинг энг олий ҳалқаси бўлмиш инсонгина карма фаолиятига чек қўйиб озодликка эришиши мумкин.

<sup>1</sup> Маҳавира – аслида «жина» – «ғолиб» сўзидан олинган Жайнинг эпитети.

Рұх ва материя бирлигидаги бундай сифат үзгаришларидан шундай хулоса келиб чиқадыки, демек, ҳаёт карма қонуни воситасидаги жонли ва жонсиз объектларнинг үзаро бирикуви экан. Динда бу ходисанинг яна бир тарафи шундаки, агар диний-дунёвий амаллар ижобий туталланса – бу рұхнинг қайта туғилишдан озод бўлганлигини билдиради, бордию, салбий якунланса – бу яна изтироб ва азоблар дунёсига қайтиш дегани.

Дейлик, агар рұх ўз салбий аъмолига кўра жисмоний танани ўзига ўхшашига алмаштиrsa, бундан туғилишларнинг чексизлик томонга йўналиш хавфи ортади. Бу кетишида "инсоннинг руҳи ҳайвон, ўсимлик ва ҳатто тошда ҳам пайдо бўлиши мумкин"(21:124). Шу сабабдан таълимотда рұх билан бирлиқда ҳаракатланувчи материя асосларини ўрганиш масаласи кўндаланг қўйилган.

Биз мухтасар таҳлил қилган карма таълимотининг "аҳимса" – тирик жонга зиён-заҳмат етказмаслик гояси билан яна шундай мутаносиблик шарти борки, у наинки фақат жайнизм, балки барча ҳиндупараслар учун ҳам тақво фарзидир, яъни тирик жонзот ҳимояси масъулияти. Аммо, аҳимса жайнпарастларнинг онгтига шу қадар сингиб кетганки, буни уларнинг кундалик турмушдаги юриш-туришидан ҳам сезиш қийин эмас. Мисол учун, жайн роҳиблар тасодифан бирор чивин ё бошқа ҳашаротнинг оғиз ёки бурун бўшлиғига кириб кетмаслиги учун доим оғиз-бурунларига маҳсус матодан тикилган ёпингич тутиб юрадилар. Ичимлик суви ҳам худди шу мақсадда обдан докадан ўтказиб, кейин ичилади.

Жайнизмнинг қисқача фалсафий баёнидан келиб чиқиб, унинг моддий ва ухровий моҳиятини шундай хуласалаш мумкин: "Мазкур доктрина

индвидуал аснода дунё изтиробларидан қутилиш тажрибасини тарғиб қиласи". Ҳолбуки, таъли-мотнинг амалда қўллаш қийин бўлган аскетизм ва бомкә тақомиллик тақозолари ҳамда оддий ҳинд учун шиҳоятда мураккаб "уч қисмга бўлинган космографияси, кўпсонли худолар ва иблислар тизими" жайнизмни авом орасида оммалашувига йўл бермади. Яна шунга қўшимча қилиб айтиш жоизки, оилали ва бирор касб билан машғул жа-йшараст ўз турмуш шароитида ҳеч эътиқодда та-комилликка умид қилолмасди. Шунинг учун Жа-йн динида авомнинг ақлий, моддий ва маънавий имкониятларидан келиб чиқиб, оддий тақводорга асосан бирламчи тўрт қисмдан иборат шаръий амалларни ижроси фарз этилди:

- 1.Аҳимса қонунига биноан ҳеч бир жон-зотга зиён-захмат етказмаслик.
- 2.Эътиқодга муносиб ахлоқ-одоб талабла-рига қатъян риоя қилиш.
- 3.Раҳм-шафқатли бўлиш, ножӯя сўз ва но-хақ ишлардан тийилиш.
- 4.Ҳақиқатгўй ҳамда сахийликда эзгу ният билан ҳаёт кечириш.

Жайнизм, фарз амалларини бажарувчи тақ-водорнинг ботиний дунёси билан ҳам жуда жонли тарзда қизиқсан ва бу борада унинг ақлий, руҳий ва жисмоний фаолиятга доир ўз концепциясини ишлаб чиқсан. Бу хусусда аввалги бир бутун ях-литликнинг тараққиёт жараёнида босиб ўтадиган қуидаги беш босқичи – жонсиз нарсалар, набо-тот, жонзотлар ва ҳайвонлардан истисно ҳолда одамнинг ҳис-туйғуси, ақл-заковати ва иқтидори имкониятлари, ўзаро бири иккинчисини ҳаракатта

келтирувчи куч сифатида маҳсус атамалар мазмунидаги ифодаланган:

1.Мати – нарсалар тўғрисида сезги аъзолари орқали олинадиган билим.

2.Саманя – нарсаларнинг ўзига хос хусусияти ва унинг моҳияти ҳақидаги билим.

3.Прамана – нарсанинг ўзидағи яширин моҳиятга ўхшашлиги хусусидаги билим.

4.Няя – юқорида зикр қилинган билимларнинг бошқа нарса ва ҳодисаларга нисбатан таъсири.

5.Жива – индвидуал психика ва уни идрок этувчи субъект.

6.Чайтаня – инсонда чексиз идрок этиш қобилиятининг мавжудлиги.

7.Ин드리 – бевосита билимлар асосидаги сезги.

8.Манас – сезгиларнинг инсон организмада қайта ишланиши.

9.Бҳава – сезги турларининг ўзаро бирбирига боғлиқлиги бўлиб, бу манба сезги аъзолари негизида тушунча ва мулоҳазаларни шаклантиришга хизмат қиласди(38:121).

Агар бир чеккадан жайнизмнинг сезги, ҳистийгу, ақл-заковат ва иқтидор имкониятлари фолияти таҳлилини инсоннинг умр бўйи тўпладиган билимларига қиёс қилсак, "мати"дан то "бҳава"гача аъзои баданимизда узвий ҳолатда қуидан юқорига қараб кечувчи иқтидорга хос руҳий ва ақлий ривожланиш босқичларини курамиз.

Масалан, "биринчи маротаба иссиқ сувда қўлинни куйдириб олган гўдакнинг «оғриқ тўғрисидаги сезги орқали олган билими» – "мати"дан

бошланса, унинг "сезги аъзолари негизида шакл-ланган түшүнчеси" – "бұхава" билан тугалланади. Демек, «мати»дан бошлаб «бұхава»гача түпланған тәжриба, инсоннинг туғилишдан то дунёдан үт-гүнича «иссиқ сув» воқеаси каби узлуксиз ҳаёттый ҳодисотларни идрок этишга ёрдам беради.

Жайн таълимотининг яна үзига хос ва бошқа диний эътиқодларда учрамайдыган томони шуки, қилинажак ҳар бир ишнинг оқибат-натижаси илохий ирода ёки күмакка эмас, кишининг билими, изн-ихтиёри ва үз мақсади йўлидаги фидокорона интилишларига асосланади. Бу шундан ҳам аёнки, эътиқодда нирванага ўтишдаги руҳий ва жисмоний тайёрлик масъулияти жайн-шараст назарида шу қадар шахснинг үзига боғлиқки, унинг учун мушкулни осон, ҳожатни равон қилувчи Тангрига ҳамду санолар айтиш, дуо ўқиши, деярли истисно. Бу йўлда мустақил ва мукаммал эътиқодли роҳиб учун ҳатто дунёвий ҳаётдан ихтиёрий воз кечиш, қачонлардир "фарз" этилган диний амаллар сирасига кирган.

Айттандек, жайнизм назаридаги ҳаётни кузатиш ва дунёни ақлан үзлаштиришда инсоний ҳис-туйғу, ақл-заковат ва үзга имкониятларнинг талқини, "борлиқнинг моддий қисмини билиш" масаласига доир исломий тадқиқотлар талқинига анча яқин. Яъни, "Инсон шундай яратилганки, унинг сезги аъзолари ақлига фақат моддий олам ҳақида ишончли хабар бера олади. Демак ақл, тажриба ва мантиқий тафаккурға суюнган ҳолда у фақат моддий олам ҳодисаларини ўрганиши мумкин... Ваҳолонки, Аллоҳ яратган борлиқ икки турли бўлиб, замон ва маконда муайян ўрин эгал-лайдиган моддий ашёлар олами ҳамда инсон үз

ақли ва сезги аъзолари билан топа олмайдиган гайб оламидан иборат" (62:51).

Таълимотнинг сўнгги тиртҳанкари Вардҳамдан кейин ўзаро ғоявий келишмовчиликлар оқибатида жайнпарастлар "дигамбар" ва "шветамбар" деб аталувчи икки оқимга бўлиниб кетганлар. Эътиқод тарихида инқирознинг бошланғич нуқтаси сифатида баҳоланганду фирқаланиш, ўзининг ботиний ва зоҳирий зиддияти билан характерли; агар биринчи оқимда диний мутаассиблик қайфияти кучли бўлса, иккинчисида, мўътадиллик руҳияти устивор. Шу тамойилда дигамбарлар "асл Жайн талқини"га мувофиқ осмонни ёпифич либос билиб, она қорнидан қандай туғилсалар шундай яланғоч ҳолда яшаган бўлсалар, шветамбарлар мусаффо осмон рамзида бандарини оқ мато билан ўраб юрганлар. Ва ҳозирда ҳам Жайн зиёратгоҳларида яланғоч дигамбарларнинг учраб туриши тасодиф эмас.

Гарчи диншуносликда жайнизм юзасидан тўпланган тажриба оз бўлмаса-да, таълимотда ҳамон муаммоли мавзуулар етарли. Шулардан бири – баъзи мутахассислар Жайн динининг ўз тор доирасидан ташқари чиқа олмаганлигини, унинг ведалардан унча узоқ ва мазмунан бой эмаслигида кўрадилар. Бошқа бир тоифа тадқиқотчилар бу воқеликни, мантиқан, анъанавий диний ғояларга зид келувчи тақвонинг сўнгги – жайнпарастни ўз жонига қасд қилишга ундовчи айрим ғайритабиий «талаби»га йўядилар (38:118).

Қатор илмий адабиётларда ёзилишича, таълимотнинг пайдо бўлиш сабаби, шарт-шароитлари, асосчисининг таржимаи ҳоли ва бошқа масалаларда жайнизмга ўхшаш бўлган буддизмга ҳам, у қадар ўз ватани ҳудудида кенг тарқалиш

насиб этмади. Бундай эгизак тақдирга мансуб таълимотлардаги “умумий камчилик” – бу ҳар икки фалсафий ғояда ҳам, қуи табақа аҳоли орасидаги браҳманизмга нисбатан алтернатив реакция “нинг мужассамлиги эди!

## *Буддизм – ноортодоксал диний-фалсафий таълимот*

Маълумки, “Браҳманизм, ўз доториал моҳияти билан фақат миллий қобиқ ичидаги мағкура ролини ўйнаган, буддизм эса аксинча, унга кимки истаса мурожаат қилиши мумкин бўлган”. Лекин шунингдек, “ўзаро рақобатдаги икки фалсафа” – нинг бирини иуккинчисига нисбатан жамият таракқиётидаги афзалликлари тўғрисида гапирганда, буддизмни браҳманизмга қиёсан демократик ғоялари учун бутунлай янги эътиқод ҳисоблаш ҳам нотўғри. Чунки, Будда таълимоти, мақсадга элтувчи масъуллик йўли “дҳарма” ва аъмол моҳиятини белгилаб берувчи “карма” каби браҳманизмдаги диний-дунёвий қонунларга муқобил ўз фалсафий асосларига эга эмасди. Бироқ, шунга қарамай, янги дининг ўтмиш эътиқодига нисбатан асосий хизмати шу эдики, у ҳинҷ жамиятидаги мутаассиблиқ, ақидапарастлик ва улар билан боғлиқ анъанавий таомийларни инкор этиб – инсонни узлуксиз изтироблар, яъни сансара қонунидан қутилишга чорлаб, тақводорлар сафини ирқий, миллий ҳамда диний тафовутлар тазиқидан тозалади.

Дастлаб, буддизмда фарз қилинган амаллар индвидуал равишда бажарилган. Ёки Будданинг ўз сўзлари бўйича, “Камон ясайдиган уста қандай пайконни йўниб тўғирласа, буддапараст ҳам ўз

қалбини шундай тұғирлаши керак" бўлган. Борабора, дунё изтиробларидан қутилиш амаллари факт индвидуал тарзда эмас, "сангҳ" – жамоа шаклида ҳам адо этилган. Аммо, жайниزم тарихида кузатилганидек, узлатда ёки алоҳида кичик жамоа бўлиб ибодат қилиш диннинг кенг омма ичига кириб бориши учун имкон бермасди. Нихоят, вақт ва тажриба тақозоси билан авомини динга жалб этиш мақсадида буддапарстлар икки тоифага бўлиндилар: ўз нафс эҳтиёжлари, яъни "душманлари" устидан ғолиб чиққан «стҳавиравада» лар ва мукаммал диний мушоҳада юритиш иқтидорига эга бўлган роҳиблар ортидан эргашган «маҳасат» – лар.

Маълум муддат ўтгач, бу бўлиниш, роҳиблар учун нирванага ноил бўлишнинг маҳсус торйули "ҳинояна" – "кичик фидирак" ҳамда роҳиблиқдан озод ҳолда барчани баробар динга жалб этувчи кенг йўл "маҳаяна" – "катта фидирак" атальмиш икки мустақил фирмага ажралиш билан якунланди(60:63–64).

Буддизмнинг ҳинояна ва маҳаяна йўналишларининг яна бир принципиал жиҳати – бу ким учундир эътиқод жараёнининг маълум ерга бориб тутгалланиши ва яна ким учундир унинг бардамомлиги эди. Яъни, ҳиноянани ихтиёр этиб такомилликка эришган «архат», дунё изтиробларидан фақатгина ўз жонини қутқаради. Маҳаяна мазҳаби йўлини танлаб, динда мукаммалик касб этган «бўддҳисатва» эса, жисмонан нирванадан воз кечиб, ўз ортидан буддапарастларни "Ҳақ йўли"га бошлаб борищдек улуғ ишга хизмат қиласди.

Хуллас, Будда таълимотидаги бутун борлиқ ва ҳаётий жараён фалсафаси, илмий асосда мухтасар равища таърифланганда, "номоддий ун-

сүрлар оқими ва комбинацияси джарма, қайта туғилишлар жамзи сансара ҳамда унинг қандай кешишига сабаб бўлувчи кармадан таркиб топган" бўлиб, бу қонуният қўйидаги "Тўрт асл ҳақиқат" мажмуида намоён бўлади:

1. Сарвам дукҳам – дунё буткул изтироблардан иборат.
2. Самудай сатям – изтиробларнинг келиб чиқини ҳақиқати.
3. Ниродҳам сатям – изтиробларга барҳам бериш ҳақиқати.
4. Марг сатям – барча изтироблардан қутилиш йўли ҳақиқати.

Изоҳ. Инсон ҳаёти муттасил изтиробу машиқатлардан иборат ва уларнинг асосий сабаби билимсизлик ва ҳиссиёт тазиқидир. Бинобарин, "Гоутам ваҳийга ноил бўлган вақтида ҳаёт атальмиш изтиробларнинг ҳиссиётдан бошланиши маълум бўлган, яъни ҳиссиётдан ҳаётга чанқоқлик, чанқоқликдан меҳр қўйиш, меҳрдан борлиқнинг яралиши, борлиқдан туғилиш, туғилишдан эҳтирос, эҳтиросдан умид, умиддан баҳтсизлик, баҳтсизликдан хўрлик, хўрликдан ночорлик ва ночорликдан изтиробларнинг келиб чиқини" (125:77)

Бу узлуксиз жараёндан буддизмнинг хулосаси шуки, инсон умр бўйи сиҳат-саломат, қорни тўқ, усти бут ва қулай шароитларда яшаганида ҳам, қайта туғилишлар занжири ҳалқасини узуб ташлашга азму қарор қилиши керак, чунки, энг баҳтли-саодатли кечирилган ҳаёт поёнида кишини барибир бир кун қартайиш туфайли ночорлик ва bemorlik кутади. Қисқаси, "тириклик азоб-

уқубатларидан қутилиш буддизмнинг квинтэссенцияси — мағзидан иборат(54:310).

Гарчи шундай бўлса-да, буддизм таълимотидаги борлик ва инсон ҳаётини, яъни дунёнинг яратилишидан емирилишигача ҳамда инсоннинг туғилишидан қазосига қадар бўлган жараённи мутлақо салбий ҳодиса маъносида тушунилиши ҳам чотӯри, буни Будданинг ўзи эътироф этган:

«Борлик аслида ҳузур-ҳаловат маскани бўлган, уни инсон ўз нафси таҳди迪 билан изтироблар дунёсига айлантирган»(117:66).

Демак, изтиробли ҳаётнинг азобларидан кутилиш мумкин, башарти унинг манбалари — чафс, суқлик ва улар асоратидан келиб чиқадиган мутеликка чек қўйилса! Пировардида "ҳаётнинг тўрт асл ҳақиқати"ни англаб етиш Будданинг кўрсатмасига биноан "Саккиз йўл"ни ўзлаштиришдан бошланади:

- 1.Ҳар бир нарсага тўғри кўз билан қараш.
- 2.Ҳар бир ишда тўғри хулосага келиш.
- 3.Ҳар доим тўғри ва сидқидилдан сўзлаш.
- 4.Ҳар доим тўғри хулқ-атвор эгаси бўлиш.
- 5.Ҳар доим тўғри ва ҳалол ҳаёт кечириш.
- 6.Ҳар доим тўғри хатти-ҳаракат қилиш.
- 7.Ҳар доим тўғри диққат қилишга эришиш.
- 8.Ҳар доим диққатни тўғри жамлаш.

Вақт тақозоси билан буддизмда ибодат талабарининг ортиб бориши боис аввалига роҳибларни ибодатхоналарда яшашига даваъяят этилгак. Кейинчалик эса, авомга Будда руқнларини бажаришдаги раҳнамолик масъулияти, оддин айтганимиздек, бўддхисатвалар зими масига юқланди.

Ва маҳаянадаги оддий буддапарастлар учун фарз бўлган амалларнинг деярли ҳар бир диний маънавиятга бегона ёки янгилик бўлмаган "беш шарт"и, турли миллат ва элатлараро яқдиллик кайфияти устунлигини мустаҳкамлади:

- 1.Хунрезликдан сақланиш.
- 2.Ўғрилик қилишдан сақланиш.
- 3.Маънавий бузуқлиқдан сақланиш.
- 4.Ёлғон ва асоссиз сўзлашдан сақланиш.
- 5.Сармаст этувчи ичимлиқдан сақланиш.

Инсонни фақат насл-насабига қараб улуғловчи ёки айни шу важдан таҳқирловчи браҳманизм мағкураси муҳитида буддизмнинг этник ва ижтимоий тенглик, диний садоқат, пок аъмол билан беизтироб дунё марҳаматларига ноил бўлиш ҳақидаги амалиёти, наинки ҳинд жамиятидаги аҳолининг аксариятини ташкил қилувчи паст табақалар, балки ҳатто, табақа тизимидан умуман маҳрум этилган "чамара" каби хўрлаганлар учун умуман кутилмаган баҳт эди.

Сир эмаски, диншунослиқда буддизмга хос юксак инсонпарварлик хусусиятларининг эътирофи қатори, унга нисбатан танқидий характердаги муносабатлар ҳам йўқ эмас. Таниқли буддашунос М.Рейснер ва бошқа Farb олимлари, буддизмда "тирик жонзотларга бунчалик меҳрмуҳаббатли инсон, ҳеч қачон таълимот ибтидоий ғоясининг идеали бўлмаган ва диннинг ўзи, дунё изтиробларидан инсон ўз-ўзини қутқаришига мўлжалланган" деган тўхтамга келганлар. Ҳақиқатда буддапараст эътиқод ғояси бўйича теваракатрофни қамраб олган ҳаётнинг қийинчилкларига бенисанд ва хотиржам, гўё бир иллюзия ҳоди-

соти сифатида караши керак эди. Акс ҳолда, ҳаёт воқеликларига қизиқсинаш ёки улардаги бирор нарсаны ўзгартириш билан ушбу жараёнга суқилиш, яна янгидан янги изтиробларга дучор бўлиш саналарди. Илк буддавий матнларда ҳам эҳтиороссизлик билан ақл-идрок ўртасидаги мувозанат омилига алоҳида ургу берилган: "Theragatha", яъни "Дунёдан қўл силташ – бу хотиржамлиқдир".(37:81).

Қиёсан, агар христиан дини ва исломда инсоннинг жисмоний мавжудлиги ҳамда унинг диний-дунёвий фаолияти бақога ўтиш олдидаги мурайян муддатлик бир тайёргарчилик бўлса, буддизмда инсон ҳаётининг мақсади, қийинчиликларга чулғанган дунёда онг гумроҳлигига барҳам бериш(20:24).

Ўз фояси, табиати ва тамойилига доир дунёқарашлари билан исталган шароит муҳитига қайишувчан Будда дининиг у ёки бу жамиятдаги қусур ва муаммоларни изтироблар негизига йўйиб, халқнинг юқори ва қуий қатламлари орасига кириб бориш лаёқати, уни бирин-сирин қатор хорижий мамлакатлар сарҳадида қарор топишини таъминлади. Зоро, "Буддизм ҳеч қачон ерлик аҳоли ва улар билан боғлиқ нарсаларни жисмонан йўқ қилишга уринмаган. Ўтган барча давларда, буддизм ўз таъсири остидаги ҳудудлар диний эътиқодлари билан беғараз муносабатда бўлиб, ҳатто, уларнинг худоларини ўзининг илоҳий пантенонига ҳам киритиб улгурган(54:308).

Дарвоқе, буддизм илоҳлари жайнизмдаги сингари тирик жонзотлар бўлиб, улар ҳам табиатан гумроҳлик ва эҳтиоросларга мойил бўлганликлари учун туғилиш ва ўлишга маҳкум эдилар. Демак, илоҳлар ўз-ўзидан анъанвий агадият

мақомига дағъво қилолмасди. Бу мавзуда ҳинд манбалориде көлтирилган қүйидәги холоса ва иқтибосында "Жайнизм Тангрини рад этди, буддизм чөл У ҳақидағи баҳсадан үзини олиб қочди". Йиини, Будданинг энг яқин ва иқтидорли шогирди илоҳият хусусида савол берганда, устози шундай дөйіншік:

"Анаңда, мен сени үзимга ўқувчи қилиб олғанимда, нима, илоҳият ҳақида бирор нарса дөйишиңға ваяда берганмидим?"

Динда турли тарафкашлик күпайиб, фирмаланиш руҳиятини сезган Будда, үзининг илоҳийлаштирилишига қарши чиққан ва бунга унинг үз сүзлари гувоҳлик беради:

"Илоҳият мавжудлигини тан оламан, бу ҳанаңда бутун дунё бир фикрда".

Умуман, буддизмдаги «Илоҳ ва рух масаласи» алоҳида илмий изланишлар мавзуи бўлиб, унинг баязи буддашунослар ургулаган "дахрий таълимот" эканлиги хусусидағи холосалар, бизнингча, барвақт ва баҳсли кўринади. Дунёнинг энг йирик ва кенг тарқалган диний этиқодларидан бирининг фалсафий тафаккуридаги Илоҳ ва рухга нисбатан муносабати ҳамда қачонлардир бу борида ўтказилган ислоҳотларни ҳозирги замон дунёқарашлари андозаси билан қаричлаш, орадан ўтган икки ярим минг йиллик даврнинг үзига хос шаҳмон мавҳум жиҳатларига нисбатан кўз юмиш бўлурди. Борингки, буддизмнинг ilk тарифотида рух ва унинг Яратгувчиси масаласи "сабаб-оқибот мутелиги" назарияси қобиғида қолиб кетган дейилган тақдирда ҳам, барибир, унда Буддага илми ғайб нуридан мунавварлик ҳолати қайси манбидан нозил бўлган?» деган саволларга дуч келишеверади.

Ҳамонки, ушбу таълимотнинг диний ёки дахрийлиги масаласи очиқ қолаётган экан, му-боҳасага "сўнгги нуқта қўйиш"дан илгари таъ-лимотдаги руҳ ва бу тўғридаги Будданинг ўз сўз-ларига имкон қадар чуқурроқ эътибор бериш мақ-садга мувофиқ туюлади:

"Руҳ оддий одам ва ўзга дин намояндалари биладиган маънода мавжуд эмас" (37:93).

Мантиқан, бу фикрни шундай хулосалаш мумкин, яъни руҳнинг қайси маънода мавжудлиги фақат Будданинг ўзигагина маълум қилинган, ё бўлмаса, унинг ўзи учун ҳам сирлигича қолган.

Айни шу масалада Қуръони каримдан қу-йидаги оятни эслаб ўтиш жоиз:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
وَيَسْأَلُوكَ عَنِ الرُّوحِ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّيِّ وَمَا  
أُوتِيْتُمْ مِنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا \*

"(Эй Муҳаммад), сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг, "Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир". Сизларга жуда оз илм берилгандир." (1."Ал-исро" сурасининг 85-ояти).

Изоҳ, Ушбу оядда Тангри таолонинг ҳатто ўз пайғамбарларига ҳам маълум қилмаган ишлари борлиги баён этилиб, барча инсоният билиши мумкин бўлган билим — маърифат жуда оз нарса экани таъкидланади" (1:196).

Ўйлаймизки, агар юқорида келтирилган ик-ки диний этиқоддаги руҳ мавжудлиги масаласига тегишли хулосаларни тубдан муқояса қилинса, бу иш Будда таълимотининг диний ёки дахрийлиги борасидаги турли муносабатларга бирмунча рав-

шаплик кирилл тайпига бўлурди. Яъни, руҳнинг эътирофи иш унинг хусусидаги билимнинг бир ҳолатда – буддиймдаги руҳ мавжудлигининг ҳали инсон учун мавжудлиги ҳамда иккинчи ҳолатда – исломдлар инсонга “руҳ-жон ҳақида жуда оз илм берилганилиги”, аввало, ҳар икки диний эътиқодда руҳниш мавжудлиги асосида аниқланаяпти.

Будда таълимотига мансуб демократик тенденциялор, Ҳиндистондаги мавжуд кўп сонли тенгситлик қурбонлари учун адолатли диний-ижтимоий муҳит яратиб бергани билан “кибор ва авом” – ишниң қон-қонига сингиб кетган браҳманизмдаги табақаланиш қонунини ҳинд жамияти онгида ситиб чиқаролмади. Худди шу боисда ҳам, Жавоҳирлол Неҳрунинг сўзлари билан таъриф берганда, – “Буддизм Ҳиндистондаги табақаланиш тимал тошини ўз жойидан кўзғатолмади, қайтага уни янада оғирлаштириди”(27:60).

Мазмунан, ведизм ва браҳманизм фалсафий мураккабликларидан холи бўлган буддизм, тўғри

– ўз тупроғида табақаланиш тошини жойида қўзғатолмади, аммо унинг маҳаяна мазҳаби мелодининг биринчи асиридан бошлаб Хитой, Қурия, Япония, Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Вьетнам, Лаос ва бошқа малакатлар сарҳадларида байналмила руҳдаги диний эътиқод мавқеини эгаллади.

Жуғрофий жиҳатдан буддизм қамровидаги минтақалар ичида Ўрта Осиё ҳам бўлган. Ҳатто фанда, ўлкамизда қарор топган янги эътиқоднинг тардустийлик<sup>1</sup>, монийлик<sup>1</sup> билан ўзаро бир-бирiga таъсири ҳақида ҳам турли фикрлар бор:

<sup>1</sup> Зардушийлик дини ўрта аср бошларида Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Озарбайжонда тарқалиб, кейин Ҳиндистончача етиб келган. Диннинг илк манбаи «Авеста»да якка-худолик талқин қилиниб, Аҳурамаздага сифииш тарғиб

1.Тожик санъатшуноси А. Низомовнинг тасаввуф ва Ўрта Осиё мусиқий маданияти тарихига багишланган монографиясидаги маълумотга кўра, «Сайид Насафийнинг эътирофича, Будда таълимоти зардуштийлик анъаналарини вужудга келишига таъсир кўрсатган». Ҳолбуки, шахсан олим, бу хусусда фақат ҳар икки диннинг ўзаро бирбираига таъсир кўрсатганини ёқлади, чунки, зардуштийлик бир гуруҳ мутахасисслар томонидан дунёнинг энг қадимий диний эътиқоди сифатида қайд этилган»(53:30–31).

2.Россиялик тадқиқотчи А.Наркочевский таъкиди бўйича, оддин буддизм ғоялари Эрондаги диний–фалсафий оқимларга ўз таъсирини ўтказган ва кейинчалик, Зардушт ва Моний таълимотлари буддизмдаги «маҳаяна» мазҳабининг юзага келишида муайян роль ўйнаган(54:59).

3.Ёки, ўзбек олими Н.Раҳмонов нуқтаи назарида «Моний ибн Фатакнинг нур ва зулмат кучлари ўртасидаги кураш ғояси аслида Будда ва Зардушт ғояларининг давоми эди. Моний Будданинг таълимотини яхши ўрганиб, уни монийлик адабиётига сингдирганлиги туркий матнларда яқъол кўриниб туради»( 64:10).

Шунингдек, баъзи бошқа рисола ва мақолаларда буддизм масканлари рўйхатида Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳам киритилган:

---

этилган. Таълимотнинг фалсафий асосини эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий кураш ташкил қилган ва бу жараён борлиқнинг асоси ҳисобланган. Зардуштийлиқда олов муҳим аҳамият касб этган.

<sup>1</sup> Монийлик – III асрда Моний томонидан асосланган дуалистик таълимот Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда тарқалиб, унда эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш акс этган.

«Буддизм шарқий Эрон ва Мовароуннаҳрда қарор топиб, Балх ҳамда Бухородек азим шаҳарларгача стигиб келган. Ҳар қалай манбалардан аникки, Марказий Осиё воҳасида тўхтаган миссионерлар бу сирларда буддизмни тарқатганлар ва тез орнада Ўркент, Хўтан, Қашғар, Тошкент, Турфон, Кучи ва Қорашибарда Будда ибодатхоналари қад куттарган. Ва III асрда мазкур масканларга Будда таълимотидан таҳсил олгани Хитой буддапарастлари ташриф буюрганлар”(117:120).

Буддизм жуғрофияси кенгликларига қараб биниҳтиёр таълимот асосчисининг ўз ўқувчиларига берган кўрсатмаси ёдга тушади:

“Роҳиблар, бошқаларнинг баҳт-саодати ва фароғати учун боринглар – дунё кезинглар!”

Хуллас, жамият онгида ўз мафкура ва таъмийиларини сақлаб қолган браҳманизм шароитида, ўзаро диний-ижтимоий тенглик ва биродарликни ёқлаб чиқсан буддизмнинг ортодоксал доиралар назарида тегишли мақомга эга бўла олмагон бир вақтда, ҳинд менталиетига мансуб хусусларини ўзида ифодалашга қодир янги диний тиқиқод мавқидаги индуизмнинг тантанаси, давр тоқозоси билан ҳаёт заруриятига айланиб бормоқда эди. Тахминан мелоднинг I аслидан шакллопиган индуизмнинг умуммиллий руҳ қасб этишида муқаддам мавжуд диний-фалсафий таълимотлар қатори йогашастр ҳамда бҳактизм ҳам ўзғиси на амалиёти билан фаол иштирок этди.

«Йога фалсафаси»нинг мантиқий таркиби, ҳоли унинг алоҳида таълимот бўлиб юзага чиқишидан анча илгари – ведалардаги руҳ ва материя тушунчаси эътирофидан бошланган эди десак, хото бўлмас. Яъни, эрамиздан аввалги биринчи мингийилликнинг VIII–VII асрларда ҳинд фалса-

фасида "кашф этилган" бирламчи рух "пуруша" – нинг бирламчи материя – "пракритий"дан ажралиш тамойили, IV–III асрлар оралиғида Патанжалий қаламига мансуб "Жұгасутра"<sup>1</sup> асарида маҳсус таълимот мақеини әгаллади.

Луғавий томондан йога сўзи үн бешга яқин маънени билдириб, улардан фақат таълимот руҳига мос келадиган «етишиш» ва «бирлашиш» синонимлари диний–фалсафий талқинда Тангрини топиш, Унга қайтиш ёки У билан мулоқотда бўлиш тушунчасида истифода этилади. Шунга кўра, йога ҳиндупараст назарида Яратган ва инсон ўртасидаги азалий бирликни тиклашга хизмат қилувчи таълимот.

Йога билан шуғулланган киши одатда зарурят ё нари борса, меъёридан ташқари моддий мутелиқдан воз кечиб, шаҳвоний хирс–туйғулар устидан назорат ўрнатиб, қуийидан юқорига қараб такомиллашиб борувчи «тўққиз поғона»дан иборат «Аштанга йога» маънавий босқичларни ўзлаштириши бадалига ўз муддаосига етади.

Бҳагавад–гитада зикр қилинган үн саккиз йога турларининг ҳар бири, мазмунан ўз йўналиш хусусиятларига эга бўлиб, улар доим руҳан бири иккинчисини тўлдириб боради: катҳа йога, агни йога, дҳаяна йога, ҳатҳа йога, ража йога ва бошқалар.

Ҳар бир диний эътиқод магзида албатта муайян бир ғоя ва фалсафа ётади, акс ҳолда, "фалсафасиз дин оддий сентименталлик ёки фанатизмидир. Худди шундай динсиз фалсафа ҳам тафаккурнинг спекуляциясидан ўзга нарса эмас" (17:

---

<sup>1</sup> Жұгасутра – Патанжалий қаламига мансуб йога талимоти ҳақиқидаги манба.

167 168). Бу жиҳатдан йога нафақат тўлақонли диний философий таълимот, балки у ўз таркибидағи турли йўниалишлари билан браҳманизмдан индуизмга бўлган назарий ғоявийликнинг амалий иғодаси ҳамdir.

Ағсуски, негадир дунёning турли гўшала-рида йог ва йоглар ҳақида гапирилганда, аксарият олдатда "Лотос" – нилуфар гули қиёфасида сукут сенказаб ўтирган ҳиндни кўз олдиларига келтириб, фикрот ҳатҳа йога билан шуғулланувчи йогларни танлайдилар. Тўғри, даврлар ўтиши билан йога тизимида "руҳий озодлик"дан ташқари, албатта иисбий маънода, "жисмоний мангулик" – тани жон саломатлигига эътибор орта борди. Йоганинг "асана" ва "пранаяма" сингари классик босқичлари замирида "куч ишлатиладиган йога" номи билан машҳур "ҳатҳа йога"да гавданинг хос ҳолатлари ва нафасни бошқаришга доир бир қатор жисмоний машқлар мажмуй ишлаб чиқилди.

Йоганинг у ёки бу турини ўзлаштириш мақсадидаги кишилар ўз ақлий, руҳий ва жисмоний имкониятлари ва табиатига монанд фалсафий йўналишни танлайдилар:

"Агар Тангрига қайтиш фақат дунёвий аъмол орқали бўлса карма йога, мақсадга эришишда ҳиссиёт ёки идрок кучига зўр берилса гяна йога, ниятга интилиш муҳаббат ва садоқатга асосланган бўлса, у ҳолда "бҳактий йога" мактабига мурожаат қилинади".

Йогадаги каби инсон табиати ва имкониятига қараб Аллоҳга элтувчи йўллардан бирини ихтиёр этиш тасаввуфда ҳам тажриба қилинган. "...Бу йўллар кўп бўлса-да, уларнинг ҳаммасини асосан уч гуруҳга бирлаштира оламиз:

1. Тариқи ахёр: ибодат ва амал солиҳларнинг йўли. Ушбу йўлга кирувчи соликлар рўза, намоз Қуръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар билан кўпроқ масъул бўладилар.

2. Тариқи аброр: мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли. Бу йўл соликлари эса гўзал феълатворга эга бўлиш, кўнгилни тазкия, қалбни тасфия, яъни мусаффолаштириш ва ботинни обод қилиш, маъмур этиш учун ғайрат кўрсатувчи кишилардир.

3. Тариқи шуттор: бу ишқ, жазба ва муҳабат соҳибларининг йўли. Ва у улуғ Мавлога сайру саёҳат қилувчиларнинг тариқатидир."(31:134 – 137).

Биз тавсифлаган йога турлари ичидаги бҳактий йогадаги "бҳактий" сўзининг ҳинд эътиқодидаги мазмуни ва истифодаси шунчалик кенг ва чуқурки, унинг ғоявий ибтидоси ҳаттоки, ведалар даврига бориб тақалади. Ведаларга оид сўнгги маълумотлардан аён бўлишича, тангри Нараян, яна шунингдек, «Бҳагавад» номи билан ҳам аталган экан. Бинобарин, "бҳач, бҳаж, бҳага" – улуш, бўлиниш, насиба сўzlари этимологияси рамзида ризқ–рўзни бўлиб берувчи Тангрига нисбатан шукронга қабилидаги эмоционал муносабат, "муҳабат ва садоқат"ни билдирувчи "бҳактий" сўзи маъносида изҳор қилинган (38:132).

«Бҳактий таълимоти» садоқатпешалари – бҳактлар азалдан уч тоифага бўлинганлар: норасо, тугма, ҳаққоний. Уч тоифага мансуб бҳактлар яна ўз ўрнида тўртга ажralганлар: сокин, қизиқувчан, дунёвий ҳамда илоҳий билимга ноиллар. Шунга биноан, Тангри ва бҳактлар ўртасидаги ришталар,

одатда уларнинг қай асосга мойилликлари га қараб руҳий иш дунёвий ҳисобдан белгиланган:

1.Касррат оламидан бошланиб шаклланган мажозий садоқат.

2.Руҳий оламдан бошланиб шаклланган турма илоҳий садоқат.

Ҳаққоний "бҳакт" – садоқат бандаси ўз Йиритгани билан қўйидаги беш хил муносабатдан Оирига оға бўлиши керак:

1.Суст ҳолатдаги бҳакт.

2.Фаол ҳолатдаги бҳакт.

3.Дўст-ёр ҳолатидаги бҳакт.

4.Ота ёки она сифатидаги бҳакт<sup>1</sup>

5.Суйган маъшуқа сифатидаги бҳакт.

Бҳактнинг Тангри билан бу каби турли босқичлардаги ришталарининг мажозий инъикоси тасаввуфда ҳам жорий бўлиб, уни мутасаввиф Мұхаммад аш-Шурунбабим маънан бир, аммо таркибан юқоридан пастга қараб белгилаган. Ва "Мутлоқ ҳақиқатга муштоқ кишилар ўз эътиқоди нурининг ёруғлик кучига қараб у ёки бу босқичга бўлинганлар:

1.Қуёш нури.

2.Тўлин ой нури.

3.Ярим тўлган ой нури.

4.Юлдузнинг нури.

5.Шамчироқ нури.

Яратганга нисбатан йог ва солиқдаги садоқат шаклан ўзаро фарқланса-да, лекин уларда

<sup>1</sup> Бу ерда бҳактнинг Тангрига нисбатан – гўё киши ўз боласига кўрсатадиган меҳр – мухаббатидек садоқати назарда тутилоди.

мақсад тамойили бир бўлган: инсонга муҳаббат – Илоҳга садоқат! Илк бор Бҳагавад-гитада қайд этилган бҳактий тушунчаси, ўрта аср бошига келиб индуизм таълимотининг муҳим фалсафий йўналишларидан бири сифатида мустақил таълимот мақомида кенг қулоч ёйди.

## *Индуизм – умуммиллий руҳдаги диний эътиқод*

Бир илдиздан тарқалган турли ҳинд дини ва оқимларининг энг йирик омихта умумлашмаси бўлган индуизмнинг келиб чиқиш тарихи юзасидан диншуносликда асосан икки омилга ургу берилади.

Биринчиси, келгусида индуизмнинг пойдевори ҳисобланмиш “ведантизмдаги қурбонлик-лар ва худоларга қилинган хужумлар”дан сўнг, браҳманизмдаги монотеистик тафаккурнинг кучайиши боис абсолют ёки универсал Рӯҳ концепциясининг пайдо бўлганлиги(117:132).

Иккинчиси – ҳинд динларининг ведалар давридан индуизмгача бўлган кўп босқичли ғоявий ва ижтимоий тараққиётининг барча бўсафалида няя, вайшешика, санкҳя, йога, миманса ва веданта каби олти классик фалсафий тизим – “даршан”нинг эътиқодда ўз устуворлик моҳиятини йўқотмаганлиги.

Шундай экан, демак, дастлаб индуизмнинг зикр қилинган ҳар икки таянч нуқталарининг ўзаро муштарақлиги ва айни пайитда уларнинг бирбиридан қандай хусусият билан фарқланишини ажратиб олиш керак. Ана шунда, бир йўла, универсал Рӯҳ концепциясининг вужудга келишидаги монотеистик тафаккурнинг кучайиши сабаблари ҳамда «даршан» тизимининг индуизм таркиби-

Даги оҳамиятини англаб етиш мумкин. Бунинг учун биринчи дарshan таркибидаги илмлар мазмани билан танишамиз:

1.Няя – мантиқан, жами бор нарсаларнинг илк яратилиш сабаби бўлганидек, борлиқнинг ҳам ўз Яратгувчиси ва бошқарувчиси борлиги хусусидаги илм.

2.Вайшешика – бўлинмас «ану» – атом зарраларидан таркиб топган бутун борлиқ тўғрисидаги илм. Унга мувофиқ, зарралар Тангрининг иродаси билан бирикади ва кейин карма қонуни асосида улар бир-биридан ҳайта ажralади.

3.Санкҳя – дуализм асосидаги Пуруша-Рух ва Пракритий – материя каби азалий ибтидоларнинг борлиқ таъсирида бирини иккинчисидан ажралиши ҳақидаги илм.

4.Йога – аскетизмнинг мукаммал намунаси сифатида ўз тажрибасига таяниб, руҳий оламга интилиш ва уни ўрганишни ёқлаб чиқсан илм.

5.Миманса – Веда нуфузини эътироф қилган ҳолда, унинг ритуаллари ҳамда абстракт тушунчаларига қиёсан реал ижтимоий фаолият масалаларини баён этувчи илм.

6.Веданта – диний манбалар ичида кўпроқ упанишадлар ғоясини, яъни руҳ борлиқнинг асоси ҳанлиги – «атма» ва «браҳман»нинг ибтидоий бирлиги ҳақидаги тамойилларни ривожлантирган илм.

Индуизм ўз ибтидосидан то туталлик дараҷасига, яъни браҳманизм фалсафасидаги мураккабликлар ва абстракт тасаввурлардан конкрет тушунчаларга етиб келгунича, қатор сезиларли ислоҳотларни бошидан кечирди. Бу ҳақида, айниқса,

маҳаллий ҳинд манбалари ўзининг муҳим далиллари билан эътиборли:

"Браҳманизм ўтган асрлар ичида жуда кўп ўзгаришларга юз тутди: баъзи Веда илоҳлари ўз моҳиятини йўқотмаган бўлса, бошқалари янги сифатлар билан "қайтадан туғилди". Ва браҳманизм ўша кезлари ҳозирда индуизм номланган эътиқод хусусиятларини эндигина ўзлаштира бошлаган эди. Шунинг учун, браҳманизмдаги дастлабки ислоҳотлар жараёнини тўғридан-тўғри индуизм дейилиши, унинг хронологик босқичларига зид келган бўлурди. Сабаб, бу атама, индуизм дини ўз тугаллик даражасига етганидан кейин – фақат VIII асрда биринчи бўлиб араблар томонидан истифодага киритилган" (117:132).

Индуизм ўз рационал мағзининг оддий ҳалқ оммасига яқин ва тушунарли бўлганлиги боис мамлакатдаги турли мазҳаб ва оқимларни ўз атрофига жамлаб, уларда умуммиллий диний руҳ туйғусини шакллантира олди. У ўз ўрнида Веда ва браҳманлар илоҳиятига янги қудрат бағишлаб, янгича масъулият юклади. Ва натижада, худолар ва иблислар мажмуи ягона Олий тангри иродасига бўйсунувчи "Тримурти", яъни "Учлик санами"да бирлашди. Бунда "Абсолют"нинг яратувчанлик, ҳифзу ҳимоят ва вайронгарчиликдан иборат фаолиятига Браҳма, Вишну ҳамда Шива учлиги масъул этилди. Айнан шу фаолият асносида индуизмнинг навбатдаги уч йўналиши – шиваизм, вишнуизм ва шактизм фаоллашди:

Браҳма – аввал браҳманизм ва кейин индуизмда бутун борлиқ ва мавжудодни яратгувчиси саналса-да, лекин унга культ сифатида алоҳида сифинилмайди.

**Шива** худосининг асосий вазифаси гумроҳ ил ғуноҳкорларни жазолаш билан чекланмай, у ўз эрлик ибтидоси билан яратиш жараёнида ҳам қоптнапади. Ҳинд ибодатхоналаридағи эрлик рамчишинш тимсоли "линг"га сифиниш одати шундан. Шининш мuanнас нисбати шакли – ободончиллик ил кўпайиш манбаи ҳисобланган Шактийга ибодат вақтида, шунингдек, Дурга ёки Парватий Номи билан ҳам мурожаат қилинади.

Вишну ўз қудрати билан табиат ва эзгу мактубларга хизмат қилувчи, бутун борлиқни ҳимоя түувчи куч сифатида эъзозланади. Ундаги куч-қудрат, ақл-заковат, фаҳм-фаросат, адлу адолат, шижаат ва покликнинг инсон қиёфасидаги Кришна образида намоён бўлиши, Маҳабҳаратада ҳам мадҳ этиб куйланган.

Аввалига индуизмда худоларнинг аниқ шакл-шамойилга эга эмаслигидан ибодатхонага ҳам у қадар зарурат бўлмаган. Аммо илоҳият моддий шаклда тасвиrlана бошлагач, индуизмдаги маъбуд ва маъбудаларга махсус жой ажратилиш анъанаси олдин марказ ва кейин музофотларда ибодатхоналар қурилиши билан тугалланган. Сабаби, "Ибодатхоналарда илоҳлар ўз атрибутлари билан ҳиндупараст онгида янада ойдинлашди, унга янада яқинлашди. Ҳиндистонда фақат шундай тасаввур билан аниқ ва тушунарли бўлган илоҳни севиш, ундан қўрқиши ва эътиқод билан унинг чексиз марҳаматларига умид қилиш мумкин" (21:239).

Индуизмда махсус ибодатхоналар тизими жорий этилиши билан қурбонликлар масаласида ҳам Веда ва браҳманизм тамойилларидан фарқли ўлароқ, сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлди: илгариги моддий қурбонликлар ўрнини маънавий садоқат туйғуларига бўлган фидойилик эгаллади, гарчи

бу ислоҳот, эътиқодда муқаддам ўз таъсирига эга бўлган анъана унсурларидан қутилолмаган бўлса-да! Яъни, "Олий тангри"нинг Васудев, Кришна ва Нараян инкарнацияси – инкишофлариға сифиниш ва ярим худоларни гулларнинг ифори, хос шириналклар ҳамда гуруч билан "сийлаш" одатлари ва бошқалар.

Маънавий ва қисман моддий қурбонликларнинг ижобат бўлиш шарти эса, ҳинд диндорларидан руҳан покланиш ҳамда ўз аҳдига амалий садоқат кўрсатилишини талаб қиласарди.

Диний аҳкомларда вожиб этилганидек, тақво аҳлига ўз эътиқодига номуносиб барча манфаатлардан воз кечиб, қурбонликлар хусусида эса шри-Кришнанинг пандулар фарзанди аржуманди Аржунга қилган панд-насиҳатларига амал қилиниши боқий дунё саодатидан нишона эди:

"Барча қурбонликларнинг асл моҳиятига етиб, карма таъсиридан фориғ бўлиб, сўнг саодат ҳосилласи шарбатидан бир маротаба тотиб кўрганлар, коинотнинг юқсак ва абадий меърожи – Арши аълога кўтариладилар.(15:252)

Яна, илоҳлар қаторида сигир, маймун, илон, фил сингари уй ва ёввойи ҳайвонларга ҳалоскор ва касб-ҳунарда мададкор сифатида сифиниш, индуизм илоҳий потенциали учун характерли хусус. Масалан, Шива ва Парватийнинг фил бошли ўғли савдо-тижоратдаги ишбилармон кишиларнинг ҳомийси. Маймун шаклидаги паҳлавон Ҳонумон доим Ромнинг ўз жуфти ҳалоли Ситани иблис Раван чангалидан қутқаришдаги қаҳрамонона эзгу ишлирида ёру мададкор. Кобра ёки кўпайиш тимсолидаги буқача Нанда Шива атрибутининг ажралмас қисми. Кези келганда шуни

**алоҳидл қийд** этиш лозимки, индуизмдаги жон-ворларга бўлган бундай муносабат, ҳинд теоло-**гиисида**, инсон зоти борки, унга бўлган меҳр-му-**ҳаббот** ва раҳм-шавқатнинг нақадар кучли ва ҳақ-**қоний** эквалигиниг мантиқий давоми сифатида **тапширик** қилинади.

Инсоншарварлик туйғуларининг индуизмда-**ри** инса бир кўриниши, кечиримлилик ва бағри-**кенглик** бўлиб, уларнинг бадиий инъкоси дунёда **Машҳур** ва манзур ҳинд мифологиясида фоятда ёр-**қин** ўз ифодасини топган. Зоро, моҳияттан "Ми-**фология** ҳиндалар учун диннинг бир қисми. У дин **и** миллий маданият учун худди меванинг пўст-**логи** ва ўзаги каби унинг ичидаги шарбати ё мағ-**зини** сақлаб турувчи субстанция"дир.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳинд мифологиясида ҳатто солбий қаҳрамонларга муносабат шу даражага бориб етганки, «агар инсон ўз гуноҳи учун Танг-**ри** ғазабига лойиқ бўлса ҳамки, унга бошқалар-**нинг** нафрат кўзи билан қарашларини диний ман-**тиқ** ёқламайди». Негаки, "Кимки мавжуд борлиқни Олий тангри билан бирлиқда кўрса ва барча жон-**зотларни** Унинг зарралари деб билса, у ҳеч ким-**дан** ҳеч қачон нафратланмайди"(84:49).

Шу нуқтаи назардан упанишадлар ҳамда жай-**низм** ва буддизм диний эътиқодларидан мерос қолган байналмилаллик унсурларининг индуизм-**даги** новаторлик хусусияти – муросасозлик ру-**ҳиятининг** устиворлиги ҳам шундан эди. Мазкур фикрнинг жонли далили – бу Маҳатма Гандий-**нинг** қуидаги сўзларида ўзининг энг равshan ифодасини топган: «Ҳиндистонлик ҳиндалар ва мусул-**монлар** икки миллат эмас. Тангрининг ўзики улар-**ни** бирга қилиб қўйган экан, бир кишини ҳеч ма-**ҳал** иккига бўлиб бўлмайди».

## **«Бир миллат - икки диний эътиқод»**

Ҳиндистондаги ислом тарихига доир нуфузли бир манбада берилган маълумотга кўра, арабларнинг бу ўлкага юриш тайёргарчилиги аслида Мұҳаммад Пайғамбар(с.а.в.) давридан бошланган экан. Аммо афсуски, муаллифнинг ушбу маълумотни қаердан олганлиги ва нима сабабдан режани амалга ошмай қолганлиги нашрда қайд этилмаган(108:9). Шундай бўлса ҳам маълумотда жон бордек кўринади. Чунки, Ҳинд ярим оролининг жанубий ва жануби-ғарбий қисми, исломдан муқаддам араб савдогарлари учун тижорат марказларидан бири бўлган.

Арабларнинг бу ердаги аҳоли ва маҳаллий ҳокимлар билан жуда яхши муносабатда бўлиб, ўз савдо-тижорат фаолиятлари билан субконтинентнинг жанубий вилоятлари ривожига тегишли ҳисса қўшганликлари ҳиндистонлик муаррихлар асарларида алоҳида таъкидланади(98:112).

Керала ва бошқа вилоятларга ўз маҳсулотларини келтирган араблар, қайтишда Ҳиндистон, Малайзия ва Индонезия молларини олиб Европа мамлакатларига етказганлар(93:54.). Демак, акад. В.В.Бартольднинг таърифидағи "Мусулмон савдо-гарлари ва маданият арбобларининг ҳеч қандай қурол ёрдамисиз ҳам ҳарбий гуруҳлардан узоқроқ ерларга кириб бора олиши"нинг нақадар тўғри эканлигини мавзу мисолида ҳам кўриш мумкин.

Арабларнинг хулқ-атвори ва ўзга эътиқод вакиллари ҳузурида ерлик урф-одатлар, диний анъаналар ва бошқа маънавий-ижтимоий ҳаёт хусусиятларга бўлган эътиборларидан таъсирангган ҳиндулар уларни, ҳатто ўз тилларида эркалаб "mapillas" – "яхши йигитлар" деб атаганлар.

Аслини олганда, араб савдогарларининг ҳинд мачтилий мұхити ва ижтимоий ҳаёти шароитида ғаларини илғаридан – мусулмонликка қадар нега "Бөргөн" ҳис этмаганларнига таҳлилий ёндаш-сак, унинг сабабини Арабистон ярим оролининг ғұмшишидан аниқлаш мүмкін. Чunksи, "Ислом арағында араблар орасыда бутпаратстик шунчалик анықтауда әдіки, ҳатто ҳар хонадоннинг үз санами болған... Ибн ал-Асирнинг үқтиришича, 630 йили Мұхаммад(с.а.в.) Маккани забт этганида, Каъбанинг ичида 360та санамни күрган ва уларни синдириб тапшыши буюрган..."

Аммо арабларнинг бутпаратстликини фақат тотемизм, фетишизм сингари ибтидоий, илк дин шаклари сифатида эмас, балки узоқ йўлни босиб утган, нисбатан юқори даражада турган кўп худолик сифатида қабул қилмоқ керак". Ваҳоланг-ки, шўро даври исломшунослари жоҳилия арабларида диний тасаввур ривожланмаган, жуда паст даражада, муайян идеологик тизимга бирлашмаган, хуллас, синфий жамиятлардан олдинги давларга хос ҳолатда әди, деб ҳисоблаганлар. Бу таъриф марказий Арабистон саҳроларида яшаган баъзи араб қабилаларига нисбатан тўғри келсада, ярим оролнинг бошқа қисмлари учун бутунлай хатодир"(89:176,182,198).

Рұҳан, араблар хусусида қайд қилинган эътиқоддаги тараққиёт даражасидан ҳиндупарастлар ҳам қолишмасди. Лекин бунда икки тури миллиат ва диний эътиқод кишилари ўртасидаги холис ҳамда дўстона алоқа ришталарининг боғланиши, биринчи навбатда, исломий мағкурунинг этик ва эстетик асослари шарофатидан әди. Шу билан бир қаторда, Аллоҳнинг назарида наслий, ижтимоий ва миллий жиҳатдан барча бандаларининг

баробарлиги, ҳинд жамиятининг қон-қонига син-гиб кетган табақа тизими қонунлари ҳукум сурган ерда, албатта, авом халқ назаридан четда қолмади.

Браҳманлар томонидан қуий табақа вакилларига ибодатхоналарда сифиниш ман этилган бир жамиятда, "ғайридинлар" масжидида мусулмонларнинг барига баровар эшик очиқлиги, янги диннинг даъвати учун энг ошкора ва оммабоп восита эди.

"Мұхаммад Пайғамбар(с.а.в.) таълимоти замирида адолат, тенглик ва тинчлик каби инсон ҳаёти учун энг мұхим омилларни савдо-сотиқ атрибутига айланиши", араблар ва ҳиндлар ўртасида ижтимоий-иктисодий алоқаларни ҳатто ўзига хос рухий ҳамкорлик даражасига күтарилишига турткы бўлди. Оқибатда, бевосита маҳаллий ҳокимларнинг расман рухсати билан ҳинд тупроғида хорижий тожирлар ва улар билан келган сўфийлар учун маҳсус масжид ва хонақоҳлар қурилишига ижозат берилди.

"Айтишларига қараганда, араблар хулқ-атвори ва мардликларидан таъсиранган Каннаноре рожаси Чераман Перумал мусулмон савдогарларни ўз саройига таклиф қилиб суҳбат қурган. Мулоқотдан мутаассир рожа, меҳмонлардан Мұхаммад Пайғамбар ва унинг саҳобалари билан учраштиришни илтимос қилган. Сафар тайин этилгач, рожа араблар билан бирга Мадинага йўл олган. Бироқ, олий мартабали саёҳатчи манзилга етолмай, хасталик туфайли йўлда дунёдан кўз юмган. Лекин у сўнгти нафаси оддидан ўз атрофидағи яқинларига Ҳинди斯顿га қайтиб исломни тарғиб қилишларини васият қилган" экан.

Гарчи рожанинг Мадинага қилган сафари вақти аниқ бўлмаса-да, аммо унинг ўз ватанида

ислом дини ташвиқотига қўшган ҳиссаси, шубҳасиз.(93:55). Яна шуниси ҳам маълумки, рожа вакиятига мувофиқ, унинг Малабар ва Замориндаги издошлари масжиidlар қурилиши ва исломнинг тарқалишига талай қўшимча имкониятлар яратиб берганлар(98:112). Янги дин ибодат масканлаорининг барпо этилиши, жанубий вилоятлар ҳамда уларга яқин ороллар ҳудудида мусулмонлар сочининг кун сайин ортиб борганлигининг энг ишончли кўрсатгичи эди.

Маҳаллий ва хорижий илмий – тадқиқий манбаларда кўрсатилишича, ислом Ҳиндистонга турли даврларда, асосан тўрт тарафдан кириб келган. Биринчиси, юқорида маълум бўлган жанубдан – Кераладан, кейингилари Синд, Бенгал ва шимолий вилоятлар орқали.

Вақт ҳисобида Яқин ва Ўрта Шарқдан чиққан мусулмон савдогарлар ҳамда воизларнинг Ҳиндистонга келиши VII асрнинг иккинчи ярмидан тахмин қилинади. Бундан ташқари, мусулмон манбаларида ёзилишича, илк ислом, араб савдогарлари билан Малабар қирғоқларида пайдо бўлиб, кейин Цейлонгача етиб келган. Цейлондан эса, Лакадив, Малвив ва бошқа оролларга тарқалган.

Ибн Батутанинг сафар материалларида, ҳатто унинг муқаддас зотлар дағн қилинган мозорда Шайх Абдулло Ҳаниф, Шайх Усмон ва Бобо Тоҳирнинг қабрларини кўрганлиги зикр этилган. Демак, араблар ҳали Ҳиндистоннинг забт этилишидан анча илгари маҳаллий аҳоли билан алоқада бўлиб, савдогарлар билан бирга келган сўфийлар ҳам ўша кезлардан бошлаб ҳиндолар билан мулоқотга киришган.

Ҳинд ярим оролининг жанубий вилоятларида ислом тарихига тегишли маълумотлар ора-

сида яна шундай хабарлар ҳам борки, уларда "Исломнинг дастлабки ҳиндлар билан юзлашуви 672 йили Макран ва Канкан ўртасидаги териториянинг араблар босиб олишидан кейиш бошланган."(112:33).

Даврий жиҳатдан маълумотларни қай даражада ҳақиқатта яқинлигини, "ҳинд тақводори Бобо Ратанинг икки марта Маккага қилган сафари" натижасига қиёслаш билан аниқлаш мумкин. У ҳар икки сафар Мұхаммад (с.а.в.) билан учрашган, аввал У зотнинг пайғамбар бўлишларидан муқаддам ва кейин эса пайғамбарлик вақтиларида(112:119).

Исломнинг Шимолий Ҳиндистондаги тарихи ҳам, деярли, жанубий вилоятлардаги каби мусулмон ҳарбий юришларидан муқаддам бошланган, яъни VII асрнинг иккинчи ярмидан. Ҳинд рожалари билан савдо қилишдан манфаатдор бўлган Эрон, Ироқ ва Ўрта Осиёдан чиқсан савдогарлар Кашибир, Мултон ва шунингдек, ўша пайтда Гужаротнинг машҳур маркази Анхилварада ўтроқлашиб яшаб қолганлар. Ва шу аснода зикр қилинган шаҳарлар ва уларнинг музофотларида ўзга юртлардан келган хорижий фуқаролар ҳамда исломни қабул қилган ҳиндлардан иборат биринчи мусулмон қароргоҳлари таркиб топган(32:358).

Агар илк мусулмон савдогарлари ташрифидан кейин Ҳиндистонда юз берган воқеаларга келсак, улар арабларнинг VIII асрда Синд ва IX асрда Панжобга қилган юришлари билан характерли. Масалан, араблар Синд истилоси вақтида, ҳинд манбалари маълумотига кўра, вилоятнинг катта бир қисми чўл ва овлоқ ерлар бўлганлиги учунми, у қадар қаттиқ қаршиликка учрамаганлар. Гарчи «пратиҳар» ва «раштракит»лар мусулмон қў-

шишларига қарши жантта чиққан бўлсалар-да, бироқ, уларнинг бу уринишлари субконтинент сарҳадларини ҳимоя қилиш каби кенг миқёсдаги тушунчадан пиҷа узоқ эди. Оқибатда, ерлик ҳимоячи-лардни устун чиққан араблар, VIII аср охирида Раждистонни Ужжайннинг катта бир ҳудудидан ташкири, Кашнужни ҳам босиб оладилар(117:222).

Араблар ўз юришларида наинки фақат Хингитонни ҳарбий жиҳатдан забт этишга, балки уллр ерлик илм-фан намояндаларининг ўз изланишиларида эришган муваффақиятларини ўрганишни ёгаллаш пайида ҳам бўлдилар. Ҳатто, VIII курнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг бошлиридаги Яхё ва Холид даврларига таалуқли араб тарихий адабиётида ҳинд динларига доир дастлабки хабарлар пайдо бўлган. Шу қатори, яна бу хабарларда қадимдан ҳинду билан алоқада бўлиб, уларнинг бой маданиятидан боҳабар Ўрта Осиё ҳалқлари ҳам тилга олинган.

Мусулмонларнинг дастлабки ҳинд юришлари хусусида сўз бошлагандан шуни ҳам унит маслик керакки, «бу вақтларга келиб араблар шарқий Эрон вилоятларида илгариги ўз устунигини йўқотган эди. Энди ислом тарғиботчилари сифатида шунингдек, эронликлар ва уларнинг ҳарбий таркибида туркийлар ҳам фаолият кўрсатардилар».

Бундай – бир мусулмон саркардаси ўрнини иккинчиси эгаллай бошлаган шароитда, тарихий реалликни тўғри тасаввур қилиш учун бевосита ҳинд муаррихлариниг ўтган асрлардаги араб ёки турк-афғон ва "мўғул" саркардалари фаолиятига берган баҳолари моҳияти ниҳоятда мухим. Чунки, улар, узоқ ўтимишдан ҳинд-мусулмон муносабати

ва маданиятидаги тарихий жарёнларнинг жонли гувоҳи бўлган хинд ҳалқининг илм-фандаги во-рислари. Биз ҳам ўз баён ва таҳлилларимизни, им-кони борича мусулмон юришлари ва ҳукмронли-гига ҳинд тарихи гувоҳ бўлган жанглар, сиёсий-ижтимоий ислоҳотлар ҳамда маданий ҳаётни аввал ҳинд ва кейин бошқа хорижий манбалар негизида асослашга ҳаракат қиласиз. Ва бунинг муқадди-маси сифатида, Синдинг шимоли-жанубий ҳу-дудини эгаллаган Муҳаммад Қосим ҳукмронлиги ҳақидаги айрим ҳинд нашрлари хulosалари билан Синд ва Бағдод ўртасидаги маърифий алоқалар мисолида қисқача танишиб чиқамиз:

“Муҳаммад Қосимнинг Синдга юриши ерлик аҳоли ичидаги душманлик ёки нафрат руҳини кучайишига сабаб бўлмади, чунки, араблар фотиҳ си-фатида маҳаллий эътиқод ва анъаналарни оёқ-ости қилмадилар. Масалан, бош саркарда ҳинд-ларнинг сигирни муқаддас билишларини Дамашқ-қа хабар қилганида, марказдан бу жонворни фа-қат Синдда эмас, балки бошқа қўл остидаги ер-ларда ҳам сўйиш ман этилиши ҳақида буйруқ олган. Синд ўз тутган мавқеи билан араблар учун ҳинд илмий-фалсафий тафаккурининг трансмис-сия тармоғига айланган. Браҳмапутранинг “Ча-рак” ва “Сусрута” асарлари, юзлаб математика, астрономия ҳамда мусиқа манбалари санскрит-дан араб тилига ўтирилган... Ана шундай ўзаро маърифий муносабат асносида Синдда тахминан олтмиш фоиз ҳиндлар исломга ўтганлар».

Ҳинд диёрида исломнинг тарқалишини таъ-минлаган омиллар, ҳинд-мусулмон масаласи зами-ридаги ғоянинг синашта амалиётига хос кўри-нишларидан бири эди десак, янглишмасак керак. Зотан, «...ислом ҳали ўз асосчисининг ҳаётлиги-

Даёқ, христианикнинг хавваорийлардан то Буюк Федосейгача, буддизмнинг Шакямунадан то император Ашокага қадар эришган тараққиёт йўлини босиб ўтганди. Гарчи, мусулмонлар учун сиёсий мунаффақиятлар омадсизликларга алмашган бўлса ҳам, аммо бу исломнинг тарқалишида сезилмасди. Исломни мажбурий равишда тарқатиш Мұхаммад Пәйғамбарнинг масъулиятига кирмасди, аксинча, Оирипчи бор – бирон бошқа бир диний китобда ўз ифодасини топмаган қуйидаги тамойил эълон қилишган эди(18:248):

لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيْرِ فَمَن يَكْفُرُ بِالظَّاغُوتِ وَيُؤْمِنُ بِاللَّهِ لَا  
اسْتَسْكِنْ بِالْعَرْوَةِ الْوُتْقَى لَا لِتَصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْهِ

«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир.(Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди.. Аллоҳ өшитгувчи, билгувчиидир(Баҳара сурасининг 256-ояти).

Бироқ, Ҳиндистонда салкам минг йилга чўчилиган мусулмонлар ҳукмронлигининг шундай томонлари ҳам бор эдики, уларнинг руҳияти, демокки оқибатида, аксарият ҳинд олимларининг фикрича, ислом тарғиботидан кўра кўпроқ моддий бойлик орттириш мақсади ёттан. Бунинг учун ғазнавийлар, ғурийлар, хилжийлар даврини мисол қилишнинг ўзи кифоя.

Шахсан, Маҳмуд Фазнавийнинг 1001–1027 йиллар мобайнида ўн етти маротаба Ҳиндистонга қилган юриши, ҳинд тарихида, ислом тарғиботи хусусидаги тасарруфларнинг энг оғир кечган даври бўлиб муҳрланди: Матҳура, Сомнатҳ сингари

шашарлар вайрон қилиниб, ибодатхона ва саройлар таланди. Ниҳоят, муттасил ҳужумлар силсиласи натижасида Панжоб ва унга яқин вилоятларда ғазнавийлар ҳукмронлиги қарор топди.

Ғазнавийларнинг Панжобдаги 175 йиллик ҳукмронлик даври ҳинд тарихи саҳифаларида асосан салбий руҳиятда баён этилса-да, аммо улар орасида Маҳмуднинг давлатчилик фаолиятидаги Ҳиндистонга тааллуқли баъзи ижобий тадбирлари ҳам учраб туради. Хусусан, Сайд Эҳтишом Ҳусайн асарида шундай маълумот берилган:

“Маҳмуд Ғазнавийнинг қандайин камчилари бўлмасин, у илм-фанни қадрловчи ва санскрит тили аҳамиятини тан олувчи шахс эди. Ҳатто, у ўзини Ҳиндистонга қанчалик яқин тутишини намойиш қилиш мақсадида санскрит тилида тангалар зарб эттирган” (69:21).

Маълумки, ғазнавийларнинг салжуқийлар билан курашида, Афғонистондаги Ғур хонлигининг кучайиши оқибатида Фиёсиддин Муҳаммад Ғурий ўзи Ғазнани ва укаси Муйиддин Муҳаммад эса 1186 йили Лаҳорни ишғол қилгач, ғазнавийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги тугатилади. Шундан кейин Муҳаммад Ғурийнинг Ҳиндистондаги кучли рақиби – ерлик ҳукмдор Притхвираж, мусулмон истелочиларига қарши кураш олиб бориб, 1191 йили уларга зарба беришга муваффақ бўлади. Лекин ғурийларнинг Притиҳвиражга қарши уюштирган иккинчи жангидага, кучсизланиб қолган ражпутлар рақиблар ҳамласига дош беролмай, Сарсuti, Самана, Ханси, Ажмир каби муҳим қалъя ва шаҳарларни қўлдан бой беради, рожанинг ўзи эса қатл этилади.

Асрнинг охирига келиб Сена давлатидаги ўзаро курашлар боис кучсизланган Бенгалия ҳам

мусулмонлар тасарруфига ўтади. Шундай қилиб, Мұхаммад Гүрий ҳарбий саркардаларининг жанг-ларидың қули баланд келиб, Ҳиндистоннинг шимолиделерини мусулмон ҳарбий-феодаллари ҳукмронлаги ўринатилади.

Шу нақтда босиб олинган ерларнинг катта бир қисми ва "Ҳинд исломи маркази" бўлган Лайдор Кутбиддин Ойбекнинг қўлида эди. Инд дарёги қирғозида «хоҳар қабиласи» томонидан Мұхаммад Гүрий ўлдирилганидан кейин, Кутбиддин Ғабир ўзини ғурйилар тасарруфидаги ерларнинг султони деб эълон қилгач, у шу худуднинг янги ҳукмрони сифатида тан олиниди. Сўнг, подшо рижиутлардан қўлга олган Деҳлини ўз пойтахтига ишланаётгиргач, унинг асос соглан давлати эса, кешичалик, тарихий адабиётларда "Деҳлий султонлиги" деб номланди.

## *Деҳлий султонлиги* (1206–1526)

Деҳлий султонининг «умри», разнавийлар супрасидан қолган саркардаларнинг муттасил ҳамлалари туфайли узоқча чўзилмади. Ва унинг ўрнига туфузли туркий доиралар томонидан тахтга ўтказилган – Кутбиддин Ойбекнинг собиқ қули Шамсиддин Илтутмиш, ўз марҳум хожасига нисбатан султонликда узоқ, яъни 1211–1236 йилларгача – деярли чорак аср ҳукмронлак қилди. Бу даврда Деҳлий султонлиги сарҳадлари кенгайиб, марказининг таъсир кучи ҳам ортди. Бевосита султон бошчилигида ўтказилган тадбирларнинг амалиётлари ифодаси, султонликнинг Боғдод халифалиги томонидан тан олиниши эди(13:35–42).

Муаррих К.З.Ашрафяннинг "Деҳлий султонлиги"ти монографиясида Илтутмиш даврига даҳл-

дор "Тарихи Муборакшоҳий" асаридан келтирилган баъзи иқтибослар бизнинг тарих учун ҳам ниҳоятда муҳим воқеа, яъни:

1. Чингизхон тазииқидан қочиб, оз сонли қўшин билан Синд, фарбий Панжоб ва шимолий Гужаротни эгаллаган Хоразмшоҳ ўғли Жалолиддин, Лаҳор яқинига келганда, Илтутмиш ҳузурига вакилларини йўллаб, ундан ўз ерларини қайтариб олишда ёрдам беришини сўрайди. Шамсиддин Илтутмиш илтимосни рад этиб, ўз чопарлари орқали совға-саломлар билан "Жалолиддиндек аслзот шаҳзодага бундай ернинг иқлими тўғри келмаслигини айтади". Бир қанча вақт ўтгач, султон Хоразмшоҳ валиаҳдига қарши жангга чиқиб, уни жануби-шарққа, яъни Синд ва Саҳвану томон чекинишга мажбур қиласди.

2. Ёки, инглиз муаррихи Н.М.Эллиотнинг "Ҳиндистон тарихи" номли монографиясидан мўгуллар Ўрта Осиёning йирик шаҳарларини ишғол этиб, Хоразм давлатини босиб олганларида, Жалолиддин Мангуберди душманга қарши ягона қудратли куч тўплаш мақсадида Хуросон ва Ҳиндистонга мурожаат қилганлиги ҳамда ҳинд ва афғон бекларининг 20 минг кишидан зиёд қўшин билан ёрдамга етиб келганликлари маълум(97:339).

3. Баронийнинг "Тарихи Ферузшоҳий" асарида эса, 150 мингта яқин мўгуллар Хулагунинг набираси Абдулло бошчилигида Ҳиндистонга бостириб кириб талон-торож билан Сунамага етиб келганида, Жалолиддин мўгулларнинг устидан ғалаба қозонгач, рақиб қўшиниларнинг Ҳиндистондан чиқиб кетганлиги ёзилган(13:51).

Ўйлаймизки, бу маълумотларга келгусида даврий ва жуғрофий жиҳатдан аниқлик киритилиши, ҳинд ва ўзбек халқларининг ўтмишдаги

сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлиги тарихининг янги саҳифасини кашф этса, ажаб эмас. Ва бу излашшида Жалолиддиннинг айни Ҳиндистондаги фамилияти даврида ёзилган қўлёзмаларгина тўғри маълумот бериши мумкин. Зеро, «Тарихи Муборакшоҳий» ва «Тарихи Ферузшоҳий» мисолида кўрганимиздек: «Мусулмонларнинг Ҳиндистонга келиши билан бу ер учун янги – форс тилидаги тарихнавислик жанри пайдо бўлди, ривожланди. Муаррих ижодкорлар одатда мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётдан хабардор ҳолда тегишли хат-ҳужжатлар билан ишлаганлар. Улар давлат ишларидан ташқари, ҳукмдор ва атрофдаги нуфузли зотларни таърифу таҳсин қилиш билан ҳам шугулланган».

Масалан, XIII асрнинг энг таниқли ҳинд солномачиларидан бири Абу Умар Минҳожиiddин, Дехли сultonни Насриддин Маҳмуд назарига тушиб, оқибатда ўз асаларидан бирини сulton шрафига «Табақоти Насирий» номи билан атаган. Кейинги давр тарихнавислари Зиёвуддин Бароний ва Шамс Сирож Афиғийларнинг қўлёзмалари ўз тарихий қиймати қатори бадиий жиҳатдан ҳам етуклиқ даражасига етган.

Афсуски, XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларидағи тарихий асаларнинг кўплари бизгача етиб келмаган. Тарихий маълумотларда бунга асосий сабаб деб, ўзаро урушлар ҳамда баъзи ҳукмдорларнинг муқаддам эришилган муваффақиятлар изини ўчиришга бўлган уринишлари тахмин қилинади(30:331).

Илтутмушнинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган тинимсиз ҳарбий тадбирлари, Шимолий Ҳиндистонда бир қадар сultonлик қудратини мус-

таҳкамлаб, унинг таъсир доирасини кенгайтириди. Бироқ, Илтутмиш вафотидан сўнг унинг ворислари ҳукмронлигида марказий ҳукумат тизимиға ўзаро феодал зиддиятлари туфайли путур етиб, султонлик ўз аввалги қудратини йўқота бошлади.

Лекин кейинги йирик ҳукмдор Аловуддин Хилжий даврида – яъни, XIV аср бошига келиб, Деҳлий султонлиги яна Шимолий Ҳиндистон ҳудудида кенгайди. 1306 – 1313 йилларида Малик Кафурнинг тўрт юриши натижасида Аловуддин жанубий Ҳиндистонни ҳам ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Жанубий сарҳадлар Цейлон қаршисидаги Рамешварам кўрфазига етиб боргач, султон маҳаллий рожаликларни бевосита бошқариш қийинлигини тушуниб, тобе вилоятларни бож тўлаш шарти билан яна собиқ ҳокимларга тошириди(9:141 – 145).

Гарчи Аловуддиндан кейин унинг ворислари ва Муҳаммад Тўғлоқ ҳам ўз даврида чегараларни кенгайтириш йўлида кўп юришлар қиласаларда, бора-бора турли ҳудудлардаги ҳарбий саркардалар ўзларини султонликка тобе деб билмай қўйдилар. Шунда ҳам, Деҳлий султонлиги хинд тарихида XIII–XIV асрларгача Ҳиндистон сарҳадида биринчи ва энг йирик мусулмон-феодал давлати бўлиб қолаверди. Бу даврларда султонлик ҳокимияти асосан ўртаосиёлик ва хуросонлик ҳукмронлар қўлида бўлди.(55:18.).

Шу даврга таалуқли яна бир муҳим воқеа – бу "Темурнинг Ҳиндистон юриши" эди. Ушбу жараённинг тафсилоти, бевосита юришда қатнашган Насириддин Умарнинг эсдаликлари асосида яратилган Фиёсиiddин Алининг асарида бе-

рилган.<sup>1</sup> Бинобарин, мазкур юриш ҳақида яна шуни айтиш керакки, “Соҳибқирон Деҳлийга етиб келгач, Пашжобда ўз ноибини қолдириб ортга қайттан. Шундан сўнг, кўп ўтмай, Туғлоқ ҳукмдорлиги ҳам тутоган ва саййидлар султони даврида шимолий вилоят вакили Бахлул Лодий, имкон туғилиши билан таҳтни эгаллаб, то 1451 йилгача Деҳлий султонлигини бошқарган”.

Тахминан XV асрнинг иккинчи ярмида «Капимир, Деҳлий, Мұлтон, Синд, Гужарот, Мальва, Хандеш ва Бенгалиядаги мусулмон давлатлари қаторида Вижаянагар, Орисса, Гондвал ҳамда Ражпутанда ҳинд рожалари ҳукмронлик қиласиди».

Энди ҳар икки эътиқод намояндалари тасарруфидаги ерларда мавжуд диний, ижтимоий, иқтисодий аҳвол ҳамда ҳинд-мусулмон аҳолиси-нинг майший ҳаётига тааллуқли маълумотлар масаласига келсак, бу соҳа, рус сайёхи Афанасий Никитин эсдаликларида қисман бўлса-да, ўз ифодасини топган.

Холбуки, сайёхнинг асаридаги эсдаликлар бутун Ҳиндистон ҳақидаги маълумотни қамрамайди, шу жумладан Деҳлий султонлигини ҳам, чунки, «савдогар асосан жанубий вилоятларда, хусусан, Баҳмонийлар давлати ҳудудида яшаган ва бу ерлар, у ўйлагандек, мусулмонлар қўл остидаги марказ эмасди». Шунга қарамай, «Уч денгиз оша саёҳат» муаллифи баён қилган воқеалар, деяниш мумкинки, ўша давр тарихий манбаларига, bemubolaga, қайсиdir маънода жонли бир иловадир.

<sup>1</sup> Гиясаддин Али. Дневник похода Темура в Индию. Изд.вост.лит.М.1958.

Ҳиндлар ҳақида:

«Да о въръ же о их распытах все, и оны скаживают: въруем въ Адама, а Буты, кажуть, то есть Адамъ и род его весь. А въръ въ Индъи всъх 80 и 4 въры, а все въруютъ в Бута; а въра с върою ни пиетъ, ни ясть, ни женитяс...»

А намазъ же их на востокъ поруськи, обе руки подымаютъ высоко, да кладутъ на тѣмѧ, да ложатся ниць на земли, да все ся истягнетъ по земли, то их поклоны. А ясти же садятся, ини омываютъ руки да и ногы, да ротъ пополаскываютъ. А бутханы же их безъ дверей, а ставлены на востокъ, а Буты стоять на востокъ. А кто у нихъ умреть, ини тѣхъ жгут да пепел сыплють на воду...»

(Таржима: «Мен уларнинг эътиқоди ҳақида ҳаммасини сўраб суриштиридим ва улар дедилар: Одамга сифинамиз, бутлар эса, айтишларига қаранганд, Одам ва унинг зурриётлари. Ҳиндистонда ҳаммаси 84 диний эътиқод бўлиб, ҳамма бутга сифинади. Бир эътиқоддаги иккичиси билан бирга сув ичмайди, таом емайди, оила ҳам қурмайди...

Уларда ибодат шарқقا қараб (қилинади), руслардек, икки қўлларини тепа кўтариб, сўнг тizzага қўйиб, қорин билан ерга ётишади – бу уларнинг таъзими. Овқатга ўтиришганда, баъзилар қўл–оёқларини ювиб, оғизларини ҳам чайқайди. Бутхоналари эса эшиксиз ва шарқقا қаратиб қурилган. Бутлар ҳам шарқقا қараб турадилар. Агар кимдир улардан вафот этса, уни олова да ёндириб, кулинни сувга сепишади».

Мусулмонлар ҳақида:

«В сultanов же дворъ 7-ры ворота, а в воротъх съдят по 100 сторожевъ да по 100 писцевъ кофировъ; кто по идетъ, ини записываютъ, а кто выйдетъ, ини записываютъ; а гариповъ не пускаютъ въ град. А дворъ

*же его чюденъ велми, все на вырезъ да на золотъ, и последний камень выръзанъ да золотомъ описанъ велми чудно;...»*

*Бесерменинъ же Мелик, тотъ мя много понуди въту бесерменьскую стати. Азъ же ему рекохъ: «Господине! Ты намазъ кыларесенъ менда намазъ киларменъ, ты беш намазъ киларьсизъ менда З каларменъ менъ гарипъ асенъ инчай» он же ми рече: «Истину ты не бесерменить кажешися, а хрестьянства не знаешь».*

(Таржима: «Султон саройига етти дарвоза орқали кирилади, дарвозаларнинг тагида эса юзтадан қўриқчи ва кофир-мирзолар ўтиришади: баъзилари (саройга) киргандарни хатга олади, бошқалари эса чиқиб кетаётганларни, хорижийлар саройга киритилмайди. Унинг(султоннинг) саройи жуда ҳам чиройли, ҳамма ерда ўймакорлик ва тиллокорлик ва сўнгги қоя текис тарошланиб (унга) тилло билан гул битилган...

Мусулмон Мелик мени мусулмон эътиқодига киритишга қўл уриниб кўрди. Мен эса унга ледим: «Жаноб! Сен намаз киларсен менда намаз килармен, сен беш намаз киларсиз менда З калармен мен гарип асен инчай» у эса менга деди: «Дарҳақиқат, сен мусулмон бўладиганга ўхшамайсан, насороликни эса билмайсан»...(9:18–24).

Деҳлий султонлигининг тарихи хусусида гапирганда, назаримизда, мусулмонлар тасаруғигача Ҳиндистондаги катта бойлик ва ерларга эга бўлган ҳинд диний арбоблари ва ибодатхоналари тақдири тўрисида ҳам тўхталиш жоиз. Гап шундаки, султонлик ҳукмронлик қилган асрлар мобайнида айрим бузилган ёки масжидга айлантирилган ибодатхоналардан ташқари, маҳаллий диний тизимга тегишли қимматбаҳо ашёлар ва ер-

га эгалик ҳукуки, деярли ўз мавқеини йўқотмаган. Браҳман ва улар қарамоғидаги диний даргоҳлар солиқ тўлаш масъулиятидан мутлақо озод бўлганлар. Мазкур тарихий ҳақиқат ўз даврида ҳатто инглиз генерал губернатори ҳисоботида ҳам таъкидланган(13:145).

Марказий ҳокимиятнинг "Файридинлар"га бундай муносабати, мантиқан икки сабабга келиб тақалади: бири – бу ҳиндуараст аҳоли диний раҳнамоларининг ҳокимият назаридаги нуфузи. Иккинчиси, сultonликда сон жиҳатдан фуқароларнинг асосини ташкил қилган ҳинд аҳолиси ғазабига дучор бўлмаслик ва шу билан барқарорликни сақлаш мақсади. Ҳинд диний раҳнамоларига нисбатан бундай ички сиёсатнинг яна учинчи бир омили, мусулмон зиёлilarининг ҳинд ва ислом эътиқодидаги айrim муштараликдан боҳабарлиги ҳамда уларнинг келгусида ҳинdlарни янги динга жалб этиш йўлидаги бағрикенглиги намоиши эди. Албатта, бундай муносабатларда, айтиш керакки, Файридинларга нисбатан муқаддам қўлланган баъзи бир оғир жазо турлари истисно бўлган.

Маслан, Қутбиддин Ойбек ҳукмронликги пайтида ибодатхоналар ўрнига масжидлар қурилиб, Муҳаммад Бахтиёр Хилжий томонидан Биҳар шаҳри талон-тарожга дучор бўлганида ёки Шамсуддин Илтутмиш уламолари ҳинdlарга исломни қабул қилишини мажбур этилишини талаб қилганида, мусулмон ҳарбий-феодал аъёнлари ерлик аҳолига нисбатан ўзгача йўл тутишни маъқул топганлар. Яъни, Зиявуддин Баронийнинг "Саҳифаи наъти Муҳаммадий" асарида келтирилган вазир Низомулмулк Жунайдийнинг ҳинdlарга муносабати хусусидаги мулоҳазаси, узоқни кўриб иш

тутин лозимлигига бир ишора эди. Башарти бу масаладаги бевосита вазирнинг хулосасига келсак, у шундай:

“Ҳиндистон эндиғина забт этилди ва мусулмонлар бу ерда бамисоли катта лаганга сузилган таом тузидек оз. Бордию, ҳиндларга исломга ўтиш ҳақида мажбурий буйруқ берилгудек бўлса, улар ўзаро бирлашиб ғазабга келсалар, камчилик бўлган мусулмонлар бундай ғазаб ўтини ўчира олмайдилар”. Зеро, бундай шароитда мутаассиб чақириқлар ва шу руҳдаги таъсис этилган қонунқоидаларнинг жорий қилиниши исломнинг манфаатларига жавоб бермасди.

Ҳа, баъзан ҳинд феодалларини исломга ўтказиш мажбурий тус олган вақтлар ҳам бўлган. Маҳаллий жамиятдаги нуфузли шахсларнинг исломга ўтиши, уларнинг мусулмон ҳукмронларига тобелиги белгиси ҳисобланарди. Ҳолбуки, ер-мулк эгалари қўл остидаги қавм ёки кичик қабилалар ўз эътиқодларида қолавергандар(32:355–356).

Мусулмон юришлари натижасидаги мағлубият, паришонлик ва парокандаликлар, аҳоли руҳиятига турлича таъсир этиб, бу ҳолат, ҳинд манбаларида қайд этилишича, ҳатто тоат-ибодатга муносабатда ҳам сезилган. Яъни, бу маънода жамиятда, таъбир жоиз бўлса, қандайдир “суверенлик руҳияти” ҳукум сурган.

Тўғри, мусулмонлар тасарруфидан олдин ҳам бундай кайфият буддапарст, шивапараст ёки вишинупарастлар орасида кузатиларди, аммо бу қадар ҳинд каби мусулмонлар ҳам орасидагича дарражада эмас(98:114–115).

Ушбу маънавий-ижтимоий вазият вакуумида юзага чиққан яна шундай оқимлар ҳам бор эдики, улар ўз турфа талаб ва ғояларини ўртага

ташлаб, гоҳ очиқ ва гоҳо хуфия фаолият кўрса-тишга ўтганди. Яъни, оддий авом орасида мамлакатдаги содир бўлаётган қарама-қаршиликлар гирдобида аросатда қолган баъзи фуқаролар, аслида ҳатто ҳиндга ҳам, мусулмонга ҳам мансуб бўлмаган секталарни ихтиёр этган эдилар. Айтайлик, таркибида ҳиндлар билан бирга мусулмонлар ҳам қатнашган "зуннардар" ёки фақат ҳиндлардан ташкил топган, баъзи ўз ташвиқоти билан ҳинду-парастлик маънавиятига зид "ибахати" каби жамоалар шулар жумласидан эди. Аҳоли орасидаги бундай кайфият ва унинг оқибатлари, бир мамлакатдаги икки – ҳинд ҳамда мусулмонлар жамиятининг ўзаро яқинлашуви ва фуқаролик асносида бирлашувига раҳна соларди. Дарвоҷе, ҳали VII асрдан умавийлар сулоласини инкор этиб диний-сиёсий ҳаракат сифатида барпо бўлган шия мазҳаби Ҳиндистонда ҳам ўз тарафдорларига эга бўлса-да, бироқ у оддий авом орасига кириб боролмади. Ҳолбуки, IX асрнинг биринчи ярми охиригача Ироқ ва Мисрдаги тазийқлардан қочган шииизимнинг ўта мутаассиб "исмоилийлар<sup>1</sup>" ёки, уларнинг иккинчи номи билан атагандага "катматчилар" ҳам Ҳиндистонда қўним топишга қўп уриндилар. Лекин Деҳлий сultonлигига уларнинг фаолиятига муносабат ижобий эмасди. Хусусан, Ферузшоҳ шия мазҳабини тарғиб қилувчиларни жазолаб, китобларини ўтга ташлатди. Шунда ҳам шииизмга қарши кўрилган чоралар, уни эътиқод маъносига ҳинд мусулмонларининг нуфузли доиралари орасидаги таъсирини тугал йўқ, қилолмади. Феодал

<sup>1</sup> Араб ҳалифалигида VII асрдан пайдо бўлган шиялар секатаси шу мазҳабнинг олтинчи имоми Жаъфар Содикнинг ўғли Исмоил номи билан аталган.

гурӯҳларда сунний ва шиалар ўртасидаги кураш кўринишидаги узоқ давом этган раҳобат, охири султонликни инқирозга олиб келди. Ва Бижопур, Голконда ҳамда Аҳмаднагар каби султонликнинг парчаланган сарҳадларида шия сулолалари ҳукмронлиқ қилди.

Ҳиндистонда шия мазҳаби ташвиқотининг кучайиши Эронда сафавийлар сулоласининг ҳукмронлиги ўрнатилиши билан боғлиқ кечди(32:360). Юқорида кузатилганидек, мамлакатдаги ҳукмрон қатлам ва авом ўртасидаги сиёсий, ижтимоий ва маънавий зиддиятлар устига устак, индуизм ва ислом эътиқодларининг ўз ички – фирқаланиш ёки тарафкашлик муаммоларини англаб етиш ва улардан тегишли хуносага келиш, оддий ҳалқ учун ниҳоятда мушкул ва мураккаб эди.

Бир тарафдан, ҳиндларнинг кўзида азалдан ота–боболари сифиниб, ардоқлаб келган ибодат масканларидағи муқаддас маъбуд ва маъбудалар мусулмонлар қиличидан олий табақа браҳманни ҳам, энг паст табақа вакили шудрани ҳам ва ҳаттоқи, ўзларини ҳам ҳимоя қилишга ожиз эдилар. "Мавжуд шароитда бутпарастлар ноилож, кучсиз ва ҳалокатли аҳволда бўлиб, истилочилар кучли, омадли ва художўйдек кўринардилар. Тангрининг мусулмонларга бу ишларида ёр бўлаётганини кўрган ҳиндларнинг бутларга бўлган ишонч–эътиқоди борган сари йўқолиб борарди"(133:3).

Иккинчи тарафдан эса, янги дин тартиб–тақозоларининг ерлик эътиқод, ҳаёт тарзи, урф–одатлар ва миллий анъаналарга нисбатан қилаётган ҳужумларидан норози дин пешволари ва уларнинг атрофидағи аксарият ҳиндупарастларда норозилик руҳияти авж оларди.

Гарчи икки ўргадаги зиддиятлар қамрови кенгайиб бораётган бўлса ҳам, кейинги тарихий жараён кўрсатганидек, эртами-кечми, ахир бир кун оддий ҳинд дехқони ёки ҳунарманди назаридаги «чигал муаммолар» ўз ечимини топиши керак эди. Айни шу нуқтаи назардан исломнинг Ҳиндистонга кириб келиши ва тарқалиши тарихи билан шуғулланувчи ҳинд ва хорижий мутахассислар одатда уч тоифага бўлинадилар.

Биринчи тоифа тадқиқотчилари бу жараённинг таҳлилида негадир унинг ички маънавий мағзи қолиб, кўпроқ ташқи факторларига суюнадилар. Мисол учун, Дж.С.Триминген ўз китобида ушбу масалага тўхталиб, янги эътиқоднинг ўзлашув жараёнини шундай руҳда фаҳмлайди:

“Ҳинд исломи ўз моҳиятига кўра азобу укубатларга асосланган эътиқод эди. Шунинг учун ҳиндаларни расмий ислом эмас, балки уларни мўфуллар тазиикида дину диёнат дея қувғинликка учраб, узоқ ерларга ҳижрат қилишга мажбур бўлган мухожирларнинг муқаддаслик меъроjига кўтарилишлари ўзига тортган”.

Иккинчи тоифа тадқиқотчилари, авомнинг қуийи қатламларида маҳаллий феодал сиқуви ва диний-ижтимоий маҳкумлик занжиридан озод қилувчи янги эътиқодни қабул қилиниши сабабларини, деярли, қўпинча муқаддам топталган фуқаролик ҳақ-ҳуқуқининг тикланиши замиридаги қулай шароитлардан излайдилар:

“Паст табақадаги ҳиндалар учун мусулмонлар жамиятида ақлий, жисмоний фаолиятнинг эркинлиги, диний-ижтимоий тенглик, маъсаб-марта бада чекланмаслик ва умуман, табақа тизимидан озодлик — оғир, машақватли ҳамда мажбурий ишлар мастьулиятидан қутилиш имкониятини яратди”.

Учинчи тоифа олимлари ҳар икки эътиқод ва жамият аъзолари учун умумий қонун – ҳаётий реалликдан, унинг инкор этиб бўлмас шарт-шароитларидан келиб чиқиб ўз фикрларини шундай изоҳлайдилар:

“Мусулмонлар ҳиндлар орасида яшаганлиги учун ерлик аҳоли билан доим мухолифатда бўлишлари мумкин эмасди ва шунинг учун ҳам ўзаро алоқалар ҳамкорлик тусини ола бошлади. Истилодан кейинги ҳаяжонлар сўнгач, ҳинд ва мусулмонлар аста-секин муросага келиб ўрталарида қўшичилик муносабатлари пайдо бўлди...”(126:132).

Исломнинг ҳинд еридаги тарихига илмий ёндашувнинг ҳар уч асосини ҳам инкор этиб бўлмайди. Аммо, уларнинг барини бир марказда бирлаштирувчи яна бир муҳим омилни назардан қочирмаслик даркор, бу – сўфизм феномени эди. Зоро, ҳали араб савдогарларининг Ҳиндистондаги фаолияти ва ҳаёти ибтидосидан то бобурийлар салтанати ҳукмронлигининг энг сарбаланд нуқтасигача ўтган асрлар давомида Ҳиндистондаги турили миллат ва эътиқоддаги авом халқа доим маънан яқин бўлган сўфийлар, бундай ишонч ва иззат-икромга, аввало, ўзларининг барча учун умумий ва ибратли комил инсоний фазилатлари туфайли муносиб топилган эдилар. Бинобарин, ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги ўзаро тенглик ва биродарлик туйғусини тарғиб килган “Бҳактий ҳаракати”, ниҳоят, XV асрда ўз меърожига кўтарилиб, бҳакт ва сўфийлар ғоявий муштараклигининг инъикоси сифатида майдонга чиқди. Ўрта аср Ҳиндистони маънавий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган бу ҳаракатда, шунингдек, мусулмон савдогар ва ҳунарманларининг

ғоявий омили ҳисобланган "маҳдизм"<sup>1</sup> оқими ҳам сезиларли фаолият кўрсатди(13:210–211).

Хиндистонда "Үйғониш даври" рамзига айланган "Бҳактий ҳаракати"нинг нима сабабдан оммалашувини идрок этиш учун яна мозийга қайтишга тұғри келади. Пировардида XI–XII аср ҳинд диний реформатори Раманужа яратган бҳактий фалсафий таълимоти солиҳ бҳакт бандасининг Тангрига бўлган чексиз муҳаббатини эътиқоднинг энг олий кўриниши сифатида тарғиб қилди. Янги фалсафий оқим аввал "сагун бҳактий", деб номланган. "Сагун" сўзининг маъноси бирор маълум сифат ёки аниқ кўринишга эгаликдир. Сагун бҳактийга амал қилганлар Вишну, Ром ёки Кришнанинг инсон кўринишидаги маъбудига сифинганлар. Гарчи Раманужа Тангрининг қандайдир конкрет шакл–шамоилда эканлигини рад этса–да, лекин унинг одамлар орасига "Аватар"лар сабабли муайян қиёфада тушишига ишонган. Таълимотда бҳактдан ўз Аслига қайтиши учун "жот" – наслият қоидаларига қатъяян бўйсуниш талаб этилиб, бу ишларда фақат браҳманларга мурожаат қилинганилиги учун унинг оммавий амалиёти ўз мазҳаби доирасидан ташқари чиқа олмади(71:59).

«Аватар» масаласида шуни ҳам эслаб ўтиш жоизки, бу воқеанинг содир бўлишига, ҳинд нашрлари қайдича, муқаддам шиа мазаҳбидаги ҳам ишонилган. Хуросондан Синдга келган Садриддин исмли зотнинг «Дас Аватар» – «Ўн аватар» асарида ҳазрати Алининг шахсиятига Вишнунинг сўнгги, ўнинчي инкарнацияси деб қаралган(32:362).

<sup>1</sup> Шиа мазҳабидаги ўн иккинчи ғойиб бўлган имом образи – Маҳдий ҳақидаги ақидада, унинг яна қайтиб келиши ва мусулмонларни илк ислом йўлига бошлиши башорат қилинган.

Индуизм тарихида бұқактий ғояларининг халқ ичида кенг тарқилиши фақат XIV асрдан бошланғанлиги зикр этилган. Раманужадан кейин унинг ғоявий издоши Рамананд, үз устозидан фарқли үлароқ, "Тангри үз бандаси борки – бой ва камбағал, фуқаро ва ҳукмдор, браҳман ва шудра, хуллас, "кибор ва авом"га баробар дардкаш ва меҳрибон" деган ғояни ёқлаб чиқди. Янги "ниргун бұқактий" оқими, аниқ бир сифат ё күринишга эга бўлмаган шаклан мавҳум илоҳий кучга кўрсатилган садоқатни улуғлади.

Ҳинд олимлари эътирофича, «ниргун бұқактий»нинг юзага келиши ва халқ орасида ёйилишида ислом дини муҳим роль ўйнаган. Масалан, Хиротда Абдураҳмон Жомий қўлида таҳсил қўрган сўфий шоир Жамолиддин Канбу "покланиш ва жисмоний такомилликда нафақат мусулмонлар, балки ҳиндларга ҳам аҳамият бериш керак" лигига даъват қилган. Ҳиндлар билан бундай маънавий ва ижодий ҳамкорликда бўлган сўфийлар ҳинд мусулмон нифоқу низоларини бартараф қилишда бебаҳо инсонрарвалик намуналарини кўрсатиб, ном чиқарганлар.

Бұқактий таълимотининг ғояда "янги дин"га маслақдош бу йўналиши жамиятда үзаро ижтимоий тенглик тарғиботини юритиб, үз тарафдорлари сафини ҳинд–мусулсон фуқаролари ҳисобига кенгайтирган. Шундай бир ҳолатда ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги мухолифат, бұқактийнинг инсонпарвар руҳияти таъсири туфайли аста–секин муросасозлик кайфиятига ён берган.

Тагида Рамананднинг ғоявий концепциясини индуизм учун янгилик деб бўлмасди. Ҳиндлар яратилишидан Мутлоқ руҳнинг зарраси бўлганларни учун эътиқодда мантиқан үз ибтидоси

билин тенглик ҳуқуқига ҳақли эдилар. "Ниргун бҳактий" ҳам ана шу тенглик асосида ирқий, диний ва миллий тафовутларни тан олмасди. Инсон ҳақ-ҳақуқининг табақа тизимида поймол этилиши ёки унинг шу боис юксалиши, "сагун ва ниргун бҳактий" асосчилари Раманужа ва Рамананд ғоялари ўртасидаги приципиал зиддият эди.

Ҳинд ва мусулмон сингари икки диний ва ижтимоий таркиб тўқнашувида пайдо бўлган мураккаб бир вазиятда эрк, тенглик, ва шу аснода Тангрига бўлган садоқат рамзи сифатида инсонга меҳр-мурувват кўрсатишга чорлаган "ниргун бҳактий", ҳинд ва мусулмон фуқаролар орасидан бир қанча ўз замонасининг етук шахсларининг этишиб чиқишига замин яратди. Шундай эл назарига тушган намояндадарнинг бири Гуру Нанак, бҳактий ва тасаввуф ғояларидан руҳланиб, XV-XVI асрлар оралиғида ҳинд ва мусулмонларни маънан бирлашишга даъват этган ўз таълимотини яратиб, Ҳиндистонда янги сикҳизм эътиқодига асос солди.

Маълумки, Панжоб Шимолий Ҳиндистондаги вилоятлар ичида илк мусулмон юришларида ҳинд-мусулмон муносабатларининг шаклланган ери бўлган. Сикҳийзм диний таълимотининг яратилиши ҳам "ҳинд-мусулмон муаммоси" маънавий-сиёсий ечимининг бир кўриниши эди.

Шу зайдада барпо бўлган икки диний эътиқод кишиларининг ҳамкорликдаги ўзаро маънавий ва маданий яқинлашуви, икки ўртада бегоналик ҳиссиятига барҳам бериб, кечаги муҳолифат ўрнини диний муросасозлик пойдевори эгаллади. Ўз даврида ҳар қандай диний муҳолифатга муқобил тенглик, биродарликни улуғлаган бҳактизм ва унинг яловбардор шоири Кабир ижо-

дига мансуб даъватлар, Гуру Нанакнинг янги таълимоти учун ғоявий платформа сифатида аскотди.

Яна шуниси ҳам муҳимки, Ҳиндистондаги жорий диний-фалсафий оқимлар ичида мантиқан "ниргун бҳактий"га энг яқини тасаввуф таълимоти эди. Фояда бҳактий билан эгизак тасаввуф мистицизми, ўз изчил фаолияти ва прогрессив дунёқарашлари билан "Ўрта аср деспотизми инсонни қуллик даражасида манкуф урган бир даврда, унинг илоҳиятга дахлдорлигини шарафлаб қалбига умид ва ишонч руҳини баҳш этган эди" (103:9).

Ҳинд жамиятида юз бера бошлаган сезиларли ўзгаришлар, бутларга сифиниш ва табақалашини рад этувчи исломий тамойиллар билан мужассам равища оммалашиб борди. Бинобарин, биз юқорида сўз очган – мамлакатнинг ғарбидан Панжобга кириб келган бҳактий ҳаракати муҳитида шаклланган Гуру Нанак ғоявий таълимоти, охир оқибатда "сикҳлар мазҳаби"да расман диний мақомга эриши.

Гуру Нанак таржимаи ҳолига келсак, у 1469 йили қишлоқ ҳисобчиси оиласида дунёга келган. Ёш Нанак мусулмон дўстининг ёрдамида ўқишини тутатгач, афонлар маҳкамасига хизматга ўтган. Диний йўналишда Нанак дастлаб сўфийларга қўшилган, лекин кўп ўтмай, улардан ажралиб Ҳинд ярим ороли бўйлаб дарбадар кезган. Унинг Макка зиёратига борганлиги тўғрисида ҳам маълумот бор. Нанак узоқ давом этган сафарлардан сўнг, яна ўз оиласига қайтиб Панжобда яшаган. "Гуру"нинг муҳлис шогирдлари ўз устозлари атрофида йиғилиб, ундан таҳсил олганлар ва шу билан сикҳлар мазҳаби фаоллаша бошлаган. Гуру Нанакнинг ёзган диний матнлари эса, яхлит тарзда муқаддас «Грантҳ Соҳиб» китобида жамланган (117:309).

Сикхизмда Гуру – устозга нисбатан доимо иззату ҳурматда бўлиш фарз амалларнинг энг асосий ва муқаддаси. Таълимот "сикх" – ўқувчи сўзидан келиб чиқиб, унда Нанак номининг "гуру" сўзидан бошланиши, устоз ва ўқувчи ўртасидаги муносабатни қай даражада муҳимлигини таъкидлаб туради. Шунинг учун сикхларнинг муқаддас китобида кўрсатилган "Ҳақ йўли"га фақат Гуру етаклашга ҳақли. Бҳактий ва тасаввуфнинг муштарак ғоялари билан суғорилган бу омиҳтадиний эътиқодда сикхлар ўз насл-насаби, ижтимоӣ мавқе-мансабидан қатъий назар ўзаро тенг ва биродар.

Энг сўнгти Ҳиндистон диний таълимоти ӯзининг ilk давриданоқ ҳинд-мусулмон бирлигига таяниб, жамиятдаги устувор браҳманизм тамоийилларига қарши чиққан. Зотан, ўз тарғиботи ва фаолияти билан сикхизм, тор ё кенг маънода бҳактий таълимоти, демак, ҳаракати ғояларининг ҳаётий ифодаси эди.

Ҳинд сарзамини тарихидаги сўнгти "янги дин", ўз моҳияти билан, юқорида зикр қилинган "ҳинд-мусулмон муаммоси" маънавий ечимининг мавжуд шароитдаги бир кўриниши эди. Ва бу ечимнинг энг мухтасар тавсифи, қуийидаги савол-жавобда ўз тасдифини топган, деб ўйлаймиз:

"Бир куни Гуру Нанакда сўрашибди:

– Сизнингча аслида қай бир эътиқод кучлироқ, индуизмми ё исломми?

Гуру шундай жавоб берибди:

– Агар эзгуликдан маҳрум бўлса, уларнинг ҳар иккисига ҳам Тангрининг даргоҳида жой йўқ".

Нафсиамр "Бҳактий ҳаракати"нинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган ҳинд-мусулмон маданий ва ижтимоий амалиёти хусусида ҳам та-

рихда мисоллар етарли. Буни 1333 йили Синдга келиб, Муҳаммад Тўғлоқ саройида пойтахтининг қозиси мартабасига мұяссар бўлган Ибн Батута-нинг баёнидаги баъзи "соф ҳинд урф-одатлари"га риоя қилган мусулмонлар мисолидан билиш қийин эмас:

"Масалан, Амир Сайфиддин султон Муҳаммад Тўғлоқнинг синглисига уйланганида, ўз қўли ва оёғига қизил упа суртганидан кейин, унинг қаршисида ҳозиргача сақланиб қолган "маийун" анъ-анаси бўйича хотинлар рақсга туша бошлаганлар. Ёки ҳиндарнинг гул билан бажариладиган маросимлари мусулмонларнинг дафн этилишида ҳам қулланган» (13:206).

Мажозан, ўша замона шароитида ниш урган – ҳар бир эътиқод аҳли учун энг муҳим ҳаётий воқелик ҳисобланган тўй ва дафн маросимларидек, бошқа бир қатор маданий-маърифий жабҳалардаги муштарак ижтимоий анъаналар куртаги, бобурийлар давридан башарият цивилизацияси мақомига даҳлдор бўлган "Ҳинд-мусулмон маданияти" боғида барг ёзди.

Мавзууни реал тарихий ҳақиқат йўриғида давом эттириш учун, то бобурийлар салтанати қоим бўлган вақтга қадар мозейга қайтиб, исломнинг Ҳиндистандаги ўзлашувининг яна бир неча нозик ва айни пайтда ўта долзарб жиҳатларига тўхталиш лозим. Акс ҳолда, тарихий талқинлардаги кемтик қолиб кетган ерлар асл воқеликни англашга халал бериши мумкин.

Хуллас, Ҳиндистанда исломга ўтишнинг дастлабки йиллари, ўзларининг бутун умидини тенгликка бағишлигар паст табақа вакилларининг ниҳоят ижтимоий хўрлик чангалидан бир умрга қутилишлари маънан кафолатланган эди. Аслида

шундай ҳам бўлди. Янги мусулмонлар дин, шариат ва жамият назарида Аллоҳнинг тенг ҳуқуқли бандаларига айландилар. Бу жараёнда, қолаверса, азалдан табақа тизими бошқарган ҳинд жамиятида афкор оммага нисбатан жорий этилган "ё ислом, ё ўлим" тамойилидаги ўтмишда ўзини оқламаган бъязи тажрибаларнинг аччиқ ҳосиласи, вақт ўтиши билан исломни маҳаллий руҳият ва мантиқ тақозоларига мослашувига мажбур этганди. Бироқ, шунинг баробарида, "Бенгалия ҳамда Панжоб аҳолиси таркибидағи кўпчиликдан иборат – табақа тизимидан ташқари бўлган "дахлсизлар" орасида исломни қабул қилувчилар сонининг ортиб бориши ва уларнинг янги дин билан боғлиқ хаёлий орзу-умидларини доим ҳам исломий ҳаёт тарзига мос тушавермаслиги, бу вилоятларда вазиятни анча мушкуллаштириб қўйган эди".

Биринчи исломга ўтган ҳиндалар одатда Аллоҳ қатори муқаддам сифинган илоҳларини ҳам йўқлаб, собиқ эътиқодлари ритуалларига ҳам амал қилганлар. Аллоҳни эса, ўзларининг тасаввурнида илгари сифинилган илоҳий пантеоннинг энг улуғи деб билганлар. Яъни, динда ҳам ҳинд мусулмонларида худди ижтимоий соҳалардаги сингари муштарак анъаналар руҳи ўз аҳамягини сақлаб қолганди: браҳманларга олдингидек тегишли тобелик билан муносабатда бўлинар, мусулмон муқаддас зотларига сифинш ҳам "яқин ўтмиш" кўринишида адо этиларди. Ёки ҳали ҳам заминдорларни рожа деб аталар, узоқ қишлоқларда собиқ эътиқод фарзига кўра эри ўлган хотинларнинг ўзини ўтга ташлаш ритуали мажбурий бўлмаса ҳамон жорий эди.

Мусулмон оиласарда янги туғилған болаларга аввалгидек ҳиндча ном бериш одат тусидаги амалларга киради.(32:369). Түй-ҳашамлардаги анъанавий никоқ маросимларда ҳам браҳманларга мурожаат қилиш ҳоллари давом этарди. Шу каби қисқача санаб үтилған бундай «қулай шароитлар», ҳиндларнинг исломга үтишини ҳар қалай осонлаштирган(43:223).

Малик Кафурнинг Ҳиндистон жанубига қилған юришида бирга бўлган Амир Хусров Деҳлавий, ўша вақт ҳинд мусулмонлари юриш-туришларию дунёқарашларига шундай баҳо берган: “...Улар мусулмон диний урф-одатларига тўла амал қилмаганликлари учун ярим ҳиндлар эди”.

Шунинг қаторида, ҳинд мусулмонлари ҳаётидаги индуизм қанчалик чуқур из қолдирган бўлса, ҳиндунастларда ҳам мусулмон муқаддас зотларини ҳурматлаш ва уларга сифиниш одатлари оддий воқелик ҳисобланган (32:369 – 371).

Тарихан, исломнинг ўзга минтақалардаги сиёсати «тажрибалари»дан Ҳиндистонни ҳам мустасно деб бўлмасди. Яъни, юқорида шоҳиди бўлганимиздек, келиб чиқиши турли миллат ва эътиқоддан бўлган мусулмонларда ўз ўтмиш маросим ҳамда анъаналарининг миллий хусусият сифатида сақланиб қолиш ҳоллари ҳинларда ҳам ўзгармади. Ислом тасарруфидаги мамлакатларда синовдан ўтган бундай қайишувчан диний сиёсатнинг ҳатто ҳозиргача «ўчмаган излари» исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шулардан бири, Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаётидаги ўз моҳиятини йўқотмаган оташпарастлик давридан қолган – тўй ва шодиёналарда гулҳан атрофида эзгу ниятлар билан айланиб, дуолар ўқиши сингари удумларнинг

бардавомлиги. Ёки айнан шундай ҳиндупарастларнинг "ҳолий"<sup>1</sup> ва "дивалий"<sup>2</sup> байрамларида мусулмонларнинг иштирок этиши ва бошқалар.

Агар ушбу масалада арабларга келсак, "асрлар давомида такомиллаша бориши натижасида мураккаб идеологик тизимга айланган яхудийлик, христианлик ва зардуштийлик динларининг у ёки бу даражада Арабстонда тарқалиши, албатта, маҳаллий аҳолига таъсир кўрсатмай қолмади. Шунингдек, бу таъсир бир хил бўлмагани ҳам табиий бир ҳол. Мисол учун, ислом ғалабасидан кейин ҳам арабларда оташпаратлик билан боғлиқ баъзи одатларнинг сақланиб қолганини ҳисобга олмагандা, мажусийларнинг арабларга таъсири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади»(89:194).

Башарти сўз ҳинд-мусулмон майший ва ижтимоий турмуш тарзининг муштарак жиҳатлари тўғрисида борар экан, табақа тизимининг ҳинд мусулмонлари ҳаётидаги таъсир доираси хусусида ҳам бироз тўхталиш жоиз. Йўқса, то ҳозиргача ўз маънавий аҳамиятида қоим қолган факторларни четлаб ўтилган бўлурди.

Исломнинг Ҳиндистондаги бошланғич давридаёқ мусулмонлар ўз таркибига кўра турли этник гуруҳларга мансуб истилочилар ва ерлик аҳолидан иборат икки тоифага бўлингандар. Улардан биринчиси, худди Веда динидаги орийларга ўх-

<sup>1</sup> Ҳинд календари бўйича "пҳалгун ойи"да ой тўлган кунлари нишонланадиган байрам. Бу шодиёна вақтида одамлар бирбирига рангли сувлар сепиб, қизил ёки сариқ ранглар суртадилар.

<sup>2</sup> Ҳинд календари бўйича «катик ойи»да Лакшми маъбудаси шарафига ўтказиладиган оловлар байрами. Бу шодиёнада уй, кўча ва сайлгоҳларда турли ёриғлик воситаларидан фойдаланилади.

шаш "ашрафийлар" аталмиш олийзот сайидлар, шайхлар ва бобурийлар эди. Ашрафийларнинг кўпчилик қисми шайхлар бўлганлиги учун уларнинг исмига ўз насли улуғ зотларининг номи қўшиб айтилган:

Аббосий – Пайғамбар Мұҳаммад(с.а.в.)нинг амакиси, Ҳошимий – Пайғамбар Мұҳаммад(с.а.в.)нинг бобокалони, Усмоний – Халифа Усмоннинг номи. Нуфузли мусулмонларнинг аксарияти бўлган бобурийлар ўз исми шарифларига "оға", "хўжа" ва "мирза" сўзларини қўшиб расмийлаштирганлар(43:319).

Иккинчи тоифа вакилларини эса маҳаллий ҳунарманд ва деҳқонлардан чиққан мусулмонлар ташкил қилган.

Биз юқорида баён этган ҳинд мусулмонларига хос икки тоифанинг ўзаро биринчисини иккинчисидан ажратиб турувчи яна маҳсус атамалари ҳам бўлган: "шариф зот" – сайид, шайх, мўғул, паттхон; "ажлоф зот" – гўё ҳинд касталари каби касбига қараб номланган; "жулаҳа" – тўкувчи, "тели" – ёғфуруш, "жўги" – сувчи ва бошқалар(32:357).

Ҳинд мусулмолари таркибидаги сайид ва шайхлардан кейинги "мўғуллар" деб аталувчи зотларни асосан бобурийлар ва уларнинг зурриётлари ташкил қилган. "Буюк мўғуллар" номи билан машҳур бобурийлар нафақат Ҳиндистондаги ислом тарихида, балки бу ўлканинг муazzам сарҳадларида яшаган турли миллат ва эътиқоддаги ҳалқларнинг сиёсий-ижтимоий, маъмурий-иктисодий ҳаёти ва шунингдек, маданияти, санъатида ҳам муносиб ўрин тутган. Бу воқеликнинг ибтидоси эса, Ҳиндистонда юзага келган қуийидаги шарт-шароитлар асносида юз берган.

Деҳлий султонлигининг XV аср биринчи чорагидан инқизорзга учрай бошлиши мамлакатда ўзаро феодал тұқнашувлари ва бошқа бекарорликтар турткы берди. Марказдаги бебошликлар музофот ва узоқ-яқын вилоятлардаги аҳволни ҳам четлаб үтмади. Баъзи тобе вилоятлар ҳокимлари ўзларини мустақил дея, эълон қилдилар.

Бундай ёппасига паракондайлар ҳукм сурган бир вақтда, афғонларнинг лодий сулоласи намоёндаси Иброҳимдан Деҳлинин тортиб олиш мақсадида бўлган кучлар султонлик ичкарисидаги каби унинг ташқарисида ҳам ҳужумга шайланарди. Бу куч вакилларининг ичидаги Ҳиндистондаги энг йирик ва тажрибалиси Рано Сангарам, Қобулдан Бобурни Иброҳимга қарши курашга чорларди. Унинг бундай иттифоқдан мақсади, "душман мағлуб бўлгач, Бобур катта ўлжалар олиб Қобулга қайтиши билан Деҳлийни эгаллаб, ниҳоят, Шимолий Ҳиндистонни қўлга олиш эди".

Дарвоҷе, "Шимолий Ҳиндистондаги айни сиёсий-ижтимоий ва ҳарбий жараёнларда жанубий ўлкалар ҳам мустасно бўлмади. Қолаверса, XIV–XVI асрлардаги ўзаро ҳокимият учун курашларда Ҳинд ярим оролига яна янги бир оқим кириб келди – европалик савдогарлар. Ва Марко Поло, Николо Канти, Барбосе, Афанасий Никитинларнинг ўз ватанига Ҳиндистон ҳақида келтирган хабару маълумотлари Европа савдо ахлида кучли қизиқиши уйғотди. Шу тарзда ҳиндолар ўлкасига "олдин ер ва кейин сувдан келган хорижийлар"нинг жўшқин фамиляти бошланди.

Агар бу ерда "мўгуллар" – бобурийлар ўз салтанатини барпо этишга киришган бўлсалар, европаликлар – португаллар ўз савдо монополия –

ларини ўрнатишига тушдилар. Бинобарин, мазкур ҳар икки омил, ўз оқибати натижасида Ҳиндистонни "яиги аср"га олиб кирди" (117:322,336).

**Бобурйлар салтанатида  
ижтимоий-сиёсий, диний ва маданий  
мухит  
(1526-1858)**

Бобурнинг "ҳинд юриши" ҳақида ҳали-ҳамони тоҳ ўзаро ўхшаш ва тоҳо бири иккинчисини ишкор этувчи таҳлимларга дуч келамиз. Буларнинг ичида С.Ленъ-Пул, Денисон Росс, К.А.Антонова, У.Орскин, Ҳ.Ламб ва С.Азимжонова каби олимларнинг илмий-тадқиқий хуносалари сўзсиз эътиборга сазовор.

Агар масала юзасидан бевосита Бобурнинг ўзи ёзган мулоҳазаларига аҳамият берсақ, унинг ўша пайтдаги аҳволи ва юриш борасидаги стратегик режасини қўйидаги сўзларидан аниқ тасаввур қилиш мумкин:

"Бир мен Қобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажсол. Мунча қувват ва қудрат. Ўзимизга бир ер фикрини қилғулуклур ва бу миқдор фуржа ва фурсатта қавий душмандин йироқроқ айрилгулукдур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустон сори жазм қилмоқ керак. Бу икки тарафдин бир тарафга бормоқни жазм қилмоқ керак. Қосимбек ва Ширимбек тавобин билан Бадахшон бормоққа барин эрдилар...Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндустон тарафи бормоқни таржиҳ қилиб, Лағмонга мутаважжуҳ бўлдук..."<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бобурнома. 2 – қисм Т. 1949 й. 1336.

Бир қарашда, тұғри, "Бобурнома"дан келтирилген парча, Бобурни Ҳиндистон юришига ундаған сабабларни қанчалик ойдинлаштырса, унинг сафар вақтини аниқлаш борасидаги шахсий реваларини ҳам шунчалик ёритиб бера олади"(10). Лекин юриш мақсади шу билан чекланмай, Бобурға үз режасини амалга ошириш учун қулай вазият яраттан яна шундай сиёсий ва маънавий омиллар бор эдики, улар қуийдагилар:

1. Қарийб йигирма сакказ давлатни забт этиб, буюк бир салтанатта асос соган темурийлар хонадонининг насли наздида "...Темурбек авлодининг илқидаги вилоятлар" сирасига "Ҳинд" ҳам киради.

2. Үша давр қонунчилigi, яъни диний жиҳатдан "мерос" тушунчасининг устиворлик хусусияти, эгалик туйғисини маънавий рағбат билан кафолатлар эди.

3. Бу ҳар икки сабабнинг мантиқий якуни – "зўр била ё сулҳ била" ҳал қилиниши муқаррар бўлган масалага бориб тақаларди. Чунончи, Бобур сўзида:

*"Чун ҳамиша Ҳиндистон олмоқ хотирда зерди, бу бир неча вилоятларким, Беҳра ва Хушоб ва Чаноб бўлғай, неча маҳал турк тасарруфида эди, буларни худ мулкимиздек тасаввур қилур эдук, зўр била ё сулҳ била ўзимизнинг мутасарриф бўлуримизга мутаяққин эдук".*

Бобур 1526 йилнинг ноябр ойида Кобулдан бошланган Ҳиндистон юришида дастлаб Панжоб ҳокими Давлатхон билан тұқнашди. Бу урушда мағлуб бўлган ҳоким ўзини вассал деб тан олгач, Бобур Деҳлий музофотидаги Панипат майдонида нисбатан кичик қўшин билан Иброҳимшоҳнинг

"бир лакҳ черик" – юз минг аскар ва жангари филлардан тузилган қўшинига қарши жангга чиқди. У бу урушда тўп ва "туғлама усули"<sup>1</sup> дан мөҳирона фойдаланиб, ўзига қараганда мислсиз кучли рақибни тор-мор келтиришга эришди.

Энди ушбу юриш арафасида маҳаллий ҳиндупараст аҳолининг руҳияти ва қайфиятига келсақ, америкалик муаррих Персиwal Спейер жуда мухтасар равишда жамиятда ҳукм сурган ҳолатни шундай белгилаган:

"Индуизмда интеллектуал ва социал фаоллик мавжуд бўлишига қарамай, у ҳар икки жиҳатдан ҳам ўзига нисбатан терс ғоялари, кучқудрати ва тажрибасига эга исломга мослашганилиги учун, ҳиндлар ўша кезлари бирор бир катта ҳаракатлар олиб боришга тайёр эмасди"(113:21).

Шу ерда яна Ибн Бабутанинг эсдаликларида қайд этилган – "барқарорлиқда яшаш учун ҳиндларни зўрлаб исломга ўтказиш кутилган натижаларни бермаганлиги ва шундан сўнг талай сезгир ҳукмдорлар уларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиб, ниҳоят, туб аҳолидан давлат ишларига жалб этишга тушганликлари", Бобурнинг ҳам ички сиёсатининг асосий йўналиши бўлган десак, хато қилмаймиз.

У Ҳинdistонда ўз ҳукмдорлигининг бошидан ҳокимият мавқеини мустаҳкамлаш ва давлат ишларини жадал юритиш ниятида асосий эътиборни узокни кўзловчи фотих учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф қилишга қаратди. Иброҳимшоҳ даврида "жабрланган аффон саркардалари", қабила бошлиқлари ҳамда ўзига хайриҳоҳлик билдирган ҳинд ва бошқа

<sup>1</sup>. Рақибни жангдан олдин тўпга тутиш усули.

мулқорларни мансаб-мартаба бериш бадалига давлат ишларига тортди. Бунда фотиҳнинг ёшлиқдан давлат ишларини юритиш соҳасидаги ортирган тажрибаси ва олган сабоқлари жуда қўл келди.

Бобурнинг давлат арбоби ва билимдон сиёсатчиларга хос хусусиятлари Шимолий Ҳиндистон шароитида энг нозик – ҳиндларга нисбатан диний муҳолифатдан воз кечиш каби масалага тўғри ёндашишда ҳал қилювчи роль ўйнади. Бу тадбир натижаси сиёсий барқарорлик ва феодал даромадининг икки асосий қисми – савдо ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириб, қишлоқ хўжалигининг яна тикланишига олиб келди. Шаҳарларда ободончилик, таъмирлаш, бофу роғлар барпо этиш ва экинзор ерларда сугориш ишларининг йўлга қўйилиши, Самбҳал ва Аграда масжиду мадрасаларнинг қурилиши, Бобурнинг ўз давлатида амалга оширган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларининг ilk куртаклари эди.

Бундан буён ҳам шу зайдада барча режаларни поёнига етказиш учун ички вазият, аввало, узоқ вилоят ва қўшни давлатлар билан тинч-тутув яшашни тақозо қиласарди. Долзарб сиёсий масалаларнинг моҳиятига тушуниб етган Бобур, узоқяқиндаги дин пешволари ва давлат арбобларига совға-саломлар йўллади. Унинг Эрондаги баъзи ўз ҳайриҳоҳларига кўрсатган марҳаматлари, қудратли қўшни мамлакат билан дўстона муносабатда қолиш ниятида эканлигини билдиради.

Ушбу фикр тасдигини 1526 йили Хўжа Асаднинг Тахмасп саройига элчи қилиб юборилганиги ва шу йилнинг оёқларида Эрон шоҳининг туркман миллатига мансуб Сулаймон номли вакилининг Ҳиндистонга келганлигидан кўриш мум-

кин. Қисқаси, «Шоҳ Тахмаспнинг Шайбонийхонга бўлган муносабати ва уни жангда тор-мор келтирилганлиги ҳақидаги Ҳумоюн Мирзо ва бошқа манбалардан олинган хабарларнинг “Бобурнома” – да зикр этилиши, Бобурнинг Хуросон ва Турондаги воқеаларни зўр қизиқиш билан кузатганинги тасдиқлади»(120:18–19).

Бобур ўз давлатининг келажагига ишониб, зурриётлари эртам-кечми истилочи эмас, маҳалий ҳукмдорлар сафига қўшилиши ҳамда салтанатнинг узоқ ўлкалардаги давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқаларини ўрнатишига умид боғлаган. Бўлмаса, унинг масофа нуқтаи назаридан Россиядек олис бир мамлакат билан алоқа боғлашга қилган ҳаракатини яна қандай баҳолаш мумкин? Баъзи солномалар маълумотича, Бобур Россия билан дўстона муносабат ўрнатиш мақсадида бўлган ва "...биринчи ҳинд элчиси Москвага 1533 йили – «Бобур вафотидан кейин» етиб келган. У мусулмон савдогари бўлиб, ўзи билан бирга Буюк Мўғуллар давлати асосчисининг дўстлик ва биродарликни таклиф этувчи ёрлигини олиб келган"(24:133).

Бобур нисбатан қисқа вақт ичида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида қўллаган сиёsat ва ислоҳотларидан ташқари, Кобул, Қундуз, Бадахшон ва Ганг водийсидаги бир неча вилоятларни ўзига бўйсундириб, “Амударёдан то Бенгалия чегараси ҳамда Ҳимолойдан Гвалиоргача чўзилган катта ҳурудда ўз ҳукмронлигини ўрнатди». Уни шунингдек, салтанат иқтисодий қудратининг бош омили – савдо-сотиқ масалалари хақида ҳам жиiddий ўйлаганлиги, «Бобурнома»да зикр этилган ўша давр бозор иқтисоди ва муносабатлари хусусидаги ҳолоса ва маълумотлардан маълум:

«...Қошғор ва Фарғона ва Туркистон ва Са-марқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадах-шондан карвон Кобулға келурлар. Бисёр яхши савдохонадир. Савдогарлар Хитой ё Румга бор-салар, ушмунча – ўқ савдо қимайлар. Ҳар йили етти – саккиз – ўн минг от Кобулға келур. Қуий Ҳиндистондан ўн, ўн беш – йигирма минг уйлук карвон Кобулға келур. Ҳиндустандин оқ раҳт ва қанд ва набот ва шакар ва ақоқир келтирурлар. Ҳурросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матои Кобулда топилур. Ҳиндистоннинг худ баңдаридур».

Бобур барпо эттан марказлашган давлатнинг энг ҳаётбахш характерли хусусияти, яъни диний муросасозлик руҳияти, келгусида унинг зурри-ётларига салкам уч асрлик тарихга эга бўлган «Бу-юқ мўғуллар» аталмиш маҳаллий – ҳинд суоласи мақомини бахш этди.

Бироқ афсуски, "ҳозиргача унинг давлатчилик фаолияти фанда кам ўрганилган мавзузлигича қолиб келмоқда. С.Азимжонова таъкиди бўйича, Фарбий Европа ва ҳинд тарихий адабиётида "Бобур администратор ва давлат арбоби" мавзуида бирор амалга оширилган жиддий тадқиқотни топишимиш қийин. Чунки «унинг давлат арбоби эмас, балки фақат саркарда ва адаб бўлганлиги» ҳақида фикрлар юради. У ҳолда хорижий муаррихларнинг хulosаларидан шундай бир савол туғилади: "Агар масалага мантиқ юзасидан ёндашилса, яъники, ҳар қандай экилган дарахтнинг сифати фақат унинг кейинчалик берган ҳосилига қараб белгиланса, пандит Жавоҳирлал Нехру таърифлаган "ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўхна орзуни қайта тиклаган Акбар" даври, худди ўша

Бобурнинг давлат арбоби сифатида ҳинд сарзаминига ўтказган ниҳолининг меваси эмасмиди?".

Биз мухтасар баён қилган бобурийлар тарихи ибтидосига қўшимча сифатида ҳинд муаррихи Сайд Сабоҳиддин Абдураҳмоннинг "Мўғилий аҳд" асаридаги Бобурнинг давлатчилик фаолиятига доир баъзи лавҳалар, ўйлаймизки, тасаввуримизни янада бойитади деб:

*"Айтишларича, Бобур жуда баҳодир сипоҳ ва иқтидорли илм аҳли сирасидан бўлган. У ҳали Афғонистондалик вақтидаёқ айрим ислоҳотларни ўтказишга қўл ургану, лекин унинг натижалари яхшилик билан тутамаслигини анлаган. Чунки, қабилавий тизимга хос урф-одат ва анъаналарнинг айрим талаб-тақозолари кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шу боис у ўз режаларидан воз кечган.*

*Ҳинdistонда Бобур Панипат майдонидаги жангдан сўнг уч йилу саккиз ой умр кўрди. Бу давр ичида у дастлаб ички мухолиф кучлар ҳаракатини бостиришга киришди. Зоро, нотинч ва ноҳуш аҳволдан зада бўлган аҳоли, хавф хатар ичида яшарди. Шу боис зудлик билан пароканда авом орасида тинчлик ўрнатиш керак эди... Мазкур долзарб вазифани амалга ошириш – муқаддам жорий маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни тиклаш ва ислоҳотларни ўтказиш, албатта, барча маҳаллий расм-русум ва урф-одатларидан воқиф бўлишни талаб қиласарди.*

*Боз устига, бундан олдинги Аловиддин Хилжий ва Муҳаммад бин Тўғлоқ ҳамда кейинроқ "Ист Индия компани"нинг аҳволни ҳисобга олмай ўтказган ислоҳотларининг аччиқ натижаларини ҳамон аҳоли унитмаган. Ва қолаверса, Бобур бу*

ерда том маънодаги ажнабий бўлиб, бундай ҳолатда ҳукмдор учун энг яхши чора – бу ҳинд қонун-қоидаларини билиш ва уларга нисбатан тегишли муносабатда бўлиш эди.

Шу тариқа қўлланган тадбирлар сабабли аста-секин салтанатда тинчлик қарор топиб, одамлар орасида ҳумдорга ишонч туйғуси пайдо бўла бошлади. Бобурнинг ниҳоятда тўғри тутган йўларидан яна бири шу бўлдики, у мұхитни яхши билган ерлик амирларни ишга тортиб, янгилари учун эса иш ўрганиш ва юритишта имкон яратди. Бундан ташқари, салтанат Агра ва Кобул ўртасидаги йўлда тинчлик ҳамда чегара мустаҳкамлигини таъминлаб, икки орадаги хат-хабар алоқасини яна қайта тиклади.

Бобур ўз диний эътиқодини эъзозлаб, машойих ва диндорларни иззату эҳтиром қиласа-да, аммо уларни ўз сиёсий муаммоларига дохил бўлишларига имкон бермас ва фирмапараслик хусусидаги маслаҳатларни қабул этмасди. У шунингдек, мазҳаб, табақа ва бошқа ихтилофли масалаларнинг саройда тарқалишига изн бермасди. Гарчи Бобур тақволи мусулмон бўлса ҳам мазҳабий “жунун”га табиати мойил эмасди. Ҳа, ҳукмдор ҳинд ва афғон амирлари салоҳиятига у қадар эътимоди бўлмаса-да, лекин уларга доим муносиб муомала қилиб, дўстона муносабатда бўларди.

Қисқаси, Бобур бу енда ўз зурриётларига қуийдаги амалга ошган ислоҳатлари натижасини қолдирди. У наинки мамлакатда сиёсий аҳволни ўзгартирди, балки салтанатни гарбий вилоятлар билан бирлаштирди. Кушон рожаликларидан кейин Афғонистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари узилган эди. Собиқ “турк сultonлари” ҳукмронлигида чегаралар қаровсиз ҳолга тушган-

ди. Бобур эса, Афғонистон ва Ҳиндистон ўртасида ўз салтанатини барпо қилиб, сўнг ўртағдаги шимолий ва жанубий чегараларини мустаҳкамлади. Қачонлардир жангу жадал майдони бўлган бу сарзамин савдо-тижорат ҳамда маданий-маърифат марказига айланди..." (131:285).

Бобурнинг Ҳиндистондаги марказлашган давлатига баҳо берганда, ўтган қисқа муддат ичидағи барча ижобий ва салбий воқеликларни ҳисобга олган ҳолдагина реал хуносага келиш мумкин. Фақат шундай услубда – "масаланинг иккала томонини ички диалектик бирлиқда таҳлил қилганда" гина салкам тўрт йиллик тарихий муддат ичидағи ҳукмдор фаолиятининг асл ҳақиқати на-моён бўлади.

Хуллас, Бобурнинг иқтисодий жиҳатдан барча ўзига тобе вилоятлардан тушадиган бож-хирожлар эвазига қарор топган марказлашган давлати, ижтимоий-маънавий жиҳатдан фуқаро осо-йишталити ва сиёсий барқарорликка халал берадётган урушларга барҳам бериб, шунингдек, исло-ҳотлар туфайли маъданий-маърифий ишларини ҳам йўлга қўйди.

Ҳумоюнга катта, бироқ ҳали тўла жислашиб улгурмаган давлат мерос қолганди. У тахтга ўтириши билан ҳотамтойлик ва тажрибасизлик оқибатида кўпгина хатоларга йўл қўйди. Ота вассиятига амал қилмай, укалари Комрон, Ҳиндол, Аскарийларга тортиқ сифатида Панжоб, Кобул ва Қандахордан ташқари қўшимча вилоятларни бериб, салтанатни муҳим иқтисодий таянчларидан маҳрум этди. Бунинг устига Шимолий Ҳиндистон, гоҳ феодал зиддиятлари оқибатида ижтимоий тенгсизликка қарши авомнинг норозилик чиқиши-

лари, гоҳ афғон сарқардаларининг таҳт учун кураши майдонига айланган эди.

Ҳумоюн отаси вафотидан сўнг, "исён байроғии кўтариб, ғалаён ноғораларини чалдирган Мирзо Мұҳаммад Замон сингари аъёнлар"дан эҳтиёт чораларини кўриш ўрнига, уларни катта инъомлар билан тақдирлади. Лекин ўз камчиликлари қаторида, у шунингдек, марказни Аградан Деҳлийга кўчириб, давлатнинг маъмурий бошқариш тизимиға айрим муҳим ўзгартишлар киритишга муваффақ бўлди. Шу орада ўз сарҳадларини кенгайтириш мақсадида Гужарот, Ражпутан ва Биҳарни босиб олишга ҳаракат қилиб, қисман муваффақиятга ҳам эришди.

Шимолий Ҳиндистонда чоракам бир аср ҳукмронлик қилган афғон қабилаларига мансуб амирларнинг, имкони топилса, тобеликка қарши яна ягона иттифоққа бирлашишига интилишлари табиий эди. Олдинда турган жанглар учун Ҳумоюнга ҳарбий ёрдам сув билан ҳаводек зарур бўлган бир шароитда, унинг ака-укалари ёрдам қўлини чўзишни ўйламадилар. Оқибатда, "Бенгалияда заифлашган подшоҳ рақиби Шершоҳ қаршисидаги истеҳкомида қарийб уч ойгача қолиб кетди. Ҳумоюн укаларидан ёрдам сўраб кетмакет хатлар йўллади.

Ниҳоят, ака-укалар учрашиб, етти ой давом этган самарасиз музокаралардан сўнг яна тарқалишиди. Шу билан, касаликка чалиниб орқага қайтаёгган Комрон Мирзонинг ўз қўшини ҳамда қурол-аслаҳаларининг бир қисмини қолдириб кетиши ҳақидаги акасининг талабини рад этганлиги, афғонларнинг қучайиши ва чигатойликларнинг қудратига путур етишида ҳал қилувчи нуқта бўлди(124:469–472) Охири, 1540 йилнинг май ойида

Хұмоюн афғон қабилалари коалицияси раҳнамоси Шершоқ билан икки маротаба түқнашиб, тарихда Канауж номи билан машхұр бўлган жангдаги мағлубият уни Ҳиндистонни ташлаб кетишига мажбур қилди.

Шершоқ ҳам Ҳұмоюн сингари ражпутан рожалигини қўлга киритиш учун жанглар олиб боради. Аммо, у 1545 йилдаги жангларнинг бирида, тасодифан ўз тўпидан отилган ўқ портлашидан халок бўлади. Афғон феодаллари орасида тахт учун бошланган курашда Шерҳшоҳнинг ўғли Исломшоҳ Сур устун келиб, отаси ўрнини эгаллайди.

Шаҳзоданинг ҳукмронлик йиллари муқаддам Гужаротда ўзини "Маҳдий" деб эълон қилган Мир Сайид Мұхаммаднинг шогирди Шайх Абдулла яна Ҳиндистонда «маҳдийлик ҳаракати» ни қайта жонланишига бошчилик қиласи. Унинг сафига шайх Али бошчилигида шаҳарлар жамоалар келиб қўшилади. "Маҳдийлик жамияти аъзолари, — хронистнинг сўзларига қараганда, — гарчи шаҳар ташқарисида яшасалар да, улар шаҳар бозорларидаadolatsizlik қилаёттганларни аввал тартибга чақирад, сўнг бундай бебошликларга жисмонан чек қўярдилар". Ҳаракатнинг ўз замонаси учун энг характерли томони шундаки, маҳдийчилар сафига нафақат шаҳар аҳолиси ва деҳқонлар, балки оппозиция кайфиятидаги ер-мулк эгаларининг бир қисми ҳам келиб қўшилган эди(32: 386). Шу ўртада, чамаси ўн йилча ҳукмронлик қилган шаҳзоданинг вафотидан кейин, 1554 йили яна афғон саркардалари орасида қирғин бошланиб кетади. Бу эса, Ҳұмоюннинг Ҳиндистонга қайтиб келиб қайта тахтини эгаллаши учун қулай вазият эди!

Умуман, Ҳиндистон тарихида XVI аср, ижтимоий зиддиятлар оқибатида ўз ерларини ташлаб кетган дәхқонларнинг катта ер-мулк эгаларига қарши кураши ҳамда феодал қатламигининг ўзида мавжуд ички қарама-қаршиликлари билан алоҳида хусусият касб этади.

Бундай шароитда "маҳдийлар ҳаракати" ҳали ёлғиз ўзи оддий авом ўртасида етарлича эътибор қозонишга ожиз эди. Малакат миқёсида феодал тизимиға қарши оммавий норазилик курашининг ғоявий рамзи ва мафкуравий асоси сифатида фаолият кўрсатиш фақатгина "Бҳактий ҳаракати"га насиб қилди. Ва бу ҳаракатнинг ўз замонасига нисбатан ноёблиги шунда эдики, Ҳиндистон тарихида биринчи бор бҳактизм ва тасаввуф дунёқарашлари реал амалиёт касб этганди.

Акбаршоҳ ҳукмронлиги йилларига доир манбаларда кўрсатилишича, XVI асрнинг иккинчи ярми бобурйлар тарихида ишлаб чиқариш кучларининг ўсиб бориши ва феодал иқтисодий йириклиашуви даври бўлган. Салтанат куч-қудратининг бу даражага кўтарилишигача мамлакат ичкарисидаги вазият, подшоҳдан бўлажак ислоҳотларни ўtkазишда ҳокимиятнинг манфаатларини таъминловчи – ўз аждодларидан мерос қолган диний сиёsatни янги ижтимоий муносабатлар негизида такомиллаштиришни тақозо қиласарди.

Акбар бобоси Бобур каби жуда эрта – 13 ёшида оталик тарбиячиси Байрамхон томонидан Панжобдаги Каланаура ҳарбий истеҳкомида Ҳиндистон таҳтининг тождори, деб эълон қилинади. Ёш подшоҳ номидан 1560 йилгача давлат ишларини "оталиқ" олиб борди. Лекин Байрамхоннинг саройда кундан кун обру-эътибори ортиб борганлиги киборлар ичida ғашлик тутғидириб, уни

"подшохга яқинлар" Макка зиёрати баҳонасида Ҳиндистондан бадарға қилинишига эришадилар.

Акбар мустақил ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ёқ Ражастхонни ишғол этиб, кейин мусулмон жогирдорлари ва рожпут отлиқ аскарларидан тузилган құшын билан савдо учун қулай вилюятлар ҳисобланған Гужарот ҳамда Бенгалияга юриш қиласы. Ёш "ҳукмдор 60-йилларға келиб үз салтанати ҳудудини шимолда Тибет чегарасидан жанубдаги Гондвери дарёсигача, ғарбда Гужаротдан шарқдаги Бенгал құлтиғигача кенгайтириб", бир йўла Декандаги мусулмон сultonликлари Берар, Аҳмаднагар ҳамда Ҳандешга ҳужум қиласы(11:44).

Шу тариқа "Акбар бобурийлар тарихида биринчи марта тили, диний әътиқоди, урф-одати ва шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, маданий жи-ҳатдан турли тараққиёт босқичларидаги халқлар, әлатлар ва қабилалардан иборат мисли күрилмаган құдратли салтанатта эга бўлади". Ва "Буюк Мўгуллар давлати фақат Акбар даврига келиб Ҳиндистонда ҳинд салтанати қиёфасида қарор топди"(27:61–62).

Бу қадар ҳарбий-иктисодий кучга ҳамда жуғрофий кенгликларга эга салтанат соҳибининг ўзига яқын құшни давлатлар билан муносабатларда мактубот омилига ҳам катта сиёсий-дипломатик аҳамият берилған.

Ана шундай ҳужжатлар сирасидан саналған ва сақланған «Акбаршоҳ Ғозийнинг Турон мамлекати сипоҳдори Абдуллахон Ўзбекка хитобномаси» матнининг кириш қисмидан көлтирилған намуна, ўйлаймизки, ўтмиш тарихни янада равшан ҳис этишгә ёрдам беради:

«...Мақсаднинг катта йўлидан борувчи карвон бошилар (яъни пайғамбарлар) руҳига олам-олам ҳамду санолар бўлсинким, улар бу маънини танлаган художйларни ва бу борлиқ оламда яшовчи бандаларни гумроҳлик чангалидан ва ихтилоф биёбонидан иҳтидо ва ҳамжиҳатлик дорулмулкига олиб кириб, мақтovга арзийдиган муваффақият ва оқибати баҳтиёрлик билан боқий хилватхона (яъни жаннат) томон шошилдилар...

Сулҳ асосини мустаҳкамлаш ва ҳамжиҳатлик чашмасини тозалаш йўлида ҳар икки томон аҳамият берсин деб, хушбуй ҳома билан ёзилган ва Ҳиндикуҳ ўртамиизда бўлсин(деган) сўзлар «маъқул» назаримизда жилва қиласи.

Маълумки, (пайғамбарлар) бу мавжуд ва фасод оламида муҳаббат ва (ҳамжиҳатликка) таалуқли бўлмаган нарсанинг пайдо бўлишини мақсадга мувофиқ деб кўрсатмадиларким, коинот силсиласининг интизоми яна шунга (ҳамжиҳатликка) боғлиқ ва алоқадордир. Ва ҳар қачонки, бу маъни қудратлик боргоҳ устунлари бўлмиш сultonлар табақаси даврида зоҳир бўлса, ( бу ҳол) ҳамма вақт молу мулк баракали, самарали ва яхши натижали бўлади ҳамда минг-минглаб аҳоли ва (турли) қатлам (инсон)лари сиҳат-саломатлик бешигида ором топадилар<sup>1</sup>.

Акбар салтанатнинг келгуси тараққиёти учун зарур бўлган ҳинд жамиятидаги икки эътиқод,

<sup>1</sup> Бу ва кейинги ҳужжатлар матни проф. И.Низомиддинов – нинг «Фан» нашриёти томонида 1966 йили чоп этилган «XVI–XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳинdistон муносабатлари» номли монографиясидан олинди(67 – 68, 96 – 97 бетлар).

яъни ҳинд-мусулмон бирлигига, уларни фақат ўзаро руҳан яқинлаштириш орқалигина эришиш мумкинлигини яхши тушунарди. Бу ишда бҳактизм, сўфизм ва сикҳийзм ғояларидан боҳабар салтанат соҳибига, унинг «фикр эркинлиги»ни шакланишида Шайх Муборак Нагорий ва унинг ўғиллари Абулфайз ҳамда Абулфазл Алломийлар ва шунингдек, ҳинд мутафаккирлари таъсири катта бўлди(14.93–94).

Акбарнинг сўфийларга бўлган алоҳида эҳтироми ва эътимоди айрим шахсий ҳамда оилавий ҳаётидаги воқеалар мисолида ҳам ўз изини қолдирган. У Ажмирдаги Ҳожа Мўйниддин Чиштий мақбарасини зиёрат қилгани ёки ўйлаган ишлари амалга ошгудек бўлса, Ажмирга пиёда боришга аҳд қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ёки хотини – рожпутанлик малика оғироёқ бўлганида уни кўзи ёриши олдидан Шайх Салимнинг ҳузурига юборган ва ўша ерда туғилган ўғлига сўфий шарафига Салим деб ном берган. “Янги пойтахт” Фатеҳпур Сикрийда маҳсус бунёд этилган хонақо ва мақбара ҳам подшоҳнинг сўфийларга бўлган ғамхўрлиги нишонаси эди.

Шуниси ҳам ҳақиқатки, “Акбарнинг ёши улгайиши билан анъанавий мусулмон дунёқарашларга нисбатан муносабатида ўзгаришлар сезила бошлади. Бу – аввало, унинг диний эътиқод ва қадриятларга бўлган ўзига хос қарашлари хусусиятининг устиворлигидан эди. Подшоҳнинг ўзга диний таълимот ва маданиятга бўлган жонли қизиқиши уламоларда қанчалик норозилик кайфијитини кучайтирса, ҳукмдорнинг шахсиятида ўз фикр-мулоҳазаларидағи қатъийлик шунчалик мустаҳкам ифода топа борди. Салтанат соҳиби ва дин пешволарининг ўртасидаги қарама-қаршиликлар

"Дини илоҳий"нинг расман жорий этилиши билан янада кучайди(99:54).

Акбар Ҳиндистондаги йирик диний таълимотлардан ўз ички сиёсатига хизмат қилиши учун лаёқатли томонларини янги дин – "Дини илоҳий"сида уйғуллаштириб, ундаги "Тангри барчага баробар" тамойилини мусулмон ва ҳинд дин пешволярининг мутаассиблик кайфиятига қарши қўйди. «У ҳатто ўз назариясининг амалий кўриниши сифатида, 1580 йили расмий қабул вақтида ҳинд браҳманларига ўхшаб билагида борич ҳамда пешонасида ҳол билан жамоат олдига чиқкан. Ёки, сарой оташпастларига хос одат – ўчмас шамчироқ ёқтириб, улар сингари йиғилганлар кўзи олдида қуёш ва олов қарписида тиз чўккан».

Бу билан подшоҳнинг мақсади, диний адодатларга барҳам бериш ҳамда мусулмонлардек ҳиндалар ҳам ҳокимиятнинг назарида тенг ҳуқуқли эканлигини амалий равишда намойиш этиш эди. Аммо мазкур диний сиёсат қобиғида пайдо этилган "Дини илоҳий"га наинки салтанат, балки сарой ичкарисида ҳам оммалашув насиб этмади. "Сунъий равишда жорий қилинган диний таълимот салтанатнинг сиёсий жисплувига хизмат қила олмаса-да, лекин у Акбар сиёсатининг мақсади йўналишига гувоҳлик берарди"(13:112).

Янги диннинг жорий этилиши фақатгина сиёсат ҳосиласи эмас, балки унинг замирида ислом муҳитида ўсиб-улғайган Акбардаги бошқа диний эътиқодлар мағз-мантиғига бўлган фалсафий муносабат ҳам сабаб бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. У саройда "асл ҳақиқат"ни идрок этишга бағишлиган сухбатлар уюштириб, уларга ўзи бошчилик қилди(104:213). Шунда хос "ибодатхона"да бўлиб турадиган диний-дунёвий

мунозара ва мубоҳасаларда мусулмонлар қатори оташпараст, ҳиндупараст, насроний ва яҳудий-ларга ҳам иштирок этиш ва эркин фикр билдириш ҳуқуқи берилди.

Саройда ҳиндлар учун муқаддас бўлган сигирни сўйиш ва гўштини истеъмол қилиш ман этилиб, яна ҳиндупарастларнинг баъзи урф-одатлари жорий этилиши каби янги анъаналар, ички сиёсатда турфа тадбир-чоралар билан мустаҳкамланди. Акбар шунингдек, рожпутанлик рожалар билан қариндош-уругчилик ришталарини боғлаб, кечаги кучли рақибларини ўз тарафига оғдира билди. "Файридинлар"дан олинадиган жон солиги – "жузия"ни расман бекор қилди.

Ҳинд ва мусулмон муаррихларидан ташқари, ўша кезлари Ҳиндистон сафарида бўлган европалик сайёҳлар, миссионерлар ҳам подшоҳнинг феъл-автори, фаҳм-фаросати, ақл-заковати ва энг муҳими, унинг давлатчилик бобидаги эришган муваффақиятлари тўғрисида эсдалик ва илмий асарлар ёзганлар. Шулардан бири – Акбарга замондош португал миссионерининг эсдаликларида қуйидаги маълумот сақланган:

"Менинг билишимча, у ўз фуқароларига бир вақтнинг ўзида иззат-ҳурмат ва тобелик, севги ҳамда қўрқув туйгуларини сингдира олган ҳукмдор сифатида бешак улуғ шоҳ эди. У баобрў раҳнамо бўлиб, кучлиларга нисбатан қаттиқўл, паст табақаларга ва умуман фуқароларга – муҳожир ёки бутпарастми ким бўлмасин, меҳр кўзи билан қарап ва қисқаси, ҳамма уни ўзи тарафида деб биларди".

Фикримизча, Акбарнинг шахсияти ва беназир салоҳияти хусусида ўтмиш ва келажакда қандай ижобий фикр-мулоҳазалар билдирилиб,

таҳсинлар ўқилмасин, лекин унинг Ҳиндистон тарихига битган ўз "аъмолнома"си сингари дунёга донг таратган салтанатининг шон-шуҳрати ҳақиқатини ҳеч ким ҳаққоний тасвирлаб бера олмаса керак.

Сулола силсиласининг кейинги вакили Жаҳонгирнинг ички сиёсатида ҳиндаларга нисбатан бирор кескин – миллий анъаналарга қарши ёки фуқаролик ҳуқуқини давлат томонидан чеклайдиган чоралар кўрилмаган бўлса-да, аммо унинг даврини отаси Акбар фаолияти самаралари билан қиёслаш ҳам мумкин эмас. "Подшоҳнинг динга муносабати ҳам табиатига монанд ҳавойироқ эди. У гарчи ҳинд дарвешлари ёки насроний миссионерлар билан суҳбат қуриб баҳрланса ҳам, илло, кейин диний соҳада амалга оширмоқчи бўлган тадбирларининг бирор натижаси кўринмасди" (104:232).

"Ҳиндистоннинг қисқача тарихи" асарининг муаллифлари У.Ҳ.Мореленд, ва Чандра Атул Чатерхийларнинг юқорида Жаҳонгирга берган таърифларини буткул инкор этиш мумкин бўлмаганидек, уни ҳақиқатга йўйиш ҳам жоиз эмас. Ҳар қалай ҳукмдор таҳтга чиқиши билан илгари отаси кўзлаган ерларни босиб олиш илинжида мағлуб ҳокимларга нисбатан ўзгача – узоқни кўзлаб сиёsat қўллади. Масалан, Мевара учун жангда Жаҳонгир устун келса-да, баъзи шартлар билан яна собиқ ҳоким Амар Сингҳга тегишли ерларда ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқини берди. Бу "ҳотамтойлик" замирауда Декандаги бошқа давлатларни осонгина қўлга киритиш мақсади ётарди(32:437).

Жаҳонгир давлатининг иқтисодий ривожланган маркази Гужаротдаги ички бозорларда ҳу-

нармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етарли бўлиб, ташқи савдо эса, Сурат порти орқали Форс қўлтиғи ва Араб денгизи бўйлаб олиб бориларди. Бир томондан, иқтисодий жиҳатдан мўътадил шароит салтанатдаги барқарорлик белгиси бўлса-да, шунинг баробарида, XVII асрнинг биринчи ярми давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи икки йўналишдаги оппозициянинг юзага келиши билан характерланди. Бири, шу вақтда Аҳмад бошчилигидаги рошанийлар ҳаракати бўлса, иккинчиси, Ҳар Говинд томонидан уюштирилган сикхларнинг кураши эди.

Сурат бандаргоҳи ерлик савдогарлар қатори шунингдек, Англия ва Голландия савдо кемалари учун ҳам қароргоҳ эди. Европаликлар Жаҳонгирга қимматбаҳо совғалар инъом этиб, ўз савдо-сотиқ эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга уринардилар. Бундай хатти-ҳаракатларнинг оқибатида инглизлар 1613 йили Суратда фактория очиш ҳақидаги подшоҳ фармонини олиб, шундан бошлаб улар Хиндистонни "ўзлаштириш"га кирищдилар.

Подшоҳнинг майший ҳиссиётларга берилиши, уни ўз яқинлари орасидаги обрусига зиён етказиб, давлат ишларини севикли хотини Нур Жаҳон измига ўтиши эса, оддин ота-ўғиллар ва сўнг ака-укалар ўртасида низо чиқишига сабаб бўлди.

Шоҳ Жаҳон нисбатан нотинч – феодаллар исёни бошланиши арафасида тахтга чиқди. У ички аҳволнинг мушкуллиги сабабли қўшни мамлакатлар билан яхши муносабатда бўлишга ва улар билан алоқани узмасликка интилди. «1632 йил Балхдан келган Ваққосхон Ҳожи элчилигига жавобан келаси йили Балхга Тарбиятхон бошлиқ ҳинд элчилари юборилиб, шу йўсунда то 1639 йилгача Балх ва Агра орасида элчилар қатнаб тур-

ди». Яна бу орада Шоҳ Жаҳон тарқалиб кетиши хавфи туғилаётган салтанатни сақлаб қолиш учун Аҳмаднагар, Бижояпур ва Голкондани бўйсундириш учун асосий кучларини Деканга сафарбар қилди.

Ички сиёсатда Шоҳ Жаҳон ҳиндаларга нисбатан деярли аждодлари йўлини тутди. Акбар хоммийлигидаги санскритни ўрганиш ва манбаларни форс ёки араб тилларига ағдариш анъанаси Шоҳ Жаҳон даврида ҳам сўнмади, аксинча ривожланди. Ушбу масалада подшоҳнинг тўнгич ўғлиниг илмий-ижодий изланишлари жуда самарали бўлди. Табиатан Акбар сиёсати руҳидаги Доро Шукӯҳ илм-фанда камолга етган олим ва Ҳиндистон таҳтиниг вориси эди. У сарой муҳитидаги анъянавий исломий илмлар билан чекланмай, ҳинд диний фалсафаси, унинг асосий манбалари ҳамда кўхна маданиятини атрофлича ва чуқур эгаллади. Таълим ва таҳсилниг мукаммал бўлишида сўфийлардан Шайҳ Муҳибулло, Муҳаммад Лисонулло Рустаки ва Бобо Даҳ Лал, Жаганатҳ Мисром, Сармад Кишан сингари ҳинд мистиклари билан бўлган суҳбатлар жуда ижобий таъсир кўрсатди.

Унинг ислом тарихига оид "Сафинат ул-авлиё", "Рисолаи ҳақнома" асарлари ҳамда Гита, Рамаяна ва 52 упанишадни асл матнидан қилган илк таржималари, Доронинг илм-урфонга қўшган бебаҳо ҳиссаси бўлди. У ҳатто "Рисолаи ҳақнома"да Муҳаммад алайҳиссалом нуридан сўнг вужудга келган илоҳиёт олами "лоҳут", буюклик олами "жабарут", фаришталар олами "малакут" ҳамда жисмлар олами "носут"га қиёсан упанишадларда ҳам бу оламлар ўз талқинидаги айрим фарқлари билан муқаддам қайд этилганини эъти-

роф этишгача жазм қилди. Улар: "jagarana" – «жагарана», "swapa" – «свапа», "sushupta" – «сушупта», "turiya" – «турия» (114:250).

Доро ўз асарларида шунингдек, Веданинг илоҳий калом эканлиги, ҳинд мұқаддас зотлари ва мистиклари эътиқодда монотеист бўлганликлари ҳамда веданта ва тасаввуфда талай бир фикрдаги дунёқарашлар мавжудлигини илмий жиҳатдан асослади. У Таврот, Забур ва Инжилни ўрганиб, ўз тўплаган билимларига суюнган ҳолда Веда та-роналаридағи монотеистик асосни кашф этди. Ўзининг "Мажмаъ ул-баҳрайн" – "Икки денгиз маъноси" номли китобида ҳинд ва мусулмон мис-тицизмида фақат оғзаки фарқлар мавжудлигини исботлади (112:136–137).

1657 йили Шоҳ Жаҳон ногоҳон касалликка чалиниб, давлат ишлари норасмий равишда Доро Шукуҳ қўлига ўтганди. Ҳинд–мусулмон диний–ижтимоий бирлигининг тарафдори Дородан фарқли ўлароқ, укаси Аврангзеб бу масалаларда унинг акси бўлиб, у оға–инилари Шужо ва Мурод билан иттифоқ тузиб акасига қарши қўзғалди. Акаукалар ўртасида уч йил давом этган уруш тугаб, салтанат охири Аврангзеб қўлига ўтди.

«Буюк мўғиллар»нинг энг сўнгти йирик ва узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилган вакили Аврангзебнинг тахтни эгаллаши муносабати билан хорижий давлатлардан келган қутловномалар сি-расидан, Абдулазиз Мұҳаммад Баҳодирхоннинг под-шоҳга йўллаган мактуби матнидан айrim лавҳалар келтирамиз:

«Аврангзеб – тахтда ўлтирган хисрав, ос-  
мон каби юксак саройнинг қувончи, фалакнинг

тўртинчи чаҳор болишида<sup>1</sup> тахт безатувчи хоқон, замон ва заминнинг қувончи, яратилган олам қўринишининг обод гулшани, ихтиро ва ижод ўлкаси чаққон юрувчиларининг жавлонгҳи булиб, у жаҳонгирилик зухуридан баланд тахтга ўтиришликнинг ёруғ нури, ҳалқларнинг умид силсиласининг пайваста пайванди ва олам аҳволи низомининг бошқарувчисидир.

У ҳамиша хайру эъсоннинг ёруғ нури, илтифотпаноҳ, хушёрлик ва муҳаббат дастгоҳи, дўстлик ва ҳамжиҳатлик огоҳи, фармонраволик майдонида тахтда ўлтирувчи, жаҳонкушолик биситидан олий мақом, мулку миллат асосини мустаҳкамловчи, давлат ва дин пойдеворини қурувчи, ирода масалаларининг туғроси, фатҳу зафар муқаддимаси, подшоҳлик тожига фатҳ баҳш этувчи, шаҳаншоҳлик кулоҳига зийнат берувчи, кўраганий байробини ўрнатувчи, соҳибқиронлик оятларини ижод этувчи, дин ва миллат ёруғ тонгининг (ва) осийлик ҳамда душманлик жаҳолатини барбод этишнинг далили бўлган юксаклик ва ҳашамат, буюклик ва илтифот, иқбол ва шоншуҳрат учун тайин қилинган бўлсин (ва) адолот ва ҳақиҷат маконига равнақ берувчи ҳамда бирдамлик ва иттифоқнинг кўрки бўлсин..."

Бобурийлар сулоласининг сўнгти йирик вакили Аврангзебнинг ярим асрлик ҳукмронлик давридаги фаолиятига маҳаллий ва хорижий тарихчиларнинг аксарияти томонидан ижобийдан кўра кўпроқ салбий баҳо берилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, тождорнинг ўтган йиллар ичida

<sup>1</sup> Фалакнинг тўртинчи болиши ибораси «чаҳордонак» атамасининг синоними сифатида ишлатилган, яъни Ҳиндистон.

сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва айниқса, "маданий ислоҳотлари" натижасида салтанатда юз берган ўзгаришлар, ўз аждодларининг анъанавий муросасозлик сиёсатидан, айтиш мумкинки, жуда узоқ эди.

Аврангзеб ўз ҳукмронлигининг ибтидосидан "ғайридинлар"га муросасиз муносабатни танлаб, уларга филда юриш ҳамда миллий хўлий ва дивалий байрамларини оммавий равишда нишонлашни ман этибгина қолмай, Банорас ва Маттра шаҳарларида бир неча ибодатхоналарни ҳам буздирди. Ҳиндистонда муқаддам юритиб келинган ҳиндларга нисбатан мўътадил сиёсатидаги бундай кескин бурилиш, ҳатто, баъзи мусулмон фуқаролари манфаатларига зид келиб, хуллас, аҳоли ўртасида норозилик кучайиб кетди. Дастраси ки норозилик, кўп ўтмай қарама-қаршилик руҳини касб этиб, натижада маратҳлар, сикҳлар қаторида, айтганимиздек, сунний мазҳабидаги афғонлар ҳам ҳокимиятта қарши бош кўтардилар.

Аждодларига нисбатан мутаассиб ҳукмдорнинг салтанатда амалга оширган маънавий-ижтимоий ислоҳот ва жорий этган қонун-қоидали, собиқ бобурийлар маданий ҳаётининг талай жабҳаларига чек қўйди. Марказдаги маданий ислоҳотлардан фақат қалам аҳли истисно бўлди.

Ташки кўринишидан равнақ топган салтанатни ички томондан мустаҳкам дейиш қийин эди. Балки шунинг учун ҳам подшоҳ борган сари бутун давлат ишларини ўз қўлига олиб, уларни шахсан ўзи бажариш йўлига ўтганди. Айниқса, пойтахтдан узоқ ерларда ўзбошимчалик руҳияти ҳукм сурарди. Солномачи Хафийхоннинг маълумотида "салтанатнинг ақалли бирор вилоятда на жо-

гирдор, на фоуждор(ҳарбий саркарда) ва на заминдор юрагида ҳукуматга нисбатан қўркув туйғуси сезилмасди"(52:18).

Пировардида Аврангзебнинг ички сиёсати ва маънавияти ҳақида гапирганда, шуни ҳам инобатта олиш керакки, ўтган асрниг 90-йилларида Ҳиндистон тарихи мавзууда чоп этилган нуфузли тадқиқотларнинг бирида подшоҳ шахсияти ва фолиятига бериладиган одатдаги тафсилотлардан фарқли яна шундай янги талқинлар ҳам борки, улар ўзининг айрим мантиқий хуносалари билан "анъанавий" тасаввурларни инкор этади:

"У таҳтни эгаллаган вақтига қарагандা, ўзидан кейин салтанат сарҳадларини анчайин кенгайтириб қолдириб кетди. Унинг таҳтни қўлга киритишидаги драматизми бошқаларникоидан кўп ёки кам эмас. У ўз фаолиятида қаттиққўл бўлгани учун эмас, балки давлатни бошқариш ишларидаги тажрибаси ва самарадорлиги туфайли муваффақият қозонди. У ҳеч қачон кераксиз ерда қон тўқмаган, отасини ҳам аслида тутқунликда эмас, балки таҳтига кўз олайтирганлардан четроқда ушлаб сақлаган. У ўзининг забардаст подшоҳ эканлигини амалда исботлаб, то дунёдан кўз юмгунича куч-қувватини йўқотмаган. Унда фақаттина отабоболаридаги бўлган магнитизм етишмас эди, холос.

У кундалик шахсий ҳаётда оддий ва буюк аждодларига нисбатан дарвешона ҳаёт тарзи билан ажralиб турарди. Унинг ҳиндалар билан "тeng муомала"да бўлиши, тўғри, Акбарниг муросасозлигидан фарқ қиласарди. Лекин умумий тасаввурдаги унинг "муросасизлиги" фақат Банорас ибодатхонаси ўрнида барпо этилган масжид воқеасига асосланган эди, вассалом!"(113:55).

Аврангзебнинг вафотидан сўнг, Ҳиндистонда бобурийлар, то инглизлар Боҳодиршоҳга(1837 – 1858) уни суоланинг охирги подшоҳи эканлиги тўғрисидаги огоҳномани юборгунича, расман яна 150 йил таҳтга эгалик қилди. Ҳатто, салтанатнинг сўнгги вакили заиф ва танг аҳволда қолганида ҳам, инглизлар тазийиқига қарши бош кўтарган авом ўз раҳнамоси этиб таҳтнинг ҳақиқий эгасини танлади(61:47). Аммо исён бостирилгач, подшоҳ оиласи билан Бирманинг Рангун шаҳрига бадарға қилинди ва у шу ерда – бегона юрт туроғига бош қўйди.

Салкам уч асрлик тарихга эга бобурийлар салтанатининг таназзулга учраши сабабларидан бири, шубҳасиз, ички сиёсатда диний муросасозликдан муҳолифатта ўтилишидир.

Агар масалага шу томондан қаралса, дарҳақиқат, Акбар вақтида юксалиш жараёнини бошидан кечирган Ҳиндистон қудрати ва маданияти XVII асрнинг бошига келиб ўзининг кенг маънодаги аҳамиятини йўқотди. Бироқ, яхлит тарихий давр нуқтаи назаридан "Буюк мўғуллар давлати фақат Акбар даврига келиб Ҳиндистонда ҳинд салтанати сифатида қарор топди".

Хуллас, Ҳиндистоннинг араблар истилосидан то инглизлар мустамлакасига айлангунича орадан ўтган асрларга қиёсан, бобурийларнинг бу ўлкада ўзга бир эътиқоддаги аҳолига нисбатан қўллаган сиёсатининг асл моҳияти нимада эканлиги, Акбар давлатчилиги асосида тўла-тўқис намоён бўлди. Яъни, "Акбар, – Жавоҳирлал Неҳру сўзи билан айтганда, – қадим замонлардан бери хаёл қилиб келинган давлатга фақат сиёсий жиҳатдан бирлашган бир бутун Ҳиндистонни эмас, балки

бир халқقا органик қўшилган ягона Ҳиндистон ҳақидағи орзуни қайта тиклади" (26:272).

Агар йирик ҳинд сиёсатдони ва давлат арбобининг мазкур таърифига диний нуқтаи назардан ёндашиб, Акбар фаолиятига берилган сўзсиз юксак баҳони таҳлил қилсак, "бир халқقا органик қўшилган ягона Ҳиндистонни қайта тиклаш" бу — ўрта аср шароитида мавжуд бўлиши мумкин бўлган толерантлик руҳидаги сиёсат ҳосиласи ҳамда ҳинд каби мусулмон учун ҳам ватанга бўлган онгли садоқатнинг рамзи эди. Бинобарин, ҳинд сарзамини тарихидаги бу воқелик, инсонларнинг — турли дин, миллат ва ниҳоят, тафаккур эгаси бўлишидан қатъи назар, Веда башорати бўйича бир оила эканлиги ёки Қуръони каримда марҳамат қилинганидек, уларнинг ибтидода "бир миллатда, яъни эътиқодда яратилган" лигининг инкор этиб бўлмас ҳақиқатидир:

Веда:

"*Vasudhaiva kutumbakan*" –  
"Бутун дунё – бу бир оила!"

Қуръони карим:

Одамлар бир миллат эдилар..."  
(Бақара сурасининг 213-ояти).

### *Индуизм ва ислом*

«(Аввалда) одамлар фақат бир миллат(яъни динда) бўлган эдилар. Сўнгра бўлинниб кетдилар.» (Юнус сурасининг 19-ояти).

Бир миллат – диндагиларнинг замона зайди билан ўз "асли"дан айри ҳолдаги умргузаронликка

үтиш сабаблари мажусий ва кейинги йирик диний манбаларда гарчи турли тиллар, таҳлиллар ва йўлларда тушунтирилса ҳам, аммо уларнинг бундай ишбулика йўғрилган мақсад манзили бир, яъни инсонларни гумроҳликдан ўз аслиятига қайтариш. Зеро, ибн Арабий ишорасида "Бутпарастликдан то радикал монотеизмгача бўлган эътиқоддаги барча йўллар илоҳият билан бирлашишга олиб келади" (73:30). Бинобарин, ибтидоий диний бирлик асоси бўлган одамзоднинг яратилишдан ўзида мавжуд диний туйғу боис бандасиниг ўз Яратганига нисбатан "Қалб кўзининг очилиши" яқин ўтмишгача фанда фақат касрат олами – табиат куч-қудрати таъсири остида таҳлил қилиб кelingан эди<sup>1</sup>. Лекин диншуносликнинг кейинги йиллардаги тадқиқий хulosаларида, ҳилқатлар ичida инсоннинг ўз дини билан яратилганлиги ҳақидаги ҳақиқатнинг мантиқан илохий манбалар мазмунига яқин кела бошлаганлиги, қувонарли ҳол, албатта.

"Энди ҳамма диншунослар, – деб ёзади таникли рус олими Е.А.Торчинов ўзининг "Дунё динлари" асарида, – шуни яхши билишадики, хозир қанчалик примитив бўлмасин, диний тасаввурга эга бўлмаган бирор ҳалқ ёки қабилани топиш мумкин эмас. Аммо биз шунга қарамай, ўз собиқ марксистик тасаввуримиз асосида диннинг келиб чиқиши тўғрисида гапирганда, уни тарихан жамият онгининг ўткинчи бир шакли сифатида таърифлашга ўрганганмиз..."

---

1. Демокрит, Тритон, Спиноза, Фейрбах, Кант каби узок ўтмиш ҳамда ўрта аср файласуфларининг диннинг келиб чиқиши ҳақидаги мулоҳаза ва хulosалари назарда тутилади.

Яна шуниси қизиқки, бундай ёндашув, аслида яхудий ва христиан тафаккур анъанасида юзага келган "religio - дин" деган лотин сўзи, "алоқа" ва "бирлашиш" ёхуд "эҳтиром" маъносида қўлланишидан қатъи назар, "гуноҳга ботиш" оқибатида пайдо бўлган. Чунки, унга қадар Худо билан ўзаро бевосита муносабатда бўлинган ва ушбу ришта қайта тиклангач, дин яна ўз-ўзидан йўқолиб кетиши керак". Ва Муқаддас Иоаннинг "Апокалипсис" — "Янги аҳд" китобида ёзилишича:

"Тангри шаҳри — янги Ерусалимда ибодатхоналар бўлмай, ҳар ерда Ўзи ҳозир нозир бўлади".

Ёки, шу мазмунни бевосита "Инжил" тилида ифодалаганда у шундай:

"Бу шаҳарда маъбад кўрмадим. Зероки, ҳар нарсага қодир Худои таоло ва кўзининг ўзи шаҳарнинг маъбадидир"(4:611).

"...Айтгандек, бу ерда, одамлар ва илоҳлар дунёсининг ибтидоий алоқалари кейинчалик завол топиб, уларни фақат нуфузли зотлар — шамандардагина сақланиб қолганлиги ҳақидаги мифологик сюжет кўзга ташланади...."(75:83).

Тадқиқотчи ўз монографиясида археологик қазилмаларда қадимги одамларнинг диний тушунчага эга эканликларини тасдиқловчи омиллар тошлимаганлиги учун, моддиюнчиларнинг диний эътиқодни вужудга келиши тарихига ёндашиш услубини шундай хуласалайди.

"Борингки, агар ҳақиқатан ўша одамларда ҳеч қандай диний тасаввур бўлмаган тақдирда ҳам, афсуски, бу диннинг юзага чиқиши тўғрисидаги назариянинг "фойдаси" учун аргумент бўлолмайди. Негаки, жиддийроқ айтганда,

улар ҳали одам бўлмаганлар, аниқроғи, биз "гуноҳкорлар" каби "*homo sapiens*" – "биологик насл" –га тегишли эмасдилар. Ахир, бизлар одамсимон маймуналарда диний эътиқод бўлмаганлигига ҳайрон бўлмаймиз-ку!

Дин доим онгли одам билан пайдо бўлиб, у билан бирга қолади: фанда ҳам "*homo sapiens*" – онгли одамсиз дину, динсиз "*homo sapiens*", яъни онгли одамнинг бўлганлиги маълум эмас. Ба фақат "кроманъон" – дастлабки онгли одамдагина диний тасаввур тажассум топган ва худди шундан сеҳрли буқалар, қоринли "венералар" ва дафи маросимлари ибтидо олган. Мана шунинг ўзи диний туйфу ва тажрибанинг одамзод табиатида мавжудлиги эмасми?

Ҳа, иккинчи бир тарафдан, фақат археологлар эмас, этнологларга ҳам маълум бўлган наинки кроманъон, балки бошқа қабила ва халқлар эътиқодлари, албатта, ҳали унда санъат, мифология, илм-фанга тааллуқли ва улардан ажralиб турувчи "рисоладаги дин"ни ташкил этмасди."(75:84)

Муаллифнинг "диннинг келиб чиқиши" тўғрисидаги саволи ёки санъат, маданият ҳамда илм-фанинг динга тегишли жиҳатларини қандай хуносалаган бўлишига қарамай, унинг одамзоддаги мавжуд "диний туйфу" эманацияси эътирофига яқинлашишининг ўзи, майли савол ёки гипотеза кўринишида бўлсин, диншуносларнинг бевосита ё билвосита Қуръони карим ҳақиқатига юз тута бошлаганлигидан далолат. Қолаверса, "Дин тарихи билан шуғулланувчиларнинг фикрича, – деб таъкидлайди "Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир" рисоласининг муаллифи, – инсонларнинг дастлабки даври ваҳшийлик эмас, балки илк маданият давридир"(63:12).

Мабодо иқтибосларда баён этилган "диний ва маданий шуур" хусусида Қуръони каримга мурожаат қылсақ, ҳар икки марҳаматнинг ҳақиқат эканлигини, Аллоҳ яратган барча мавжудодларнинг мукаммаллигига шубҳа йўқлигидан англаймиз, қўямиз:

الَّذِي أَحْسَنَ كُلَّ شَيْءٍ خَلْقَهُ

"У барча нарсаларни чиройли қилиб яратган зотдир"(Сажда сурасининг 7-ояти).

Изоҳ. Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандалари эътиборини Ўзи яратган маҳлуқотларнинг ҳар бирини нақадар етук ҳикмат билан яратилганигига қаратилмоқда. Дарҳақиқат, дунёдаги мавжудотнинг қай бирига диққат-эътибор билан назар солинса, ундаги мутаносиблик, пухталик ақл эгалари ёдига Яратганинг нақадар доно ва билувчи эканлигини келтиради. Шунда ўтган уламо ва ҳукамоларнинг "Ҳар баргда бир Худо яшайди" деган сўзларининг ҳикмати равшанроқ англанилади"(1:28).

Демак, "ҳар баргдаки бир Худо яшар экан", Унга бўлган муқаддас туйғуни қалбан ҳис этилишининг табиийлиги, қадим Юнон ёки Европа ўйғониш даври файласуфларининг "дастлаб дин табиатнинг сирли, беаёв кучлари ва бошқа даҳшатли ходисалари таъсири остида вужудга келган"лиги ҳақидаги назарияларга эътиroz билан қарашга мажбур қиласди. Чунки, муқаддам мазкур соҳада баён қилинган фикр-мулоҳазаларда диний туйғунинг "ўз асл макони" – инсондаги илоҳий ирсий зарра омили, табиатнинг таъсир кучлари

олдида иккинчи планда қолиб кеттган эди. Аслида оса, ибтидоий диний түйғу, гүё "ҳар қандай мөванинг ҳосили унинг уруғида мужассам" бўлганидек. Одам ато зурриётларида азалдан мавжуд бўлиб, бу эътиқод сарчашмаси, шунингдек, динлардаги мантиқ бирлигининг ёрқин тимсоли ҳамдир.

Биз ҳам худди мана шу "бирлик" замирида индуизм ва исломга хос баъзи умумий дунё-қарашлар ҳамда улардаги туташ ёки ундош нуқталарни қиёсий ўрганиш ниятидамиз. Пировард сўз, индуизмнинг ҳиндистонликлар назидаги фалсафий моҳияти, хусусияти, қамрови ва албатта, бу диний таълимот тўғрисидаги ташқи дунёning тасаввури ва муносабати ҳақида.

"Индуизм атамасининг мазмуни нима – фақат динми, эътиқод тизимими ёки булардан ҳам ташқари тушунчами?" деган саволни ўз олдига қўйган ҳинд муаррихи Рашидиддин Хон, унга шундай жавоб беради:

"Индуизм семитик тушунчадаги дин эмас, балки бу қандайдир диндан ўзгачароқ, ундан зиёдроқ – табақаларнинг, анъаналарнинг, ижтимоий ахлоқ, ритуаллар, метафизик талқинлар, маданиятлар ва қадриятларнинг омихта мажмуи. Индуизмда мутаассиблик ёки бидъат ҳам, аниқ эътиқод шакли ҳам ёки маҳсус пайғамбарлар томонидан юборилган манбалар асосида қурилган ибодатхоналар ҳам йўқ. Бу хослик, ўз ўрнида ҳиндупарастликка қайишувчанлик ва бутун Ҳиндистон маданияти ва қадриятларини қамрашга пойдевор яратган»(119:221).

Индуизм атамасида мужассам эътиқод тушунчаси фанда ва ҳаётда кўпинча икки маънода талқин қилинади. Яъни, «умуман ведалардан то

ҳозиргача ўтган даврдаги ҳиндупарастлик» ҳамда «мелоднинг биринчи асридан шаклланган энг йирик ҳинд дини – индуизм» сифатида. Ва ҳар икки талқинга асос бўлган яхлит ҳинд диний фалсафаси, ўз назарида чексиз давом этувчи – ҳар сафар дунёнинг яратилишидан то қиёмат қоимгача ўтиши керак бўлган даврий босқичларни – ўтмиш, ҳозирги замон ва узоқ келажак поёнини ўз ичига қамрайди.

Бу фалак гардишининг қонунига биноан сатиог, трета, двапра ва калиог каби тўрт босқичдан иборат ҳаёт жараёни, ўзининг сўнгти манзилига етиб боргач, яна ортига қайтиб янгидан бошланади. Сабаби, Тангрига хос яратувчанлик фаолияти ўзи сингари азалий ва абадий бўлиб, бундай фаол ижодкорлик Унинг ўз яратганларига бўлган мислсиз ғамхўрлигининг безавол намунаси. Яратганинг бу сифати шунингдек, Қуръони каримда ҳам шаклан мухтасар, аммо мазмунан ғоятда батафсил таърифланган:

يَسْأَلُهُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ يَوْمٍ هُوَ فِي شَانٍ

"Осмонлар ва Ердаги (барча) жонзот (Унга мухтождир ва бор тилак-мақсадларини) ёлғиз Ундан сўрар. У зот ҳар куни иш-амалдадир" (Раҳмон сурасининг 29-ояти)

Изоҳ. Ушбу ояти карима ўзи мўъжаз бўлишига қарамасдан исломий ақиданинг асосий рукнларидан бирини тўла ифодалагандир. Яъни, Еру осмонда Аллоҳ таолога мухтоҷ бўлмаган ва Ундан мадад-ёрдам тиламаган бирон жонзот йўқдир. У зот ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳзада ўзи яратган коинотдаги барча жонзотни бошқариб –

парваришиң қилиб туралған Парвардигордир. Бу оят "Аллоқ таоло борлық, ундағы нарсаларни яратғач, уларни үз ҳолига ташлаб қўйган" дейдиган файласуфларга раддиядир" (1:390–391).

Индуизм ва ислом каби икки турли дин тушиунчасидаги шу биргина мисолнинг ўзида кўрганимиздек, Ҳақ таоло қудратига хос хусусиятларнинг миллат ва эътиқодлар турфалигига бедахиллиги, яна бир карра илоҳий ҳақиқатнинг барча учун бирлиги кафолатига ишорадир.

Дарвоҷе, индуизмда дунё босқичларининг алмашинуви – бирининг иккинчисига ўрин бўшатиб беришининг ҳам үз сабаби бўлиб, у бевосита одамзоддаги руҳий-маънавий сифат ўзгаришлар натижасида содир бўлади. Бу жараён оддийдан мураккабликка ёки пастдан юқорига кўтарилишга ўхшаш одатдаги тараққиёт қонунига бўйсунмай, аксинча, инсондаги бошлангич баркамолликка путур етиши – моддий манфаатларнинг маънавият талаб-тақозоларидан устун келиши бадалига юз беради. Бунда ҳар бир даврнинг кейингиси, аввалгисидан маънан тубанлашуви билан якунланади, яъни: ҳақиқатгўй одамлар яшайдиган "сатюг", некбин ва қобил одамлар яшайдиган "трета", маънавиятидан манфаати кучли одамлар яшайдиган "д vapra" ва охирзамон одамлари яшайдиган "калиюг" давлари. Гоҳо бу босқичлар юнонлар таърифича олтин, кумуш, жез ва темир даврига қиёсланади. Ёки, ислом дини мисолида олганда, ҳиндолардаги босқичлар талқини, бамисоли Муҳаммад (с.а.в.) жанобларининг пайғамбарлик мақомидан бошланган исломнинг саодат ва ундан кейинги давларидағи кузатилган маънавий ўзгаришлар натижаси сингаридир.

Индуизмдаги борлиқнинг яралиши ва инқи-  
розга учраши каби босқичларга бўлинишига ўх-  
шаб, бевосита эътиқод ҳам ўз навбатида маъна-  
вий сифат ўзгаришлари боис қўйидаги олти давр-  
га бўлинади:

1.Мелоддан аввалги 2500-йилдан токи 600-  
йилгача бўлган «Веда даври».

2.Мелоддан аввалги 600-500 йиллардан то  
мелоднинг 200-йилигача бўлган "эпик давр".

3.Мелоднинг 200-йилидан то 800-йилигача  
бўлган "сутра даври".

4.Мелоднинг 800-йилидан то 1300-йилигача  
бўлган "схоластик давр"

5.Мелоднинг 1300-йилидан то 1700-йили-  
гача бўлган "бҳактий даври".

6.Мелоднинг 1800-йилидан то 1950-йили-  
гача бўлган "ислоҳот ҳаракатлари" ва "фалсафий  
уйғониш" даври.

Салкам беш минг йил мобайнида узвий ра-  
вишда олти қисмга бўлинган "ғоявий жараён" ҳи-  
собида исломнинг Ҳинди斯顿га кириш вақти тах-  
минан тўртинчи – "схоластик давр"га тўғри ке-  
лади. Мазкур давр иомининг фандаги таърифидан  
фарқли ўлароқ, "Платон ва Арестотелнинг ғояла-  
рига асосланган ақидапарастлик" жиҳати, ўтган  
VIII-XIII асарлардаги исломнинг хорижий диний  
муҳитга мослашуви тажрибаси олдида гов бўлол-  
масди.

Бундан ташқари, бҳактий ғояларининг бай-  
налмилал руҳияти ҳам, қайсики дин бўлмасин,  
инсонпарварликка хизмат қилиши вожиблиги тар-  
ғиботини оддий ҳинд фуқароси онгига сингди-  
ришга уринарди. Тарғиботнинг келгусида бҳакт ва

сўфийлар ҳамкорлигида умуммиллий характердаги халқ ҳаракатига айланиши, ўз ўрнида, ҳинд ва мусулмонни инсон сифатида ўзаро ақлан ва руҳан бир-бирига бегона эмаслигини англашга даъват этди.

Индуизм ва ислом бўйича маҳаллий мутахассислар, ўтган асрлар даврида ҳинд ва мусулмонларнинг гоҳ ўзаро тўқнашиб, гоҳ эса бирлашиб маърифат-маданият соҳасида бемисл ҳамкорлик намунасини кўрсатиб, қариyb минг йилдан зиёд бирга яшаб келаётганликлари феноменини турли диний-дунёвий сабабларда кўрадилар: кимdir уни тарихий заруриятдан, кимdir ҳиндга хос бағри-кенглиқдан, яна кимdir эса, мусулмонлар аксариятини туб ерлик аҳоли ташкил этганлигидан.

Бу фикрлар қатори, динлар хусусида яна шундай устивор дунёқараашлар соҳиблари ҳам борки, уларнинг эътиқоди, ҳинд ва мусулмон каби турфа эътиқод бандаларининг ўзаро бегонасирамаслиги – бу Ҳақ таолонинг бирлиги ва ихтиёри шарофатидир. Ва балки шунинг учун, индуизм ва исломни қиёсий ўрганувчи айрим диншунослар ўз изланишлари мантиқ-моҳиятини қўйидаги муқоса омилида асослайдилар:

“Ekam Sat” – Ҳақ ягона

الله عَلَى إِلَهٍ لَا إِلَهَ بَلْ هُوَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»

Азалдан ҳиндаларнинг Тангрини ягона билишлари тўғрисидаги муфассал маълумот мусулмон оламида Берунийнинг “Ҳиндистан” асари туфайли маълум бўлган десақ, хато бўлмас. Чунки, илгари ёзилган араб манбаларида мазкур мавзуга қўл урилмаган, акс ҳолда, олим учун бу ма-

салани маҳсус "Ҳинд китоби"да қайта ёритишнинг ҳожати қолмасди:

"Ҳиндалар Худонинг бирлигига, абадийлигига, ибтидо ва интиҳоси йўқлигига ишонадилар. У барча устидан ҳукмрон ва (барчани) асрарувчи. У ўз салтанатида яккаю ягона, Үнга ўхшаш ёки (Унинг) тенги йўқ – У на бирор нарсага ўхшайди ва на бирор нарса Үнга. Айтилганлар бўйича, бизнинг сўзларимиз фақат қулоқ эшитганигагина асосланган бўлиб қолмаслиги учун, уларнинг(ҳиндаларнинг) китобидан баъзи намуналар келтирамиз. "Патанжалий" асарида ўқувчи ўз устозидан сўрайди:

– У ўзи ким, одамлар сажда қилиб ёрдам сўрайдиган Зот?

Устоз жавоб беради:

– Уни ақл билан англаб бўлмайди, негаки, У ўзига тенглашиши ёки ўхшаси мумкин бўлган ҳар қандай яхшиликлар ёки ёмонлик ибтидосидан баланд. У ўз моҳияти билан азалдан ҳамма нарсани билгучидир.

Шундан сўнг ўқувчи(яна) сўрайди:

– Сизнинг санаб ўтганларингиздан ташқари, Унинг яна қандай сифатлари бор?

Устоз жавоб беради:

– Үнга бирор макондаги эмас, ғоядаги устунлик мансуб, зероки, У чексиз борлиқ фазосидан ҳам баланд. У бутун борлиқ хавас қилган соф мукаммал яхшилиқдир. У нопоклик, норасолик ва хатоликдан холи бўлган билимдир...»

Ушбу ва келгусида бевосита "Ҳиндистон" асаридан таҳлилий иқтибослар келтиришимиздан мақсад, биринчидан, бизнинг мавзумизни Беру-

ний учун ҳам беписанд бўлмаганлигини таъкидлаш бўлса, иккинчидан, ҳинд ерида ўзлашган ислом учун маҳаллий диний қадриятларнинг ҳар қалай «бегона» эмаслиги сабабидир. Шунинг учун ҳар икки диний эътиқоддаги ўзаро ўхшашиб ёки муштарак омиллардан келиб чиқиб, борлиқнинг яратилиш жараёнини кузатишда давом этамиз.

Агар браҳманизмнинг мустақил таълимот даражасига кўтарилишидаги ilk монотеизм унсурларига диққат қиласак, унинг шаклланишида яна Веда фалсафасига дуч келамиз. Инчунун, ведаларда ҳам интуитив ёки онгли равишида Тангрига интилиш, Унда мужассам табиатни илоҳийлаштиришдан бошланган. Лекин даврлар ўтиши билан тафаккур тараққиётининг маънавий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга кўрсатган таъсири, ҳинд жамияти фалсафасида ҳам муайян бурилишлар ясади. Ёки янада яхлитроқ айтганда, политеистик асоратлардан монотеизмга ўтиш жараёни нафақат руҳоний, балки ақлий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талаби эди. Марказлашган йирик давлатларнинг пайдо бўлиши яккахудолик унсурларининг мустаҳкамланишини жадаллаштириди – "Якка подшога ер юзида худонинг ҳам якка бўлиши керак эди".

Шундай қилиб, Веда тароналарида илоҳият бирлиги ва фаолияти рамзида бутун борлиқни яратган Пражапатийнинг мадҳ этиб куйланиши, ҳиндаларнинг ўтмиш тасаввурларидан озод ҳолдаги монотеизмга яқинлашувининг дастлабки белгилари эди. "Мейтри упанишад"да ёзилишича:

"Аввал бошда ёлғиз Пражапатийнинг ўзи мавжуд бўлиб, У ёлғизлиги туфайли шодлик нималигини билмасди. У ўзи ҳақида ўйлаб кўриб, сўнг. сонсиз-саноқсиз ўз ижоди маҳсулини яратди".

Ёки "Шри-Йшопанишад" тафсирича:

"Тангри пракритийга – табиатга бир нигоҳ ташлаш билан уни беҳисоб индвидуал зарралар билан тўлдирди".

Қисман шунга яқин борлиқ ва руҳларнинг яратилишига доир нуқтаи назар тавсифи, маълум дараҷада тасаввуф аҳли тасаввурига ҳам уйғунлашган:

"...Сўфийларнинг эътимоди бўйича, оламни Худо яратган. Унгача "Вужуди мутлоқ"дан бўлак ҳеч нарса бўлмаган. Шунинг учун мавжудликни Худонинг ҳусну жамолини акс эттирган ойна тимсолида билиш керак" (5:26–27).

Яна, индуизмда борлиқнинг ҳали зуҳур бўлмай туриб, унинг моддий ва руҳий асослари алоҳида ҳолатда Пражапатийнинг ўзида мавжуд эканлиги таъкидланса, исломда ушбу "ягона ва бир бутун вужуд" асосида мушоҳада қилинади:

"Бутун борлиқ вужудининг маъноси – бу шундай бирликки, унда барча мавжудод бор, бу эса Аллоҳ таолодир" (77:23).

Шунингдек, аксарият ҳинд диний-фалсафий матнларида коинот, мавжудод, маҳлуқот Яратганинг ўзида ва измида эканлиги, Пражапатий баёнида кўрганимиздек, турли аллегорик ташбиҳлар воситасида ҳам эслатилади:

"Мени, – Шри Кришна дейди, – ҳамма нарсада ва ҳаммасини Менда кўрувчиilar учун, Мен ҳеч қачон йўқолмайман ҳамда улар ҳам Мен учун йўқолмайдилар" Чунончи, "Унинг қўли, оёфи, кўзи, боши, қулоги ҳамма ерда. Шундай бўлгач, «Парматма»<sup>1</sup> борлиқقا сингиб яшайди..." (17:619).

<sup>1</sup> Парматма – санскрит тилида "парам" – биринчи, "атма" қалб ёки руҳ маъносини билдириб, индуизмдаги ягона илоҳининг номларидан бири.

Ёки, яна "Шри-Йшопанишад" да айтилишича: "Қачонлардир борлиқ сув билан қопланган бўлиб, унинг остидаги жонзотлар ўша шароитга мослашиб яшаш оқибатида олдин танага эга бўлган ва ундан сўнг улар ҳаётнинг наботот шаклига, наботдан ҳашарот шаклига, ҳашаротдан паррандага, паррандадан ҳайвонга, ҳайвондан одамга айланганлар"(84:131).

Қиёсан, ҳинд диний фалсафасидаги борлиқ, ундаги мавжудод ва жонзотларнинг яратилиши қонунияти, албатта айрим принципиал фарқларни инобатта олмагандা, қисман бўлса-да, бошқа динларда ҳам эътироф этилган. Масалан, бу ҳақида Қуръони каримда шундай маълумот берилган:

وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِّنْ مَاءٍ فَمِنْهُمْ مَنْ يَمْسِي عَلَى بَطْنِهِ  
وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْسِي عَلَى رِجْلَيْنِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْسِي عَلَى  
أَرْبَعٍ يَخْلُقُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ\*

"Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди.

Улардан қорни билан(судралиб) юрадиганлари ҳам бор, икки оёқда юрадиганлари ҳам бор, тўрт (оёқда) юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта Аллоҳ барча нарсага қодирдир"(Нур сурасининг 45-ояти).

Сир эмаски, ҳиндупараастлик аксарият тушунчасида политеистик гуруҳга кирувчи эътиқод. Аслида эса, индуизмдаги кўпхудолик тизими, ундаги фалсафий тамал тошининг бор-йўғи ташқи бир қиёфаси. Ботиний мазмунда эса, бутун борлиқни яратган ягона Тангри: ҳамма нарса Унинг иродаси билан пайдо бўлиб, Унинг измида ҳара-

катланади ва "праздник" — қиёматдан сүнг яна Ўзига қайтади. Зотан, юқорида қайд этилганидек, ведаларда айтилганки, "Нито нитянам — Худо бирдир!" Ярим худоларга фақат моддий дунёни бошқариш учун маълум бир куч ва ваколат берилган. Бинобарин, "Бҳагавад-гита" наздида "Кимки Олий тангри ҳамда ярим худоларни баробар — бир деб ўйласа, адашади ва у дахрийдир" (17:232–233).

Политеизм ва монотеизм ўртасидаги тафовут ва уларнинг «умумий томонлари» тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларга ўрта аср араб ва бошқа мусулмон теологлари ҳамда мутасаввиф шоирлари ҳам бефарқ қарамаганлар.

Шу мазмунда агар ўз мумтоз бадииятимиз захирасидан мисол изласак, буюк Навоий сўзида, "Чун (тафаккурга) эшик очилиб, унга кирилгач, "куфр ва имон тушунчалари" Аллоҳ ҳақиқатини билиш, яъни бу дунёнинг асл моҳиятини идрок этиш йўлида тўсиқдан бошқа нарса эмас" эканлиги маълум бўлади:

Куфр ила имонга урғайсан илк,  
Бу таъмадин очилғай бир эшик,  
Чун эшик очилди не куфру не дин,  
Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.  
Куфру имон роҳравға кеш эмас,  
Асл йўлда бандироҳе беш эмас." (70:28).

Индуизм ва исломдаги "Илоҳ ва инсон" мавзуи атрофида мавжуд фикрлар ҳам ўз турфа ва айнан жиҳатлари билан эътиборга молик. Бундай олганда, ҳиндупарастларда маъбуд ва маъбудаларни одам қиёфасида тасвирланиши, ислом назарида бутпарастлик ва сўзсиз, дахрийлик бел-

гиси. Ҳиндларда эса, худоларнинг инсоний қиё-фаларини шундай асосда тушунтирилади:

"Тангри бандасига хилма-хил аъзоларни берган экан, нега энди улар Унинг ўзида ҳам мұжассам бўлмасин?...Биз маълум шакл-шамойилга эга бўла туриб ўзида уларни йўқ десак, унда бандаси Яратгувчисидан бадастурроқ қўринишга эга бўларди. Шунинг учун яратилмишнинг ўз Ижодкоридан афзал қиёфаси мантиқа тўғри келмайди"(84:160).

Бироқ, шуниси ҳам ҳақиқатки, индуизмда илоҳларнинг жисмоний шакли, бу фақат масаланинг ташқи бир томони, унинг ички – аслий хусусига келсак, "Ҳиндлар, – Маҳатма Гандий кафолатида, – тасвирни Худо деб билмайдилар (23: 479). Ёки Шри-Йшопанишад тафсирида бутлар макони бўлган ибодатхоналар фақат инсоний тасаввур ҳосиласи, холос:

"Бизнинг норасо мавжудлигимиз туфайли "Олий илоҳ"ни аниқ кўз олдимизга келтиромаймиз. Шу сабабдан Уни жисмоний кўзлар билан қўришни истаган тақводорларга, меҳрибончилик юзасидан, уларнинг ибодатларини қабул қилиш учун Тангри моддий шаклларда ҳам қўриниш беради. Эътиқодда қуии поғонадагиларнинг бутга сажда қилиши ўз онги даражасида англаб етган Тангрига сифинишнинг шаклидир, чунки, улар Унинг масканини фақат ибодатхоналарда деб ўйлайдилар».

Тангрини одам шаклида тасаввур қилиш фақат ҳинд ёки насороларда эмас, балки исломнинг бошланғич даврларидағи айрим, масалан, "Друз" ва "Аштарий" таълимотларида ҳам бўлган. Уларда баён этилган фикрларнинг "ҳақиқати"ни ҳатто Қуръони каримдан оятлар келтириш йўли билан

ҳам исботлашга уринилган. Жумладан, "Мелоднинг 909 йили асос солинган фотимийлар халифалигида 1017 йили "Янги аср"нинг бошланиши муносабати билан мутлоқ борлиқнинг Яратгувчиси, мутаассиб шиялар тасаввурича, Тангрининг беш эманацияси тамойили бўйича ал-Ҳакимда тажассум топғанлиги эълон қилинган. Ҳолбуки, олдин "Дуруз таълимотида Унинг қиёфаси биринчи бор Ҳамза бин Алига ўтганлиги билдирилган эди"(66:1–14).

Шунингдек, Ал-Аштарий таълимотига мувофиқ "Жами мавжудод борки, кўринади. Ва мавжудлик доим кўриниш билангина тасдиқ топади. Аллоҳ реал равишда мавжуд бўлганлиги учун кўринишга эга. Ахир, тақво аҳли у дунёда Унинг висолига мушарраф бўлиши ҳақида ваҳий келган-ку!" Аллоҳ таоло деди:

\*وْجُوهَ يَوْمَنِدُ ظَاهِرَةً \*إِلَى رَبِّهَا نَاظِرَةٌ \*

"У Кунда (мўъминларнинг) юzlари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургучидир"(1.Қиёмат сурасининг 22–23–оятлари).

Изоҳ. Дарҳақиқат, аҳли жаннат учун Парвардигорнинг дийдорига етишдан суюклироқ бирон нарса йўқдир. Шунинг учун ҳам Яратганга боқар эканлар, уларнинг юzlари янада яшнаб, мунаvvар бўлиши табиий ҳолдир. Саҳиҳул-Бухорийда ворид бўлган мана бу Ҳадиси шариф ҳам мазкур ояти карима мазмунини таъкидлайди:

"Албатта сизлар яқинда Парвардигорларингни худди мана шу тўлин ойни кўриб турганингиздек, очиқ–аён кўрасизлар"(1:444).

Исломдаги индуизм фалсафасига монанд томонларга дуч келингандан айрим хатоликларга йўл қўймаслик учун, динларни ўзаро қиёсий ўрганиш бўйича муқаддам мусулмон дунёсида китобат этилган маълум ва машҳур айрим асарлар муаллифларининг илмий-ижодий фаолиятига тўхталашиз.

Шулардан бири, "IX асрда яшаган Ёқубий ўзининг китобида насароларнинг муқаддас каломи мазмунини ниҳоятда самимийлик билан аниқ ва атрофлича баён қилган". XI аср охирларида эса, Фазнавийлар саройида форс тилида "Динлар ҳақида" мажмуа яратилган" (18:182).

Яна, XII аср мутасаввиф шоири ва олим Ибн Арабийнинг турли даврларда пайғамбарлар орқали жорий этилган динлар хусусидаги хуласасига кўра, "Ислом сўнгги ҳақиқат асносида ҳамма динларни ўз ичига қамраган".

Ёки, мавзу борасида XII асрда Беруний анъ-анасини давом эттирган Аш-Шаҳристоний тадқиқоти тамойилига мурожаат қилмоқлик, фойдан холи бўлмайди. Унинг танлаган мавзуи ва манбаларга нисбатан муносабати – хоҳ у зардуштийлик, браҳманизм, монийлик ёки яҳудий ва насоро динлари фалсафаси бўлсин, мусулмон теологияси тарихида бир диндаги фирмалар ёки турли динларни қиёсий ўрганиш юзасидан тўпланган тажрибалар ичида ўзининг объектив услуби билан ажralиб туради:

"...Мен ҳар бир мазҳаб таълимотини китобдан қандай топган бўлсан, амалда шундай – бирига ён босиб бошқасига беписанд бўлмай, тўғрисидан нуқсон қидирмай, ҳақиқийисидан эса хатоларини ахтармай келтиришни ўз олдимга шарт қилиб қўйдим. Зоро, ҳақиқатнинг ёруғлиги ва ёл-

ғоннинг қоронгулиги, даилларга ақл кўзи билан қаровчи идрок учун ҳеч бир сир эмас"(8:29).

Ана шу илмий изланишлар қатори тасаввуф адабиётида ҳам мусулмон мистиклари дунёқа-рашларидағи бой диний тажрибанинг бетакрорлиги, аввало, унинг барча диний эътиқодлар асосининг ягона эканлигини англаб етганлигидир. Мисол учун, бу "бирлик"ни Мансур Ҳаллож қўйида-гича тасаввур қиласди:

Барча динлар ҳақида мен тафаккур-ла  
шуни билдимки –  
Улар бари бир «илдиз»дан чиққан  
дараҳт шохлари экан(78:29–30).

Ва ниҳоят, буюк бобомиз "Навоийнинг фикрича, динлар турли хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳақиқати асосида ягона Парвардигор туради. Ҳатто, бутпарамастлик ҳам Аллоҳ таолонинг тажалиётларидан бирига сифинишдир:

Чун боридин юқори урди алам,  
Юққороги пояга қўйди қадам.  
Кўрди ўшал хиттаи бутхонае,  
Ҳар бутнинг ҳайъатики дурдонае.  
Анда не роҳбон эрди, не бараҳман,  
Лек бори бутлар эди сиймтан.  
Ҳар бути Бутгарга парастишда маст,  
Ўйлаки, бут саждасига бутпарамаст.  
Мунча гаройибғаки қилди гузар,  
Айлади ибрат кўзи бирла назар.  
Барчасида зикри сужуданглади,  
Маърифатуллоҳга шуҳуданглади.

(Маъноси: энг юқорига қадам қўйганда бутхонага кўзим тушди. У ерда на роҳиб ва на баражман бор эди. Фақат кумуш танли бутлар бўлиб,

улар худди бутпаратлар бутга сажда қилгандек, ўзларини ясаган Бутгарга парвона эди. Бу ғаройиботларга дуч келган күнгил уларга ибрат күзи билан қаради. Барчаси (Бутгарга) сажда ва зикр билан бандлигини күрдию, Аллоҳ ҳақиқатини ангалади" (70:28).

Навбатдаги қиёсий мисолларга ўтишдан илгари, Маҳатма Гандийнинг индуизм агадийлиги рамзи бўлган жонворлар ҳимояси масаласида айтган сўзларига диққатни жалб этмоқчимиз:

"Оддий жонворларни ҳимоялаш шу боисдан ҳам зарурки, улар тилсиз-забонсиз маҳлуқ. Сигирларнинг муҳофазаси – бу индуизмнинг дунёга қилган тортифи. Ҳиндлар сигирларни ҳимоя қиласар эканлар, индуизм тоабад яшайверади" (23:747).

Одатда ўзга дин намояндаларига бироз файритабиий туйиладиган ҳиндларнинг жониворлар орасида сигирларга бўлган хос муносабати – муҳаббати фикримизча, фақат соф диний нуқтаи назардан эмас, чунки, улар кунига ақалли бир марта истеъмол қилишлари шарт бўлган сигир сутини маънан ва таркибан она сутига тенглаштирадилар. Қолаверса, ер юзида шунча фойдали мева, сабзавот ва кўкатлар бўла туриб, одамларни эса витамин моддаларига тўйинган сигирнинг сутини ичиб, яна унинг гўштини ейишлари мутлақо ҳинд ақлига сифмайдиган нарса. Уларда диний томондан жониворлар гўштини овқат сифатида истеъмол қилишни ман этилганлиги, эҳтимол, маҳаллий иқлим шароитлари тақозоси ҳам бўлиши мумкин.

Модомики ҳиндлар жониворларга шу қадар меҳр-муҳаббат билан қараб, уларга ҳатто сифиниб бошлирига кўтарар эканлар, бундай жонкуярлик, турган гапки, албатта маълум тарихий ва фал-

сафий сабаблар билан боғлиқ. Ва бу сабабларнинг бири, тотемизм даври эътиқоди тасаввурининг хотирада қолган таъсири бўлса, иккинчиси, ведалар давридаги қонли қурбонликлардан воз кечиш негизида ҳинд эътиқодидага шаклланган “аҳимса” фояси бўлиши керак.

Аҳимса фоясининг руҳи ва мазмунини яна бир марта тубдан англаб етиш учун, шундай бир ибратли мисол келтиришнинг ўзи етарли:

“Илоннинг ҳамласидан қутилиш учун албатта уни ўлдириш шарт эмас, фақат унинг заҳаридан сақланиш йўлини билинса, бас!”.

Инсоният онгида илк эътиқод тушунчала-ридан ўзлашган буқа ёки сигир тимсолини “илюхийлаштириш” фақат Ҳиндистонда эмас, дунёнинг бошқа гўшаларида ҳам бўлган. Бунга ҳатто, ҳозир ҳам жорий эътиқодлардан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас. Лекин бизга бу борада ортиқча изланишнинг зарурати йўқ, чунки, Қуръони каримда келтирилган ҳаққоний ва ҳаётий мисолларнинг ўзи етарли:

وَلَقَدْ جَاءَكُم مُّوسَى بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ أَتَخَذْتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ

### \* ظالمونَ

“Мусо сизларга очиқ ҳужжатлар келтирганидан кейин ўзларингизга зулум қилган ҳолингизда унинг кетидан бузоқча сифидингиз” (Бақара сурасининг 92-ояти).

Ёки:

يَسْأَلُكُ أَهْلُ الْكِتَابَ أَن تُنَزِّلَ عَلَيْهِمْ كِتَابًا مِنَ السَّمَاءِ فَقَدْ سَأَلُوا  
 مُوسَى أَكْبَرَ مِنْ ذَلِكَ فَقَالُوا أَرَيَا اللَّهَ جَهْرًا فَأَخْذَتْهُمُ الصَّاعِقَةُ بَطْلِمْهُمْ  
 ثُمَّ اتَّخَذُوا الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَنَاهُمُ الْبَيِّنَاتُ فَعَفَوْنًا عَنْ ذَلِكَ وَإِئْتَنَا  
 مُوسَى سُلْطَانًا مُّبِينًا\*

"(Эй Мұҳаммад), аҳли китоб сиздан күпдан бир китоб туширишингизни сүрайди. Мусодан бундан ҳам қаттиқроқ нарсани сүраган әдилар: "Бизга Аллоҳни очиқ күрсат, дейишган эди". Шунда золимликлари сабабли уларни чақмоқ урган эди. Сүнгра, уларга аниқ-равшан ҳужжатлар келганидан кейин бузоқни худо қилиб олишди. Буни ҳам авф этдик ва Мусоға очиқ ҳужжат ато этдик" (Нисо сурасининг 153-ояти).

"Карма", яъни индуизмдаги инсон аъмоли моҳияти хусусидаги таълимот билан танишилганда, унинг натижасини "жазо ва мукофот" да акс этишини билдик. Шунга биноан, ўз Аслини топган тақводор ҳинд, ҳаётида бўлиб турадиган ҳар хил воқеа ва ҳодисаларнинг ижобий ёхуд салбий сабабини илоҳий ихтиёрдан эмас, балки ўз кармаси натижасидан излаши керак. Шундай экан, у ҳолда "Нега унда инсон ўз асл руҳий сифатига терс бўлган гуноҳли ишларга қўл уради?" деган табиий саволга келсак, индуизмда, Тангрининг умуман инсон моддий фаолияти ва унинг оқибатларидан четда эканлигига шама қилиниб, шундай жавоб берилади:

“Яратганинг одам боласи қилмишлари учун масъулияти, ёмғирдан сўнг гўё сувнинг намланган ердан қандай ўсимлик ўсиб чиқишига жавобгар бўлганидек гап”.

Демак, индуизмда Яратган борлиқ яратилишининг “олий ва асосий сабаби”. У одамларга фақат ўз ташқи қуввати билан фаолият кўрсатишга имкон беради ва инсоннинг фаолияти эса, карма таълимотига бўйсундирилган “қилмиш-қидирмиш” ҳосиласидир.(17.235б.). Лекин айни индуизмдаги иккинчи бир “Аживика” таълимоти файласуфлари, инсон тақдири доимо Тангри назорати остида ва азалдан унда нима ёзилган бўлса шундай сақланиши ва ҳаттоқи, бирор арзимас нарсани ҳам ўзгартириб бўлмаслигига қаттиқ ишонгандар(117:63).

Илоҳ ва инсон ўртасидаги ҳиндларга хос руҳий бирлик ҳамда фаолиятдаги ихтиёр ва ихтиёrsизлик назариялари арабларда ҳам жоҳилия даври ва шунингдек, ундан кейин ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолганди. Мазкурга арабларнинг “Даҳр” ақидаси мисол. “Бу ақида инсоннинг тақдири олдиндан аниқланганлиги, у эркин ирода ёки ихтиёр эгаси эмаслиги, пешонасига “ёзилган” нарса албатта содир бўлажаги ва ундан қутилиб бўлмаслиги ҳақида эди. Аксарият жоҳилия араблари шу ақидада эдилар ва тақдирга ишониш улар дунёқарашларининг ажралмас қисмини ташкил этарди”(89:207).

Ислом тарихига қисқача экскурс қилсак маълум бўладики, мусулмончилик даврининг бошланишида “инсон ихтиёrsизлиги”ни ёқлаб чиқсан «жабарийлар» ғоясини (661–750 ҳижрийда) араб халифалигидаги умавийлар суоласи маъқуллаб, ҳатто, шундай даъво ҳам қилганлар:

"Бас, тақдирдаги ҳамма нарса Аллоҳ томондан азалдан белгиланған экан, шулар жумласидан умавийлар ҳукмронлиги ҳам илоҳий ва қонуний ҳақиқат бўлиб, уни инсон қўли билан даф қилиниши мумкин эмас!".

Шунинг учун умавийлар, биринчи ҳижрий асрда инсоннинг ўз дунёвий фаолияти доирасида ихтиёри озодлигини тарғиб қилган иккинчи бир қодирийялар оқимини "ғайрилик"да айبلاغанлар.

Қодирийя таълимотини ривожлантирган "муътазиллийлар" учун, чексиз адолат соҳиби Аллоҳнинг ўз баңдасига ёмонлиқни раво кўриши ҳамда унинг туғилишидан пешонасига ножӯя амаллар қиласхагини ёзиб қўйиши, эҳтимолдан узоқ эди. "Ўзларини бир худоли(тавҳид) ва адолат (адл) кишилари билган қодирийя тарафдорлари ёмонлик инсоннинг ўзидан, бу дегани, унинг қиласиган яхши-ёмон ишларига фақат ўзи масъул ва уларга ўзи жавоб беришига амин бўлганлар"(8:12–13).

Уларнинг фикрича, гарчи Тангри табиатига ёмонлик ёт бўлса ҳам, аммо У гуноҳ учун жазо бермай қўймайди. "Дўзахнинг эшиги кофир каби мусулмон учун ҳам очиқ."

Бу тушунчага мувофиқ инсон ихтиёрининг эркинлиги ҳамда савоб ва гуноҳ ишларга қанчалик рағбат қилиши, унинг маънавияти даражаси ва унга бўйсунишига боғлиқ эди. Бинобарин, инсон фаолиятининг натижаси – ўзи эккан дарахтнинг ширин ёки аччиқ меваси.

Ҳолбуки, илоҳий тақдир ва инсоний ихтиёр билан қилинадиган амаллар савобининг мукофотию, гуноҳининг жазоси тўғрисида Қуръони карим оятларида бир неча бор эслатилган:

وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكُنْ يُضْلِلُ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَلَتَسْئَلُنَّ عَمَّا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ\*

“Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта сизларни бир уммат қилган бўлур эди. Лекин У зот Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур. Ўзи хоҳлаган кишиларни (Тўғри Йўлга) ҳидоят қилур. Ва албатта қилиб ўтган амалларингизга масъул бўлурсизлар(Наҳл сурасининг 93-ояти).

Ёки:

وَكُلُّ إِنْسَانٍ أُلْزَمَنَاهُ طَائِرَةً فِي عَنْقِهِ وَنَخْرِجُ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كِتَابًا يَلْقَاهُ  
\*مَنْشُورًا

“Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз(яъни унинг қилган ҳар бир амали икки дунёда унга ажралмас ҳамроҳ бўлур). Биз қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир Китобни(яъни Номаъи аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз(1.Ал-исро сурасининг 13-ояти)

Агар юқорида қиёсланган инсон ихтиёри ва илоҳий изн масалаларини Қуръони карим бўйича хуласалайдиган бўлсак, у шундай:

وَهَدِيَنَاهُ النَّجْدَيْنِ

«Ва Биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик-ку!(Балад сурасининг 10-ояти)

Изоҳ: Яъни, Аллоқ таоло инсонни яратиб, яхшилиқ йўлига юришга ҳам, ёмонлик йўлига юришга ҳам ихтиёр бериб қўйди. Бу икки йўл ҳам баландлиқdir. Демак, иккисига чиқиш учун ҳам

тер тўкиш, мاشаққат чекиши лозим бўлади. Лекин яхшилик баландлигига чиқиши учун саъи-ҳаракат қилиб давондан ўтган киши жаннат неъматларига етса, ёмонлик баландлигига чиққан кимса унинг ортидаги дўзах жарлигига қулайди(1.468).

Ёки:

وَعَلَى اللَّهِ قَصْدُ السَّيْلِ وَمِنْهَا جَائِزٌ وَلَوْ شَاءَ لَهَدَأْكُمْ أَجْمَعِينَ

Тўғри Йўлга(ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоқ измидаидир. (Зотан, йўллар) орасида эгриси ҳам бордир. Агар Аллоҳ хоҳлаганида сизларнинг барчангизни (Тўғри Йўлга) ҳидоят қилган бўлур эди(лекин У зот сизларга қайси йўл Тўғри ва қайси йўллар эгри эканини кўрсатиб, қай бир йўл танлаш ихтиёрини ўзларингизга қўйиб берди ва ақлидрок билан Тўғри Йўлни танлаб олган баҳтли бандаларини ўз хоҳиш-иродаси билан ўша ҳақ йўлига ҳидоят этишни ваъда қилди: эгри йўлларни танлаган кимсаларга эса, ҳар икки дунёда баҳтсиз бўлиб, ўзларига зиён қилишлари тўғисида хабар берди(Наҳд сурасининг 9-ояти).

Исломдаги инсон фаолиятининг сарҳисоби бўлмиш "Номаъи аъмол" ўз фалсафаси билан индуизмдаги "карма" мазмунига ниҳоятда яқин. Улар ўзаро фақат замон ва макон тушунчасида фарқланади, яъни сарҳисоб оқибатининг ухровийлиги ва дунёвийлигида.

Индуизмда инсондаги ихтиёрий фаолиятни қай тарзда ўтиши "Тригун" – "уч сифат" концепцияси асосида баҳланади. Бунда инсон ўз табиатидаги уч сифатнинг қай бирига кўпроқ мойиллигига қараб сараланади: эзгулик, эҳтирос,

жаҳолат. Ва бу уч сифат умр бўйи кишини ўз таъсирида янада такомиллаштиради, мўътадиллаштиради ёки тубанлаштиради.

1. Эзгулик сифати инсонни поклаб, уни гуноҳлар асоратидан фориг қиласди.

2. Эҳтирос сифати инсондаги чексиз хоҳишининг ботини бўлиб, уни моддий дунё хою ҳавасига чамбарчас боғлади.

3. Жаҳолат сифати инсондаги гумроҳлик боис уни ақл-хуш тушунчасига терс бўлган тамбаллик, беписандлик ва уйқу домига тортади (17:648–650).

Қайд этилган сифатларнинг инсонда пайдо бўлиб ривожланиши, ҳинҷ фалсафасида руҳнинг моддий дунё билан юзлашувида, унинг Тангрига бўлган меҳр-муҳаббатининг садоқати ёки саркашлиги хусусиятидан кўрилади. Руҳдаги аслиятни синов дунёсидаги ўзгариши сабаби Маҳбӯратада достони қаҳрамонлари шри-Кришна ва Аржун суҳбатида шундай баён қилинган:

“Аржун Кришнадан сўради:

— У қандай кучки, инсоннинг ихтиёридан ташқари уни гуноҳ ишларга қўл уришга мажбур этса?

Кришна деди:

— Аржун, бу шаҳвоний ҳиссиёт. У аввал эҳтирос кўринишида намоён бўлиб, сўнг ғазабга айланади”

Изоҳ. Тирик жон моддият билан алоқага киришгач, ундаги Тангрига бўлган азалий муҳаббат эҳтирос сифатига ўтиши билан шаҳвоний ҳиссиётга йўғрилади, бамисоли сутнинг нордон то-

мизғи таъсиридан қатиққа айланганидек" (17:202–203).

"Тригун" ва "Маҳабҳарата"даги инсоннинг асл илоҳий зотига ножоиз амаллари илдизининг мазмуни, исломда бир жуфт сўз билан ифодалаған десак, муболага бўлмас, яъни, баңдасини доимо ёмон йўлга бошлагувчи "нафси аммор"да:

وَمَا أَبْرَى نَفْسِي إِنَّ النَّفْسَ لِأَمَارَةٍ بِالسُّوءِ إِلَّا مَارَحَمَ رَبِّي إِنَّ رَبِّي  
غَفُورٌ رَّحِيمٌ

"Мен нафсимни оқламайман. Чунки, нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта барча ёмонликларга буюргувчиидир..." (Юсуф сурасининг 53-ояти)

Шунингдек, Қуръони каримда "уч сифат" – нинг конкрет тавсифи ҳам бир оятда, ҳа, балки шаклан турли, аммо мазмунан ва мантиқан бир маънодаги насиҳатда мужассам бўлган: "эзгулик сифати" – чиройли амалларда", "эҳтирос сифати" – бузуқликда" ва "жаҳолат сифати" – зўравонликда".

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَاءِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَا عَنِ الْفَحْشَاءِ  
وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

"Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм–қариндошга яхшилик қилишга буюур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликдан қайтарур. У зот шояд ибрат–эслатма олар–сизлар деб, сизларга панд–насиҳат қилур" (Наҳл сурасининг 90-ояти)

Бетисно барча диний қадриятларнинг – ҳинд

ё исломий бўлсин, илк ва тафсирий манбаларида Одам ато зурриётининг ақл-заковати, фаҳм-фаросати, умуман ундаги жами ижобий жиҳатларни ҳиссий-жисмоний истак ҳамда хоҳишлар йўлида қурбон бўлишининг бот-бот эслатилиши, меъёр ва «насиба» тушунчаларининг нафс балосига гирифтор бўлишидан огоҳ қилишга қаратилган. Диний-маънавий захираларнинг бетакрор, барчага бирдек ибратли ва актуал магнитизми доим илм аҳли диққат марказида бўлган. Шу жумладан, Берунийнинг ҳинд сафарида йиғган диний ва илмий манбаларида, комил инсон омилига тегишли санскрит матнлари "Ҳиндистон" асарининг жуда кўп саҳифаларида учраб туриши табиий:

"Инсонга физо, макон, кийим-кечак керак ва бундан унга ҳеч бир зарар йўқ. Аммо асл баҳт, фақат керагидан ортиқ, кишини азиятга солувчи хатти-ҳаракатларнинг инкор этилишида. "Гита" китобида(айтилган):

"Кимки ўз эҳтиросидан ғолиб бўлса, зарурят чегарасидан ташқари чиқмаса ва тириклиги учун керак озиқ-овқат билан қаноатланса, у ҳеч қачон хору зор бўлмайди, одамлар ҳам ундан нафратланмайди"

Унда яна шундай(дейилган):

"Билимимизнинг софлиги бошқа қолган ҳамма нарса софлигидан улуғдир, чунки фақат билим билан нодонлик илдизи қуритилади ҳамда азобу уқубат "сарчашмаси" бўлмиш иккиланишлар ўрнига ҳақиқатга етилади, зоро, иккиланувчи кишиларга ҳеч бир ерда ҳузур-халоват йўқ"(5:108–109).

Агар айни маънонинг исломий – исроф ва моддий мутелиқдан холи умргузаронлик тамо-йиллари талқинига назар солсак, унда мантиқан

ҳинд-мусулмон учун ибратли турмуш тарзининг маънан ўхшаш эканлигига имонимиз комил бўла-ди:

«Дунёning ҳаммаси ортиқчадир, магар мазкур нарсаси(ортиқча эмас) – жонни сақлаб турдиган нон, ташналикни кеттизадиган сув, амал қиласидиган илм, яшайдиган маскан»(90:60).

Хуллас, Ҳиндистонда ҳинд ва мусулмон диний қадрияти ва унинг асосидаги маданияти, урфодати, ўзига хос тафаккур ва турмуш тарзи ниҳоят, бир-бирига ундош ва омихта дунёқарашлар оқибатда умуммиллий хусусият касб этди. Мажозан олганда, бундай турфаликдаги бирликнинг вужудга келишида маҳаллий бҳактлар билан ботиний муштарақ фазилатлар соҳиби сўфийларнинг фаолияти сўzsиз бекиёсdir. Балки, шунинг учундир, одатда ҳинд ва чет эллик олимлар исломнинг ilk ўрта асрдан то инглизлар мустамлакаси давригача Ҳиндистондаги тарихига баҳо берганларида, уларнинг аксарияти сўфийларнинг ҳаёти ва фаолиятига алоҳида эътибор билан ёндашадилар. Мавзу юзасидан билдирилган фикрлар орасида муаррих Хазарийпрасад Двиведийнинг қуидаги сўzlари, ўзининг чин маъноси ва холисона баҳоси билан ажралиб туради:

“Ҳинд ва мусулмон ҳаракатларини яқинлаштирган ва уларнинг ўрталаридаги бегоналик пардаларини улоқтириб ташлаган сўфийларни биз ҳеч қачон унитмаймиз!”

Дарҳақиқат, ҳинд тупроғида исломга нисбатан оддий авом ичида қизиқиш уйғониши аввало – бу сўфийларнинг хизмати эди. Агар биз Ҳиндистондаги биринчи мусулмон қароргоҳлари пайдо бўлган ерларни кўздан кечирсак, уларни асосан сўфийлар сулуки ихтиёр этган марказ-

ларда жойлашганлигини кўрамиз. Тасаввуф аҳли қаерда бўлмасин, доим ўз атрофида истиқомат қилувчи кишилар аҳволидан бохабар ва керагида кўмакка тайёр турганлар. Ва улар ҳамиша Қуръони карим кўрсатмаларига риоя қилиб, ҳеч вақт одамларни бир диндан иккинчисига зўрлаб ўтказиш тарафдори бўлмаганлар, негаки, Қуръони карим кўрсатмасига биноан, юқорида зикр қилинганидек: «Динга зўрлаб киритиш йўқдир».

Асрлар мобайнида сўфийларнинг хулуси дилдан барчага баробар муносабатлари, ибрату ҳикматга йўғрилган турмуш тарзлари ҳамда адолат ва ҳақиқатга бўлган садоқатлари, турли миллат ва эътиқоддаги Ҳиндистон халқлари наздида муқаддаслик меъроjига кўтарилди. Бинобарин, ҳинд тупроғидаги қадим ўтмишдан ҳиндупарастлар учун муқаддас ҳисобланган қадамжолар сирасида сўфий азиз-авлиёларнинг сўнгти манзил-маконларининг давлат ҳимоясида асраб авайланиши, эндилиқда, фандаги ҳинд мутасавифлари ҳаёти ва ижодий фаолияти мұяссар бўлган алоҳида илмий мавзу моҳиятининг чин ҳаётий инъикосига айланди.

### *“Ҳинд тасаввуфи” тарихи*

Аввало, шундай бир табиий саволга жавоб бериш жоизки, “Нега энди “Ҳинд тасаввуфи?”. Савол ҳамон диншуносликда аниқ ўз илмий тасдигига эга бўлмаганидек, расман инкор ҳам этилмайди. Бизнингча, бу саволнинг жавоби, мантиқан, ҳинд мусулмончилигининг ўзига хос хусусиятларига бориб тақалади. Баъзи шу фикрга яқин тадқиқотларда ушбу масала “ҳинд ва мусулмонларнинг фақат ўзигагина хос маданий-ижтимоий муштараклиги асносида хуносаланган”(43:215).

Агар мазкур саволга бевосита ҳинд олими тасаввуридан жавоб изласак, янги дин шароитида ҳам ерлик жамият анъаналарининг устиворлиги ҳинд мусулмончилиги мафкурасига сингиб ултурганлигини сезамиз:

“Исломни қабул қилган маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми учун ғалати бир ҳолат вужудга келди. Собиқ эътиқоднинг ботиний таъсирига қарши ўлароқ қадимдан бор удум ва урф-одатлардан дарҳол кечиш енгил эмасди. Хос кийимда чироқлар ёқиб ибодатхоналарга бориш ёки “тиртҳ ятра” – муқаддас зиёрат масканларига саёҳат қилиш вожиб амаллардан эди. Уламолар тушунчасида бундай амаллар “янги дин”га мос тушмасди. Мана шундай мушкил мухитда ҳинд мусулмонлари жонига сўфийлар оро кирди. Ибодат вақтида кийиладиган хос либос – «janеo» шароитга мослаштирилди ва уларга икки хил ранг бериб шундай номланди: “қалава ёки калава”. Худди шунингдек, шам ёқиши жойи ҳам ўзгартирилди, аммо ман қилинмади – ибодатхона ўринини масжид эгаллади.

Авомдан чиқсан янги мусулмонлар, илгари ги ўз динлари асосини яхши билмаганлариdek, янгисини ҳам ҳали уқуб олмаган эдилар. Ҳолбуки, шу ҳўвозда ҳам улар аста-секин ўзларини мусулмон санай бошладилар, бироқ, мусулмончилик собиқ эътиқод тажрибаси ва кўринишида – «ҳинdistоний рангда» шаклланди”(116:74).

Янги динга ўтиш жараёнининг бошланғич поғоналарига хос бўлган шакл ва мазмундаги “ўзгариш ва ўзлашув”лар, ҳинд ё мусулмон учун инсоний меҳр-муҳаббат маъносидаги туб ҳаётий масалаларда, бири иккинчисига зид келмади. Бу ўринда, Ҳинdistонда жуда кўплаб диллардан

тилларга ўтган, яъни Деҳлий музофотидаги Панипатда рўй берган воқеа сингари ўнлаб тарихий мисолларни келтириш мумкин:

“Тахминан икки аср муқаддам, бир мусулмон мулласи ҳиндларнинг маҳалласига кўчиб келади. У ҳали тўла-тўқис ўз кўч-кўронини янги уйига келтириб улгурмай, хотинини тўлғоқ тулади. Мулла нима қилишни билмай турганида, бир қўшни браҳман оиласидан келинчак чиқиб аёлига ёрдам беради. Лекин кўзи ёриган аёл тўсатдан вафот этади. Шунда ўз эмизукли қизчаси бўлган бойвучча браҳман келин мусулмон чақалогига сут бериб, кейин уни ўз тарбиясига олади. Ҳинд браҳмани оиласида тарбия топиб улгайган мусулмон фарзанди машҳур сўфий ҳазрат Гҳаус Али Шоҳ Қаландан Панипатий эди.

Мусулмон боласига тарбия берган браҳман оиласида ўғил бўлмаган. Шунинг учун асранди ўғил ўз браҳман ота-онаси дунёдан кўз юмганида, ҳиндларнинг удумига мувофиқ, уларнинг жасадини ўтда ёндириб, барча дафн маросимларини мукаммал адо этган. Ҳинд сўфийлари учун бундай у ёки бу мавжуд эътиқод удумларини ўрнига қўйиб инсонга иззат-икром кўрсатиш одатдаги мастьуллик бўлган”(116:74).

Худди шу руҳдаги иккинчи бир мисол, “Бҳактий адабиёти”идаги “ҳинд-мусулмон бирлиги” тарифботининг яловбардори Кабирдаснинг таржимаи ҳолига оид. Шоирнинг ҳаёти ҳам ижоди ҳам икки диний эътиқод ўртасидаги инсонпарварлик туйгуларининг тантанаси рамзида ҳали-ҳамон ҳиндистонликлар тилида:

“Қачонлардир Банорасда машҳур бҳакт Рамананднинг издоши бўлган бир браҳман яшаган экан.

Унинг яккаю ягона қизи жуда ҳам тез эридан бева қолгач, у қизини келгуси тақдири масаласида устози ҳузурига олиб келганида, бҳакт тақводор бевага дуо тилаб, тез кунда ўғил кўришини башорат қилибди. Шунда ота муқаддас зотнинг оёғига йиқилиб, ўз башоратини қайтариб олишини сўрабди. Бироқ, Рамананд бу илтимосни рад этиб, яна туғилажак боланинг муқаддас бўлишини ҳам қўшиб қўйибди.

Шунда бева шармандалиқдан қўрқиб, ўз туққан боласини Лаҳар кўли бўйига ташлаб кетади. Кейин шу ердан тасодифан ўз хотини билан ўтиб кетаётган Ниру исмли бир мусулмон тиккувчиси ташландиқ чақалоқни кўриб, уни ўз уйига олиб кетишга қарор қиласди. Асранди ўғилга от қўйиш учун улар қозини уйларига бошлаб келадилар. Қози Қуръони каримни очиши билан кўзи биринчи "кабир" сўзига тушади(25:3). Ўйлаймизки, мазкур ривоятларга асос бўлган вақеалар, юқоридаги "ҳинд тасаввуфи"га тааллуқли қонуний саволнинг мантиқий жавоби бўлса керак!

Дарвоқе, гарчи ҳинд тасаввуфи тарихи тахминан VIII асрда араб савдогарлари билан бирга келган сўфийлар ташрифи билан бошланган бўлса-да, уларнинг бу диёрда қўним топганликлари санаси ва улар кимлардан иборат эканлиги қўлимиз остидаги манбаларда турлича баён этилган. Шунинг учун шароитдан келиб чиққан ҳолда, мавзу муқаддимасини Абулфазл Алломийнинг "Ойин-и Акбарий» асаридаги маълумотдан бошлаймиз.

Муаллифнинг зикрича, Ҳиндистонда йирик сулуклардан жами үн тўртта бўлиб, уларнинг ичida халқ назарига тушшиб энг кенг тарқалганлари олтита, яъни чиштия, сұхравардия, қодирия, шаттария, фирмавсия ва кейинчалик нақшбандия. Мул-

тондан то Лакҳнаугача ва Панипатдан то Деогир –  
гача яна бир неча катта – кичик сулуклар бўлган.

Абулфазл асаридағи маълумотга қўшимча қи-  
либ яна шуни айтиш мумкинки, Шоҳобиддин Олам-  
аронинг "Масолик ул – абсар" китобидаги қайдга кўра,  
XVI асрда Деҳли ва унинг музофотида икки мингга<sup>1</sup>  
яқин хонақоҳлар фаолият кўрсатган(121:21).

Холбуки, тасаввуфнинг Ҳиндистонга кириб  
келиши ҳақида тадқиқотчи олимлар ҳали бир уму-  
мий тўхтамга келганларича йўқ. Шу боис, ҳозирча,  
диншуносликда мавзу юзасидан қуийидаги уч тал-  
қин мавжуд, яъни:

!.Мусулмонларнинг илк "Ҳиндистон юриши"  
даври.

2.ХIII асрдан сўфийларнинг жанубга – Ҳин-  
дистон ва Farбга, яъни Кичик Осиёга миграцияси  
даври.

3.Тасаввуфнинг ҳинд адабиётига кучли таъ-  
сир кўрсатган XIII–XIV асрлар оралиги даври<sup>2</sup>.

Лекин сўнгти манбалар бўйича, Ҳиндис-  
тонда тасаввуфнинг биринчи тарғиботчиси Шайх  
Исмоил Бухорий ҳамда "бу ҳудудда илк тасав-  
вуф машъаласини кўтарган зот Дата Ганж Бахш  
эканлиги ва шунингдек, Шайхнинг вафотидан ке-  
йин унинг "Кашф ул – маҳжуб" асари машҳур бў-  
либ кўп ўқилганлиги маълум бўлди(121).

Хуллас, дастлаб араблар ёки ўртаосиёлик  
савдогарлар билан Ҳиндистонга келган айrim сў-

<sup>1</sup> Мазкур рақам ғарbdаги нашрлар маълумоти билан фарқланиши  
мумкин.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиётшунос олимлари проф.Ш.Шомухмедов ҳамда  
Б. Мусаевларнинг фикрлари назарда тутилади(85).

фийлардан ташқари, расман Ажмирда ўз фаолијатини бошлаган биринчи энг йирик жамоа "Чиштия сулуки" эди.

### **Чиштия сулуки**

Сулукнинг асосчиси Ҳожа Абу Ишоқ Шоммий ҳазрат Алидан тўққизинч бўғин бўлиб, Хурросоннинг Чишт деган жойида дунёга келган. У ёшлигида Мимшод Али Динварийдан таълим олган. Чиштия сулукини Ҳиндистонга олиб келган Мўйниддин Чиштий Санжарий Ажмирий 1142 иили Сейстоннинг Санжар шаҳрида туғилган. У зотнинг ота ва она томондан аждодлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнларга бориб тақалади.

Ривоятга кўра, ёш Мўйниддин ўз боғидаги ҳовузда чўмилётганида, Шайх Иброҳим Қандозийга кўзи тушиб, сувдан чиқа у кишини боғга тақлиф қилиб, турли мевалар билан сийлайди. Шайх боланинг меҳмондўстлигидан таъсирланиб, хуржунида ўзи тишлаган нонни еб қўйишни буюради. Айтишларича, зоти покнинг муборак оғзи теккан нон болага руҳий куч-қудрат бахш этган эмиш.

Мўйниддин балофатта етгач диний илмларни чуқурроқ эгаллаш учун олдин икки йил Самарқандда ўқиыйди, сўнг Бухорои шарифда Қуръони каримдан мукаммал илм олиш мақсадида Мавлоно Хусомиддин қўлида таҳсил кўради. У шундан кейин тасодифан Нишопурнинг музофотида чиштий сулукининг таниқли намояндаси Ҳожа Усмон Хоруний билан учрашиб, йигирма йил унинг хизматини қиласди.

Шайхнинг Ҳиндистонга келиши сабаби,

манбаларда, тушида Пайғамбарнинг исломни файдинлар орасида тарқатиш борасида берган кўрсатмаси бўйича қайд этилган.

Мўйниддин дастлаб Лоҳурга келиб тушиб, шаҳарда маълум муддат яшаб, сўнг Деҳлига ўтади. Шаҳри азимда унинг кўрсатган кароматлари шарофати билан жуда кўп сонли ҳиндалар мусулмон динига ўтади. 1165 йили сўфий Ажмирга кўчиб ўтгач, бу даргоҳ дунёдаги чиштия сулуки намояндалари учун "Макка"га айланади(112:195–201).

Чиштия сулукининг ўзига хос инсонпарвар жиҳатлари маҳаллий авом орасида машҳур ва матлуб бўлган. Соликлари чилла тутиш, масжид ва хонақоҳда тақво ва муроқабада бўлиш, узоқ сукут сақлаш сингари амалиётдан ташқари, улар "самоъ" – мусиқий зикрлари билан ном чиқардилар. Мутаассиб шариат пешволарига маъқул тушмаган бундай зикр услубини, ҳатто, қайсиdir чиштия сўфийси, "Мусиқани тинглаш Аллоҳга бўлган муҳаббатни оловлантиради", дея тарғиб қилган. Бу ҳол Деҳлида уламолар ва сулк намояндалари ўртасидаги зиддиятларни кучайишига олиб келган.

Ҳинд үлкасида чиштия сулукининг машҳур бўлишига яна бир сабаб шуки, унинг "Фариидий" аталмиш шўъбасидан кейинчалик икки ниҳоятда кучли тасаввуф таълимотининг йўналишлари келиб чиқсан: бирининг асосчиси Низомиддин Маҳбуби илоҳий ва иккинчиси, Аловуддин Али Аҳмад Собир(112:216–220).

Чиштия сулукининг машҳур вакили Низомиддиннинг аждодлари таги бухоролик бўлган. У беш ёшида ота ўлимидан кейин ўз замонасининг илмли аёли бўлган онаси Зулайҳодан таҳсил олади. Низомиддин 21 ёшида Бобо Фаридга шогирд тушиб, руҳий такомилликка эришгач, Деҳлига

кетади. Лекин сарой мұхитидаги удумлар унга ёқмайды. Янги ой күриниши билан ҳамма подшоҳни табриклаб янги ойда баҳт-саодат тилаганида у оддий табрик билан чекланади.

Бундай беписанд муносабатдан дарғазаб бұлған подшоҳ, башарти келаси ойда ҳам шу иш қайтарила, сүфийни жазолаши мүмкінлегини билдиради. Аммо, кейинги ойда паст табақадан чиққан ҳукмдор подшонинг жонига қасд қилиб "Хусрав Хон" номи билан таҳтта чиқади.

Орадан күп үтмай Фиёсиддин Тұғлоқ таҳтни эгаллаб, янги сулола силсиласини бошлаб беради. Бироқ, сүфий учун саройдаги муносабат аввалгидек үзгармай қолаверади. Охири халқ ичида иззат ва ҳурматда бұлған сүфийга Деҳлини ташлаб чиқиб кетиш буориulgанида, у шундай дейди: "Ҳануз Деҳлий дур аст!" - "Деҳлий ҳали ҳам узокда!"

Ұз илми ва ибратли ҳаёти билан "Султон ул-авлиә" мақомига мұяссар Низомиддин 91 ёшда вафот этиб, Фиёспурда дағын қилинади. Сүфийнинг эңг машхұр муридларидан бири форсигүй шоир ва файласуф Амир Хусров бұлған.(112:224).

Пир ва мурид ўртасидаги мактубот намуналари ҳозир ҳам ұз ибратомуз ҳақиқати билан ҳиндистонликтар дилида ва тилида. Шу боис илк бор Низомиддин Авлиёнинг Амир Хусравга ёзган хатидан қуйидаги парчани эътиборга ҳавола қылдик:

بۇدا زی فلکت جو اسحاق از امور نامناسب شریع اجتناب نماید و در مرادهات از آن که پروردگار میزند  
که سبب تحلیل کلی مرادات است ثقیلت شریعه و در زمانه این طبقات معروف گردانده اند اگر در رسم  
شراح بپرسی برخی از اخراج روند که آن در طریقت اعلیٰ معتبر است و در گل کارها استخاره و اتفاق نماید.

(Таржима: «...шариатда маъқул бұлмаган ишлардан сақланиш ва кун тартиби амалиётiga

хатти - ҳаракат қилиш керак. Шунингдек, барча муроднинг ҳосил бўлишига сабаб бўлмиш азиз умрни ғанимат билиб, уни бехуда ва ботил ишларга сарф этмаслик лозим. Агар киши табиатида асл тариқат учун мўътабар гайрат-шижоат мавжуд бўлса, унга интилиш ҳамда барча ишларда истихорадан<sup>1</sup> фойдаланиш даркор.)

Авлиёнинг шунингдек, ўз яқинлари билан сухбат вақтида ёдга олишни яхши кўрган миллат ва инсонпарварлик хусусидаги панд-насиҳатлари ҳам сақланган:

«Инсонда икки жиҳат бебаҳо ва бемисл»:

«Тасбихи миллат ва тажриди хидмат» –  
“Миллатга тасбих айтиб, хизматидан хоримаслик”

### *Нақшбандия сулуки*

Ҳиндистонда нақшбандия сулукини жорий этган Хўжа Боқий Биллоҳ Беранг насаби бўйича Хўжа Баховуддин Нақшбанднинг еттинчи бўғини эди. Боқий Биллоҳ ўз пирининг фатвоси билан Ҳиндистонга келиб Деҳлийда яшаган ва орадан уч йил ўтгач дунёдан кўз юмган. Шу тариқатга тегишли Шайх Абдуллоҳ Дехлавийнинг ёзишича: «Бу тариқат Ҳақ толонинг ҳузурида доимий ҳозирликдир, аҳли сунна ва жамоа ақидасини мустаҳкамлашдир ва Набий саллоллоҳу алайҳ вассалламнинг суннатларига эргашишдир».

Сулукнинг ҳиндистонликлар орасида эътибор топишида Аҳмад Фаруқийнинг хизмати катта бўлган. Унинг ҳалқ орасида машҳурлигининг сабаби, кейинги сўфийларнинг тарькидича, Аҳмад-

<sup>1</sup> «Истихора» сўзи форс тилида «Куръони карим башпоратига суюниш» маъносида ҳам истифода этилади.

нинг келажаги таваллуд топишидан аввал онасига башорат қилинган экан.

Аҳмад Форуқий ўз пирининг зиёратига борган вақтида Биллоҳ Беранг шогирдининг дину эътиқод йўлидаги фидоийлигини мақтаб уни қуёшга, атрофидаги мурид ва мухлисларини эса сайёраларга қиёслайди. У Дехлийдан Лаҳорга қайтганда сўфийлар ва уламолар исломнинг ислоҳатчиси сифатида кутиб олиб, "Нақшбандия-Мужаддиия" таърифига сазовор этганлар. Чунки, Аҳмад Фаруқий мусулмонлар орасида тарқалган айрим ғайр тушунча ва бидъатларга чек қўйиш билан диннинг мусаффолигини тиклаш борасида кўп саъй-ҳаракатлар олиб борган.

Ўша кезлари пайдо бўлган Акбаршоҳнинг "Дини илоҳий"си ҳам сўфий томонидан инкор этилган. У ўз мақсади йўлида ҳатто Акбаршоҳнинг маслақдошлари ака-ука Алломийларни тутган йўлларидан қайтаришга уриниб кўрган.

Жаҳонгирнинг ҳукмронлик йиллари Аҳмад Фаруқийнинг фаолияти давлат хавфсизлигига птур етказиши мумкинлиги боис, уни Гвалиор қальсида уч йил тутқинлиқда ушлаганлар. Сўнг, бегуноҳ табиат ва кароматлар соҳибининг шахсиятидан мутаассир подшоҳ сўфийни ҳибсдан озод этиб, охири, ўзи ҳам унинг муриди бўлган. Шундан бошлаб, "Девони ом" яқинида янги масжид қурилиб, суннийлик мазҳаби давлат қонуни билан мустаҳкамланган.

Аҳмад Фаруқий 1626 йили 63 ёшда вафт этгач, уни ўз она шаҳри Сирхинда дафн қилганлар (112:286–293).

Шу ўринда яна бир жиҳатни ургулаб ўтиш жоиз кўринади. Одатда, биз ушбу сулук ҳақида сўзлаганимизда, тариқатни фақат «Нақшбандия»

номи билан зикр қиласиз. Баҳолонки, кейинги нашрларнинг бири – «Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан маълум бўлишича, нақшбандия тариқати ўз тарихи давомида бир неча номлар билан аталган:

Абу Язид Бистомийга қадар «Сидиқия»;

Бистомийдан Фиждувонийгача «Тайфурия»;

Фиждувонийдан Баҳовуддин Нақшбандгача «Хожагония»;

Баҳовуддин Нақшбанддан Убайдуллоҳ Аҳорогача «Нақшбандия–Аҳория»;

Имом Раббонийдан Шамсиiddин Мазҳаргача «Нақшбандия–Мужаддиия»;

Шамсиiddин Мазҳардан Мавлоно Холидгача «Нақшбандия–Мазҳария»;

Мавлоно Холиддан «Нақшбандия–Холидия»;

Кейин эса «Нақшбандия» номининг ўзи событ бўлиб қолган(83:126–127).

### *Қодирия сулуки*

Шайх Абдул Қодир ал–Жилонийнинг (Каспий деңгизининг жанубидаги Гилон номли вилояти) қодирия сулуки Ҳиндистонда унинг вафтидан уч юз йил ўтгач, ушбу силсиланинг ўнинчи вакили Сайд Муҳаммад Гҳавтҳ томонидан барпо этилган. У Алепподаги туғилиб, ёшлиқ йиллари ҳинд вилоятларида кўп саёҳатлар қилган. Охири Лаҳордаги уйига қайтиб, ниҳоят Уч шаҳрида яшаб қолган.

Қодирия асосчисининг шон–шуҳрати деярли бутун Ҳиндистонга тараалган ва у "Пири пирон" унвонига сазовор бўлган. Унинг атрофида муридлари қаторида Деҳлийнинг афғон ҳокими Искандар Лодий ҳам бўлган.

Ҳукмдор мурид ўз тушида олган Шайх Абдул Қодирнинг буйруги билан пири комилга қизини ҳам берган, аммо орада фарзанд бўлмаган. Шундан сўнг, Муҳаммад Гҳавтҳ фақат учинчи бор уйланганида хотини Фотимадан тўрт ўғил кўрган ва у 1517 йили Учда вафот этган(112:265).

Мазкур сулукнинг давомчиси – Бахлул Шоҳ Дарёнинг шогирди ҳазрат Шоҳ Лалнинг сийрати ва сурати ўзининг бир-бирига зид жиҳатлари билан қизиқ.

Сўфийнинг “лал” лақаби унинг болаликдан қизил рангли кийимларни ёқтиргани учун берилган. У 27 ёшида исломий илмларни ўрганганд. 36 ёшида эса Лаҳорлик Шайх Саъдулладан Қуръони карим тафсири бўйича таҳсил кўраётган вақтида негадир “Бу дунёнинг ҳаёти ўйин-кулгидан бошқа нарса эмас”, деган холосага келган. Ва шу-шу мадрасани ташлаб ўз умрини фақат кўнгилхушликда – рақс, қўшиқ ва майпарастлиқда ўтказган.

Шу аҳволда умргузаронлик қилган Лал Ҳусайн ҳаётига оид маълумотларда яна шундай бир гаройиб воқеа зикр қилинган:

«У таҳсил йиллари нимадир сабабдан дўстининг китобини дарёга отиб юборади, лекин талабалар унинг бу қилмишидан норози бўлганларида, Лал Ҳусайн китобни сувдан қуриқ ҳолатда чиқариб беради. Шу воқеадан кейин уни пири Бахлул Шоҳ ўзининг ноibi қилиб тайинлаган» экан( 112:267).

Балки юқорида баён этилган тасаввуф маънавиятига зид баъзи жиҳатлар «фақат ҳинд сўфийларига хосмикин», деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, албатта. Сабаби, “Лал Ҳусайннинг бу дунё ҳақидаги холосаси» каби ҳолатлар тасаввуф тарихида истисно эмас. Масалан, «Шайх Абдул Ваҳҳоб

Шаъронийнинг «ал-Анворул Қудусия» китобидағи маълумотта кўра, «Аҳмадия тариқати шайхлари аёллардан аҳд оладилар... Улар овқатланиш, кийиниш, гапириш ва амал қилишда Аллоҳнинг чегарасига тажовуз қиласидар ва Аллоҳ таоло буни мен учун яратган дейдилар” (83:10).

### *Суҳравардия сулуки*

Ҳиндистонда Суҳравардия сулукининг тарихи машҳур «Авориф ул-маъориф» асарининг муаллифи бўлган бағдодлик Шаҳобиддин Суҳравардийнинг шогирдлари ташрифи билан бошланган. Булар орасида шунингдек, сулукнинг номдор вакиллари Шайх Ҳамидулдин, Сайд Нуриддин, Шоҳ Туркмон ва Шайх Жалолиддин Табризийлар бўлган.

Тарихан сулукнинг Ҳиндистонда тарқалишида Баҳовуддин Закариёнинг хизматлари жуда улуғ. Асли Қурайши қабиласидан чиқсан Баҳовуддиннинг бобоси Маккадан Ҳиндистонга келиб, Мултон шаҳрида яшаб қолади. Шу боисдан 1182 йили Мултонда туғилган сўфий учун Ҳиндистон ўз она ватани эди. У ёшлигидан Маккага сафар қилиб Шаҳобиддин Суҳравардийга мурид тушади. Баҳовуддин пири раҳнамолигида илм-билимда тез камол топиб, яна ватанига қайтади. Сўфийликда ўз замондошлари орасида жуда юқори нуфузга эга бўлган Баҳовуддин Закариё тахминан 1267–68 йили вафот этиб, Мултон шаҳрида дафн қилинган(112:242).

Суҳравардия сулуки ҳақида сўз борганда яна шуни алоҳида урғу билан қайд этиш лозимки, сулукнинг мусулмон оламида туттган ўрни ва моҳияти нуқтаи назаридан ватандошимиз Шайх Нажмиддин Кубронинг муқаддас номи нафақат

ушбу таълимот тараққиётидаги хизмати, балки у зотнинг мўғулларга қарши курашда кўрсатган шахсий ва маънавий жасорати билан ҳам машҳурдир.

Маълумки, сўфийлар наинки ўз ижодий фаолиятларида ҳинд тарихи ва илм-фани учун бебаҳо маънавий-маърифий асарлар яратганлар, балки уларнинг умргузаронлик шарт-шароитлари Ҳиндистандаги «урбанизация» жараёнида ҳам муҳим из қолдирган. Гап шундаки, одатда сўфийлар узлатни маъқул кўриб, шаҳар ва қишлоқлардан узоқроқ ўрмонларда яшаб, руҳий такомиллик машғулоти билан банд бўлганлар. Улар ҳаттоқи, дов-дарахтлардан ҳам фақатгина керагини кесиб фойдаланганлар. Аввалда бундай жойларга аҳоли кўпда қадам босмаган. Лекин сўфийларнинг ғоятда фақирона юриш-туриши, одамларга бўлган меҳр-муҳаббати ва кароматлари ён-атрофдаги кишиларни ўзига жалб эта бошлаган. Шу зайлда овлоқ ерлар ўзлаштирилиб, сўфийлар даргоҳи теварагида маҳалла-гузарлар бунёд бўлган.

Мисол учун, Шайх Фариуддин Маъсуд Ганжий Шакар атайин Деҳлидан чиқиб Ханси томон йўл олган. У ерда ҳам осуда макон топилмагач, охири “чилла тутиш” учун Уч шаҳрининг музофотидаги бир масжидни ихтиёр этган. Сўфийга бу масжидда ҳам узоқ осудалик насиб этмаган. Шайхдан хабар топган узоқ-яқиндаги одамлар у билан учрашиш ва сухбатидан баҳраманд бўлиш орзусида унинг ҳузурига келаверганлар(121: :93–95).

Ёки Деҳлийдан унча узоқ бўлмаган Фиёспур шаҳарчасидаги ҳазрат Низомиддин Авлиёнинг муқаддас даргоҳи эшиклари доим “ҳинду мусулмон, бою камбағал, ёшу қари, эркагу хотин, деҳ-

қону ҳунармандга очиқ бўлган». Бу каби лавҳалар, Ҳиндистондаги юзлаб бундай воқеликларнинг фақат бир намунаси, холос.

Сўфийларнинг ҳинд ва мусулмон эътиқодидаги шаҳар фуқароларию қишлоқ дехқонлари наздида муқаддаслик тимсолида тан олиниши, уларнинг оддий фақирона ҳаёт кечиришларидан ташқари, ўзларига ҳукмрон ва нуфузли зотлар томонидан қўрсатиладиган хос марҳамату тухфаларга тобе эмасликларида эди. Хусусан, уларнинг аксарияти турли саройларда ўзларига таклиф этиладиган мансаб-мартабалар ҳамда бошқа моддий манфаатлардан воз кечардилар.

Масалан, Шамсаддин Илтутмиш томонидан Кутбиддин Бахтиёр "каки"га<sup>1</sup> берилган ер туфайли "қишлоғи бор дарвеш" номи билан танилишни ўзига эп қўрмаган Фаридуддиннинг "тўрт қишлоқ"дан иборат сulton тортиғини олишдан бош тортганлиги, ҳинд сўфийлари тарихидаги ягона воқеа эмас. Умр бўйи тўкинчилик нималигини билмаган, яхши кийим-кечак киймаган ва ҳаттоқи, ўлганида уйида кафанликка икки газ мато топилмаган Фаридуддиннинг энг севикли шогирлари ҳам камтаринлик ва фақирликда ўз устозларидан қолишмаган. Уларнинг хонақоҳи таркиби ва тартиби оддий авом тушунчаси идеалига мос ҳамда монандлиги билан эътиборга тушган эди (32:366–367). Чунончи, агар яна сўфийларнинг ҳаёт тарзи ҳақида билдирилган фикрлар юзасидан мисол келтирсак, бу хос хусусни, Шайх Шиҳобиддин Абу Ҳафз Умар ибн Муҳаммад ас-Суҳравардий Раҳматуллоҳи алайҳни шундай таърифлайдилар:

---

<sup>1</sup> Ҳинд тилида «амаки» маъносини билдиради.

«Сўфий ҳар бир нарсани ўз жойига қўядиган, вақтида ишларни илм ила тадбирини қила-диган, Ҳақнинг амрини ўз жойига қўядиган, беркитилиши лозим бўлган нарсани беркитадиган, очилиши лозим бўлган нарсани очадиган ва хизматларини ҳузури қалб ила, сиххати тавҳид ила, камоли маърифат ила, риояти сидқу ихлос ила ўз ўрнида адо этадиган шахсадир»(83:34).

Мазкурда сўфийлар ҳаёти ва фаолиятидан келтирилган лавҳаларни, албатта барча сулукларнинг Ҳиндистондаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётта мутлақо бедаҳлиги маъносида тушунмаслик керак. Хусусан, ҳайдария ёки сухравардия сулуклари кейинги вакилларининг султон қабулларида бўлиши, ҳукмрон доираларга яқинлиги ёки шайхларнинг Гужаротдаги феодал курашларидағи иштироки ва шунингдек, ҳарбийларга муқобил диний ҳукмронликка интилишдаги ҳаракатлари ҳам ҳақиқат эди.(32:368).

Биз “хинд сўфийлари тарихи” тўгрисида гапирганда, уларнинг тасаввуф илмига нафақат амалий, балки ижодий ёндашганларини ҳам зикр этиб ўтдик. Шунга қўшимча қилиб яна айтиш мумкинки, талай мутасаввиф олимлар хинд диний таълимотларини ўрганиш орқали тасаввуфнинг дунё динаари билан муайян мантиқий узвийлик жиҳатларини ҳам юзага чиқишида муҳим ҳисса қўшдилар. Бинобарин, ушбу мавзуда кенгроқ маънодаги таҳлилга ўтишдан илгари, масаланинг илмий аҳамияти нақадар салмоқли эканлигини ҳис этиш учун, қуйида мухтасар равишда Ибн Арабийнинг Ҳиндистондаги “Ваҳдатул вужуд” назариясига тааллуқли талқин ва тарғибот ҳамда

шунингдек, ислом дунёсидаги унга нисбатан танқидий муносабатларни аниқлаб олсак.

Агар таъбир жоиз бўлса, "Бҳактий ҳаракати" нуқтаи назаридан Ҳиндистондаги "Уйғониш даври"нинг машҳур сўфийлари Маъсуд Бэк, Сайид Али Ҳамадоний, Сайид Ашраф Жаҳонгир Семноний, Сайид Али Мухсим Деҳлавийлар ўз жамоаларида Ибн Арабий тафаккури мухлиси ва тарғиботчиси эдилар. Булар орасида "Тож улорифин" номига мұяссар Шайх Тожиддин XVI асрда "Ваҳдатул вужуд" фоясининг тарқалиши ва татбиқига мұхим ҳисса қўшган. У бу мавзу юзасидан Акбаршоҳ ҳузуридаги суҳбатларда ҳам қатнашган. Шаттария сулукининг аъзоси Шайх Мұхаммад Ғҳавтҳ доктринани чуқур ўзлаштириб, уни ўз замонаси шарт-шароити ва талаблари негизида талқин қилган. Унинг "Жавоҳири Ҳамса" асарида "Ваҳдатул вужуд"нинг "фано" ва "бақо" каби талай аспектлари моҳияти ҳақида сўз юритилган.

Абдул Қодир Бадаонийнинг хабар беришича, Шайх Чаян Лал Соҳнин ва Абтарий Бадахшонийлар "Ваҳдатул вужуд" талқинининг ўта содик тарафдорлари бўлганлар. Шайх Азизуллоҳ тавҳид сирларини ўрганиб, "Фусус ал-ҳикмат"га ёзилган шарҳларни, ўз шогирдларига ўқитган. Унинг "Рисолаи айният" асари ҳам айнан Ибн Арабийнинг "Ваҳдатул вужуд" хulosаси тафсилига бағишлиланган.

Аёнки, ибн Арабийнинг «бутун борлиқ бирлиги» билан борлиқ ғоя ва хulosалари тарқалибдики, уларни қўллаб-қувватловчилар қаторида таълимотга тафриқу танқид руҳида ёндашган зотлар ҳам кўп бўлган. Биз бу соҳада нуфузли манбалар замирида «Ваҳдатул вужуд» назариясига

бўлган турли муносабатларни таҳдил ва муқояса қилган шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Тасаввуф ҳақида тасаввур» номли асарларига юзланамиз:

"Аҳли тасаввуфда биринчи бўлиб ваҳдатул вужуд назариясига қарши чиқсан киши Кубровия тариқати шайхларидан бири шайх Алоуддавла Семноний бўлди. У киши ўзининг илмий баҳсларида соликнинг мақсади ваҳдатул вужуд эмас, убудият – бандалик қилиш эканини исботлади.

Кейинроқ имом Шарафуддин Яҳъя ал-Мунирий чиқиб бу фикрни қенгайтирди. У киши, "ваҳдатул вужуд" деб гумон қилинган нарса "вожибул вужуд", яъни Аллоҳдан бошқа барча вужуднинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши эмас, балки нарсаларнинг ҳақиқий мавжуднинг олдида кўринмай қолишидир деди"(83:212–213).

Ҳиндистонда наинки "вожибул вужуд" фоясини ёқловчи, ҳатто уни "Веданта" фалсафасининг "Бунда фақат биргина Браҳма бор, ундан бўлак ҳеч зот йўқ" хulosасига қиёслаган сўфийлар ҳам бўлган. Ёки шоир Мир Тақий Мирнинг урду тилидаги мисраларида баён қилинганидек:

بے توہم کا کارخانے  
یاں واہی سے جو اعتبار کیا

Борлиқ – бу таваҳҳумга бир корхонадир,  
«Эътибор»дан қолгани – бари соядир.(94:xxi)

## *Йога ва тасаввуф таълимотларининг муштарак жиҳатлари*

Маълумки, дунё динларини қиёсий ўрганиш концепцияси, илоҳий меҳр-муҳаббатга нисбатан инсоний садоқат ришталарини тиклашда алоҳида ўрин тутади. Бундай масъул жараёнда энг қадимий эътиқод сарчашмаларидан бири бўлган хинд диний-фалсафий таълимотлари ва тасаввуфдаги муштаракликни таҳлил қилишни, мавзуга маънан вобаста қуидаги бир рамзий мисол билан бошлашга қарор қилдик.

Низомиддин Авлиё ким биландир сухбат вақтда Иброҳим алайҳиссалом ҳаётига оид бир воқеани эслаб, шундай ҳикоя қилибдилар:

“У зот ҳеч қачон бир ўзлари таом емас, агар меҳмон бўлмаса, ҳатто уйдан ташқари чиқиб бирор кимсанни излашга тушар эканлар. Бир куни уларнинг ҳузурига мажусий эътиқодидаги кимсан келиганида, Иброҳим алаҳҳиссалом ўз одатлариларига кўра, меҳмонни таом билан сийлашга неғадир иккиланибдилар. Шунда дафъатан Худои таолодан ваҳий келибди:

“ Эй Иброҳим, бу нима деган гапки, Биз жон берган бандадан сен таомни дариф тутсанг!”  
(94:xliv)

Биргина шу мисолнинг ўзидан комил ишонч билан айтиш мумкинки, Тангрининг бандасига бўлган бемисл меҳр-муҳаббати, у ким ёки қандай эътиқодда бўлишидан қатъий назар, қанчалик чексиз ва безавол. Шунингдек, бу марҳаматда Унинг ер юзидағи ўз ноибига ҳар жиҳатдан нақадар етуклик баҳш этганлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Инсоннинг яратилишидаги бун-

Дай такомиллик индуизмда ҳам қўллаб-қувватланади. Чунки ҳиндупарастлар тасаввурида "тўрт давр"нинг биринчиси, яъни "сатюг"да яшаганларнинг ҳалол ва ҳақиқаттўй бўлганликлари "Тангрининг илк ижоди Браҳманинг одам зотидаги руҳий зарраси" туфайли.

Демак, моҳиятан, "Бҳагавад-гита" тамойили бўйича, "Тангри қайси ном билан аталмасин – Ром, Вишну, Ишвар, Шанкар ё Прабҳуми, фақат танҳо Ўзигагина бўйсунамиз ва биз ҳам ҳар биримиз ўз ҳолимизга митти "ишвар"чалармиз – худочалармиз" (17:22).

Индуизмдаги «Браҳма» ва «атма» тасаввури тасаввуфда ҳам кузатилади. Буни мутасаввиф Азизиддин Насафийнинг "Зубдатул ҳақойиқ" асари – даги шариат аҳли таърифида кўриш мумкин:

"Тангри субҳонаҳу ва таоло илк дафъя бир жавҳар яратди. Унинг номи "Нафси аввал (Руҳи аввал)" (7:5).

Фариддин Атторнинг "Жавҳару-з-зот" асарида "жавҳар" ва унга нисбатан инсоннинг ҳолати ҳам деярли юқоридаги руҳда баён қилинган:

"Сенинг ичингда жавҳар – Мутлақ руҳнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ. Охирда йўқотган нарсанг сенинг ўзингдадир, бу зоҳирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Ҳолиқнинг зоти ва сифати-ла жавҳарга эгасан, аммо, зотининг дийдоридан узоқдасан. Сенинг жавҳаринг барчаникidan афзалдир. Ажабки фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг – дийдангдир, уйнинг ичиdasану, эшиқдан ташқарисан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан... (31:74).

Аллоҳни излаган кимса аввало ўз юрагига боқиши ва албатта истаганини топиши, тасаввуф

бадииятида күп қаламга олинган мавзу. Чунончи, «мусулмон шарқида исломнинг ортодоксал жи-ҳатларига нисбатан норозилик ифодаси сифатида пайдо бўлган тасаввуфнинг пантеистик(вужудия) таълимоти объектив борлиқни илоҳийлаштириди. Модомики бутун борлиқ Абсолют ҳақиқат – Худо(ал-Ҳақ)нинг инъикосидан иборат булиб, инсонда эса илоҳият зарраси бор экан, демак, у ҳам шарафли ва муҳаббатга лойиқ». Инсондаги бу илоҳийлик мартабаси, сўфий ижодкорларда «ишқ» рамзида бҳактий поэзиясига кўра янада конкрет тус олди.

«Мансур Ҳаллож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб: «Анал Ҳақ», яъни «Мен – Худоман» дегани учун мусулмон ҳукмронлари томонидан шаккоклиқда айбланиб қатл қилинган эди. Лекин Яссавийнинг ҳукмича, нодон жоҳилгина «Анал Ҳақ»нинг маъносини билмайди»:

«Анал Ҳақ» маъносини билмас нодон,  
Доно керак, бу йўлларда пок мардон»(5:12).

Ниҳоят, инсон ва "илоҳийлик" хусусидаги тасаввуф фикри Румийнинг шеърида жуда ихчам, чиройли ва қамровли ифодаланган:

أَنْهَا كَهْ طَلِيْكَارْ خَدَائِيدْ خَدَالِيدْ  
بِيرُونْ رَشْمَا نِيْسَتْ شَمَائِيدْ شَمَائِيدْ

Аё сиз жон чекиб,  
    ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ,  
    илоҳий – сиз, илоҳий – сиз!"(5:27)

Мисралардаги мадҳ этилган "илоҳийлик", бу инсоннинг Илоҳ эканлиги эмас албатта, балки бандасининг ўз Яратганига мансуб комил фазилатларга "меросхўр"лиги. Яъни, шоир қаламида бу каби «Илоҳ ва инсон» ўртасидаги «масофа манзиллари»нинг бир нуқтага келтирилишини яна шундай холосалаш мумкин: Яратган ўз бандаларига қанчалик меҳр-муқаббатли бўлса, улар ҳам ўзаро муносабатларда ўз Аслиятига муносиб ҳудди шундай комил фазилатлар устиворлигига масъулдир!

Инсондаги бу «масъуллик»ка зид бўлган ҳар қандай дилозорлик – у ҳоҳ шахсий, ҳоҳ миллий ва ҳоҳ диний бўлсин, сўфийлар томонидан қаттиқ ва bemurosа қоралангандан. Жумладан, Аҳмад Ясавий «Аллоҳ қаҳри ғазабидан қўрқмай одамларга ранж етказиб, бечораларнинг кўзларидан ёшлар оқизувчи бағритошларга имонсизлар деб қараган ва ўша зулмкорларни ўзича бир фаоллик билан айлаган. Унинг нуқтаи назари бўйича на кофир, на мусулмон бирорга озор бармаслиги шартдир:

Суннат эрмиш кофир бўлса берса озор,  
Кўнгли қаттиқ дилозордан Худо безор»(5:9).

Сансара – қайта туғилишлар қонуни асосида ўз "карма"сида пок ва бегуноҳ яшашга муваффақ бўлган ҳинд руҳининг ўз Аслига қайтиши ёки қўшилиши тафсири тасаввуфда ҳам мантиқан бир хил: "Жон танадан узилганидан кейин, агар у комилликка эришган бўлса, асл ақллар ҳузурига қайтади ва ғайблар олами билан қўшилади"(7:5). Аммо бу – руҳ масаласига исломий муносабат ва ёндашувнинг бир тарафи. Айрим исломшунослар наздида "Тасаввуфнинг ҳудди хрис-

тиан динидаги Илоҳ ва инсон табиатининг умум-мийлигига суюниб руҳнинг ўз Асли билан бирлашишга ҳаракати ёки индуизм ва буддизмга ўхшаб кишини ўз "Мен"идан халос бўлиш ҳисобига бирликка ноил бўлиши, исломдаги муайян ҳолатларга зид. Қуръони каримдаги Аллоҳнинг файблиги, биринчидан, инсонни Илоҳга ўхшаши мумкинлигини инкор этса –

\* لَيْسَ كَمُثْلِهِ شَيْءٌ...

«Бирон нарса У зотта ўхшаш эмасдир»  
(1.Шўро сурасининг 11–ояти).

иккинчидан, илоҳий сир-асрорни англаб етилишини истисно қиласди ва учинчидан, исломда мусулмоннинг дунёвий ва ухровий ҳаёти ўртасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатади..

Лекин шунга қарамай, сўфийлар ҳеч бир мушкилотсиз фоний дунёни инкор қилиш ва Илоҳга интилишни ёқловчи шундай омилларни топдиларки, уларга қўра, транцсентентал Тангрининг инсонга яқинлиги саодати олдида гўё фоний дунё ободлиги ҳеч гап эмасдек»:

\* وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ...

"...Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз"(1. Коф сурасининг 16–ояти)(30.87–88).

Ушбуда Азизиддин Насафий рисоласи ва исломшунос А.Д.Кныш мақоласидан олинган иқтибослар билан биз уларнинг фикрини таҳлил ёки танқид қилмоқчи эмасмиз. Балки бу орқали, бир

муаммога икки хил ёндашув асосида исломнинг сўфиёна талқинига нисбатан диншуносликда аввалдан қанчалик кучли қизиқиш бўлганлиги ва унинг ҳозир ҳам сўнмаганлигини ёдга солищdir, холос. Руҳ ва тана ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусидаги мавзуни давом эттириш учун яна индуизмдаги баъзи тафсилотлар билан танишсан:

«Руҳ – бу нима ўзи? – деб сўрабди подшо Жанаки мутафаккир Важнаваякиядан.

– У, – дебди мукаддас зот, – шундайки, ботиндан инсоннинг беш сезги аъзоси билан кўради, эшитади ва ҳидни билади. Руҳ наинки фақат инсон аъзолари, балки ўз атрибувлари билан ҳам фаолият кўрсатади, Улар:

Апана-ички нафас.

Прана-ташқи нафас.

Унмеша-кўзни очиш.

Нимеша-кўзни беркитиш.

Маногати-сезги аъзолари фаолиятида онг таъсирининг инъикоси.

Индраянтара-сезгиларнинг ботиний ҳаракати. Масалан, нордон нарсани кўрганда оғизга сув келиши.

Шўжша-дукха-роҳат ва дард туйгуси.

Иччҳа-хоҳиш ёки йўқ нарсани исташ.

Двеша-жирканиш ёки юз ўгириш.

Праятна – интилиш, машқ қилиш қуввати.

Руҳ танани тарк этганда барча сезги фаолияти ўз адогига етади ва у озодликка муюссар бўлмагунича, яна янги танага кириб, аввалги ҳаётida эришган хусусиятларига мувофиқ ўзи учун янги «макон ва майдон» излайди(98:89–90).

Рұхнинг танани тарк этиши, унинг кейинги барxaётлиги ва асл "Муқаддаслик"ка талпиниши қадимда юонон файласуфларини ҳам қизиқтирган ва уларнинг бу соҳадаги изланишлари ислом дунёсини ҳам бефарқ қолдирмаган. Берунийнинг ўз асарида рұхнинг моҳияти, хусусияти ва фаолиятига бағишлиланған ҳинд манбалари шарҳи қато-рида Аммоний, Суқрот, Прокл илмий меросидан келтирған фактлари ҳам мавзуу учун жуда мүҳим:

"Рұх ўз моҳияти билан танани тарк этаркан, азалдан барxaёт ва бардавом Муқаддаслик томон равона бўлиб, У билан тутинади. Шунда рұх қандайдир ўзаро яқинлик таъсирида, ўзи ҳам Муқаддаслик сингари агадийлашади ва бу ўзлашиш қобилияти "ақл" деб аталади..."

Рұх ҳеч ўлмайдиган ва йўқолмайдиган илоҳий моҳият билан жуда ҳам ўхшаш. У яккаю ягона, онгли ва мутлоқ бўлиб, тана эса унинг акси-дир. Рұх ва тана бирлашганида табиат танага хизмат кўрсатишни буюради, рұх эса унга раҳбарлик қиласи ва улар ўзаро ажралганида рұх танадан фарқли ўлароқ, ўзга ерга равона бўлади. У шунда ўзига ўхшаш нарсалардан баҳтиёрлик ҳис этади ҳамда инсоний нуқсонлардан холи ҳолдаги алоҳидаликдан баҳрланади, башарти у покдомон бўлиб, танадан нафратланса. Агар у тана билан келишиб, унга хизмат қилсаю, яна уни севса ва оқибатда тана ундан ҳузурланиш учун фойдаланса, у ҳолда рұх тана билан яқинликдан бўлак бирор ўзига муносиб мавқега эришолмайди" (6:123)

Қизифи, юнонларга қиёсан, айни шаклан бўлмаса-да, мазмунан "рухнинг танадан озодлигидан кейинги тақдири" индуизм фалсафасига ҳам

хос. Илло, бу ҳақида кейинроқ, ҳозир эса руҳнинг ўз Аслига қайтишидаги ҳиндупараастлар ҳаёт тар-чи Иўлларига оътиборни қаратамиз.

Илмий атамада индуизмдаги руҳнинг тана мұғұлларидан холи бўлиши уч йўналишдаги диний-дунёвий фаолият шарофати билан амалга ошиши мүмкин:

1."Корма марға" – диний кўрсатмалар бў-йичи ҳолол меҳнат билан ҳаёт кечиришдан иборат "Лъимол йўли".

2."Жанана марға" – диний кўрсатмалар оўчича ақл-заковат билан ҳаёт кечиришдан ибо-рат "Билим йўли".

3."Бҳактий марға" – диний кўрсатмалар оўчича Тангрига садоқат туйғуси билан ҳаёт ке-чиришдан иборат "Садоқат йўли" (119:223).

Ҳинд, юонон ва ислом теологиясида руҳ, унинг табиати ва фаолияти юзасидан билдирилган му-лоҳазалар, инсон тафаккуриниг мудом ўз яра-тилиши, асли-наслига қизиқиши сингари сўнмас пәклий жараёнининг фалсафий бир таҳлилидир.

Тўғри, инсоннинг дунё ҳодисотларига таал-луқдор илм-билимга қизиқишининг чеки йўқ. Бироқ, бу бениҳояликнинг ухровий масалаларда чекланишини ҳам рад этиб бўлмайди. Негаки, руҳ илмига хос асосий хусуслар ҳатто пайғамбарларга ҳам хабар қилинмаган, чунки, улар Яратганинг ўтигагина маълум сир-синоатлар.

Руҳ ҳақида Расули акрамдан сўралиши ва унга Қуръони каримда берилган жавоб мазму-нидан маълумки, "Руҳ фақат Раббининг иши" Аммо, шуниси ҳам ҳақиқатки, Аллоҳ бу билан барча диний-дунёвий ишларда бандаларига мус-тақиъл фикр-мулоҳаза қилишни на ман этади ва на чеклайди. Балки, У ҳар бир соҳада, ҳаттоки,

оятларга амал қилишда ҳам ўйламай – нетмай эмас, фаҳм – фаросат билан иш тутишни мақуллайди:

وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِرُوا بِثَيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخْرُوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا

“Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида у (оятларга) гунг ва кўр ҳолларида ташланмайдилар (балки уларни англаббилиб амал қилурлар» (Фурқон сурасининг 73-ояти).

Фикримизча, юқоридаги ургуланган “Руҳ ҳақидағи илм”дек ниҳоятда нозик ва масъулиятли бир нуқтага етиб келинганды, таъбир жоиз бўлса, яна бир “дақиқ нуқта”га эътиборни жалб қилмоқчимиз.

Кези келганда шуни эслатиш керакки, неғадир дунё динларини қиёсий ўрганиш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларга баъзан ҳатто мутахасислар ҳам “икки ёки ундан ортиқ диний эътиқодлар ўртасидаги айрим тасодифий назарий ўхшашлик ёки нари борса, муштаракликни юзага чиқариш”га бўлган уринишдек қарайдилар. Ваҳлонки, қиёсий илмий таҳлиллар наинки диний – фалсафий таълимотлардаги умумий ғоя ва дунёқарашларни аниқлашга, балки шунингдек, улар ўртасидаги қарама – қарши нуқтаи назарлар асосини англаш ва мушоҳада қилишга ундейди. Колаверса, дунё динларининг асл моҳияти – бирлиги омилига азалдан донишманд ижод аҳли беписанд бўлмаган.

Динларнинг тутган турли йўллариdek, уларнинг “ўз ҳақиқатлари”даги фарқлар ҳам марказга яқинлашган сари йўқолиб боради. Зотан, худди Жалолиддин Румий қаламидаги динларга хос иб-

тидоий "зиддийлик" нинг интиҳода бирликка ўтиши, жами эътиқодлар манзилининг ягоналигига энг яхши ибрат:

"Кўрмаяпсанми, Каъбага Шимолу Шарқ, Жанубу Фардан, Ироқу Ажам, Ҳинду Ямандан одамлар йўдга чиққан. Йўлда ихтилофлар, тортишувлар бўлади, аммо Каъбага етгач, баҳслар тўхтайди, ихтилофлар барҳам топади..." (40:26).

Ёки, Шайх Нажмиддин Кубронинг башорат қилган биргина калимасининг ўзида, бандасидан тортиб то башарият миқёсида босиб ўтиладиган ягона Манзил йўлларининг беҳисоблиги мажози шундай бир ҳамровда мисол қилинади:

"Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади маҳлукотнинг нафаслари қадар беҳисоб".

Шайхнинг "арбоби тасаввуфнинг энг машҳур сўзларидан бўлган" калимаси Исмоил Ҳаққи Бурсавий томонидан шундай шарҳланган:

"Бундаги нафас инсоннинг оғиз ва бурнидан кириб чиқадиган ҳаво бўлиб, унинг бир кунлик миқдори йигирма тўрт мингта яқинdir. Шу боис ҳар ким умр бўйи олган нафасича Ҳаққа борувчи йўл имкониятига соҳибdir.

Йўлчи қадамба-қадам илгарилаганидек, бу йўлда сабот кўрсатганлар ҳар нафасда Аллоҳга тобора яқинлашиб борурлар. Аслида йўл ягона-дир..." (31:130). Берилган икки-уч мисолнинг ўзида-ноқ маълум бўлдики, турли дин намояндалари ўртасидаги «англешимовчилик»лар маънода эмас, шаклда — сўзда! Ҳа, дунё қасрат — кўплик олами. Қасрат эса хилма-хил қарашлар, тушунчалар, истак ва хоҳишлар демак. Дин ҳам ана шунга мос равищда кўпдир...Демак, динлар, мазҳаблар, таълимотлар, қарашларнинг турли-туман бўлиши қонуният, табиий ҳол..." (40:33).

Айни шу турфалик, демакки, турли тасав-вурлар ва талқинлар нуқтаи назаридан ҳинду-парастликдаги "руҳнинг танассули" масаласига ҳам бироз тұхталсак. Чунки, индуизмнинг бу қонуниятида, унинг дүнёни тушуниши, кишилик жамиятининг табақа тизими асосидаги тузилиши, қысқаси, борлықнинг азалий ва абадийлиги сингари фалсафий мушоҳадалари мужассам.

Үлмас руҳнинг Тангри иродаси билан бир танани тарқ этиб, иккинчисига ҳулул қилиши – кириши ҳамда унинг янги вужудда үтмиш "карма"сига қараб табақада "мукофот"га ноил ёки "жазо"га маҳқум этилишини Шри-Кришна "Бхагавад-гита"да шундай тасвирлайди:

"Одам боласи гүё янги лиbos кийганида эскисини ташлаганидек, руҳ ҳам үзидағи эскирган ва кераксизланган танадан фориғ бўлади. Руҳни ҳеч бир яроқ билан ёриб, майдалаб, оловда ёқиб, сувда ҳўллаб ё шамолда қуритиб бўлмайди... Руҳ кўзга кўринмас, ақлга сифмас ва ўзгармасдир. Шуни билгач, тана учун қайғуришнинг кераги йўқ, кимки туғилса, у албатта бир кун үлади ва яна туғилади. О, Кунтийнинг дилбанди, иблис шаклида туғилганлар асло Менга яқин келолмайдилар. Улар охири энг жирканч "ҳаёт шакллари" тубига етиб борадилар".

Изоҳ. Матнда очиқ-ойдин айтилганки, иблислар бир ҳаётдан иккинчисига үтар эканлар, ўз зотларига үхшаш уруғлардан тўғилиб, Тангри марҳаматидан бенасиб то мушук, кучук ёки тўнғиз танасига киргунларича тобора тубанлаша бораверадилар".

Қайта туғилиш тушунчаси жайниzm, буддизм, индуизмдаги каби исломнинг шиа мазҳабига мансуб "Друз"лар таълимотида ҳам учрайди. Улар-

да ҳам руҳнинг танассулда тубанлашуви ёхуд тақдиirlаниши кишининг муқаддам ўтган ҳаётидаги савобли ёки гуноҳли ишлари натижасига боғлиқ. Бу ҳақида ҳатто бир ҳикоят ҳам бор.

“Ливаннинг амири – друз Фахриддин II ўз художўй тоғаси билан суҳбатда унга шундай савол билан мурожаат қилган экан:

“ – Нега менга бунча бойлик ва узоқ йиллар ҳукмронлик қилиш насиб этган, ҳолбуки, мен у қадар диндор ҳам эмасман?

Тоғаси дебди:

– Ким билсин, сен раҳмдил бўлганлигинг учун балки қачонлардир ўтмиш туғилишларингнинг бирида “офтобда ухлаб қолган кимсани ўйтиб, уни сояга ўтиб ётишга унданандирсан”. Агар ўша кимса сенинг марҳаматингга лойиқ зот бўлса, ҳозирги эгаллаб турган бойлигингу мансаб-мартабангга ўзи ҳам кифоя”(66:114)

Бундан ташқари, Шаҳристонийнинг “Китоб ал-милал ва-н-ниҳал”ида келтирилган яна бир маълумотда “Абдуллоҳнинг таълимотида руҳ бир танадан иккинчисига ўтганда, унга бериладиган мукофот ва жазо инсон ё ҳайвон шаклидаги танада амалга оширилади” дейилган(8:135).

Ҳинд ва илк мусулмон манбаларидан олинган иқтибос ва изоҳларда инсонни турли жонивор танасида туғилишининг мумкинлиги, унинг имон-эътиқоди заифлашуви оқибатидаги аъмоли натижаси эканлиги уқтирилган. Ва индуизмга ўхшаб исломда ҳам инсоннинг ўз бадкирдор ишлари сабабли Худонинг ғазабига учраб маймун ёки чўчқага айланиши эҳтимолининг борлиги, бан-

далар учун ибратли топилгандирки, Қуръони қаримда ҳам маҳсус оят нозил қилинган:

قُلْ هَلْ أَنْبَكُمْ بِشَرًّا مِنْ ذَلِكَ مَثُوبَةٌ عِنْدَ اللَّهِ مَنْ لَعْنَهُ  
اللَّهُ وَغَضِيبٌ عَلَيْهِ وَجَعَلَ مِنْهُمُ الْفَرَدَةَ وَالْخَتَازِيرَ وَعَبْدَ الطَّاغُوتَ  
أُولَئِكَ شَرٌّ مَكَانًا وَأَضَلُّ عَنْ سَوَاءِ السَّبِيلِ\*

"Айтинг, "Сизларга Аллоҳнинг ҳузурида бундан кўра ёмонроқ "савоб" (жазо) оладиган кимсалар ҳақида хабар берайми? Улар Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлган, ғазабига гирифтор бўлган ва маймун, тўнғизларга айлантириб қўйилгәнлар ҳамда шайтонга қул бўлган кимсалардир. Ана ўшалар энг ёмон мартабада бўлган ва бутунлай Тўғри йўлдан озган кишилардир"(2.Моида сурасининг 60-ояти.).

Изоҳ. Ушбу оят далолат қиласиди, одам маймундан эмас, балки тарихда баъзи осий кишилардан маймун ва чўчқалар пайдо бўлган. Тафсирларда айтилишига қараганда, шанба куни балиқ овидан қайтарилган бир қабила яҳудийлари Аллоҳга ҳийла ишлатиб, нофармонлик қилганлари учун Аллоҳ уларни маймун шаклига киритиш билан жазолаган. Яна, Исо(а.с.)га нозил бўлган дастурхон неъматларига ношукрлик қилган кофирларни эса Аллоҳ таоло жазолаб, чўчқа шаклига киритиб қўйган, деган ривоят ҳам бор"(2:118).

Хулласи калом, "Худди мусулмон Худонинг борлигига имон келтириши билан танилганидек, ё насароларнинг "Учлик" ҳақидағи таълимоти ёки шанбада байрам қилиш яҳудийларнинг белгиси

бўлганидек, руҳнинг танассул қилиши ҳам ҳинд динининг нишонидир"(6:88).

Индуизмдаги сансара силсиласини юнонлар, насронийлар ҳамда сўфийларнинг танассул тушунчасига анча яқинлигини, Беруний қуидаги шундай бир муқояса орқали белгилайди:

"Мен ҳиндарнинг назарияси қандай бўлса шундай келтириб, шу билан бирга юнонлар назариясига ҳам мурожаат қилдим, бинобарин, уларнинг ўзаро ўхшашлигини кўрсатиш учун сўфийлар ёки насароларнинг бирор фирмасини эслатиб ўтирумайман, чунки улардаги руҳнинг танассул қилиши ва унинг Худо билан бирлашиши тўғрисидаги тасаввурларда кўп ўхшашликлар бор"(6:60).

Ҳинд нашрларида қайта туғилиш силсиласи мавзуининг сўфийлар қаламига тушганлигига, тезтез Жалолиддин Румийнинг қуидаги байти мисол келтирилади:

هفتاد هفتاد قلب دردم  
همجو سبزه بارها رونیدم

Етти юзу етмиш бор қайта қалб кўрдим,  
Гўё ҳар сафар сабза янглиғ кўкардим.

Исломда инсон Аллоҳнинг ердаги ноиби ҳи-собланганидек, индуизмда ҳам одам зоти ҳилқатлар ичида энг улуғи. Ҳиндуараастлар динида кишига бу улуғ мақомни жонивор танасига кириш билан йўқотиш эмас, балки уни амалда оқлаш ва янада юксакликка кўтариш буюрилган.

Яъни, у ўз ўтмишидаги аъмолига мувофиқ дунёга қайта келар экан, ҳамиша диний кўрсатмаларга амал қилиб яшashi керак, токи Тангри

ярлақаса, ўзга танага қайта кириш – туғилиш азобидан мутлақо озод бўлсин! Фақат шунда ҳар бир ҳинд "нирвана"га ўтиши билан тугал ҳурликка эришиб, сўнг абадий руҳий олам – «мокша»га<sup>1</sup> муяссар бўлажак.

Назаримизда, нирвана ва мокша маъноси ҳамда моҳияти талай хорижий илмий манбаларда таърифлангани билан, уларнинг ўзаро фарқига кўпда етарли эътибор берилавермайди. Гоҳо биргина нирвана тушунчасининг ўзи икки хил талқин қилинади. Айтайлик, буддизмнинг "ҳинояна" мазҳабида нирвана, комилликка эришган роҳиб учун туғилишлар силсиласидан қутилишни англатса, «маҳаяна» йўналишида, айни мақом етук тақводор учун унинг бевосита "будда ҳолати"даги мавжудлигининг рамзи. Чунки эътиқодда ҳар бир буддапараст Будданинг зарраси бўлганлиги туфайли ҳали кўзи тириклигига ёки нирванага дохил бўлишга ҳақли ва бундай баҳтдан фақат гуноҳкорлар истисно(87:427–428).

Нирвана, диншунослик таърифида "руҳнинг сокин, беғараз, бегуноҳ ҳолати, комилликнинг олий чўққиси ёки тугал номавжудликдаги изтиробларнинг барҳам топиши"(37:69). Мокша эса, руҳнинг сансара жараёнидан буткул қутилиб, қайтадан ўз илоҳий мақомига ўтиши.

Умуман олганда, нирвана ва мокша мазмуни мантиқан бирдек, яъни моддий дунёдан руҳий оламга ўтиш. Аммо, икки ҳолат атамасининг лувавий хусусига эътибор берсак, уларнинг қуий ва юқори поғоналардан иборат икки мустақил босқичларга бўлинишини кўрамиз. "Сўниш" маъносидаги нирвана руҳнинг бегуноҳ, беҳожатлиги бўл-

1 Мокша – инсоннинг сансара силсиласидан буткул озод бўлиши ҳақидаги индуизм ақидаларидан бири.

са, унга нисбатан "кутилиш – озод бўлиш" маънисидаги мокша, руҳнинг ғайблар олами билан бирлашувини билдиради. Бу жиҳатдан ҳар икки ҳолат хусусининг исломдаги "фано ва бақо" тушунчалари билан илмий-қиёсий таҳлили, фикримиз доирасини янги маълумотлар билан тўлдириши мумкин.

Лекин бу муқоясадан олдин, индуизмдаги "Парматма ва атма" ҳамда исломдаги "Илоҳ ва инсон" ўртасидаги назарий бирликнинг амалиёти ҳам аниқлаб олиниши керак. Хусусан, ҳинду-парастликда Яратгувчи ва яратилмишнинг риштаси шундай бир мажозий мисолда таърифланади: "Олтиннинг кукуни ҳам олтин" ёки "Денгиз сувининг бир қатрасида ҳам туз бор, шунинг учун ҳам у шўр!". Исломда эса, аниқроғи, тасаввуфда "Сўфийлар буни қатранинг денгизга қўшилиши билан қиёслайдилар. Чунки, қатра денгиздан нишона, денгизнинг моҳияти эса қатрада ифодаланган. Шу сингари инсон руҳида ҳам Илоҳ сифатлари мужассам. Фақат моддийлик уни Илоҳдан ажратиб туради. Агар руҳ моддийликдан покланса, мусаффо шабнамдай бўлиб, Денгизга – ўз Аслига бориб қўшилиши мумкин" (39:36).

Индуизм ва исломдаги "Илоҳ ва инсон" ришталари масаласида кузатилган мисоллардан шунга имонимиз комил бўлдики, ҳар икки қиёсда ҳам яратилмиш ва Яратган ўртасидаги ажralиш сабаби моддийлик боис. Ваҳлонки, Тангрининг мутлақо беҳожатлиги қаршисида бандасининг ўз нафсига мутгасил мутелиги мавжуд "жудолик"нинг нисбий ҳолати. Шу сабабдан ҳам инсоннинг илоҳий фазилатларга муносиб ягона жонзот эканлигини амалда исботлаши, унинг ўз ихтиёри ва аҳдида. Худди мана шу борада йога, бҳактий ва

тасаввуфнинг қатор назарий ва амалий муштарак жиҳатлари учун, уларга инсонни ўз Аслига етакловчи таълимотлар сифатида қаралади.

Даврий нуқтаи назардан йога ва тасаввуф таълимотлари ўзаро тахминан бир ярим минг йиллардан зиёд вақт оралиғида фарқланса-да, лекин улар диний ва дунёвий маънода фақат бир мақсадга хизмат қиласи – руҳий поклик, ақлий такомиллик ва жисмоний бақувватликка.

Бу таълимотларда мақсад бир бўлгани каби уларнинг йўлидаги учрайдиган тўсиқ ва қаршиликлар ҳам деярли бир хил. Яъни, майли у йог ёки солик бўлсин, ўз эътиқод кўрсатмаларига виждан назорати остида амал қилгани билан унинг онги, моддий тана талабларига бўйсунишга мажбуровлочи гуноҳлар манбай "майя" ёки мусулмонлар таърифидағи "шайтони лайн" таъсирига тушиб қолиш хавфидан ҳимояланмаган. Руҳан, ақлан, жисмонан мукаммал яратилган одамзотдаги бундай "ночорлик" ундаги кишини ўзига қул қилувчи нафс балоси асоратидан. Бандаси айни шу гумроҳлик боис ўз Яратганидан йироқлашиб, эътиқод ва инсоний бурч масъулиятини йўқотади.

Йога фалсафасида инсоннинг онг назоратидан ташқари чиқишига имкон яратувчи факторлар қатор объектив сабаблар билан белгиланган. Ана шулардан энг кучли ва таъсирилиси, киши хоҳлайдими йўқми, уни доим ўзига маҳлиё этувчи – домига тортувчи ва узлуксиз синовлардан ўтказиб турувчи табиат ва ҳаётда сон-саноқсиз учрайдиган "оҳанраболар"дир. Куйи «гунн» – сифатлар тузогига илингандар чексиз хоҳиш ва истаклар тўрига ўралиб, ўз ҳиссиётлари нафсини қандай бўлмасин қондириш учун нопок йўллар билан бойлик тўплашга тушадилар... Шунда кимки

ўз эҳтиросларидан ғолиб чиқиб, эҳтиёж чегара-  
сидан чиқмаса, у ҳеч қачон хору зор ва одамлар  
нафратига дучор бўлмайди"(17:108).

Исломда «нафс Парвардигорнинг қаҳр маз-  
ҳаридир, ҳамиша унинг таважжуҳи ҳақиқий сао-  
датга етишдан маҳрум қолишга сабаб бўладиган  
нарсадир. Унинг изтироблари бу оламдаги наси-  
баларга етишишдан бошқача эмас. Унинг тамоми  
ҳикмати эса, пастлик тарафига(танааззул) бориш-  
дан бошқа нарса эмас. Иблиснинг замин тарафга  
майл қилганлиги сабабини мана шу ерда фаҳмлаш  
мумкин»(90:58). Нафси алар исломда нафс маса-  
ласида тирик жонзотлар уч тоифага бўлинади: ақл  
берилган малаклар, нафс берилган ҳайвонлар ва  
ақл ҳамда нафс берилган инсонлар. Уч тоифа  
ичида инсон ақл ёки нафсга ружу қилишига қа-  
раб юксалади ёки ҳайвондан-да тубанлашади:

1.Кимники ақли нафсидан ғолиб келса ва  
ҳаётни Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асослари дои-  
расида ўтказса, у малаклардан ҳам устундир.

2.Кимки нафси ақлидан ғолиб келса ва шу  
нафснинг ҳавои истакларига кўра ҳаёт кечирса, у  
ҳайвондан ҳам тубанроқ(31:89).

Яна, исломда инсонни бир ҳолатда ҳайвон-  
дан-да тубанроқ тушишига сабаб бўлувчи, иккин-  
чи ҳолатда эса, «ҳотиржамлик-сокинлик»ни баҳш  
этувчи нафс категориясининг ўзи учга бўлинади:

1.«Нафси аммор» – ўз эгасини ёмонлик –  
гуноҳ ишларга ундовчи нафс.(Юнус сурасининг  
53-ояти).

2.«Маломатгўй нафс» – ўз эгасини ибо-  
датга бепарволигини маломат қилувчи нафс(Қи-  
ёмат сурасининг 1-ояти)

3. «Сокин нафс» – ўз эгасини имон ва эзгу амалларга ундовчи нафс(Валфажр сурасининг 27-ояти).

Инсоний шуурнинг "майя" ёки "шайтони лайн" исканжасига тушиши ва шу сабаб имоннинг заифлашувини ҳиндлар кишининг ўз ички имкониятларини билмаслигида кўради. Зоро, одам боласига берилган теран тафаккур ҳамда сабртоқат захираси доим нафс ҳамласига бакор келишга қодир воситадир, агар унинг ўзи шуни истаб, ихтиёр этса! Ҳолбуки, бу хусусда ҳар бир диний эътиқодда инсоннинг руҳий-ахлоқий комиллик даргоҳига қадам қўйиши учун имкон эшиклари катта очиб қўйилган.

Шунинг учун, қуйида, инсондаги имкон ва ихтиёр ўртасидаги нохуш тафовуттга барҳам берувчи йога таълимоти босқичларини тасаввуф мақомоти билан солиштириб, йог ва соликнинг руҳий, маънавий, жисмоний покланиши ва тобланиши жараёнига хос томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Ва бунда, гарчи таҳлил қиёсий кечса-да, баъзи жиҳатларда ҳар икки таълимотдаги бири иккинчисини қайтармайдиган нуқталарга ҳам имкон даражасида аҳамият бериб борамиз. Мақсад, ягона манзилга қадам қўйган йог ёки соликнинг онгига йўғрилган ўз миллий хусусиятларини истисно этмаган ҳолда, уларнинг маънавий юксалишига ишонч ҳосил қилиш, қолаверса, қиёсий таҳлил тамойилининг моҳияти ҳам шунда!

Аввалда алоҳида хулуси дилдан шуни тан олиш шартки, ушбу диний таълимотларни қиёсий ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш фикри бизнинг ташаббус эмас. Бу тадқиқотта бўлган қизиқиш ва

интилишнинг ибтидоси, минг йил муқаддам илк бор Берунийнинг шижаоти билан "Санкҳя" ва "Жўғасутра" манбаларининг араб тилига таржима қилиниши ҳамда йога, христианлик ва тасаввуф ҳақидаги гоҳ мухтасар ва гоҳо батафсил баёнларидан бошланган эди. Ва эътибор берилган бўлса, динларни қиёсий ўрганиш масаласи хусусида пайдо бўлиши мумкин саволларга юқорида баҳоли қудрат жавоб беришга уриниб кўрдик.

Бироқ, эндиgi савол диншунослиқда принципиал характерга эга бўлган ниҳоятда нозик ва мураккабларидан, яъни: "Тасаввуфнинг йога билан ўхшаш айrim фалсафий ва амалий жиҳатлари аслида мустақил исломий тафаккур ҳосиласими ёбу қисман ҳинд таълимоти таъсирими ёхуд шунчаки тасодифми?»

Мабодо саволга узоқ мозийдан жавоб изласак, кўрамизки, юонону ҳинд ва шунингдек, исломий фалсафадаги у ёки бу муштарак томонлар доимо илм аҳлини қизиқтириб келган. Шахсан "Беруний юонон фалсафасини эгаллаб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскритни ўрганган. Сўнг, юонон ва ҳинд фалсафасини бирбирига солишириб, улардаги умумийликни кўргач жуда ажабланган." (26:246–247). Бу сингари турли жуғрофий кенгликлардаги фалсафий тафаккурларга хос қиёсий ва нисбий ўхашлик ёки умумийлик ҳолатларига қизиқиш, ишонч билан айтиш мумкинки, ҳали ҳамон ўз кучида. Шу жумладан, юқоридаги саволга жавоб беришдан илгари, мавзуга тааллуқли яна иккинчи "бир-бираiga зид қутублар"ни бир муаммо мисолида эътиборга ҳавола қилмоқчимиз, токи фикр-мулоҳаза фақат субъектив муносабат чегарасида чекланмасин.

Фарб олими К.В.Эрнестнинг "Муҳаммад Ғаватх талқинида сўфизм ва йога" номли мақоласида, икки таълимот ўртасидаги назарий ва амалий яқинликнинг қандай юзага келганлиги қўйидаги савол асосида изланади: "Тасаввуф ва йога таълимотларининг ўзаро алоқалари нимадан иборат?"

"Мусулмонларнинг қарийб минг йил Ҳиндистонда яшаган даврларидағи исломий мистицизм шарқшуносликда маҳсус тадқиқот даражасига кўтарилди. Қисман шарқшуносликка сингиб кетган "исломнинг bemurosа эканлиги" тўғрисидаги тушунча сабабли, ундаги анъанавий мистик тенденциялар ҳам қаердандир ташқаридан келган, деб фараз қилина бошлади. Кейин шу асосда сўфизмнинг оригинал хусусиятларини христиан монотицизими, буддизм, шаманизм<sup>1</sup> ёки йога таълимотларидан излашга тушилди. Илло шунингдек, яна қатор бошқа тадқиқотларда, сўфизмнинг феномени фақат Қуръони карим ва Муҳаммад Пайғамбар(с.а.в) ҳадисларига асосланганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам йўқ эмас.

Мен сўфизм матнларидан йога унсурларини узоқ изладим ва маълум бўлдики, сўфийларнинг муайян қисми йога тажрибасидан хабардор бўлганлар. Мусулмон дунёсида машҳур бўлган биринчи ҳинд манбай "Амратакунда"дир. Асар биринчи марта 1210 йили "Хавд маъал ҳаёт" – "Оби ҳаёт ҳовузи" сарлавҳаси остида араб тилига таржима қилинганд. Бундан кейин XV асрда номаълум таржимон томонидан форс тилига ўгирилган. У ишга киришишдан оддин Ҳиндистонга бориб ҳатҳа йога бўйича таҳсил олган ва таржима мат-

<sup>1</sup> Шаманизм – роҳибнинг руҳлар билан ғайритабиий мулоқатда бўлиш ҳолатига асосланган дунёниг энг ибтидоий даврларига тааллуққли эътиқод тури.

нига ҳатто икки қисмдан иборат муқаддима ҳам кирилган. Ҳозирда йога манбанинг Туркия ҳамда Европа ва араб мамлакатларида қирқ бешдан зиёд кўчирма нусхалари топилган.

Сўфийлар Амртакундани жуда яхши билганлар, ундаги зикр ва нафас машқлари билан қизиқиб, медитация услубини ўз тажрибалари билан ўхшашлигини қайд этганлар.

XVI асрда Шаттарий сулукининг вакили – гвалиорлик ҳинд сўфийси Муҳаммад Гҳавтҳ ҳинд манбани “Баҳр ал-ҳаёт” номи билан араб тилидан форсийга ўтирган. Ундан сўнг Амртакунда яна икки бор форс тилига таржима қилиниб, улардан бири 1622 йили италиялик сайёҳ Пиетроделла Валлей қўлига келиб тушган. Асарнинг таржима жараёни XIX асрда ҳам давом этган. Мисол учун, араб матнидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Муҳаммад Гҳавтҳнинг форсий матни эса, кейинчалик, урду тилида ҳам нашр қилинган.

Муҳаммад Гҳавтҳ санскрит тилидаги зикрга тегишли сўз ва атамаларни араб тилидаги муқобиллари билан ифодалаган. Масалан, "hum"ни – «Ё Раб, ё Ҳофиз» ва "aum"ни – «Ё қоҳир, ё қодир» ва шунингдек, нафас олиш ҳамда чиқаришда айтиладиган "hansa-soham"ни – «Раб руҳий» – «Раб ал-арбаб» эквивалентида берилган.

Семантик нуқтаи назардан ушбу атамалар у қадар аҳамияга эга бўлмаса ҳам, муҳими, йогада "қудрат" маъносини билдирувчи "Етти улуғ мантра" сўфийлар зикрда истифода қиласидиган Тангрини улуғлувчи иборалар билан мантиқан ўз маъносини топган" (96:116).

Амртакунда асариниг форсий таржимаси ва унинг муаллифи ҳақидаги ижобий муносабатлар орасида салбий фикрлар ҳам бўлган. Таржимоннинг библиографи ҳамда ном бўйича адаши Муҳаммад Гҳавтҳ ўз мавзуи "қаҳрамони" таржи масини, санскрит тилидаги сўзларга форсий руҳ берib, таълимотнинг дахрий жиҳатларни исломга яқинлаштиришга ҳаракат қилганиликда «айблаган». Бевосита таржимоннинг ўзи эса, матнда бундай сунъийлаштиришни инкор этиб, араб тилида санскритдаги диний атамаларга айнан мос ва монандликда риоя қилганига ишонган.

К.В.Эрнст мақоласида, айниқса, сўфийларнинг нафас назорати ва медитация сингари машқларда йоглар тажрибасидан фойдаланганликла-рига зўр берилган. Гарчи олим бу ҳақда конкрет паралеллар келтирмаган бўлса-да, эҳтимол, у нақшбандия сулукининг "ҳибси нафас", "муроқаба" ёки ҳинд сўфийлари учун одат бўлган баъзи йога машқлари унсурларини назарда тутган бўлса керак. Бу билан биз мутлақо ҳинд сўфийларнинг йога таълимотига қизиққанликлари ва маълум даржада уни ўзлаштирганликлари бўлиши мумкинлигини рад этмоқчи эмасмиз. Аммо шунингдек, бизнингча, тадқиқотчи томонидан тасаввуф таълимотининг мустақил тафаккури ва муштарак тажрибаси мавзуига якун яшасалиши ҳам мантиққа зиддек. Чунки, ҳали фанда мусулмон мистикаси тадқиқоти учун ечилиши керак муаммолар етарли: сўфий матнларни тушунишдаги қийинчилликлар, уларга хос дунёқарашларга бағишлиланган тадқиқотларда учраб турадиган ўзаро қарама-қарши мунозаралар ва бошқалар.

Бу масалаларни ҳал қилиш йўлидаги яна бир ғов, "Тасаввуф адабиётининг таълимот тари-

хи билан доим ҳам мос тушавермаслиги. Образли қилиб айтганда "уларнинг бири бор-йўғи гулхандан отилган бир учқун бўлса, иккинчиси, гоҳо худди гулханнинг учқун чиқармай ёнишини эслатади" (111:261–262).

Д.С.Тримингем эса ўз изланишларида, ҳар икки таълимот хусусида К.В. Эрнестга нисбатан тасаввуфдаги "исломий пойдевор" факторига кўпроқ диққатни қаратган:

"Ҳиндистонда деярли бирор сўфий жамоаси маҳаллий диннинг таъсиридан мутлоқ тарзда сақланиб қололмаган. "Амртакунда" ҳам ўз вақтида ҳинд сўфий жамоалари орсида маълум бўлган. Йоганинг айрим усуллари Шаттария сулуки жамоасида қўлланган. Шу тариқа талай тариқат сулуклари турли пантеистик таълимотлар билан омихталашиб, уларда йоғлар тажрибасидан кўп нарсалар ўзлашган: аскетизм, вегетарианлик ва бошқалар".

Лекин шунда ҳам инглиз олими фикрича, "Мусулмон мистицизмини синкетик деб бўлмайди, негаки, сўфизмда руҳий такомилликка эришища ўзга услублардан фойдаланилган бўлса-да, уларнинг ҳаммаси муайян ўзгаришларга юз тутиб, соф мусулмон йўналишига бўйсундирилган" (73:117). Яна бошқа бир Farb тасаввуфшуноси Т.Букхарда мусулмон мистицизмининг соф ҳолатда исломнинг ўзига талуқли эканлигини таъкидлаб, тасаввуфнинг ўз илдидизлар ҳақидаги холосасини шундай қатъият билан изоҳлайди:

"Шарқшунослар сўфизмнинг келиб чиқишини хайриҳоҳликлари туфайли ҳинд, неоплатон ва христиан манбаларига тегишли, деб белгилайдилар. Сўфизмнинг исломдан вужудга келганлигини тасдиқловчи аргументлари, унинг ўзида яши-

ринган, бордию, сұфийлик ақл-заковати исломдан ташқари манбада бўлганида, бу қадар унинг ҳақиқати ҳақида бот-бот Қуръони каримга мурожаат қилинмаган бўлурди"(41:90).

Шунингдек, рус шарқшуноси У.Бертельснинг тасаввуфни айрим мутахассислар томонидан турли таълимотлар конгламирати — қотишмаси эканлигига яқин хулосаларга қарата билдирган нуқта назари ҳам диққат-эътиборга арзизулик:

"Европа тадқиқотчилари "фано"ни буддизмнинг нирванаси даражасига кўтаришга ҳаракат қилганлар, аммо бундай бўлиши мумкинлиги гумон, чунки мазкур давр сўфий мутафаккиларининг ҳинд фалсафий таълимотлари тўғрисида аниқ-таниқ тасаввурга эга бўлганликларини ҳамон исботлаб беришнинг имкони бўлмаётиди..."

Сўфийлар ўзлари ҳам бу ҳақда ақалли бирор сўз демаганлар. Хуллас, сўфизмнинг фанога келган йўлини буддизм тараққёти билан ҳеч қандай умумийлик ери йўқ. Агар бу ерда "ўзлаштириш" хусусида гап боргудек бўлса, бу — биз юкорида танишганимиздек, сўфизм фанога қисман неоплатонизм назариясидан фойдаланган ҳолда ўзи мустақил равишда келган бўлиши керак"(19:32)

Фарб тадқиқотчиларининг, албатта биринчи галда ўз менталитетлари замирида тасаввуф тарихи, ғоявий назарияси, амалиётiga мансуб тажриба ва услублари тўғрисида қилган баҳсли таҳлилларидан тушундикки, улар сўфийлар феноменини ё нисбатан мустақил ёки ҳар қалай "қотишма" маҳсули сифатида баҳолаганлар. Бизнингча эса, қалаванинг учини, ҳар икки тараф мубоҳасаю мулоҳазасини инобатга олган ҳолда, тасаввувфнинг то йогани "ўзлаштириши" даражасига етгунича, унинг аввал Ҳиндистон ижтимоий, иқ-

тисодий ва фақат шундан сүнгтина маданий-маърифий ҳаётига "ўзлашуви"дан изламоқ даркор. Сабаби, ўз мустақил таълимотларига эга сўфийлар то йоганинг амалиёти билан юзлашгунча, ерлик мутахассислар ёзишича, улар ҳинд сарзаминида хорижий фуқаролар учун шарафли, аммо узоқ ва машаққатли мухожирлик йўлини босиб ўтганлар.

Мабодо мазкур шарафли ва машаққатли йўлниниг тарихини бир чеккадан варақласак, ўтган X-XIX асрларга оид Ҳиндистон тарихи юза-сидан китобат этилган қўлёзмалардан тортиб то ҳозирги замон илмий ва оммабоп манбаларигача, сўфийларнинг ҳаёт тарзи ва амлий фаолиятига жуда катта эътибор берилиб, энг муҳими, уларга тегишли нуқтаи назарлар илиқ муносабатда баён этилган. Фикримизнинг исбот-далили учун, бир қатор ҳиндистонлик илм аҳли асарларидан ниҳоятда муҳтасар равишда иқтиbos ва лавҳалар келтирамиз:

"Мусулмон саркардалари қўшинлари орасида Ҳинидстонга олимлар, фозиллар ҳамда сўфийлар ҳам келдилар. Маҳмуд Газнавий юришида қатнашган Абу Райхон Беруний ҳинд диний тафаккури ва фалсафасидан фоятда таъсирлаган. У ҳатто санскритни ўрганиб, диний манбаларни мустақил мутолаа қилиш даражасига етган.

Мутаасиб уламолар маҳаллий халққа "коғирлар" деб қараган бўлсалар, сўфийлар уларнинг тили, дини, урф-одати ва маданиятига жуда қизиқсиниб яшадилар. Улар табиатан бҳактларга яқин бўлиб, оддий омма орасига тез кириб бордилар".

"Сўфийлар исломни оддий авом ичига олиб киришда рағбат кўрсатиб, улар бу ишни ўзаро

төңглик ва инсоний иззат-ұурмат асосида олиб борғанлар. Масалан, Маҳараштра сүфийсі Шайх Мұҳаммад үз ёзган китобини ҳиндча ном билан «*Yogasangvaha*» – «Йогасангваҳа» деб атаган. У асарда араб тилидан күра күпроқ санскрит ва маратхи тилларидағи атамаларни құллаган: қалбни – "antahakaran", жаҳолатни – "tamogun", камолатни – "sadagun". Аслини олғанда бундай атамалар Патанжали, Шанкарачаря ва ведантанинг тафси-лотларида истифода этилған эди".

"Хамидуддин Нагорий яшаган ердаги аҳоли асосан вегитариан бўлган. Шунинг учун сүфий үз даргоҳига келувчиларга маҳаллий таомдан ташқари егулик олиб келишини ман этган, токи бундан хабар топган ҳиндлар ғазабланмасин. Ёки ҳазрат Хўжа Мўйниддин Чиштийнинг даргоҳларида пиёз ва саримсоқ истеъмол қилинмаган. Ҳазрат Бобо Фарид эса, Аллоҳ зикрини ерлик толибларга панжобий тилда ўргатган. Бундай таҳсил ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги тўсиқларни йўқота борган"(108:9–21).

Маҳаллий тил, дин ва урф-одатларни маҳсус ўрганган Мулла Довуд ва Усмон сингари сүфийлар ҳинд–мусулмон бирлигини үз амалий билим ва фаолиятлари билан мустаҳкамлашга муясар бўлганлар. «Бирлик» хусусидаги сүфийлар хизматининг яна бир мұхим томони, улар икки эътиқоддаги үзаро туташ тушунча ва нуқталарни илмий–назарий тарғиботида ҳам фаол қатнашганлар. Ҳаттоқи, айрим асарларда ҳинд–мусулмон таълимотларидағи ҳос атамалар муштарақлиги масаласида ҳам паралел экивалентлар мавжуд эканлыги исботи берилган: «svat» – жони жаҳон, «janana» – маърифат, «marga» – тариқат, «guru» – пир ва ҳоказо(92:64).

"Абулфазл қаламига мансуб "Ойин-и Акбарий" асарининг учинчи жилдида, муаллиф ҳиндупарастлик асосларига тўхталиб, динлар ўртасидаги ўзаро мухолифат руҳиятини бир чеккага қўйиб, ҳинд эътиқодини сўфиylар фалсафаси билан қиёслаб ўрганишга чақирган. Ҳинд-мусулмон бирлиги ва ҳамкорлигига тарафдорлик масаласида, ҳали бобурийлар даври зиёлиларидан анча олдинроқ фаолият кўрсатган таниқли дин ва давлат арбоблари бўлганлиги маълум: Кашмирда Зайн ал-Обидин, Бенгалияда Ҳусайн Шоҳий, Аҳмаднагарда Одил Шоҳий ва бошқалар.

Айрим ҳинд сўфиylари, хусусан, машҳур Мирза Мазҳар Жони Жаҳон Рам ва Кришнани ҳам Аллоҳнинг 124 минг юборган пайғамбарлари сирасидан деган. Чунки, у ва унинг ҳамфикрлари ичида Ҳиндистон ярим оролидек катта бир минтақага илоҳий пайғом юборилмаслиги гўё мумкин эмасди(91:130). Балки, шунинг учун бальзи ҳинд тадқиқотларида Шис ва Аюб пайғамбарларнинг Ҳиндистонда дафн этилганлиги қайд этилгандир?

Бир тарафдан, айрим ҳинд сўфиylари ўз фикрида ёлғиз эмас, бу хусусда ўтмиш ва ҳозирда ҳам уларга яқин ҳамфикр бўлган хорижий диншунослар топилади. Мисрлик олим Муҳаммад Абу Заҳра қиёсий диншуносликка оид ўз асарида Будда ҳақидаги маълумотларни Исо(а.с.) ҳаёти, фаолияти ва кароматларига хос воқеа ва ҳодисалар билан муҳояса қилиб, унинг пайғамбар эканлигига эътиборни қаратади:

**«Исо айтдики: «Мени Мусога тушган китоб ёки пайғамбарларни йўқ қилишга келган, деб ўйламант...»**

*Будда айтдики: «Мен Мусога тушган китобни бузиш учун келмадим, балки уни мукаммаллаштириш учун келдим...»*

*Исо деди: «Душманларингизни яхши кўринг, баҳтсизларни дуо қилинг, сиздан нафратланганларга яхшилик қилинглар...»*

*Будда таълимотига кўра, «аҳлимиз ва қўшниларимиз билан ҳамиша меҳр-муҳаббатда ва гўзал хулқда бўлишимиз керак...»*

*Исо Куфр Наҳим шаҳрига бориб, таълимотни ўргатиб, хушхабар берган кунларининг бошида унга тўрт киши қўшилди ва шогирд бўлди. Шу вақтдан бошлаб кўплаб эркак ва аёллар унга эргашдилар...»*

*Будда Банорас шаҳрига бориб, таълимотни ўргатиб, хушхабар берган кунларининг бошида, унга Кундиня, сўнг яна тўрт киши қўшилиб, кейин қолганлар шогирд бўлдилар. Ваъздан кейин эса, унга кўплаб эркак ва аёллар эргашдилар»(132:62).*

Сўфийларни ҳинд ҳаётининг деярли жами жабҳалари билан қизиқсанликлари, уларнинг диний ва миллий қадриятларга умуминсоний маънавият манбалари сифатида қараганликларига яна жуда кўплаб тарихий, маърифий ҳамда ижтимоий характердаги мисоларни келтириш мумкин. Ва маънан фақат энди – тариқат аҳлининг ҳинд жамияти хаёти хусусиятларидан боҳабар бўлганликлари ва уларнинг маҳаллий диний-фалсафага нисбатан ижобий қизиқишлари қай асосда вужудга келганлиги аён бўлгач, биз йога ва тасаввуф тўғрисидаги қиёсий таҳлилимиизни давом эттириб, сўнг, йог ва солик амалиёти баёнига ҳам ўтамиз.

Академик Бертельснинг "фанонинг буддизм нирванаси даражасига кўтарилиши ва сўфийларнинг ҳинд таълимотлари бўйича тасаввури" ҳақидаги гумони, ўз даври ва шароити информатикаси учун, албатта, тўғри эди. Лекин замона зайлар билан илмий маълумотларнинг жуғрофий ҳудудлари кенгайиши узоқ ва яқин ўтмиш маълумотларига янгиликлар киритиб келмоқда. Шу маънода, сўфий мутафаккирларнинг йога борасидаги тасаввури ва тажрибасига ҳам.

Бир қатор Farb ва Шарқ илмий-тадқиқий таҳлиллари ва тахминларида кўрганимиздек, йога ҳамда тасаввувуф ўртасидаги мавжуд муштарак ришталар, асосан, "ўзлашма"нинг "ўзлаштирувчи"га кўрсатган таъсири билан «ўлчанганд». Бу услубда, диний таълимотларни қиёсий ўрганишнинг уҳровий мантиғи қолиб, кўпроқ уларнинг дунёвий мазмунига урғу тушмоқда. Ҳолбуки, илми ғайб оламига бошловчи йўллар турли, манзил оса бир. Манзил ҳамма учун бир бўлганидан кейин мақсад ва унга интилиш мантиғи ҳам бирдир. Бу йўллар таҳлилида муҳими, "бирлиқдаги турфалик" ва "турфалиқдаги бирлик" тамойилини унутмаслик.

Демак, йога ва тасаввувуфдаги назарий ё амалий ўхшашликларни ўрганишнинг бош тамойили – бу уларга йўғрилган илоҳий ҳақиқатнинг бамисоли қуёш нури каби барчага баробар ёруғлик манбаи эканлигини аниқ мисолларда далилландан иборат бўлиши керак. Зоро, ушбу тамойилнинг энг синашта омили бўлган йог ва соликнинг маънавий-маърифий камолотта эришув жараёнида юз бурувчи турли руҳий ўзгаришлар динамикаси, "аштанга йога" ва тасаввувуф мақомотларининг қиёсий таҳлили воситасида янада ой-

динлашади. Бунинг яхлит қиёсий тимсолини қуидаги "йога-тасаввуф" мақомотининг амалий таҳлили натижасида кузатамиз:

### *1. "Яма – Тавба"*

Йогнинг ўз нафсини махв этиб, асл руҳий покликка қайтишига ҳозирлиги, бамисоли солик учун муқаддам йўл қўйилган хатолар иситиффори йўлида қўйилган биринчи қадам. Йог ва солик ушбу имтиҳон ибтидосидан бошлаб, ўз аҳду қарорини бир вақтнинг ўзида икки йўналишда татбиқ этади: ботинда ва зоҳирда. Ботин билан боғлиқ жиҳат – бу моддий манфаат ва ҳою хавасларга қарши ҳулуси дилдан курашга киришиш. Аҳднинг зоҳирий моҳияти эса, дину диёнатда ман қилинган ахлоқий қусурлар ва жами гуноҳли ишлардан ҳалос бўлишга интилиш. Биринчи босқичдаги "яма" ёки "тавба" мақоми йог ва соликнинг сийрати ва суратини Худога хуш келмайдиган хаёл ҳамда амаллар одатидан ҳимоялайди.

### *2. "Нияма – Варъа"*

Йогнинг фақат шаръий амалларни бажаришга ўтиб, сабр-қаноат борасида юксалиши, бамисоли соликнинг ўз тавбаси аҳдига бўлган садоқатиниг синови. Йог ва солик табиатидаги кундалик турмуш иллатлари, хавф-хатар ва вассаларга муқобил руҳий устуворликни Тангрига таваккул қилиб, бири ўз қалбини ҳинд учун муқаддас бўлган "Ом"<sup>1</sup>, иккинчиси бўлса ўз имонини илоҳий зикр билан мустаҳкамлайди.

### *3. "Асана – Зуҳд"*

Йогнинг машҳулар ёрдамида жисмоний тобланиш орқали руҳини моддийликка муте-

1. Ом – (омкара) ҳиндар талқинида Абсолют ҳақиқатни англатувчи трансцендентал бўғин.

лиқдан озод қилиши, мантиқан, бамисоли соликнинг моддий ва ҳиссий парҳезда дунёвий ҳузурхаловатлардан воз кечиш жараёни. Тангри тажаллийсидан умидвор йог ва солик, бу босқич ва мақомда ўзларида уйғонган покиза руҳий сифатлар шарофати боис, дунё матосидан кўнгил узиб, парҳездаги чекланишлардан мутлақо афсусланмай, шахвоний тазийқлардан воз кечиб покдомон яшайди.

#### *4. "Пранаяма – "Хуш дар қадам"*

Йогнинг нафасни онгли равищда бошқариб, уни бир маромга тушириши ва юриш-турищда ўзгаларга нисбатан беозорликка эришиши, бамисоли соликнинг нафасни тегиши маром билан бошқариб, "бир нафасдан иккинчисига ўтишнинг ғоғиллик юзасидан бўлмаслиги"га амал қилиши(34:16). Бунда шунингдек, нафасни олиш ва чиқаришнинг муайян ритмга туширилиши ҳамда нафасни маълум муддатта тўхтатишга эришиш услугуби, деярли ҳар икки таълимот учун ҳам умумий.

#### *5. "Пратяжара – Назар бар қадам"*

Йогнинг киши ҳис-туйғуларини ўзига жалб қилувчи жозибадор нарсалардан сақланиши ватийилиши, бамисоли соликнинг назари доим оёқ панжаларининг устида бўлиши, яъни назари сочилмай кераксиз – ножоиз жойларга тушмаслиги.

#### *6. "Дҳарана – Муроқаба"*

Йогнинг онг ва эътиборни бир ерга жамлаши ва уни исталган мақсад томон – Тангри тажаллийсига йўналтира олиш қобилияти, бамисоли соликнинг ўз фикрини бир нуқтага жамлаб, Худо ёдида ҳамма нарсани унитиб, қалбу шуур мушоҳадасига фарқ бўлиш онлари(39:71).

## *7.Дҳияна – Ражо"*

Йогнинг ўз мақсадига етиш йўлидаги порлаши ёки мунаварликка мұяссарлик умиди, бамисоли солик қалбининг маҳбуб – Тангри васлига етиш йўлидаги умидворлиги. Йог ва соликнинг умидворлик ҳолатигача чеккан риёзатлари ҳам деярли бир хил кечади.

## *8. "Смадҳа – Ризо"*

Йогнинг транс ҳолатида ғайблік оламига хос хотиржамлик ҳиссини туюши – унинг Кришна онгига кириши, бамисоли соликнинг "нафс ризосидан чиқиб, Ҳақ ризолигига кириши".

Қиёсий баёнимизга илова сифатида яна шуни эслатиб қўймоқчимизки, Абдуҳолиқ Фиждувоний ҳазратлари жорий этган умдаларга ҳазрат Баходуддин Нақшбанд томонидан қўшилган ""Вуқуфи замоний", "Вуқуфи ададий", "Вуқуфи қалбий" тамойииллари йога таълимотининг бошқа йўналишларида мавжуд бўлиб, улар кези келганда қисман баён этилади. Бунинг учун эса, дастлаб Фахруддин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айнил-ҳаёт" асари таржимасидан мухтасар парчалар келтириб, сўнг яна йога ва тасаввуф таълимотлари муқоясасига қайтамиз:

**"Рашҳа 1.** "Хуш дар қадам" ул турурким, ҳар нафасеким, ичкиаридин келур, керакдурким, ҳузур ва огоҳлик юзидин бўлса ва ғафлат онга йўл топмаса..."

**Раҳҳа 2.** "Назар бар қадам" улдурки, соликка юрганда ва келгонда шаҳару саҳрода ва барча ерда назари пўшти пойида бўлсун, токи онинг назари пароканда бўлмасун ва дуруст эрмас жойга тушмасун...

**Раҳҳа 3.** "Сафар дар ватан" ул турурким, солик табиати башарийда сафар қилур, яъни сифати башарийдин сифати малакийга ва сифати замимадин сифати ҳамидага интиқол қулур...

**Раҳҳа 4.** "Хилват да анжуман" Ҳазрат Ҳожа Баҳоуддин айтишларича: "Ичдан Ҳақ билан ошно бўл, таш(қари)дан – бегонадек тут. Жаҳонда бундай чиройли йўл кам бўлади"...

**Раҳҳа 5.** «Ёдкард» – ул иборатдур зикри лисоний ё зикри қалбий... Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳ Аҳрор ёзишларича, "зикрдин мақсад улдурким, кўнгил ҳамиша муҳаббат ва таъзим вазъи била Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға огоҳ бўлсун"...

**Раҳҳа 6.** "Бозгашт" улдурким, ҳар марта-баеким, зокир тили ва кўнгли бирла "Калимайи тоййиба"ни ойтур, онинг изида шул тил била айтсун: "Худовандо, манинг мақсудим сан туурсан, санинг ризонг туурур"...

**Раҳҳа 7.** "Нигоҳдош" – ул иборатдур муроқабайи хавотирдин, ондоғким, бир дамда неча мартаба "калимайи тоййиба"ни ойтурким, хавотири файриға ташқари кетмас...

**Раҳҳа 8.** "Ёддошт" ким, мақсуд ондин ҳама ул турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға батариқайи завқ доимо огоҳ бўлмоқдин иборатдур ва баъзи бу иборат бирла ойтибдурларким, ҳузури беғайбат туурур...

**Раҳҳа 9.** "Вуқуфи замоний". Ҳожа Баҳоуддин қуддиса сирриҳу ойтиб турурлар, вақуфи замонийким, йўл юрувчиларнинг коргузорандаси туурур, ул турурким, банда ўз аҳволиға воқиф бўлсунким, ҳар замонда онинг сифати ва ҳоли не туурур: мужиби шукр туурми ё мужиби узр?...

**Раҳҳа 10.** "Вуқуфи ададий" ва ул зикрда ададни риоя этмақдин иборатдур. Ҳазрати Ҳожа Ба-

ҳоуддин құддиса сирриху ойдилар: "Зикри қалбда аدادни риоя этмак пароканда бұлған хавотирларни жамъ этмак учун турур"...

Рашxa 11. "Вуқуфи қалбий" ул турурким, ул икки маъниға маҳмудлур. Бири улким, зокирнинг күнгли воқиғи ва огоҳ бұлур Ҳақ субҳонаҳу ва таоло(дин) ул ёддош мақуласидин турур..." (76:38–47),

"Бҳагавад-гита"да санаб үтилган йога таълимотининг қайсики йўналиши бўлмасин, у – ақлийми, жисмонийми ё руҳийми, барибир охир оқибатда уларнинг ҳар бири диққат-эътиборни жамлаш, уни имкон қадар бошқариш ва албатта натижасидан фойдаланиш билан якунланади.

Мажозан олганда, исталган масаллиҳ борерда ундан тегишли тажрибасиз доим ҳам лаззатли таом тайёрлаш мумкин бўлавермаганидек, йога ёки тасаввуф тамойилларида ҳам фақат муайян ҳозирлик ва муттасил машқлар тажрибаси муваффақият гаровидир.

Тўғри, бу машаққатли йўлда гоҳо йог ва соликнинг холис Тангри ихтиёри билан дафъатан руҳан илоҳий марҳаматларга ноил бўлиш ҳолатлари ҳам мустасно эмас. Бироқ шунда ҳам, ўз аҳдига содиқ йог ё солик умидворлиги, фақат унинг амалиёти ва оқибати билан бардавом. Чунки, муқаддам илоҳий мукофотга мұяссар йог ва соликнинг мақсаддан манзилгача бўлган йўллар ўртасида қолиб кетиши мумкинги манбаларида ҳам огоҳлантирилган.

Баёндан аён бўлган бўлса, медитация ёки муроқаба жараёни, руҳий ҳамда жисмоний поклиқдан ташқари, доимий изланиш ва шуғулланиш шарти билан, ҳа, кимдадир тез ва кимдадир узоқ

муддатда натижа бериши мүмкін. Бунда йог ҳам, солик ҳам, аввало, ўз юрагига яратилишидан хос бир хусусиятни онгли равищда ҳисобға олимоги керак: "...Зероки, Ҳақ субҳонаңу ва таоло дилни шундай яратганки, у ҳеч қачон бирор нарсага боғлиқсиз турмайды. (Фақат) унинг бошқа нарсага боғлиқлиги тамом бўлгач, энди унинг боғлиқлиги Ҳаққа бўлади... Унинг сўзлаши, эшитиши ва кўриши бошқа нарсалардан узилади" (90:34).

Одатда йог ва солик медитация ҳолатига киргандарида, уларнинг ботинида кечадиган туйфулар уммонини ташқаридан ҳис қилиш тугул, ҳатто тасаввур ҳам этиш қийин. Башарти, инсонларнинг ақлан, руҳан ва умуман, табиатан бирбirlаридан мўттадил ёки кескин фарқ қилишларини инобатга олинса!

Бинобарин, медитацияга тегишли илмий ва фалсафий таърифлар фақат умумий тушунча ҳосил қилиш учунгина етарли, чунки, бу жараёндаги индвидуал кечинмалар ҳеч бир таъриф доирасига сифмайди. Шундай бўлса-да, мазкур ҳолат хусусидаги баъзи тўпланган тажриба асосида ражйог ва соликнинг ҳиссиётлари оламига қисқача экскурс қилиб, улар руҳиятидаги ўзгаришлар билан танишамиз.

Масалан, ражйог медитацияга киришдан олдин икки қоши ўртасининг ортидан ўз "Мен" и – руҳини топиб, унда ақлан ўзлашиб, сўнг очиқ ҳолатдаги кўзларини бирор ёруғ нуқтага қадаб Тангри тажаллийси тафаккурига берилади. У шунда – узоқ ёки қисқа бир муддат ичида ўзлигини – аъзои баданини унитиб, руҳий олам билан юзлашишга ўтади. "Гуру" раҳнамолигида йог машқ ва тегишли тажрибадан кейин, насиб этса, юксакликка – латиф фаришталар ҳузурига кўтари-

лади. Ражйог бу ҳолатта шунингдек, Гуру тасвирига тикилиб ёхуд унинг хаёлдаги тасаввuri билан ҳам ноил бўлади.

Тасаввуфда "муроқабадан асосий мақсад, ҳаётга йўғрилиш орқали унинг сирларини очиш – ҳақиқатни англаб етиш. Сўфийлар бу жараёнда Пайғамбар, муқаддас зотлар ёки пири муршид сиймоси тасаввуридан фойдаланадилар" (73).

Муқоясадан маълум бўлдики, ражйог ва соликнинг медитация, яъни муроқаба услуби, воситаси, мақсад манзили, айrim хосликларни айтмаса, деярли бир хил. Буниси ҳам майли, ҳали бундан ташқари, ражйогнинг "атисукҳ" – "ўта баҳт" лаззати шодлигига мушарраф бўлиш онларининг тасаввуфдаги "ҳол" мартабасига вобасталиги, ўзининг яна бирлиқдаги турфалиги ва унинг акси билан фан ва амалиёт учун ниҳоятда аҳамиятли. Лекин "ҳол" ва "атисукҳ" ҳолатларининг тўғри таҳлили фақат медитациянинг ўзини тўғри тушиши билан ўлчанади. Шу сабабдан медитация атамаси ва воқелиги ҳақида икки оғиз сўз.

Йога фалсафаси илмий муомалага киритилганидан бери, руҳнинг моддийликдан ажralишига хизмат қилувчи машқлар лотин тилидан олинган "meditativo" – медитация сўзи билан ифодаланади. Сўнгги чоп этилган нуфузли нашрлар сирасидаги Е.А. Торчиновнинг "Дунё динлари" китобида, гўё медитация – "бу атама мантиқан йогада назарда тутиладиган ҳолатни ўзида англатмайди", деган хуносат ўртага ташланган. Яъни, "лотин тилидаги мазкур сўз аслида тафаккур маъносини билдиради, психотехник машқлар эса, тафаккур жараёнидан буткул ташқари" (75:29).

Фикримизча, шу вақтгача йогада анъанавий тасаввур негизида истифода этиб келинаётган

"медитация" атамаси масаласига унинг фалсафий эмас, луғавий жиҳатдан қаралиши, анлашилмовчиликдан /бўлак бирор нарса бериши қийин. Қолаверса, ҳали барча босқичларни тўла ўзлаштиргаган йог учун фақат тўғри ва сокин тафаккургина мушоҳада кучининг ривожланиши ҳисобига ҳиссиётларни жиловлади ва шундагина руҳ покиза тўйғуларга йўғрилади.

Йогнинг ўз-ўзини топишида ҳам ақл-идроқнинг қуроли бўлган тафаккурга катта масъулият юкланади, чунки ҳал қилувчи кураш доим онг ва нафс ўртасида боради. Ёки тасаввуф талқинича, «Дилнинг ҳақиқати идрок қилувчи қувватдан иборат бўлиб, ҳар тарафга кетаверади, ҳар нарсани ўйлайверади. Кўз очиб юмгунча осмонга етади. Оламни сайр қилишга мұяссар бўлади. Уни ҳамма ўй-фикрлардан безор қилиш ва уни ҳамма нарсадан совутиш лозим(90:64).

Ҳинд диний матнлари таърифида "онг – бу руҳнинг мавжудлик нишонаси. Ҳа, баъзан руҳ, гўё рангли шишадан ўтиб ўз рангини ўзгартирган нур қаби моддийлик пардаси билан қопланади" "Амритабинди упанишад"да таъриф этилганидек, "Агар онг ҳиссиёт оғушига тушса – у қулликнинг сабаби, ундан холи бўлса – бу ҳурликнинг манбай". Зотан қулликдан ҳурликни ажратадан олган одам ғам ва шодлик, иссиқ ва совуқ, ҳурмат ва хўрлик ўртасидаги фарқ изтиробларидан ўзини озод ҳис қиласи" (17:304).

Тасаввуфда "Хол мақоматдан кейин келадиган хусусият бўлмасдан, балки мақомларни бирма-бир эгаллаш жараёнида юз беради. Бошқача қилиб айтганда, мақом қатъий амалий назорат босқичи ажзу изтиробнинг чуқурлашиб, кучайиб боришини англатса, "хол" руҳий тараққиётнинг

ҳосиласини билдиради: соликда ўзгача ҳолат, ўзгача руҳий кайфиятнинг юзланишидан хабар берриб туради. "Ҳол" (кўплги аҳвол) – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандек ярқираган чароғон нурни туиши лаззати. У бир лаҳза пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. "Ҳол" – илоҳий раҳмат ва бракотнинг нузул бўлиши, қуиилиб келишидир" (39:29).

Мана энди, муҳтасар равишда "ҳол"га параллел бўлган "атисукҳ" ҳолатини тавсифлашга киришишдан илгари, "илоҳий нур" тушунчалининг индуизм ва исломдаги таърифи ва моҳиятининг бирлиги ё турлилиги ёхуд муштарак ҳамда фарқли томонларига аниқлик киритсак.

Тасаввуфда "Мақсад қилинган тажаллий нурлари ҳамиша зоҳирдир. Дил ва жону тан ҳаёти ўша нур билан боғлиқ. Агар (ҳатто) мавжудодлар зоҳиридан (ўша) бениҳоя нурлар партавининг битта ярқираши тўхтаса, барчасидан асар ҳам қолмайди. Ақлдаги донолик ундан, дилдаги ташналик ўшал ирода нурларидан бир партав. Қўлдаги қудрат(киройи) оёқдаги равонлик, кўздаги кўрувчанлик ва қулоқдаги эшитувчанлик ўшал тажаллий таъсирисиз маҳол...." (90:34).

Индуизмдан билдикики, инсон руҳи Браҳманинг зарраси, шунинг учун у – илоҳий. Ражайогада "пракаш", яъни нур – руҳ озуқаси. Демак, "Жами аъзои бадан руҳ зарраларидан озиқланади. Ўпкадан кислородга тўйинган қизил таначаларнинг энергия манбаи ҳам руҳий заррадир, шунинг учун танадан руҳ чиқиши билан қон юриши ҳам тўхтайди" (17:10).

Мана энди, "ҳол" мартабасига юқорида берилган батафсил таърифни йога таълимотига ба-

қамти шарҳланса, "ұта баҳт"ни, руҳий маърифатни әттілешке чин дилдан аҳд қылған, моддий манфаатларга бедаҳл ва дүнёвий муаммоларга муқобил пок бандасига нузул этиладиган илоҳий мукофот дейиши мүмкін. Гарчи ваяй нурини түйиш лаззати оний үтса ҳам, бу саодатли ва фарахбаҳш лаҳзалар шунчалик бегубор, порлоқ ва ҳузурли ҳиссиёт ичра кечадики, ушбу нурағшон түйғулар қувончи оламига ақалли бир нафас ошно бўлган йог ё солик, ӯз баҳти ва тақдиридан сармаст, тоабад бу нурли дунё билан бир умр мулоқотда бўлиш орзусида яшайди.

Агар бунда йог учун "рас" – илоҳий шарбатдан тотиб ҳузурланиш "атисукҳ" ҳолатининг меърожи саналса, "Тасаввуфда ваядат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда юз берадики, солик худди "шароб ичган кишидек маст бўлиб, ӯзини буткул унитаёзади. Айни ҳолатни Боязид Бистомий "сукра" – мастилик деб атаган. Унингча, маст бўлмаган одам ошиқ эмас, ошиқ илоҳий шароб – "шароби аттаҳур"дан маству мустағриқ кишидир. У ӯз вужуди – ӯзини буткул унитади ва шунда аллақандай тушуниб бўлмас бир қобилият пайдо бўлиб, солик илоҳий маърифатни ҳис қила бошлайди" (39:44).

Ғайб марҳаматларига сазовор йог ва солик онгида шундай үзгаришлар кузатиладики, бунда энди улар на бирор кўнгилсиз ҳақиқатдан бош тортади ва на бирор изтироб ё ташвиш уларнинг қаддини бука олади. Худди мана шу ирода кучининг ӯзи руҳий озодликнинг биринчи белгисидир.

Бундай "руҳий озодлик"ка яқин түйғу, исломий талқиндаги ғайбдан хабар берувчи Қуръо-

ни карим ояларини ўзлаштирилиши жараёнида ҳам ҳис этилади, яъни:

"Ушбу илоҳий билимларни чин эътиқод билан қабул қилган инсон қалбидага ўрин қолмайди. У Аллоҳ қудратига комил ишонч билан дунё ҳаётининг долғали кўринишларини, ундаги турли ўзгаришларни хотиржам ва сабр-тоқат билан қабул қиласди ҳамда яхшилик сари интилишдан чекинмайди." (63:16).

Тажрибадан яна шуниси ҳам маълумки, гоҳо рағбат мукофоти – "рас" ёки "шароби атта-ҳур" таъсири борган сари камайиб, йог ва солик учун ўз аҳдига бўлган садоқатнинг яна синов даври бошланади. Бунда илоҳий нурлар нузулининг сийраклашуви ва ҳатто фойиб бўлиши, йог ҳамда соликни янада такомиллашувига – ўзида қолган нафс асоратини тутатиш ва шунингдек, бошқа барча жаҳл, газаб, нафрат, густоҳлик, гина-кудурат каби Тангрига ёт, бандасига номуносиб салбий иллатлардан холи яшашга довлади. Ва шундай, гўё кечаги тушдек ўтган дамларнинг бўшлиқлари, энди секин-аста бокий дунё баҳтига мұяссарлик шуури ва ғурури билан тўлиб боради.

Йога ва тасаввуфда юқоридаги йог ҳамда солик мұяссар бўлган баҳтли лаҳзалар марҳаматидан ташқари, яна илоҳий илҳом нозил этилиши ҳам эътироф қилинган. Яъни, «Мусулмон кишининг қалбига ғайбий масдардан тушган, илм берувчи, йўлловчи, эслатувчи нарса илҳом дейилади... Аллоҳнинг фазли ила баъзи мўмин-мусулмонларга илҳом берилиши бор гап.» (83:199–200)

Хусусан, ража йогада ҳам тасаввуфдагидек "Аллоҳ билан хилватда қолган мард инсонда иллардан илҳом пайдо бўлиш ҳолати" қайд этилади.

Ва йога таълимотидаги илоҳий марҳаматларнинг миллий ё диний тафовутларга дахлсизлигини ҳисобга олганда, Тангри томонидан илоҳий илҳом ва илм неъматини йог ва солик аҳлига баробар инъом этилишининг мумкинлигига сира шубҳа қолмайди.

Бундай марҳаматлардан баҳраманд теран тафаккур учун, йога ва тасаввуфнинг сўнгти манзили, яъни йогнинг "Кришна онги"га, соликнинг эса "Тангри ризолиги"га кириши, бир воқеликнинг икки тарафдан кўриниши ёхуд унинг икки турли вақтда содир бўлиши. Зотан, ғайб илмининг нозил этилишида "замон ва макон" тушунчаси нисбийликдан бошқа гап эмас, чунки бу соҳада, мисоллардан амин бўлганимиздек, тақдирда йўқ нарсанинг тадбир билан амалга оширилиши амри маҳол.

Мана энди, ниҳоят, яна нирвана ва фано ҳақида бошлаган сўзимизни давом эттиришга ҳам навбат етди.

Йогада нирвана – сўниш, руҳнинг маънан моддий дунёдан ажралиши ва унинг ўз Аслига қайтиши, яъни унинг транс – ғайблик ҳолатидаги комил ҳиссиётлар олами узра поклик ва чексиз баҳтиёрлик оғушида сузиши. Баъзан ҳиндолар, нирванага мұяссар ражйогнинг моддий дунёда яшаб туриб ғайблар оламига сафари саббини, бамисоли оқмас халқоб сувда униб чиқиб, ўзига гард юқтирмай гулловчи нилуфарнинг поклигига қиёслайдилар.

Тасаввуфга келсак, фанога мазмунан бир, лекин шаклан хилма-хил таърифлар берилган. Шулардан бири "Бандасининг Худо тарафига сайри, у ўзлигидан кечиб, Худо билан танишади. Шун-

дан эътиборан, гүёки ҳақиқий ҳаётга қадам қўйилади, фоний ранжу машаққатлар тугаб, боқийлик саодати бошланади. Чунки, нафсу ҳирслардан тозаланган юракда ишқий эҳтирослар жўшади".

Яна бошқа бир манба бўйича, фанога ўтиш зикр ёрдамида эришилади. Зеро, "барча сўфиylар учун мистик экстаз мақсад бўлган ва бу ҳолатда инсон ўзи ва ўз баданини илоҳийликдан алоҳида ҳис қилишдан тўхтайди".

Фанонинг таърифи тавсифи жуда узун, бу ҳолатнинг ҳис қилиниши ҳам инсоннинг табиати турфа бўлганлиги каби турлича. Ушбу ҳолат баённи бўйича билдирилган холосалар ичида биз учун энг тушунарли ва ҳақиқийси ҳазрат Науойининг қуидаги мисралари:

"Фано недир? Мухтасар дейин: "Ўлмас",  
Ки шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидир",  
(5:27).

Баъзи манбалардан маълумки, сўфиylар орасида ҳақиқатан ҳам йоғлар тажрибаси билан амалда қизиққан, уни махсус ўрганган зотлар ўтган. "Экстаз – шавқ жазавасининг энг садоқатли муҳлиси Семноний йоғлар тажрибасидан кўп нарса ўрганган ва зикрнинг янги усулларини оммалаштирган. У аввал буддапараст Аргун хизматига кириб, кейин кутилмаганде "ҳол"ни ҳис этгач, ўз умрининг қолган қисмини сўфиёна ҳаёт кечиришга багишилаган"(73:57). Қолаверса, сўфиylарнинг йоғларга бўлган ижобий муносабати ёки улар билан мулоқатда бўлиб, суҳбатлар қилгандиллари тўғрисидаги маълумотларни Ҳиндистонда истаганча топиш мумкин:

“Кунларнинг бирида ҳазрат Низомиддин Авлиё руҳоний машқлар билан машғул эканликларида хонақоҳга йог кириб келибди. Шунда Хожа йогдан сўрабдилар:

— Сиз қайси йўлдасиз, таълимотингиз мақсади ва тажрибангиз ҳосиласи нимадан иборат?

Йог дебди:

— Биз инсонда икки йўналиш борлигини ўргандик. Бири, тананинг юқори қисмида, иккинчиси пасткисида. Юқориси бошдан киндиккача, пасткиси эса киндиқдан оёққача. Агар юқори қисм поклик, ҳақиқат ва самимият билан бошқарилса, киши албатта яхши натижага эришади, чунки, бунда пастки қисм ҳам “ўз юқориси”га яраша хизматда фаолият кўрсатади...

Бордию, яна “ҳинд–мусулмон тафаккури”–даги “ўзлашма” ва “ўзлаштирувчи” масаласига қайтиб, мавжуд хуносаларга юзлансанак, ҳинд олими А. Субхоннинг сўzlарича: “Сўфизмнинг ҳинд тафаккуридан маълум даражада таъсирланганини ҳеч ким инкор қилмайди, аммо тасаввуф таълимотига ташқаридан кириб келган унсурларни аниглашга тушганимизда, албатта, уларга нисбатан эътиrozларга ҳам дуч келишимиз муқаррар”(112). Бу хуроса, мавзунинг таҳлили ҳамон очиқ эканлигига шубҳасиз бир ишора!

Ўйлаймизки, “ҳинд–мусулмон тафаккури”–нинг умумий ва айри хусусиятларига, яхписи, маънавий қадриятлар сифатида ёндашиб, улар ўртасидаги мавжуд муштаракликни эса, инсониятга нима янгилик берганлиги нуқтаи назаридан ўрганилгани маъқул. Бинобарин, ража йога ва нақшбандия тариқатининг айрим ўзаро ўхшаш ё яқин диний–дунёвий мулоҳазалари, ҳозирги тадқиқотлардаги турли назарий мубоҳасаса-

лардан фарқли ўлароқ, күпчиликни қизиқтириши мумкин бўлган ўз амалиёти билан қимматли.

Биринчидан, таҳлилда шуни унутмаслик керакки, ража йогада моддий дунё омилига руҳий оламга ўтиш йўлидаги тўсиқ сифатида қаралмайди. Иккинчидан, таълимотда тоат-ибодатни моддий фаолиятдан ажралмаган ҳолда адо этилиши тасвия қилинади. Шунинг учун тасаввуфнинг "Хилват дар анжуман" – "Анжуман ичра хилват" ёки ҳазрат Ҳожа Нақшбанд таърифида "Дар зоҳир бо ҳалқу дар ботин бо Ҳақ" – "Зоҳирда ҳалқу ботинда Ҳақ билан" рукни, мазмунан ража йога талабларига тўла мос тушади. Мисол сифатида келтирилган дастлабки қиёсларнинг мантиқий давоми, қўйидаги ҳар икки таълимот хусусиятлари тафсили билан биргаликда баён этиб борилади.

Ража йога оиласи масалаларда ҳам тўлақонли жамиятнинг устувор қонунларига қарши эмас, аммо шу билан бирга уларни тарғиб ҳам қилмайди – мўътадил: бир тарафдан, ўзларини ҳар томонлама покликка бағишлаган йигит-қизларни фаришта янглиғ умргузаронлик қилишларини ёқлайди, иккинчи тарафдан, оиласиз якка-ёлғиз яшашга ҳам даъват қилмайди. Шунингдек, доимий медитация билан машғул бўлиш, парҳез қилиш, рӯза тутиш ҳам йогнинг табиати ва имконияти даражасида фарз.

Ражйогнинг турмуш тақозоларига мос ва монандлик ери, маҳсус ибодат – медитация билан шуғулланишга имконият бўлмаганида, уни Тангри билан боғлайдиган ришта, юрган-турганида ёки бирор иш билан банд бўлганида ҳам узулмай қолавериши мумкин. Шу жиҳатдан нақш-

бандия тариқатининг "Даст ба кору дил ба Ёр" ибораси, айнан Ража йога фоявий таркибининг бош тамойили. Аммо, ушбу иборанинг бевосита ража йогага тегишли тавсифига ўтишдан бурун, унинг тасаввуфшунослиқдаги баъзи жорий талқинларига доир таҳлиллари билан танишиб чиққанимиз яхши, токи навбатдаги икки таълимот қиёсида хато ва камчиликларга йўл қўйилмасин.

"Нақшбандия ҳақида сўз боргандা, — дея ёзади адабиётшунос Ё.Исҳоқов, — Абдуҳолиқ Фиждувонийга мансуб "Даст ба кору дил ба Ёр" ибораси тўғрисида баъзи мулоҳазаларни баён қилиш зарурга ўхшайди. Чунки, бу ибора турли ёзиб келинишидан ташқари, унинг тўғри вариантини шарҳлашда ҳам юзакилик кўзга ташланади. Ориф Усмонов ёзади:

"Яъни, бул машҳур иборадаги "Даст ба кор"-лик ҳолати "Дил ба Ёр"лик ҳолатидан олдин келган эди. Айтмоқчимизки, нақшбандия(ҳожагон) тариқатида ижтимоий дунёвийлик жиҳати, унинг илоҳийлик жиҳатидан устун турар экан..."

Юзаки қараганда, ҳар бир ҳодисадан ижтимоийлик қидириш таомилда тўғри бўлиб кўринади. Аслида эса аксинча, мазкур ибора — тавсия илоҳийликни янада кучайтиришга қаратилган. Яъни, Аллоҳни зикр этиш (зикри жаҳрийдагидек) вақти-вақти билан эмас, балки узлуксиз — доимий бўлиши керак. Бинобарин, ҳамма вақт — ҳатто, қўлинг иш билан банд бўлган пайтда ҳам дилинг Унинг зикри билан машғул бўлиши керак. Ана шундагина Унинг нақши қалбда муҳрланиб қолади"(34:18).

Энди "Даст ба кору дил ба Ёр" иборасига нисбатан ража йога бош тамойилини татбиқ қилиб, ўзаро паралелл равишда кечувчи "кор" билан

"Ёр" ёди муносабатининг илоҳий ва ижтимоий томонларини қандай бир бутун хусусият кашф этишини кўриб чиқамиз.

Инсоннинг дунёвий ва уҳровий фаолиятиning яхлитлигини тасаввур этиш учун, фараз қилайликки, бирор ҳунарманд тилла ё темирга шакл бериш билан банд. Иш вақтида, узлуксиз бўлмаса-да, гоҳи лаҳзалар оралигига у ўз ақли-ҳуши, тани-жони, қўйингчи, бор буди-шуди билан қилаётган ишига шундай шўнғиб кетадики, унинг руҳи яратувчан иш-ижод иштиёқидаги эзгулиқдан бўлак ўзидағи барча нуқсон-камчилик, ножӯя одатларидан холи қолади – покланади ва гўё вақтинчали ўз Асли табиатига қайтади. Шу лаҳзалар шарофатидан, энди ҳатто "Ёр ёди"да бўлишлик ҳам нисбийлик, негаки, ҳунарманд бу ҳолатда руҳан, майли бир нафасга бўлсин, ўз Аслига қайтиш бахтига етади!

Карма йогадаги сингари ража йогада ҳам "карма"га бўлган фидойилик "Ёр"га бўлган садо-қатнинг амалий тимсолига айланади, унда ҳар қандай дунёвий фаолият замиридаги ҳалол меҳнат – "карам" борки, у "дҳарам" – соф ибодат мақомида қабул қилинади.

Шу боисдан бўлса керак, ҳиндлар орасида "Карам-дҳарам", яъни "Меҳнат – бу ибодатdir" ибораси тез-тез тилга олиниб туради.

Фикримизча, бу ибора гўё ҳиндистонлик мусулмон ижодкорлари назарига ҳам тушгандек, чунки, айнан ё тасодифан ҳинд тилидаги "меҳнат" маъносидаги "карам" форсийда ҳам худди шу маънода келгани учунми, Мирзо Бедил "Карам нима?" саволига шундай жавоб қилган:

"Саҳро ерларда дов-дараҳт ўтказиши, ғариб фуқороларга ёрдам бериш, кўзи кўр ногиронларга

Йўл кўрсатиши" ва ҳоказо. Шоир бу ерда "карам" атамасини "мутакаллимлар"дан фарқли равища озигу ва яхши ишлар маъносида ишлатган(51:51):

**گўйнд ке مرگ انقلابи هست  
اینست دليل آنكه هستى كرم است**

Дейдиларки, ўлим – бир эврилишdir,  
Борлиқ далилидир асли "карам"нинг.

Умуман олганда, карма ва ража йога ҳамда Бедил байтидаги инсон амалиёти пок самараси – нинг муқаддаслиги, киши ҳаётида меҳнат ва ибодатнинг мужассамлиги сабабидандир. Зоро, фоний дунёда "меҳнат мақомидаги ибодат", инсон ва Илоҳ ўртасидаги вақтинчалик масофани қисқартирувчи энг яқин ҳақиқат йўли. Қисқаси, йог учун бу ҳолатда "дил" ва "Ёр" айрилиги ўз моҳиятини йўқотиб, бунда "карам" ёки "кор" ана шу улуғ бирлашувнинг воситаси вазифасини ўтайди. Ҳиндларнинг наздида ҳалол меҳнат-машаққатнинг том маънода тоат-ибодат эканлиги ҳам шунда, демак, инсоннинг дўзахи ҳам, жаннати ҳам унинг "карма"си – аъмолида!

Шундай қилиб, агар тасаввуф тушунчасида "Даст ба кор"лик ҳолати қалбдаги мавжуд "Ёр ёди"нинг нақадар кучли эканлигини тасдиқловчи восита бўлса, ража йогада "Карам-дҳарам" ҳолати, руҳни меҳнат-ибодат мақомида ўз Аслига элтувчи восита. Бундан холоса, ҳар иккала восита ҳам кишидаги диний-маънавий юксалишнинг дунёвий пиллапоясиdir.

Йога ва тасаввуф қиёсида аниқланган индуизм ва ислом феноменларининг умумбашарий

моҳиятта эга руҳий-маънавий ҳамда тиббий-маърифий хосиятлари, кўпдан бери диншунос, шарқшунос ва шифокор мутахассисларни қизиқтириб келади.

Мазкур кенг миқёсдаги мутахассисларнинг қизиқишлари бежиз эмаслигини, йога ва тасаввуф «мўъжизалар»и билан илк бор юзлашаётган ўқувчи нисбатан мураккаб бўлмаган айрим бошланғич руҳий машқлар мисолида кўриши мумкин, яъни:

Ража йогада ўз-ўзини англаш борасидаги биринчи қадам "Мен нимаман?", деган саводдан бошланиб, жавоб қуидағи машқлар ёрдамида изланади:

### *1. Мен ва маконим.*

"...Мен кўзларим билан кўраман, қулоқларим билан эшитаман, бурним ва оғзим билан ҳид ва таъм сезаман, истасам танамдаги барча аъзоларимни ҳаракатга келтираман. Лекин юзкўз, қўл-оёқ ва умуман, жисмоний мавжудлигим – бу ҳали "Мен" дегани эмас. "Мен"ни топиш ва уни сезиш учун олдин аъзои баданимдан ўзимни руҳан алоҳида ҳис этиб, сукунаттага чўмишга интиламан..."

### *2. "Мен" – бу руҳ.*

...Энди бор фикри-зикримни бир ерга жамлаб, диққат-эътиборимни ўз "Мен"имга қаратаман. Шунда хаёлимни банд этган ёки ўртаётган ўйларим ташвишу изтироблари юкидан аста-секин фориғ бўлиб, гўё қушдек енгил тортаман. Ва ниҳоят, ўз "Мен"имдан тараалаётган нурларни туяман..

### *3. "Учинчи кўз"*

..."Мен" – руҳ икки қошим ўртаси ортидаги маконимдан туриб, танамдаги барча аъзо-

ларим, ҳиссиётларимни ишга соламан, бошқара-ман. Тангри марҳамати билан медитацияда очилган "учинчи кўзим" билан "Мен" – руҳимдан тара-лаётган нурлардан ҳузурланишга мұяссар бўла-ман... "Мен", гўё вазнсиз бир зарра янглиф нур манбайман...

#### *4. Сафарга тайёрлик*

..."Мен" медитация вақтида ўз ўй-хаё-лимни "Руҳий олам" ёки "мунавварлик маскани" ёхуд "нирвана" ҳолатини аталувчи юксакликка йў-налтираман... Бу нурли руҳлар даргоҳида бўлиш асрлар мобайнида бир қанча зоти покларга насиб қилган... "Мен" ҳам "учинчи кўзим" билан ақл бовар қилмас узоқлиқдаги "Асл ўз уйим"ни – "Арши аъло"ни кўришни орзу қиласман...

#### *5. Асл ўз уйим*

..."Мен" – ўз танамдан ташқари чиқишга одатланган зарра руҳ, истаган вақтимда моддий дунёдан боқий руҳлар оламига – чексизликка сафар қилиб, сўнмас Маёқ томон кўтарилеман... Унда тинчлик, осудалик, ҳузур-халоват ҳукм су-ради ва руҳим ўз ибтидоий муҳитига йўғрилади".

Даврлар ўтиши билан йога тизимида «ру-ҳий озодлик»дан ташқари, албатта нисбий маъно-да, «жисмоний мангалик» – тани-жон саломат-лигига эътибор орта борди. «Куч ишлатиладиган йога» номи билан машҳур «ҳатҳа йога»да, гав-данинг хос ҳолатлари ва нафасни бошқаришга доир бир қатор жисмоний машқлар мажмую иш-лаб чиқиди, масалан:

1.«Свасана» – «Тана ҳолати»да бош, елка, курак, бел, тоз, кўл ва оёқларни чўзиб, ер устига узала тушиб ётилади. Бундай «релаксация», яъни

томир ва мушакларнинг бўшашиши ва тананинг оғирлашуви вужудга ҳузурли туйғу баҳш этади.

2. «Сиддҳасана» – «Тўғри ҳолат» машқида тана тикланиб, оёклар ҳолатининг навбат билан ўзгартирилиши ҳисобига мушаклар фаоллашади.

3. «Сукҳасана» – «Осонлик ва қулайлик ҳолати» машқида гавда тўғриланади, мушаклар фаоллашади ва нафас олиш эса, муайян тажриба ҳосил қилингач, бора–бора бир маромга тушади.

4. «Падмасана» – «Лотос, яъни нилуфар гули ҳолати» машқида тананинг кун бўйи бажарадиган фаолиятида иштирок этмайдиган имкониятлари очилади, бўғин ва оёқ мушуклари фаоллашиб, қисман хаёл ҳам жиловланади.

5. «Йогасана» – «Йога ҳолати» машқида тананинг эгилювчанлиги ошади, мушаклар ноанъанавий фаолиятни бажаради. Бунда енгиллик ва руҳий тетикилик ҳис қилинади.

6. «Гомукҳасана» – «Сигир боши ҳолати» машқида қомат тикланади, елка бўғинлари ором олади, қўлларнинг эгилювчанлиги ошибб, мушаклар фаолияти кучаяди.

7. «Ҳаласана» – «Омоч ҳолати» машқида гавда ўзида аввалдан мавжуд, лекин шу топгача кўринмаган узунликка чўзилади. Яна, мутахассисларнинг фикрича, машқ жараёнида эндокрин гландалар – ички секреция безлари фаолияти яхшиланади<sup>1</sup> ва ҳоказо.

---

<sup>1</sup> Ража ва ҳатҳа йога машқларини тузишда қўйидаги нуфузли манбалардан фойдаланилди: Meditation and jewels of knowledge published by Raja Yoga Centre in Australia for the Brahma Kumaris World Spiritual University. Fount Abu Rajasthan. 1997; James Hewitt. The complete Yoga book. London 1987.

Энди инсон саломатлиги нуқтаи назаридан тасаввуф хулосалари ва машқларига доир айрим мисолларга келсак, улар ҳам мавзу юзасидан ўз оригинал тавсиялари билан диққатга сазовор.

Масалан, Шайх Акҳи Жамшид Ражгири барча юрак хасталиклари инсоннинг дунё матосига мутелигидан, худбинлигидан, фуруридан, кераксиз орзу хавасидан ва ортиқча ейиш, ухлаш ҳамда гапиришидан деган. Шайхнинг фикрича, хасталикларнинг давоси дунёдан юз ўтириш ва юракни ибодат, зикр орқали баднафслиқдан сақлаш ва поклаш:

1.Ибодат икки хил бўлади: «ибодати зоҳир ва ибодати ботин». Солик аввал ўзини ибодати зоҳирда тоблаши керак – кам таом истеъмол қилиш, кам гапириш ва кам ухлашда.

2.Очлик киши юрагини тозалайди, уни дангасалик ва тундлиқдан қутқаради. Заруратдан зиёда таом юракни оғирлаштиради, тўқ қорин Худони эслашга имкон бермайди(101:146).

3. «Тамомий мушкилотларда ичдан доимий зикр айтиб юриш керак. Токи зикр айтиб юриш сабабидан дил жами нарсалардан узилсин. Зикр ҳақиқатига дил ўрганиб, у дилнинг сифати бўлиб қолса, Ўзи ором беради. Ўзи ғамдан нажот бериб, Ўзига мустағриқ қиласди»(90:64–65).

Шунингдек, йога таълимоти ёки тасаввуфда кўркув ва қутқувларни ботиний зикр йўли билан даф этиш мумкин. Бунда оғиз ва бурин қўл ёрдамисиз беркитилиб, нафас олиш чидаш мумкин бўлган қисқа муддатга тўхтатилгач, шу орада уч маротаба ботинда ҳар икки эътиқоддаги калимаи шаҳодат ўқиласди.

Ҳозирда жаҳоннинг турли миллат намояндалари ўз диний эътиқодларида қоим ҳолда Ҳиндистон, Европа ва Америка Қўшма Штатларининг "Йога марказлари"да таҳсил кўриб, руҳийжисмоний таълим ва тиббий муолажа олмоқдалар.

Йога таълимотига аналогик тарзда ҳозир Farb мамлакатларида тасаввуфга бўлган қизиқиш ҳатто олимларнинг расмий маълумот ва маърузалирида ҳам ўрин олмоқда. Назаримизда бунинг бежиз эмаслиги – бу Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий асаридаги тасаввуфнинг "инсон маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузулган қалбларнинг муолажаси учун таъсири бўлган ўта фойдали ва мустақил илм" эканлигидир(31:4-5).

Жумладан, америкалик тадқиқотчи С.Читтикнинг "Ҳиндистондаги сўфий психологик трактатлар" номли расмий маърузасида бу хусусда билдирилган фактлар, тасаввуф ғоялари дунё эътиборини фақат назарий эмас, балки ўзининг маънавий ҳаётйилиги билан ҳам жалб эта бошлигидан дарак бермоқда:

"...Ажабланарлиси шуки, Ислом ҳақида деярли тушунчага эга бўлмаган АҚШ аҳолиси сўфизмга нисбатан жуда катта қизиқиш билдиримоқда. Сўфий китоблар ўқилиб, уларнинг раҳлари ўрганилмоқда..."

Очиғи, механизациялашган ва илмий тараққиётга бурканиб қолган Farbda бўладиган "базмлар" олдида ҳозирги аҳвол, ҳали гўё ҳеч гап эмасдек. Лекин Farbdagi маънан "тимсолий юксалиш"га интилиш, аслида ҳаёт ҳақиқатига юзланишидир.

Бундай олганда, ривожланган мамлакатларда технологик тараққиёт, инсон оғирини енгил қилиш ўрнига, уни янада мушкуллаштирмоқда.

Исломий фундаментал таълимотларда, ҳар бир мавжуд нарса ўзида Тангри нурини – абсолют ҳақиқатни ифода этади. Тангрининг илоҳий атрибутлари ва номлари наинки фақат Унинг сифатларини очиб беради, балки шуларнинг қаторида фазовий мавжудликни ҳам. Ҳозирги кишилик жамияти ўз космик муҳити – илоҳий ҳақиқатидан узилиб қолган кўринади. Сўфийлик нуқтаи назарида эса, инсон фазовий борлиқ, рисоладиги маънавият ва пок руҳиятдан алоҳида бўлмаслиги керак. Шу маънода таълимот мавжуд аҳволдан чиқиб кетиш йўлларини таклиф қиласди – кишига ўз ботинига назар солиш орқали ундағи мавжуд имкониятларни кўрсатиб беради.

Фарб психологларидан фарқли ўлароқ сўфизм инсон психикасини ҳақиқатнинг ҳар қандай кўриниши билан алоқада бўла олиши мумкинлигини тушунтиради ва ушбу омилини ривожлантиради...Келинг, яхшиси фикримизнинг амалиёти учун Дбдул Жалатнинг ўтмиш сўфийлари фояларини ўзида акс эттирган трактатидаги психологик талқиндан бир лавҳа келтирайлик:

«Талай сўфийлар инсоннинг жисми билан Тангри орасидаги бўшлиқни тўлдирувчи ботиний ўзлик билан шуғулланганлар. Бу кўринмас реаллик "нафс" – руҳ, қалб, юрак сир асроридир. Уни Тангрига мукаммал эътиқод қилиш йўли билан таниш, тажриба қилиш ва кучайтишиш мумкин. Бундан энг асосий мақсад, инсоннинг Тангри билан интеграцияси – уйғунлашуви»(129:270–271).

Океан орти тадқиқотчисининг мақоласида урғуланган Америка жамиятидаги ўзига хос бир "уйғониш"ининг шу бутунги таҳликали инъикоси остида, инсонни тубсизлиқдан фақат руҳий ва онгли поклик қутқариши мумкинлиги гояси ётади.

Ёки, сирасини айтганда, башарият учун халоскорлик йўли – бу маънавий баркамолик билан Тангрини таниш ва Унинг ризолигига киришдир!

"Илоҳий илмни ақл бовар қилмаслиги ва уни исбот-талаб тушунчасидан устунлиги"ни ҳис қилишда сўфиликнинг ўзига хос истеъоди бор. Буни тасаввуфда "жазба" деб юритилади. Жазба – бу инсоннинг алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурый бир таважжуҳдир... Жазба қанча кучли бўлса, солик шунча тез тариқат одобини ўзлаштириб "ҳол"га киради. Лекин агар жазба етарли бўлмаса, хоҳиш бўлгани билан қўзланган мақсадга эришилмасдан, ярим йўлда қолиб кетилади... Шуниси ҳам маълумки, жазба туғма бўлиши ёхуд сулук жараёнида солик қалбига нузул этилиши мумкин"(39:31).

Бу жиҳатдан ҳам Ража йога тасаввуфдаги "жазба" тушунчасига мутаносиб тасаввур ва тажрибага эга. Ҳинд йогларининг ишонтиришича, гоҳо ҳатто ерлик аҳолига қараганда хорижийлар орасида нисбатан қисқа бир муддат ичида илоҳий нурга мушарраф бўлганлар ҳам учраб туаркан.

Индуизмда Парматмани таниш ёки "Мутлоқ ҳақиқат"ни англаш уч аспект мисолида тушунтирилади; "қуёшнинг ёруғлиги, қуёшнинг сатхи ва қуёш планетасининг ўзи". Бунда ўқувчи дастлаб қуёш ёруғлигини ўрганади, кейин унинг сатхи таркибини ва ниҳоят, ақлан планетанинг ўзига кириш билан унинг моҳиятини ўзлаштиради"(17:85).

Бу соҳада тасаввуфдаги уч хил билимнинг тадрижий тавсифи Бҳагавад-гитадан келтирилган иқтибосга анча мос келади: "илмул яқин" орқали олов иссиқлигига ишониш, "айнул яқин" – тажриба орқали оловнинг куйдиришига ишониш, "ҳаққул яқин" – амалда оловда куйиш орқали

ишониш. Бу уч босқичда биринчиси китобий, иккинчиси таҳсилий билимга ишора бўлса, учинчи тажриба воситасидаги ҳақиқатни англаш билмидир"(38:39б.). Тадрижий "уч хил билим"нинг ухровий талқини эса қўйидаги воситалар ёрдамида эгалланади:

- 1."Илмул яқин"да энг ишончли кишилар, яъни пири муршид орқали Аллоҳнинг бору бирлигини эшитиб билинади.
- 2."Айнул яқин"га шариат талабларини бажариш орқали эришилади.
3. "Ҳакқул яқин" сўнгги босқич бўлиб, унда эшитиб билишдан кўриб билиш даражасига етилади. Бунда инсоннинг илоҳий руҳга яқинлашиш ҳолати содир бўлади(31:17).

Ягона Тангрини танишнинг индуизм ва исломдаги ҳар уч билимидан ташқари, яна шундай йўллари ҳам борки, уларда бу мақсаддаги биринчи қадам инсоннинг ўзидан – маънавий дунёсидан бошланиши башорат қилинган. Шу маънода агар "Ҳадиси шарифда "Кимки ўзини таниса, Раббини танийди" дейилган бўлса, биз юқорида қисман танишган бҳактий таълимотининг шиорида эса "Инсонга муҳаббат – бу Тангрига садоқат"дир.

Баски, Ҳақни топиш йўллари билим, шахсий шижаоат ва меҳр-муҳаббатида экан, демак, инсоннинг ҳаёти, эътиқоди ва фаолияти ҳам фақат эзгуликка йўғрилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги аввалги очиқ муҳолифат ва кейинги бегоналий туйғуларини муросасозлик руҳи эгаллашида ўзаро маънавий яқинлик муҳим роль ўйнади. Ва бу ижобий ўзгариш, дастлаб, ҳар икки

диний эътиқод ижод аҳли фаолиятида сезилди. Ёки ҳинд олими Ҳумоюн Кабир фикрича: “Ўрта аср Ҳиндистоннинг ҳақиқий тарихи ва ҳинд-мусулмонларниң чатишуви, дастлаб ҳаётий ҳамда ижодий жабҳалардаги ўзаро маънавий ҳамкорликда ифодаланди.”

Ваҳолонки, яна шуни унутмаслик керакки, Ўрта асрга келиб ибтидои тарафкашликнинг «чатишув» даражасини касб этиши, ҳинд сарзамидан ислом зиёлиларининг биринчи қадамидан — маҳаллий илм-фан ва маданият соҳаларига нисбатан ижобий муносабатидан шакланган эди. Вақти келиб бу икки дин, икки маданият ва маърифат унсурлари бирлиқда шундай оламшумул аҳамиятта ноил бўлдики, уни аввал Ҳиндистонликлар ва улардан сўнг жумлаи жаҳон, ўз қадриятлари тарихидаги байналмилал руҳият тимсоли сифатида «Ҳинд-мусулмон маданияти» деган атамада қайд этди.

### **“Ҳинд-мусулмон маданияти”**

“Маданият” сўзининг энг кенг қамровдаги — илм-фан, адабиёт ва санъатнинг деярли ҳамма соҳалари маъносини “Ҳинд-мусулмон маданияти” моҳияти ва мазмунига қўлланган тақдирда ҳам, унинг ўз халқи қатори башариятга қилган маданий, маънавий ва маърифий тортигини тўла-тўкис таърифлаш жуда мураккаб. Шунинг учун мавзууни имкон қадар мозийдан бошлашга ҳаракат қилдик.

Араблардаги ҳинд тафаккури ва ижодиётига ҳали аббосийлар сулоласининг вакили Хорун Ар-Рашид халифалиги йилларидан бошланган дастлабки эътибор, кейинги Маъмун халифалиги даврида жуда изчил кечди. Изчилилликнинг сабаби,

ҳинд илм-фани ва ютуқлариниг моҳиятини қадр-лаган араблар улардан ўрганишни ўзлари учун фойдадан холи эмаслигини тушуниб етдилар. Шундан ҳинд маърифат аҳлининг Боғдодга ташрифи одат тусига кирди. Масалан, асли балхлик буддапараст Бармак ўз оиласи билан Хорун саройида жуда таниқли зот ҳисобланган. Бевосита унинг раҳбарлигида араб олимлари ҳинд илм-фани асослари билан танишганлар. (112:133).

Хорун хасталикка дучор бўлганда Ҳиндистондан Манак номли табиб чақирилган. У маълум муддатдан сўнг маҳаллий шифохонанинг раҳбари қилиб тайинланган. Араб муаррихлари Манақдан ташқари яна Боғдодда яшаган олтида ҳинд табиблари номини хабар қилганлар(26:243).

Халиф ўз навбатида араб илм аҳлини Ҳиндистонга юбориб, уларни имтиҳон қилиш учун ҳинд пандитларини Бағдодга таклиф қилган. Санскрит тилидаги астрология, тибиёт, фалсафага доир манбалар таржимада ўзлаштирилган. Йог ва аскетлар эса мусулмон олимлари билан баҳс юритишиган.

Ёки 976-йили Мансур саройига ташриф буюрган ҳинд пандитлари элчилиги Браҳмагуптанинг астрономияга оид машҳур "Brahmasiddhanta"- «Браҳмасиддҳанта» ва "Khandakhadya"- «Кҳандакҳадяка» асарларини тақдим қилганлар. Манбалар тезда таржима қилиниб, улардан араблар жуда узоқ вақтларгача фойдалангандар(112:135). Ҳатто, «араблар ўз рақамларин ҳинд рақамлари билан белгилаб, араб тилидаги "хандаса" атамасини ҳам "ҳинд" сўзидан олганлар» (26:229).

Аббосийлар халифалигида ҳинд илм-фани ва маданияти билан танишув янада кучайди. Араб

муаллифлари Али бин Юсуф Кифти ва Журжи Зейданлар маълумотича, Маъмун ҳукмронлиги йиллари Канки, Синжиҳала, Манака ва бошқа ҳинд табиблари ҳамда астрономларининг асарлари араб тилига таржима қилинган. Улардан олтитаси Канки қаламига мансуб бўлиб, илмий нуқтаи назардан энг муҳими эса, тиббиёт мавзуидаги араб тилида "Китаби фи-т-тиб", деб номланган асари бўлган. Қадим ҳинд тиббий ва астрономияга оид манбалардан ташқари «Калила ва Димна» каби машҳур бадиий-дидактик характердаги асарлар ҳам араб тилига ўтирилган. Шундан ҳам маълумки, арабларнинг Ҳиндистон билан маданий-маърифий ҳамкорлиги, Ҳиндистонда мусулмонлар салтанати барпо бўлишидан анча илгарироқ шаклланган(112:133–135).

Умуман, ҳинд илм-фани билан танишув, айтиш мумкинки, илк ўрта аср мусулмон илм аҳли учун жуда самарали бўлди. Бу хусусда астрономия ва математикани ривожлантириш мақсадида ҳинд илмий тафаккуридан фойдаланган машҳур олимлардан Муҳаммад бин Иброҳим Фазарий, Хабаш бин Абдулла Бағдодий, Ҳасан бин Мисбехлар номларини қайд этиш мумкин. Уларнинг ичida ватандошимиз Муҳаммад бин Мусо Хоразмийнинг тадқиқоти ҳинд илм-урфонини тарғиб қилишда алоҳида таҳсинга лойиқ. Араб дунёсида "Синдхинд" номи билан машҳур ҳиндларнинг астрономияга оид таълимоти Мусо Хорзмийнинг таҳрири туфайли нисбатан тушунарли бўлиб, кенг тарқалди. Олимнинг "Синдхинд"даги маълумотлар асосида IX асрнинг 20-йилларида ёзган – бизгача 1126 йилги лотин тилидаги таржимада етиб келган астрономияга доир "Зиж" асари, юзлаб

йиллар Шарқ ва кейинчалик Farb астрономлари учун муҳим ва муқим манба сифатида қўл келди.

Ёки, гарчи Ибн Сино умрида Ҳиндистонга бормаган бўлса-да, лекин унинг илмий тиббиёт асоси ҳисобланган "Тиб қонунлари"да, турли қасалликлар учун дори-дармонлар тайёрлашда ўнлаб Ҳиндистонда ўсадиган ўсимликлар туридан фойдаланганлиги маълум(55:9–11).

Ўзаро ҳамкорлик борасида шуни ҳам унумаслик керакки, дунёвий ва ухровий ҳинд манбаларини ўрганган ва ўзлаштирган ўртаосиёлик олим, сўфий ва фозиллар ҳам ўз навбатида Ҳиндистон халқи олдида қарзда қолмади. Абу Райхон Берунийнинг "Ажойибул ҳинд", "Тарихул ҳинд" ҳамда "Аҳволул ҳинд" деб турлича номланган "Ҳиндистон" асари ҳинд диний-фалсафий, илмий-маърифий иқтидори обидаларини дунёга танитишда беқиёс роль ўйнади.

Аллома Ҳиндистондаги ўз илмий фаолиятида фақат ерлик илмий, маънавий, ижтимоий ёки маданий манбаларни ўрганиш, ўзлаштириш ҳамда улар юзасидан олиб борган тадқиқоти билан чекланмади. У ҳиндолар учун ҳам янгилик бўлган аниқ фанларга доир юонон илмий трактатларини санскрит тилига таржима қилиб, уларга Евклиднинг "Унсурлар" ҳамда Птолемейнинг ўз замонасида астрономия энциклопедияси санаалган "Альмагест"ини ўз тилларида ўқиш иконини берди(33:18).

Берунийнинг билими ва илмий иқтидорини ҳинд профессори Сунити Кумар Чатержий шундай юксак баҳолаган:

"...Олимнинг қанчалик санскритни мукаммал эгаллаганлигини шундан ҳам билиш мумкини, фақат "Ҳиндистон" асарининг ўзида араб

транскрипциясидаги икки ярим мингдан зиёд санскритдаги атамаларни учратиш мумкин".

Ҳақиқатан ҳам "Арабларнинг сиёсий ҳукмронлиги остидаги ислом тарқалган сарҳадлар ёхуд улар билан чегарадош мамлакатларда бирор ҳалқнинг динига бағишлиланган ҳеч бир асар йўқки, уни Берунийнинг "Ҳиндистон"асари билан таққослаш мумкин бўлса. Асарга юнон дипломати Мегосфен ёки, хитойлик буддапараст роҳиблар Фа Сянем, Сун Юнем ва Сюан Цзанларнинг ёзиб қолдирган "Ҳиндистон тавсифи" манбаси ҳам бас келолмайди" (6:49).

Маълумки, XIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларига мӯғуллар ҳужуми бошлангач, санъат ва маданият марказларининг кули кўкка совурилиб, Мовароуннаҳрда иқтисодий ва маданий таназзул юз беради. Шунда Марв, Нишопур, Балх ва Самарқанддан кўплаб фан ва маданият намояндалари Ҳиндистонга келиб қарор топдилар. Ва Дехлий шу пайтдан биринчи бор расман мусулмон шаҳри сифатида танилди(109:15).

То хали мӯғуллар Ўрта Осиё ҳудудида эканлар, у ердан зиёлиларнинг Ҳиндистонга йўналган оқими қарийб юз йилга қадар давом этди. Фақат мӯғиллар забт этилган ерларда ўтроқлашиб, ассимиляция жараёни нисбатан тугагач, мӯғул хонлари бу ўлгадаги шаҳарларнинг тикланиши, илмфан ва бошқа маърифий анъаналарнинг қайта туғилишига қаршилик қилмадилар.(55:20). Аммо, аҳвол бу даражага келгунича, орадан ўтган давр ичидаги эронлик ва ўртаосиёлик олим ва фозиллар, ўзларини бағрига олган Ҳиндистоннинг илмий ва маданий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшишга муяссар бўлдилар. Шулардан бири, XII асрнинг

охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган бухоролик пешқадам олим, моҳир таржимон ва йирик адаб Муҳаммад Авфий эди.

У Ўрта Осиёнинг ўлка ва шаҳарларига қилган саёҳатида Нажмиддин Кубро каби талай ўз замонасининг машҳур уламо ва мутафаккирлари билан мулоқатда бўлган, суҳбатлашган. Эрон ва Афғонистон сафарига чиққанида Фазнада мўғуллар босқини ҳақида хабар топгач, Ҳиндистонга бориб Уч шаҳрида истиқомат қилган.

Муҳаммад Авфий бу ерда "Лубобул-албоб" – "Идрок хулосалари" номли тазкирани яратди. Гужаротнинг қозиси бўлган вақтида, аввал Тануҳийнинг "Ал-фараж" китобини арабчадан форс тилига ўтириб, сўнг ўзининг иккинчи шоҳ асари "Жавомиул ҳикоят ва лавоминур ривоят" – "Ҳикоятлар мажмуаси ва ривоятлар нури"ни ёзишга киришди. Ижодкор ўз асарида бутун Шарқ ва ҳаттоқи, Юнонистон ижтимоий ва сиёсий ҳаётига доир икки мингдан зиёд тарихий ҳикоя ва ривоятларни жамлашга улгурди. Унинг ҳар икки асари ҳам, не баҳтки, бизгача етиб келган(58:11-12).

Деҳлий сultonлиги даври ижодкорларидан яна бири "Бадр Чочий, асли тошкентлик шоир ва уламолардан бўлиб, Ҳиндистонга келгач умрининг охиригача шу ерда яшаган. У туркий ва форсийда олти минг байтдан иборат девон тузган. Шоир Деҳлий сultonи Муҳаммад Тўғлоқ (1320–1325) номини улуғлаб ўттиз беш минг байтдан иборат "Шоҳнома"сини ёзган. У Ҳиндистонда "Маликуш-шуаро" – "Шоирлар амири" олий унвони олиб, "Фахруззамон" – "Замон фахри" номи билан шуҳрат қозонган"(58:20).

"Ҳинд–мусулмон маданияти"нинг Деҳлий

султонлигидан кейинги тараққий этган даври билан танишувни, араб тарихий манбаларида зикр этилган – дарҳақиқат, «қадим замонлардан бой ҳинд маданиятидан бохабар ўртаосиёлик»ларнинг Ҳиндистон билан алоқалари тарихидан бошласак. Фақат шундай таҳлил услуби, мусулмон қадриятларининг ҳам ҳиндларда уйғуналашуви сабаблари ҳамда келгуси муштарақ ижтимоий–маданий ҳаёт йўналишларини англашга ёрдам беради.

Агар икки минтаقا ўртасидаги илк иқтисодий, сиёсий муносабатларга тарихан назар солсак, бу муносабатларда маданий алоқалар ҳам истисно бўлмаганлигини кўрамиз. Қолаверса, ундан сўнгги даврларда Ўрта Осиё–Ҳиндистон сиёсий–дипломатик муносабатлари анчайин изчиллик билан давом этган. Бинобарин, Шоҳруҳ томонидан Ҳиндистонга элчи қилиб тайинланган Абдураззоқ Самарқандийнинг Коликут ва Бижопурга ташрифлари юқоридаги алоқалар жумласига кирди. Лекин XV асрнинг охирларига келиб темуррийлар давлатининг емирилиши, унинг қарамоғидаги ўлка ва вилоятларда феодал тарқоқлиги шароити кучайишига сабаб бўлди. “Бу вақтда Ҳиндистон ҳам, Бобур сўзларига қараганда, бешта йирик мусулмон ва иккита ҳинд ҳокимлиги ҳамда яна талай майда рожаликларга бўлинниб кетган” эди.

Шундай феодал тарқоқлиги шароитида Шимолий Ҳиндистонда бобурийлар, яъни “илмий адабиётда янгилиш атама билан номланган “Буюк Мўғуллар” марказлашган давлатининг қад кўтариши, маданий–маърифий нуқтаи назардан икки қўшни минтаقا ҳалқлари ижодий ҳамкорлигига янги бир куч бағишилади. Яъни, бобурийлар салтанатининг ҳинд диёрида феодал урушларига чек

қўйиб, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳолатида иқтисодий юксалишга интилиши, башарият қадриятлари сирасига кирувчи "ҳинд-мусулмон маданияти"нинг ривожланиб тугал қарор топишига кенг йўл, катта имкониятлар очиб берди.

Бу – «кенг йўл ва катта имкониятлар» тўғри, бироқ "Ҳинд-мусулмон маданияти" қобиғида яратилган асарларнинг қадр-қиймати ва оламшумул аҳамияти ҳақида гап борганда, хulosса бир томонлама ёки чекланган бўлиб қолмаслиги учун ўта бир нозик жиҳатни эътибордан қочирмаслик керак. У ҳам бўлса, ушбу маданият шаклланиш даврининг қуи ва юқори босқичларида гоҳ Эрон, гоҳ Турон ёки диний асосда араб маданияти унсурларининг нисбатан устунроқ келгани билан, аммо мазкур жараён "тажминан эрамиздан аввалиги учинчи мингийилликдан бошлаб инсоният цивилизациясининг ибтидои масканлардан бири ва улкани ҳисобланишга ҳақли «ҳинд маданияти"га бевосита пайвандликда юзага келган, ривож топган.

Энди, айрим олимларнинг "Ҳинд-мусулмон маданияти"га кўпроқ таъсир кўрсатган Эрон маданиятими ёки Турон" каби баҳси "муаммоси"га келсак, бизнинг тушунчамиизда, бундай омихта маданиятнинг асл моҳияти олдида тарафкашлик кайфияти бамисоли ер курраси куни учун қанчалик қуёшнинг ёруғлигию, туни учун қанчалик ой ва юлдузлар нурининг зарурлигини "аниқлаш шарт" бўлганидек гап. Ваҳолонки, ер куррасининг куни ва туни учун қуёшнинг балқишию, ой ва юлдузларнинг нури фақат ўз вақти ва ўрни билан бетакрор. Шу боис бу "муаммо"нинг оптималь ечими сифатида ҳинд манбаидан олинган шундай бир хulosани эслаб қўйиш айни муддао:

"Эрон ва Турон маданиятининг чатишган унсурлари, ҳинд тупроғида "Буюк мӯғуллар" маданияти келажагини белгилаб берди"(100:28). Башарти бу таърифга янада кенгроқ маъно бериб, "маданият келажаги" ибтидосини мозийдан изласак, Деҳлий сultonлигидан то бобурийлар салтанати ҳукм сурган асрлар мобайнида биргина Ҳиндистон бадиий сўз санъатининг ўзида бир неча миллат ва эътиқод қаламкашлари жонбозлик курсатди; улар хоҳ браж, хоҳ форсий, хоҳ урду ё туркий тили шоири бўлсин! Шундай экан, ҳинд тупроғида икки дин ва икки дунёқарашга эга ҳалқлар ҳамкорлигида яратилган ва натижада ўз бекиёс аҳамияти билан Шарқ бадииятининг салмоқдор бир қисмига айланган "ҳинд-мусулмон адабиёти" муқаддимасига ҳам, яна ўз таҳлил та-мойилимизга мувофиқ қадим ҳинд бадиияти та-рихидан ёндашамиз.

Азалдан маълумки, адабиёт ва санъат башарият ҳаётининг кўзгуси бўлиб келган. Нафси замр ҳинд бадиияти мероси ҳам энг қадим сўз сарчашмаларидан бири бўлиб, унинг юксак гоявий-эстетик хазинаси фалсафий диалог, диний тароналар, монументал эпик асарлар ҳамда классик драма ва достонлар сингари хилма-хил жанрларга ниҳоятда бойдир(81:4). Бу "бойлик" яна шу маънода ноёбки, у ўзининг энг дастлабки обидаларидан то Ҳиндистонда "адабий бирлик" вужудга келгунга қадар, нафақат ҳинд адабий тилига даъвогар санскритда, балки эрамиздан аввалги I асрдан пали ва пракритий каби бошқа тиллар оиласига ҳам мансублиқда ривожланди.

Ҳа, ўз-ўзидан равшанки, "Ҳиндистонда мусулмонлар томонидан давлат барпо этилиши ва ислом динининг тарқалиши маданий ҳаётнинг бў-

лак жабҳалари каби адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолиши мумкин эмасди" ва амалда ҳам шундай бўлди. Шимолий Ҳиндистондаги XI–XVI асрларда юз берган сиёсий, ғоявий–ижтимоий воқееликлар ва ўзгаришлар маданий жараёнда ҳам аксланиб, натижада ҳинд адабиётидаги браж, форс ва урду бадиияти муҳитига, уларнинг мантиқий давоми бўлмиш туркий шеърияти ҳам ўзлашди. Ба бу воқеани Бобурни ўз замонасининг забардаст адиби ва олими бўлганлиги сабаби ҳамда самараси десак, янглишмаймиз. Чунки "У, – машҳур муаррих, "Тарихи Рашидий" асарининг муаллифи Мирзо Ҳайдар амин бўлганидек, – туркий шеъриятда фақатгина Алишер Навоийдан кейинги ўринда эди. У соф ва нафосатли туркийда девон тартиб этди. У назм йўлида "Мубайин" аталмиш асарни яратиб, шу билан аксарият томонидан фойдали деб топилган исломий ҳуқуқ–шуносликка доир таълимотнинг муаллифи бўлди. У шунингдек, туркийдаги аruz вазни ҳақида беназир рисола ёзди ва "Рисолаи Волидия"ни таржима қилди. Унинг бекўсурлиқда ягона ҳамда жўн услубда ёзилган "Воқойеъ" ёки "Тарихи ҳинд" асари ҳам бор.

У мусиқа ва ўзга санъатларни ғоятда нозик идрок этарди" (124.173–174). Шу жумладан "Мухтасар"да берилган мусиқага доир маълумотларнинг таҳлили, Бобурнинг классик аruz назарияси ва мусиқа соҳасида мукаммал билим эгаси эканлигига ёрқин бир мисол.

Бобур шеъриятдаги каби ҳаётда ҳам тилнинг асосий ифода кучини ундаги соддалигу баённинг равонлигига, деб билган. У бу ҳақда ўғли Ҳумоюнга ёзган хатида шундай маслаҳат беради:

"Такаллуф қиласай дейсан, ул жиҳатдан мұғ-  
лоқ бүладур. Мундин нари бетакаллуф ва равшан  
ва пок алфоз била бит, ҳам сенга ташвиш озроқ  
бүлур, ҳам ўқувчига".

Шоир Бобурнинг таъб-табиатига хос ижо-  
бий маңнодаги айрим "саркашлик" хусусияти  
улинг сиёсий ва илмий-адабий фаолиятида ҳам  
сезилиб туради. У ўз давлатчилик ва ижодий иш-  
ларида наинки ҳиндупараастлар билан мурасасоз-  
лик қилди, балки ўрта аср ислом мағкураси ша-  
роитида араб ҳарфларини ислоҳ қилиб "Хатти  
Бобурий" алифбосини тузишга журъат этди.

Манбаларда янги алифбода күчирилган Куръ-  
они карим нусхасини ҳатто Маккага юборғанлиги  
ёзилган... Бобурнинг бу "хусусият"идан ижодга  
мойил зурриётлари ичида, Аврангзебдан ташқари,  
бирортаси ҳам деярли бенасиб қолмаган.

Чунончи, бобурийлар марказлашган давла-  
тининг кучайиши билан "Ҳиндистонда рўй берган  
ўзгаришлар меъморчилик, санъат ва маданият-  
нинг барча турларига янги нафас билан қайтадан  
ҳаёт бағишилади."(26.271). XV асрнинг охири – XVI  
асрнинг биринчи чорагидаги сиёсий ва ижтимоий  
бекарорликлар ҳамда иқтисодий танглик гирдо-  
бida Ҳинистонга Мовароуннаҳр ва Хурросондан  
фан, санъат ва адабиёт намояндаларининг яна ян-  
ги бир оқими кириб келди. Улар орасида таниқли  
муаррих Ҳондамир, тажрибали табиблар Мавлоно  
Юсуф, Хўжа Низомиддин Али Халифа, адаб ва  
уламолардан Шайх Зайн Садр, Шайх Абдулвоҳид  
Форуғий, Султон Муҳаммад Кўса, Абдураҳмон  
Жомийнинг шогирди Асифий ҳамда бошқа ижод  
ва дин аҳли бор эди(57:58).

Гарчи фанда "Ҳиндистондаги XVI асрнинг  
иккинчи чораги – Ҳумоюн даврига тегишли

санъат ва маданият масаласига етарли аҳамият берилмаган" бўлса-да, бу қисқа, аммо сермазмун ўтган йиллар бобурийлар салтанатида маданий соҳаларнинг келгуси равнақи учун ўзига хос пилланоға хизматини ўтади. Чунки, Ҳумоюннинг ҳуқмронлигида ҳам отаси бошлаган анъаналар кенг тармоқ ёзди. Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги Беҳзод устахонасида ишлаган наққош Дарвеш Муҳаммад, хушнавис Мир Муҳаммад Асфар – "Мир мунши", шикаста услубининг моҳири Ҳўжа Аминиддин Муҳаммад каби санъаткорлар ўз иктидорларига яраша подшо илтифотига сазовор бўлдилар(130:34,58).

Шу йиллари китобат, ҳаттотлик ва мусавирилик, бобурийлар кутубхонасида сақланган буҳоролик, ҳиротлик, табризлик устодларнинг асарлари таъсирида ўзига хос мактаб сифатида шакланди. Ҳозирда устод мўйқалам соҳиблари чизган миниатюралар дунёнинг турли гўшаларидаги давлат ва шахсий фондларда бўлганлиги учун, биз қуидида айрим қўлёзмалардаги миниатюраларни зикр этиш билан чекланамиз:

1.Британия музейида сақданаётган Фирдавсий «Шоҳнома»сининг тўққиз миниатюра билан безатилган қўлёзмаси нусхаси(115:93).

2.Абдураҳмон Жомийнинг "Тухфат ал-аҳор" ва Шарафуддин Али-Яздийнинг "Зафарнома"си қўлёзмасига чизилган миниатюра нусхалари мажмуи.

3.Ҳумоюн Мирзонинг хотини Ҳамидабегимга қарашли Султон Ҳусайн Бойқаронинг "Мажлис уш-шуаро" асарига Бухоро мактабига хос услугда Мир Али ишлаган элликта миниатюра.

Мусавирилар мазкур асарларни яратишда аввалига Беҳзод ва унинг шогирдлари Оқо Мирак,

Султон Мұҳаммад, Мирза Али, Қосим Али, Музаффар Али миниатюраларидан нусхалар күчириб күпайтирганлар. Сүнгра, асл нусхадан күчирилган энг муваффақиятли намуналар бүлгуси тасвирий санъат фидойиларининг сабоқ олишлари учун Давлат галереяларида сақланган. Шундай қилиб, XVI асрнинг иккинчи чорагида ташкил топган бобурйилар мусаввирлик санъати янги бир мактабга асос бўлибгина қолмай, у шунингдек, кейинчалик Ҳирот, Бухоро, Табриз ҳамда рожпутанлик энг яхши ҳинд мўйқалам соҳиблари ижодида ривожланди(56:34).

Ҳумоюн саройига ташриф буюрган хорижий меҳмонлар орасида энг ёрқин сиймолардан бири – XVI аср ўрталарида Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Эронда юз берган сиёсий воқеалар ва бошқа иқтисодий муносабатлар масаласига оид тарихий маълумотларни ўзида муҗассам этган "Миротул мамолик" сафарномасининг муаллифи Сейди Али Раисдир(68:5). Турк адмиралি каби нуфузли меҳмонлар қаторида "Гулшан" номли дидактик достони билан танилган Нажмиддин Абул Қосим Кохий, туркийгўй шоир Баҳром Дарвеш Сақо, шоир ва тарихчи Хони Аъзам Мирзо, фалакиёт мавзуидаги илмий рисолалар муаллифи Али Акбар Саинхондек ижодкорларни кўриш мумкин эди(42:99–101).

Бундан ташқари, бизнинг ватандош қаламкашлардан мовароуннаҳрлик Фироқий – Ҳўжа Аюб, Бухорода таҳсил кўрган Ҳўжа Ҳусайн бинни Ҳўжа Мир-Тошкандий ҳам подшоҳ қабулида бўлганлар(58:27,33).

1530–1540 йиллари бобурйилар салтанатида катта меъморчилик иншоотлари қурилганлиги зикр этилмаса-да, аммо қурилиш ишлари олиб

Борилганлиги инкор ҳам қилинмайди. Ҳинд тадқиқотчиси Нилканта Шастрий асарларидан пойтахтда "Дини паноҳ" мажмуи ҳамда Агра, Фотиҳобод, ва Панжобда масжид ва мадрасалар барпо этилганлигининг шоҳиди бўламиз. Қурилишда пишиқ фишталар ўрнига ерлик материалардан фойдаланишга ўтилши билан шаклан омихта меъморий услугуб чизгилари кўрина бошлади.

Ҳиндистон, Бобур ва Ҳумоюн ҳукмронлик қилган йилларга нисбатан Акбар даврида моваро-уннаҳрлик, хуросонлик, ҳамда эронлик фан ва маданият соҳаси вакиллари учун маҳаллий ижодкорлар билан ҳамкорлик қилишда ижод лабараториясига айланди. Подшоҳ ташаббуси билан сарой мусаввирлари департаментида Мир Сайид Али ва Хўжа Абдусамад бошчилигида юзга яқин моҳир мусаввирлар тарафидан "Бобурнома", "Чингизнома", "Калила ва Димна", "Маҳабҳарата", "Рамаяна", "Темурнома" асарларига расмлар ишланиб, иллюстрацияларнинг кўпчилиги матога ҳам туширилди(29:30,39,305). Хаттотлик бобида кашибмирлик Муҳаммад Ҳусайн ўзининг беназир маҳорати билан "Заррин қалам" унвонига мұяссар бўлди(110:219–221).

Меъморчилик соҳасида Мирак Мир Фиёс тархи бўйича Ҳумоюн мақбарами, қарийб ўн беш йилда қуриб битирилган Фатеҳпур Сикрий шаҳри Акбар даври меъморчилигининг энг йирик обидалариdir. Шаҳар кошоналарини безашда мусулмонлар билан елкама–елка Ҳинд тасвирий санъати усталари қатнашдилар, улардан Дасван ва Басаванлар хизмати алоҳида таҳсинга арзийди. Фатеҳпур Сикрийдаги Акбарнинг очиқ саройи қурилишидаги акустика ва мўътадил ҳавони сақлаш соҳасида истифода этилган ноёб меъморчилик

услуби ҳали ҳам кишини ҳайрон қолдиради. Шашардаги мүйқалам соҳиблари яратган тасвирий полотнолар, "Мӯғул миниатюра мактаби"нинг на муналари ҳамда "Рожпутан тасвирий мактабида Кришнани улуғловчи "Уйғониш даври" тенденцияларининг юзага чиқиши" салтанатдаги диний-ижтимоий тенглилкка йўналтирилган ички сиёсатнинг санъат ва маданиятдаги нишоналари эди(47: 417).

Акбарнинг Ҳиндистон маданияти олдида кўрсатган улкан хизматларидан яна бири, у ўз бошчилигига қачонлардир шу замин даҳолари яратган кўхна адабий, диний-фалсафий манбалар – Маҳабҳарата, Рамаяна, Лилавати ва ведаларни санскритдан Абдулқодир Бадаоний, Нагибхон, Абулфазл ҳамда Абулфайзлар томонидан юқори савияда форс тилига таржима қилдириб, ҳинд тафаккури нодир асарлари шани шавкатини дунёга таратди. Акбар сиёсатининг бундай маданиятга нисбатан хомийлик хусусиятлари, ижодкорларни умуминсоният манфаатларига хизмат қилишга қодир маънавият обидаларини оммалаштириш ишларига илҳомлантириди.

Яна шуни алоҳида ҳурмат билан эътироф этиш фарзки, Акбарнинг кўрсатмаси билан яратилган тарихий қўлёзма дурдоналар ҳалигача ўз илмий-тарихий аҳамиятини йўқотгани йўқ ва улар ҳамон муаррихлар дастида: "Тарихи Акбаршоҳий", "Ойин-и Акбарий", "Табақоти Акбарий", "Мунтахаб ат-таворих" ва "Ҳумоюннома".

Бу ва бошқа илмий, тарихий, адабий асарларни яратилишида бевосита иштирок этган йирик давлат арбоби, олим ва шоир ака-ука Абулфазл ва Абулфайз Фаёзийлар давлатни идора этиш ишларида фаол қатнашиб, илму ижод билан

ҳам шуғулланишда давом этганлар. Хусусан, "Малик уш-шуаро" унвонига сазовор Абулфайз, устод шоирлар Низомий Ганжавий ва Хусрав Даҳлавийга тахассуб қилиб, ўз "Ҳамса"сини ётишга аҳд қилган. У ижодда биринчи бўлиб, қадимги ҳинд адабиёти сюжетларига мурожаат этган шо ҳаттоқи, Инжилни маснавий жанрида форсийга ағдаришга ҳаракат қилган(14:108).

Акбар мусулмон шоирлари қаторида таникли ҳинд адабларидан ҳам ўз марҳаматини дариф тутмаган. Маноҳар Бирбал, Ҳал Рау, Ражас Ҷагавад Даҳ, Манг Сингҳ, Нар Ҳарийлар ҳукмдор назарига тушган ижодкорлар эди. "Бҳаван дипак", "Чанд варнан ки маҳима" номли дастлабки ҳинд прозаик асарлар ҳам Акбар даври адабиёти маҳсулидир(106:321).

Жаҳонгир салтанатида, мусаввирилик маданий тараққиётнинг рамзи даражасига кўтарилиган санъат тури эди десак, янглишмаймиз. Гўзалликнинг бу соҳасини такомиллашуви, албатта биринчи навбатда ҳукмдорнинг қилқалам сеҳрига шахсий муносабати ва рағбати билан боғлиқ бўлган. Шу сабабдан сарой рассомлари Фарруҳ Бек, Оқо Райза, Устод Мансур, Муҳаммад Нодир ва Муҳаммад Мурод Самарқандийларга замондош ҳинд мўйқалам соҳиблари Бишон Жа, Кешава Маноҳар ва Маҳдавийлар ҳам бобурийлар тасвирий санъатининг пешқадам вакиллари бўлиб етишиб чиқди.(47:421–413). Подшоҳ буларнинг ижодига факатгина "хомий ҳукмдор" эмас, мутахассис сифатида ҳам қизиқиб раҳнамолик қиласди. "Бордию, – деган экан Жаҳонгир, – мусаввиrlар бирор киши суратини навбат билан қисмларга бўлиб тасвиirlаб берсалар, мен унинг қай бир қисми қайси санъаткорнинг мўйқаламига мансуб экан-

лигини айтиб беришим мумкин". Шу жумланинг ўзидан салтанат соҳибининг мўйқалам сир-ас-рорларини қанчалик яхши билганлиги сезилиб турибди.

Табиатан ўжар ва худбин Жаҳонгирда шеърият ва хушнависликка ҳам мойиллик бўлган, унинг бу соҳаларда ўз кучини синаб кўрганлиги, бобокалони Бобурнинг "Вақоэъ"сини ўз қўли билан кўчирганлигидан маълум(13:121). Ёки адабиёт бобида Шри Рам Шарма қайд этганидек, "У ўз ҳукмронлигининг 17-йилигача мемуарлар ёзишда давом этиб, сўнг уни тугаллашни Мўътамидхонга топширган. Подшоҳ Кашмир табиатини тасвирлашда кўп жиҳатдан Бобурга ўхшаб кетарди".

Жаҳонгирнинг ҳукмронлик йиллари адабий муҳити тарихида, унинг Шоҳ Аббос билан яхши муносабати сабабли Шикибей, Анисий Шомлу, Зуҳурийдек машҳур шоирлар номининг зикр этилиши, ўша пайтларда Ҳиндистонда урф бўлган Эрон маданияти ва адабиёти нуфузининг бир далили эди(120:168). Агар айни шу вақтдаги Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон адабий алоқалари хусусида гапирадиган бўлсак, Чандуний, Роҳий ва Мутрибий ижодини кўрсатиш мумкин:

Чандуний – бухоролик "Малик уш-шуаро" Ҳасанхожа Нисорийнинг шогирдларидан бўлиб, тирикчилик қийинчиликларидан Ҳиндистонга келгач, Жаҳонгирнинг маъмурий хизматида бўлган чоғида Фитратий тахаллусида ижод қиласан(58:33)

Роҳий – Мавлоно Фазанфар Ҳиндистонда "Сабрий" тахаллусида шеърлар ёзган. У ҳам Жаҳонгирнинг маъмурий хизматида бўлган кезлари ўша вақтнинг машҳур мутафаккир шоири Тоқи Аҳводий билан дўстона ҳамкорлик қиласан.

Мутрибий – асли самарқандлик олим ва шоир 1612 йили Жаҳонгир давлати пойтахти Лоҳурға келган ва саройда подшоҳ билан мулоқотга мусассар бўлган. Шоир «Тазкират уш-шуаро» ва «Іусхай зебойи Жаҳонгир» номли тазкираларда ўнлаб подшо ҳақида мухаммас, мусаддас, рубоий ва фард жанрларида назмий намуналар ёзиб қолдирган(48:6–7).

Бобурийлар етти пуштига қадар маданият ёки санъатнинг у ёки бу соҳасини қадрловчи ёхуд мутахассиси сифатида ўзидан кейин албатта бирор ёдгорлик қодлирган сулолалар сирасидан бўлган. Тарихда "меъморчиликнинг олтин даври" деб тан олинган Шоҳ Жаҳоннинг ҳукмронлик йиллари шундай қурилиш ишлари олиб борилдики, уларнинг шуҳрати ҳозиргача сўнмаган. Зеро, "Шоҳ Жаҳоннинг ижодий тафаккури, – Тара Чанд таърифида, – абадий гўзалликни меъморчилик санъатининг турли шаклларида монументлари орқали ифодалади"(127:70–71).

Дарҳақиқат, ҳинд, эронлик ва ўртаосиёлик меъморлар байналмилал гуруҳларининг меҳнати маҳсули бўлган "Тож-маҳал" ва шунингдек, "Наккорахона", Девони ом", "Ранг-маҳал", "Девони хос" каби кошоналардан тузилган "Лаъл қалъа" ҳамда "Жомеъ масжид" Шоҳ Жаҳон даври меъморчилиги мувафаққиятларини дунёга кўз-кўз қилди.

"Шоҳ Жаҳон ёдгорликлари" бунёд этилибдики, олимлар уларни тинмай ўрганиб, янги-янги кашфиётлар очмоқдалар. Агар бу ҳақида конкрет фактларга мурожаат қиласак, биз билган "Муҳабат қасри" тўғрисидаги маълумотларга ҳинд тадқиқотчиси Канвар яна бир янгилик киритди:

"Агра мақбарасида "Нодир ул-Аср" битиги вақт ўтиши билан "Устод Аср" ва кейин ҳатто

"Устод Исо" ўқилгани аниқланди. Шу важдан Лутфулло Муҳаммаднинг "Девони муҳандис" и топилгунича, Тожмаҳалнинг асл меъмори Устод Аҳмад Лоҳурнийнинг номи нотуғри ўқилиб, хато ёзib келинган."<sup>1</sup>

Яна, подшоҳнинг иқтидор доираси фақат шон-шуҳратга интилиш ё меъморчилик санъатида хаёлий тархларни ранго-ранг шакл-шамоийлда бино қилиш билангина чегараланган эмасди. У отадан мерос қолган хаттолик бобида "зар қадрини билган заргар" эди. Шоҳ Жаҳоннинг айнан меъморчилик ва хаттоликка бўлган қизиқишида муштарак бир мантиқ бўлиб, унинг моҳияти шундан иборат эдики, араб ёзувининг турли услублардаги ҳусниҳат санъати меъморчилик ва ўймакорликда нақш сифатида ниҳоятда кенг ва кўп қўлманиларди(49:44).

Маълумки, "Хушнавислик ўрта асрларда бадиий ёзув санъати сифатида жуда юқори қадрланиб, унга маънавий маданиятнинг ўчоги, дея қаралган. Ҳусниҳат саводнинг асоси, инсон салоҳиятининг кўрки ҳисобланиб, унинг қадр-қиммати тўғри ва чиройли ёза олиш билими билан белгиланган. Шунинг учун саводли кишилар ўз фарзандларининг ёшлигидан ушбу илмни пухта эгаллашига катта аҳамият берганлар(44:45). Ҳиндистондаги Шоҳ Жаҳон даври каллиграфиясида насхга асосланган "классик олтилик услуби"ни суриб чиқара бошлаган настаълиқ услуби шунчалик урф бўлган эдики, ҳатто подшоҳнинг ўзи

---

<sup>1</sup>Тож-маҳал ҳақидаги муфассал маълумотни Н.Қориеванинг 1996 йили «Гулистон» журналининг 1-сонида чоп этилган «Тож-маҳалнинг меъмори ким?» номли мақоласидан олиш мумкин.

ҳам хушнавислиқда бетакрор намуналар күрсатған(130.22–32).

Бобурийлар шеъриятта бевосита таалуқдор бўлганиклари учунми, салтанатдаги адабий муҳитнинг барқарорлиги йўлида ҳамиша ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. Жумладан хориждан Ҳиндистонга келган Абутолиб Комилнинг қобилияти ва тинимсиз меҳнати Шоҳ Жаҳонга маъқул тушиб, подшоҳ уни мумтоз шоир Амулий вафотидан сўнг шуарога раҳнамо этиб тайинланган. Шоирнинг "Куллиёт" ва "Шоҳжаҳоннома" достонлари форсийзабон адабиётда чинакам юксак бадиий савияга муносиб бўлган.

Сарой шоири "Алҳий, – Қомусул аълам" да ёзилишича, – Хамадон шуаросидан ўлуб, Ҳиндистонда риҳлат-ла, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳоннинг хидматида бўлмишлиқдин сўнгра 1057 тарихинда вафот этмишdir. Таржим аҳвола доир "Ганжи Алҳий" унвон-ла, бир китаби ва мураттаб дивани вордур"(72:1037).

Саройда адиллар сингари илм-фан аҳлига ҳам етарли эътибор берилган. Мисол учун, машҳур олим, "Баҳр ал-асрор" – "Сирлар денгизи", "Ахлоқи Ҳусайн" номли илмий рисолаларнинг муаллифи Муҳаммад ибн Валининг 1628 йили Ҳиндистонга қилган иккинчи сафари Шоҳ Жаҳон таҳтга чиқсан йилига тўғри келиб, унинг саройда олий илтифотга сазовор этилганлиги ҳақида маълумот қолган(16:6).

Бобурийлар салтанатининг сўнгги йирик вакили Аврангзебнинг даврига ўтишдан олдин, кези келганда, "Ҳинд-мусулмон маданияти" хусусидаги айрим баҳсли жиҳатлар ҳақида икки оғиз сўз. Сўзимиз шуки, гарчи баъзи илмий нашрларда "Акбар ўз саройини эроний услубда янада

нозик диңгээлийн күрсатиши истаган" лиги ёки "Мүғулларнинг ўзи Эрон санъатидан мутаассир бўлганликлари учун у Ҳиндистонга ҳам ўтган" эканлигини кўрсак-да, лекин айни шу манба-ларда, муаллифларнинг Турон маданияти ва унинг намояндаларига таалуқли ҳақиқатни эътироф этиб ўтган ҳолларини ҳам учратамиз. Айтайлик, Шоҳ Жаҳон томонидан эронлик маданият арбобларига катта эътибор берилганлиги бу – тўғри, бироқ "подшоҳнинг туронликларга кўрсатган иззату икроми ва илтифотлари олдида эронликлар нуфузи уларга бас келолмаган" (120:169–170).

Гапнинг сираси, бобурийлар маданиятини "эронлаштириш" ёхуд "туронлаштириш", шу ҳар икки улуғ маданият унсурларини ўз бағрига сиф-дирган қадим ҳинд маданиятига мансуб қайишувчанлик хусусиятини унитишга уриниш бўлурди. Энг муҳими, бу диёрда ҳар уч – Ҳиндистон, Эрон ва Турон фани, адабиёти, санъати намояндаларининг ижодий ҳамкорлиги ҳосиласи бўлган "Ҳинд-мусулмон маданияти"дан нафақат қўшни минтақалар халқи, балки қолаверса, бутун бир башарият манфаатдор бўлди ва бунга жонли мисоллар керагидан зиёд!

Аврангзеб салтанати маданий ҳаёти, ўзининг яқин ва узоқ ўтмиш аждодларининг кенг қамровли маърифий тушунчаларидан анча фарқли бўлган ўз ортодоксал характеристи билан ажralиб туради. Баъзи ҳинд тадқиқий нашрларида подшоҳнинг бундай руҳиятини бесабаб эмаслигига ишоралар бор бўлса-да, биз бу масала хусусидаги ўз баёнимизни подшоҳ шахсий ҳаётига тегишли фактлардан излашга эмас, балки тарихан бўлиб ўтган воқелик ҳақиқатига қаратамиз.

Аврангебнинг бир неча тиллардан хабардорлиги, унинг ўз она тилини унитмаганлиги ва фармонларни форсий каби туркийда ҳам ёзилиши, салтанатдаги илмий-маърифий ишларда ўз аксини топмай қолмади, албатта. «Подшоҳнинг бевосита кўрсатмаси билан Муҳаммад Ёқуб Чингий ва Касабан Барбала ўн беш қисмдан иборат туркий тили грамматикаси масалаларига бағишиланган "Келурнома" ҳамда "Ҳафт ахтар" асаларини яратдилар».

Сўнгти – XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрга оид қўллэзма топилмалар ўзининг ёзма хати, безаги ва айрим бўлак хусуслари билан шуни кўрсатдики, Аврангзеб ва унинг ворислари даврида "Чигатой туркийси"га қизиқиш сўнмаган. Натижада, Фазуллахон ва Шоҳ Табиб Бухорийлар томонидан туркий тили грамматикаси бўйича "Луғоти туркий" ва "Алфози жолийе фи байни-и луғоти туркийе" ёзилиб тугалланган(74).

Бобурийлар салтанатининг сўнгти энг йирик вакили Аврангзеб давригача Ҳиндистонда туркий тилининг маълум дараҷада ўз аҳамиятини сақлаб қолганлигига давлат ишларидаги хужжатлар ҳам кафолат беради. 1695 йили Подшо томонидан Россия элчиси Семен Маленькийнинг божсиз савдо-сотиқ қилишга ҳуқуқ берувчи туркий тилида ёзилган фармон билан тақдирланиши, сарой девонида икки – форсий ва туркийда иш юритилганлигини маълум қиласи(24:148).

Ўтган асрнинг сўнгти чорагида Ҳиндистонда олиб борилган изланишлар натижасида ҳинд қўллэзма хазиналаридан топилган XVI, XVII ва XVIII асрларга доир шеърий услубда насх ва настаълиқ хатида тузилган туркий-форсий ҳамда форсий-туркий девонлар орасида XV асрнинг биринчи

чорагига мансуб лугат қўллэзмаси борлиги аниқланди.(59:16). Топилма матни ўрганилгач шунга имонимиз комил бўлдики, туркий тили Деҳлий сultonлиги даврида ҳам озми-кўпми муомалада бўлган ва бунинг жонли мисолини XV асрнинг иккинчи чорагида Ҳиндистонга сафар қилган рус сайди Афанасий Никитин эсдаликларида туркий матнларда кўрдик.

Лекин туркий тили ҳинд адабий жараёнида дастлабки муомала воситасидан то расман ўз адабиётига эга бўлгунича, орадан тахминан юз йилча ўтиши керак эди. Муқаддам тузилган "Луготи туркий" ва "баёз"ларда гарчи туркий шеърият намуналари учраса ҳам, аммо "Ҳиндистон туркийзабон адабиёти"нинг шаклланиш жараёнини Бобур ва унинг сафдошлари ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Қисқаси, кўхна ҳинд сўз санъати даргоҳига форсийдан сўнг туркий тили ва адабиёти ташрифини, «тиллар моззийгоҳи мамлакати» адабий жараёнининг ҳинд тиллари қатори, нисбатан янги ўзлашган тиллар бадииятининг ривожига ҳам яратиб берган имкониятлари самараси, демоқ даркор.

### *Адабиёт*

Азалдан ҳинд олимлари, анъанага биноан ўз кўхна адабиётлари тарихини шартли ва ҳақли равища тўрт даврга бўлиб ўрганадилар.

**Биринчиси, "Виргҳаткал" – 1005 ва 1350-йилларни ўз ичига олган "Қаҳрамонлик ҳақидаги ривоятлар даври".**

**Иккинчиси, "Бҳактикал" – 1350 ва 1700-йиллари ҳамда ундан кейин ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаган "Садоқат даври".**

Учинчиси, "Ритикал" – "Ўрта аср ҳинд поэзияси даври".

Тўртингчиси, "Адҳуниккал" – "Ҳозирги замон" даври.

Зикр этилган даврларни ўзаро бир-бирига солиштириб қарасак, улар орасида "Бҳактийкал" – нинг бадииятда фоявий умрбоқийлик жиҳатидан қарийб уч аср тушунчасини ўз ичига олганлигини кўрамиз. Шундан маълумки, чиндан ҳам "Садоқат даври" умумҳинд адабиётида деярли барча "адабий даврлар" учун ибратли бўлиб, у турли диний эътиқоддаги бадиият намояндаларини ўз фояси атрофида жипслаштириб, асрлар оша Ҳиндистон халқлари ҳурматини қозониб келган. Шу аснода кечган турли миллат ва маданият эзгулик фидо-йиларининг ўзаро фоявий бирликка интилиши бадииятда байналмилал руҳият устиворлигини таъминлаган. Агар ижодда аввал мусулмон шоирларида ҳинд поэзияси ва унинг мавзуига қизиқиш уйғонган бўлса, адабиётшунос Кришна Кумар Синҳа таҳлили бўйича, "Ҳинд ва мусулмонлар бир ерда яшаганликлари учун ҳинд адабиётида ҳам мусулмонларнинг баъзи дунёқарашлари сезила бошлиган. Ҳаттоқи, бҳактий шеъриятининг бутун бир "Прем қавя" – "Мұхаббат ашъори" қисмини ерлик мазҳаблар, урф-одатлар ҳамда оғзаки ижодни мукаммал билган Кабир, Сажубҳай, Дарё Соҳиб ва Жайси каби мусулмон шоирлар ташкил этди. Ўша давр ҳинд тили ва унинг шевалари масаласига келганда, шуни айтиш зурурки, улар гарчи минг йилгача шаклланган бўлсалар ҳам аммо ҳаммаси ҳам ўз адабиётига эга әмас эди. Бундан фақат кҳарий-боли, мейтҳиний ва ражас-

тҳаний<sup>1</sup> мустасно бўлиб, "Бҳактикал" адилари ўз ижодларида араб, форс ва туркий тилларидан кириб келган сўзлар кўп учрайдиган браж-бҳашани истифода этганлар(134:7–9).

Бражбҳашада қалам тебратган шоирлардаги диний, миллий, маданий тафовутларга нисбатан бедаҳллик кайфияти, бошқа маҳаллий мусулмон ижодкорлари қаторида туркийгўй қалам аҳлини ҳам адабий жараёнда иштирок этишга чорлаган. XV асрнинг иккинчи ярмидан Ҳиндистон адабиётларида кўринган ғоявий йўналиш ва бадиий юксалишдаги ўзгаришларда, ҳинд ва мусулмон эътиқодидаги инсонпарварлик туйгулари икки эътиқод синтези рамзида ифодаланди(14:84) Бундай «чатишув»нинг асоси, "мавжуд даврда Ҳиндистондаги ғоявий оқимлар ичидаги тасаввуф учун энг яқини – Кабир мадҳ этган "ниргун бҳактий" мазҳаби эди"(79:83). Айни шу икки забардаст таълимот, ўрта аср ҳинд сўз санъати марказий мавзуи сифатида тарихда қолди. Дҳарамдас ўзининг "Нирбҳай гян" рисоласида ёзганки, "Кабирнинг вафотидан сўнг уни қайси дин расмрусларига мувофиқ дафн этиш масаласида мусулмон Бижлийхон ва ҳиндупараст Виргҳсинг Багҳела келишолмай қолганлар. Улар эртаси куни бир фикрга келиб тобут қўйилган ерга келсалар, ҳар иккиси кутилмаган мўъжизани кўриб хайрон қолганлар – тобут ичидаги шоирнинг жасади ўрнида, бир даста рангин нилуфар гулларини кўрганлар. Шу каби Кабир ҳақидаги яна талай ривоят ва ҳикоятлар орасида Шоирнинг Искандар Лодий даврида яшаганлиги ва уни "кофир"лиги учун ҳукмдор томонидан ўтга, сувга ва қутурган

<sup>1</sup> Ҳинд адабиётидаги тиллар номи.

фил оёқлари остига ташлаб жазоланганилиги түғрисида хабар бор. Афсонадек туюловчичи бу хабарда ажабланарлиси шундаки, шоирнинг ўзи ҳам шеърида мазкур кўнгилсиз воқеаларни тилга олган.

Ҳиндистонда Кабир ҳаёти ва ижодига бағишиланган 1887 йил нашрига оид Парманандаснинг урду тилидаги "Кабир мансур" китобида бошқа муҳим маълумотлар қаторида шоирнинг Бағдод, Бухоро ва Самарқандга сафар қилганилиги ёзилган(107).

Кабирнинг кишиларни қайси дин, мазҳаб ёки табақада бўлишидан қатъий назар, улар тенг эканликлари ҳамда ҳеч бир инсон боласи тўғишидан ҳинд ё мусулмон бўлиб дунёга келмаслиги ва ниҳоят, Тангрини осмону фалакдан эмас, ер юзида яшовчи одамлар қалбидан излаш кераклиги ҳақидаги даъватлари, бамисоли ўз муҳити иллатлариниг кўзгуси эди. Унинг мутаассибларни жаҳолат, худбинлик ва фафлат уйқусидан уйғотишга багишиланган «сакхий»лари<sup>1</sup>, диний адоват ва миллий низолар қаби икки ўт орасида қолган одддий халқ аҳволини енгиллаштиришга қаратилган эди:

ॐ वियाई बादली वसण लगे अँगार ।  
उठि कबीरा धाह दे, दाभत है संसार ॥२॥

Булутлардан сув ўрнига оташ ёғмоқда,  
Кабир, дод сол дунёга у даҳшат солмоқда!

---

1. Сакхий – диний–фалсафий маънодаги икки мисрадан иборат ҳинд шеърияти жанри.

Навбатдаги сакҳийда, адаб сўзни ҳинд ва мусулмонга муқаддас бўлган Каъба ҳамда Кошийдан бошлар экан, у ҳар икки диний маскандан олинадиган «маънавий озуқа»ни, мажозан, барча учун азиз «бўғдой дони»га қиёслайди. Ва у бу билан, ҳинд ва мусулмонни дину диёнатда ҳам худди Ҳақ таолонинг моддий неъматларига бўлгани каби баробар муносабатда бўлишга чақиради. Токи инсонлар учун ўртадаги мавжуд наслий, миллий ва диний турфалик ўзаро можароларга сабаб бўлмасин:

**काशा फिर कासी भया, राम भया रहीम ।  
मोट चून गैदा भया, वैठि क्षीरा जीरा ॥ १० ॥**

На Каъбаю Кошийда фарқ, на Раҳим ва Ром,  
Шу "Дон" донаси унидир Кабирга таом!

Абулфазл Алломийнинг "Ойин – и Акбари"-сидаги шоир шахсияти ва ҳаёти мақсадига берилган қўйидаги муҳтасар таърифнинг ўзи, Кабирнинг ҳинд ва мусулмонлар учун қанчалик улуғсиймо эканлиги далилидир: "Мувоҳид – бирлик ошиғи Кабир ва унинг асалари билан боғлиқ жуда кўп ривоятлар бор. У ўзининг пок ва ибратли ҳаёти билан том маънода таҳсинга сазовор ижодкор эди"

Шоир ижодиётидаги сўфиёна руҳият, унинг ҳатто, ижтимоий мавзудаги мисраларида ҳам тажассум топган. Тириклик ва ҳаёт лаззатларидан баҳраманд инсон Яратганинг барча марҳамтларига муносиб равишда доим итоат ва ибодатда ишқ туйғуси билан умргузаронлик қилмоғи керак, йўқса, "беишқ дунёга келмоқ бекор":

Дилда агар бўлмас экан  
ишик оташи Тангрига алҳол,  
У ҳолда бил, эй "маъшуқа,  
бу дунёга келмоқлик бекор".

Тасаввуфдан маълумки, "муҳаббат, қалбда  
кучли тўғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта  
бўлиб, барча гўзалликлар манбай, қудрату нусрат,  
неъмату раҳмат эгаси Тангри томон талпиниш-  
дир"(39:31). Бҳактий таълимотида бу жараённинг  
қандай кечиши, Кабирнинг ушбу мисрларига ўз-  
гача бир ташbihда йўғрилган:

"अंखियन तो माई पड़ी, पथ निहारि निहारि ।  
जिहवा तो छाला पड़े, नाम पुकारि पुकारि ॥"

Йўлига зор боқа – боқа, кўзларда нур қолмади,  
Бу тил номин такрорлашдан қабардию толмади.

Ёки

मेरा मन सुमिरै राम कूँ, मेरा मन रामहिं आहि ।  
अब मन रामहिं है रहा, सीस नवावौं क्षाहि ॥८॥

Ром номини ёдлай – ёдлай қалбdir унга вобаста,  
Агар қалбим Ромда бўлса, кимга қилайин сажда?

Саволдан кўриниб турибдики, шоир фоний  
дунёнинг ўзидаёқ Тангрига комил садоқат бил-  
дириб, руҳан ўз манзилига – "нирвана"га яъни,  
"фано"га етди.

Лекин у бу билан мақомига нуқта қўймайди,  
балки "мокша" – қайта туғилиш азобидан аба-  
дулабад озодлик, яъни «бақо»дан сўйладайди:

तूँ तूँ करता तूँ भया, सुझमें रही नहूँ।  
वारी फेरी बलि गई, जित देखों तित तूँ। ६॥

е

Сени, фақат Сени дея мендан қолмади нишон,  
Энди қайта туғилмасман, күз олдимда Сен ҳар он.

Худди шунингдек, "Одатда сўфийлар учун фано мақоми сўнгги нуқта эмас, чунончи, фанодан кейин унинг мантиқий давоми бақо(абадият) ҳам мавжуд. Одам ўзининг вақтинчалик ўткинчи "Мен"ини йўқ бўлганини сезгач, у абсолют дengизга шўнгийди. У билан гўё ўзини Мутлоқ борлиқ, каби ҳис қиласи. Бу боқийликни англаш, маълумки, тариқат йўлига кирган солик учун энг олий мақомдир"(19:38). Шу боисдан Кабир ҳам ўзида неки бор бўлса – жону тан, ақлу идрок, фаҳму фаросат ва барча бўлак гўзал фазилатларни "Сенинг ижодинг" дея, Тангрига садоқат руҳидаги жўн, мўъжаз ва ҳаммабоп "калима"да кабирона "имон келтиради":

मेरा तुम्ह में कुछ नहीं, जो कुछ है सो तेरा ।  
तेरा तुम्हको सौंपता, क्या लागै मेरा ॥ ३ ।

Сенда мендан ҳеч вақо йўқ,  
менда неки бор – Сендан,  
Омонатинг Сенга бергум,  
не қолур унда "мен"дан?

"Атма" – инсон руҳининг «Браҳма»га қайта қўшилиш тасвири, ижодкор ашъорига мансуб халқчил бадииятта энг яхши мисол. Шоир "Илоҳ ва инсон" бирлиги ҳақиқатини гоҳ жамият, гоҳ табиатнинг мусаллам қонунлари негизида шеъ-

рий ифодалайди. Шу услубда битилган сакхийлар мажмуининг бирида Браҳманি оби ҳаётга, одамни оса ундан ҳосил бўлган муз парчасига қиёслаб, яна ҳар икки объектнинг қайта бирлашишига «таъриф беҳожат» дейди:

କବୀର ପାଣ୍ଡି ହି ତେ ହେମ ଭ୍ୟା, ହେମ ହୁଁ ଗ୍ୟା ବିଲାଇ ।  
ଜେ କୁଳ ଥା ସୋଈ ଭ୍ୟା, ଅବ କଢୁ କହ୍ଯା ନ ଜାଇ ॥୧୭॥

Сув эди у муз бўлди, муз эригач сув бўлди,  
Таърифга ҳеч ҳожат йўқ, недан бўлса шу бўлди.

Ёки:

ହେତ ହେତ ହେ ସଖୀ, ରହ୍ଯା କବୀର ହିରାଇ ।  
ବୁଦ୍ଧ ସମାଣୀ ସମଦ ମେ, ସୋ କତ ହେରି ଜାଇ ॥୩॥

Ё ажабо, ғойиб бўлди Кабир кўздан,  
Топиларми ҳеч бир томчи сув денгиздан.

“Бҳактий саҳитя” – «Садоқат адабиёти»га тегишли мисолларимизда “Браҳма ва атма”нинг ўзаро риштасига кўпроқ аҳамият беришимизга сабаб, ҳинд-мусулмон адабиётида ушбу мавзу турфа талқинларда таърифланган ва бу «мушоира»да форсийгўй ёки туркигўй шоирлар ҳам истисно эмасдилар. Улар сафида номи зикр қилинган “Раҳим” тахаллусли шоир – Абдураҳим хони хононнинг “доҳа”лари<sup>1</sup> ҳинд адабиётида Тулсий ва Биҳарий сингари мумтоз адиллар асаллари дара-жасига кўтарилиган эди. У «браж» тилидаги до-ҳаларида фоний ва боқий дунё ўртасидаги гум-

<sup>1</sup> Ҳар бир мисрада тухтаб ўқиладиган байт.

роҳликдан сарсон бандаларни энг тӯғри — Ҳақ йўлини излашга чақириб, уларни "Илоҳ ва инсон" орасидаги ҳаёт номли фанимат масофани пок йўл билан босиб ўтишга ундаиди. Ва фақат шу ҳолдагина шоир ташбиҳида "Меҳр денгизи" қалб аталмиш бир томчи сувда мужассам бўлиши мумкин:

बिन्दु में सिव्यु समान, को अचरज कासों कहें।  
हेरनहार हिरात, 'रहिमन' प्रापुनि आपसे ॥१॥

Кимга айтай, бу не ажаб, бир томчида  
Денгиз бўлса жо,  
Ва Раҳимнинг излагани бўлса қалб-ла  
бир бутун — танҳо!

Тӯғри, Ҳақ йўлини ҳинд ва мусулмон ўз дину диёнати кўрсатган тарафдан излайди. Излаганда ҳам фақат ўз юрган йўли ҳақлигига ишонади. Ва бу бор ҳақиқатни Шайх Низомиддин Авлиё шундай англайди:

جرم راست را ہے دینے قبل کا ہے

<sup>“</sup>  
Хар қавмнинг бордир ўз тӯғри роҳи<sup>1</sup>,  
Ўзининг динию ва қиблагоҳи.

Ана шу алоҳида роҳ — йўллар хусусида номи яширин қолган яна бир сўфий қалам соҳиби, бу масалага ўзга бир мажозий услубда ёндашиб, кўзлар ҳатто алоҳида бўласа ҳамки, бир мақсадга хизмат қилишни тарғиб этади:

<sup>1</sup> Бу сўз форс тилида "йўл" маъносини англатади.

لیگانه بودن و یکاشدن ز جشم آموز  
که هر دو جشم جدا وجود نمی نگرند.

Ягоналик ва бирликда кўзлардир устоз,  
Ҳар иккиси бир кўришда бешак, беқиёс.

Ёки Амир Хусрав Дехлавий наздида "Ҳар бир миллат(яъни дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйган Аллоҳ"га садоқат билдириш у ёки бу эътиқод устиворлиги руҳида эмас, балки хулуси дилдан қилинган тоат–ибодатда. Шу боис шоир шеъридаги мажозий ундов, эътиборни шакдан мазмунга қаратишга чорлайди:

بزم زوئے آموز پرستش گری

اییے کہ طعنہ ز بہت بہ ہندو بری

"Бутпараст" ҳиндуга таъна қилишдан олдин.  
Тоат–ибодат йўлини ундан ўргангин.

Ва навбатдаги мисраларда адаб диндаги комил эътиқод гултожи бўлмиш ишқ рамзини ўз қалбига кўчиради. Зотан ишқقا ноиллик боис "кофир бўлган ошиқ"<sup>1</sup>нинг ҳар бир жон томири – тори учун энди зуниорга<sup>1</sup> ҳожат йўқ, чунки ило-

<sup>1</sup> Алишер Навоий асарлари луғатидаги тавсифга биноан, "зуниор" – бу мусулмонлар давлатида яшайдиган христианинг белгиси сифатидаги белига боғланадиган чилвир.

хий неъматга бўлган садоқат олдида ҳатто мусулмонлик ҳам нисбий тушунча:

کافر عشق مسلمانی مرا درکار نیست  
هر رگ جان تار گشته حاجت ذnar نیس

Ишқ дея кофир бўлдим,  
мусулмонлик даркор эмас,  
Ҳар томир – жон торидир,  
зуннорга у муҳтож эмас.

“Хинд–мусулмон адабиёти»да – хиндми, форсийми ё туркий бўлсин, инсон диний эътиқодининг маънавий–ижтимоий ҳосиласи масаласи ҳам ниҳоятда долзарб мавзу мавқеида қаламга олинган. Яъни, Яратганинг ердаги халифаси – Одам боласи киройи дунёга келибди, у ҳаёти давомида ўзидан шундай бир из қолдирсипки, токи уни ҳамма тоабад эсласин, эъзозласин, гўё Бобур орзу қилгандек:

Бори элга яхшилиғ қилғилки мундин яхши йўқ  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Бунинг учун, таассуфки, ҳаётда ҳар доим ҳам “тўғри йўл”ни тутиш бакор келавермайди. Балки худди шу сабабдан, Ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, эзгу ишдаги “ёлғон” шоир “Рахим” талқинида ҳам гуноҳдан ҳоли:

‘रहिमन’ जो रहिबो चहै, कहै वाहि के दाय ।  
जो बासर को निसि कहै, तौ कचपची दिखाव ॥७६॥

Не деса Хожанг дегил “хўп”,  
 кеча – кундуз “йўқ” дема,  
 Тун деса кунни агар  
 “осомда юлдуз йўқ” дема!

Абдураҳим хони хонон ўзининг ҳазиломуз, лекин пурхикмат мисраларида, киши ишининг маҳобатига эмас, балки унинг иқтидори ва имкони лаёқатига қараб баҳо беришга чақиради. Чунончи, қўлдаги беш бармоқнинг ҳар бири фақат ўз ўрнида фойдали бўлганидек, кишилик жамиятида ҳам ҳар бир фуқаро ўз вазифаси натижаси билан қадрланади:

‘रहिमत’ देखि बड़ेन को, लघु न दीजिए डारि ।  
 जहाँ कास आवे सुई, कहा करे तरवारि ॥२२॥

Каттани катта дебон кечма Раҳим кичикдан,  
 Игна қилган ишни асло кутмагин сен қиличдан.

Хуллас, бҳактий адиллари учун «карам-дҳарам» маъносида онгли фаолият ва унинг самараси бандасининг Тангри олдидағи дунёвий ва ухровий сарҳисоби. Афтидан, айнан шу нуқтаи назардан бўлса керак, Кабир баъзи сакҳийларида меҳнат ва ибодатда «бесамар» умр ўтказганлигидан надоматлар чекади:

कबौर कहा कीया हम आइ करि, कहा कहंगे जाइ ।  
 इत के भए न उत के, चाले मूल गंवाइ ॥२५॥

Не каромат күрсатдик биз келиб дунёга,  
Ва не – нелар дермиз бориб охир Худога!

Бұқактий поэзияси руҳияти, маслаги ва маз-  
муни Ҳиндистон туркійгүй шоирларига ҳам бе-  
писанд бўлмаган. Ҳусусан, Бобурнинг қуийидаги  
афсуснок мисралари руҳан ҳеч бир Кабир сак-  
ҳийсидан қолишмайди:

Бесабрмену бесару сомондурмен,  
Бир ғамзададурмену паришондурмен,  
На диннинг ишин қилдиму на дунёнинг,  
Ё раб, нетай ўз ишимга хайрондурмен.

Бинобарин, браж, форсий ва туркий ижод-  
корлари ғоявий йўналишининг яна бир умумий  
аҳамиятта молик ҳусусияти шуки, уларнинг ҳатто  
соғ маънодаги диний мавзуларга бағишиланган  
асарларида ҳам даврнинг ижтимоий иллатларига  
нисбатан ўта танқидий муносабат ётади. Ва ижод-  
корлар ўртасидаги бундай диний – ижтимоий мав-  
зудаги "жўровозлик" ка сабаб, қаламкашлар эъти-  
модича, фақат имон – эътиқод сусайган ердагина  
мутаассиблик руҳияти илдиз отади. Жамият ҳаё-  
тининг қон – қонига сингиб кеттан «учи йўқ» чи-  
галликлар ижод аҳли хаёлини бир дам тарқ этмай,  
савол устига савол туғдиради. Масалан, Кабир бу  
саволларга жавоб излаб, ниҳоят, ҳақиқатни "ҳаёт  
даражтининг ўзи шохидан то баригача ғам – фус-  
сага тўйинган" эканлигида кўради:

जदि का माइ जनमियाँ, कहूँ न पाया सुख।  
डाली डाली मैं फिरौं, पातौं पातौं दुख॥११॥

Бу дунёга келибманки баҳт изладим –  
ҳаёт деган дараҳт шохидан,  
Шоҳдан излаб тополмайин баргин қўрсам –  
экан хазон ғамнинг оҳидан.

Бобур эса бошида тоҷи, остида таҳти бўла туриб, “норасо дунё”нинг адолатсизлиги, даврнинг ашаддийлиги, тақдири азалнинг найрангларию жамиятнинг ношудликларига бефарқ қаролмайдиган ҳамма тараққийпарвар ижодкорлар сингари ўз замонасига сиғмади:

Даврон мени ўткарди сару сомондин,  
Айирди бир йўли мени хонумондин,  
Гаҳ бошима тоҷ, гаҳ балойи таъна,  
Нелар бошимға келмади даврондин.

Ёки Байрамхоннинг шу руҳда ёзилган рубоийсида, унинг «Дин ғамию қуфур ҳужуми»га муносабати, ҳаёти охирида шахсан ўзи шоҳид бўлган адолатсиз жамиятдаги дину дунё ишларига нисбатан лоқайд бир кайфият акс-садосидек туюлади:

На дин ғамидин дами паришондурмен,  
На қуфр ҳужумидин ҳаросондурмен,  
Бутхонаю масжид менга яксон кўринур,  
Гўёки на кофир ва на мусулмондурмен.

Юсуф Фарёбий, даврнинг адолатсизликка асосланган мағкурасига нисбатан ўз муносабатини ошкора назмга солган Ҳиндистон туркигўй шоирларининг бири. У кўз ўнгидаги содир бўлаётган бедодликлар сабабини, бир ёқда тоат-ибодату, бир ёқда қон тўкиш билан овора ҳукмрон доираларда авж олган риёкорликдан излайди.

Фарёбий ғазалиётининг яна бир муҳим томони, у анъанавий пардапуш ташбиҳ ва иборалардан қочиб, замондошлари ҳақида тўғридан тўғри кўнглида борини қоғозга туширишдан тап тортмайди:

Каъбада бутлар сужудин бизга таълим айлади,  
Қибламиз ул раҳнамомиз пиrimiz, устозимиз,  
Икки олам халқи ичра бизни расво айлади,  
Кўнглимиз бад хоҳимиз, озурдамиз, ношодимиз.

Ҳинд–мусулмон адабиётига тааллуқли диний–ижтимоий мавзулардаги намуна тариқасида берилган браж, форсий, урду ва туркийдаги шеърлар, баъзи ижодкорлар меросидан намуна холос. Адиблар адади сингари уларнинг ишқий, фалсафий ва дидақтик руҳдаги шеърияти ҳозиргача тугал ўрганилмаган. Ҳинд ва форсийгүй шоирлар ижодига нисбатан Ҳиндистон туркийгүй қаламкашлари мероси яқин–яқинларгача бамисоли бир кўзи очилмаган бўлоқ эди. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ҳинд қўллэзма фондларидан топилган туркий манбалар ниҳоят яхлит илмий муомалага киритилиб, ундан кейинги янги топилган материаллар юзасидан ҳам тадқиқот давом этмоқда. Агар бизнинг бадииятга бевосита алоқадор бўлган Ҳиндистон туркийзабон адабиёти саҳифаларини варақласак, унинг қисқача тарихи қўйидагича:

Дастлаб Бобур бошлиқ сарой шоирлари даврасида чегараланган туркийзабон адабиётга тегишли маълумотлар “Бобурнома”да келтирилган. Шоирнинг Шайх Абул Вожиб, Шайх Зайн Садр, Мулла Алижон ва Тўғонбек Хокисор сингари иккни тилда ижод этувчи амиру мулозимлар номларини қаламга олиши, Хўжа Калон билан унинг

туркий тилидаги ёзишмалари ёки ўғиллари Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндолга ўзининг баъзи туркийдаги таржима ва шеърларини юборганилиги ҳам шулар жумласидан. Абдулбоқи Ниҳавандийнинг "Маосири Раҳимий" тазкирасидаги Бобурнинг ёш Байрамхон туркий назми билан қизиққанлиги қайди ҳам бежиз эмас(15:70) Зотан, адабнинг серқирра ижоди ва унинг саройидаги адабий мухит кўпгина сафдош ҳамда ёш қалам аҳлини илҳомлантириб, Ҳинди斯顿 туркийзабон адабиётининг равнақига йўл очган. Бобурнинг адаблик ва давлатчилик каби қўш ижодий ва сиёсий фаолиятининг яна шундай бир ноёб омихта жиҳати борки, у асл маънода, адабий жараён тарихида камдан-кам шоир зотига насиб бўлган баҳт. Бу баҳтнинг манбаи шундаки, гарчи шоҳ-Бобур умриниг сўнгги йилларидаги орзуси – бутун Ҳинди斯顿ни ягона куч остида бирлаштиришга эриша олмаган бўлса ҳам, аммо шоир-Бобур, тақдир тақозоси билан, туркий халқлар адабиётини осмонўпар Ҳимолой тоғларидан олиб ўтиб Ҳинди斯顿дек азим бир ўлкада унинг бадиияти сарҳадларини кенгайтириш шарафига мұяссар бўлди. Шу бўлдию, "Ҳинди斯顿 адабиёти нафақат ҳинд ва форс, балки "Чигатой туркийси" аталувчи шарқий туркий тилида ҳам ривожлана борди"(14:87). Бу ташаббус Бобурдан кейин анъана тусини олиб, унинг зурриётлари томонидан имкон қадар давом эттирилди.

Ҳумоюн ҳам фан ва маданиятни қадрловчи, адабиётни севгучи киши эди. У ер ва коинотга доир илмлар билан шуғулланиб, имкон қадар расадхона қурилиши ишларида ҳам қатнашган(127:70-71). Тазкиралардан етиб келган шеърий намуналарга кўра, Ҳумоюн форсий ва туркий тилларида

рубоий ва ғазаллар ёзган. Агар "форсийда уни Ҳофиз Шерозийнинг сирли тили мафтун этган" бўлса, туркийда отамерос поэзия гулшанидан баҳра олган.

Салтанатдаги адабий муҳитни пешқадам шоир ва саркарда Байрамхон Хони Хонон ва Ҳумоюннинг укаси Комрон Мирзолар баркамол ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, уларнинг туркийда тузган девонлари Ҳиндистон туркийзабон адабиёти пойдеворини мустаҳкамлашда улкан ҳисса бўлиб қўшилган.

Ўша даврнинг "Ҳинд-мусулмон маднияти" – даги ғоявий яқдиллик, ижодий ҳамкорликнинг энг жонкуяр намоёндаси ва туркий ҳамда маҳалчий адабиётнинг билимдони Абдураҳим хони хонон бўлиб, унинг ҳомийлигидан баҳраманд ижодкорлар орасида мовароуннаҳрик адиллар ҳам топилган; Мавлоно Қосим Тошкандий ўғли мулла Хушҳолбек – Мирак, самарқандлик шоир Мирдўстий. "Раҳим" ижодининг биз учун энг муҳим тарафи шундаки, унинг "туркий қаламда буюк Алишер Навоийга эргашган"лиги, XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларида ҳам Ҳиндистон туркийзабон адабиёти ҳамон ўзбек мумтоз шеърияти таъсирида бўлганлигини билдиради. Ва бу далил, ўзбек бадииятининг оламшумул аҳамиятта эга эканлигини яна бир карра тасдиқлаши билан қимматли!

Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида асли ўртаосиёлик Урфий Шерозий, Назирий, Файзи Даканий сингари машҳур шоирларнинг номи билан боғлиқ адабий ҳамкорликнинг авж олиши, "Сабки ҳиндий" – "Ҳинд услуби"ни қарор топишида бошланғич давр бўлди(50:41). Келгусида ушбу услуб, қатор ҳиндистонлик ва ўртаосиёлик

қаламкашлар учун ҳамкорлик воситасига айланди. «Ҳинд шоирлари Алифий Шомий, Тулун Каширий, Кимолий, Маъсум Рамзий, Лоҳурий ва Жоний Кобулийларнинг Мовароуннаҳрга ташрифи ёки Файзи Даканийнинг "Кашмир" қасидасига жавобан Мурод Самарқандийнинг ёзган асари, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ижодий ришталарининг яна бир амалий кўриниши эди»(59)

Мабодо таъриф жоиз бўлса, "ҳинд бадиияти боғи"ни, араб, форс, туркий тиллари лексикаси кириб келиши билан вужудга келган урду тили адабиётисиз, уни ўзидағи энг ширин меваларининг бирисиз тасаввур этиш билан баробардир.

Урду тили тарихини ўрганувчи тилшунослар ўртасида унинг қачон ва қаердан келиб чиққанлиги борасида ҳали ҳам айрим зиддиятлар мавжуд. Масалан, Моҳан Лал Видяртҳий ёзишича, туркийнинг "ўрда" сўзидан ибтидо олган "урду тили", аслида фарбий ҳинд диалекти бўлиб, унда дастлаб Деҳлий музофотларида сўзлашилган ва XVIII асрдан бошлаб бу тил тез орада шимолда тарқалган(106:430–431).

Бобурийлар салтанатида «урду ашъорининг кўзга кўринган Нури Аъзам – Нурий, Ҳазрат Камолиддин, Муҳаммад Шайх Саъдий, Муҳаммад Афзалдек фидойилари ижодда камолот чўққисига интилганлар». Биз юқорида урду тили ва шеърияти хусусида сўзини "ҳинд бадиияти боғи ва унинг ширин меваси" таърифидан бошлаганимиз бежиз эмасди, чунки, бу таърифнинг, майли, биргина байт туфайли бўлсин, ўз сабаби бор. Яъни, ўз вақтида урду тили ва шеърияти шираси Бобурни ҳам уни татиб кўришга мажбур қилган ва у имкон қадар урдуни ўрганиб, унда ўз қаламини

синааб күрганки, қуийдаги икки “ширу шакар мис-ра” бизгача етиб келган:

مېرىكىنە بىر كېپھۇسى مانگىز مۇشى  
فەرالىخ بىس بولسەپانى دروٹى

Менга на дур, на гавҗар хавас эмасдур,  
Фақир аҳлиға нону сув бўлса басдир.

Салтанатда ҳинд файласуф шоирлари ҳам фаол ижод қилдилар. Аксарият ҳинд қалам со-ҳиблари ичида Тулсидалинг “Кичик Рамаяна” номини олган “Рамачаритаманаса” – “Ром жасоратининг дengизи” поэмаси, чиндан ҳам ҳинд ижтимоий ҳаёти, адабиёти, санъати, фалсафаси ва умуман маданиятида улуғ бир воқеа эди, дейиш мумкин. “Асар Ҳиндистон қалбининг бадиий инъикоси сифатида шу ҳалқнинг табиати, турмуш тарзи, расм-русусмлари билан йўғрилган бит-мас-туганмас бойликларини равон ва ҳаққоний ифодалаганлиги билан алоҳида бадиий, ижтимоий ва фалсафий қийматта эга”(80).

Адабиёт соҳасида олдин Ҳиндистонда, сунг қисқа муддат ичида Ўрта Осиё, Эрон ва Ozарбайжон ҳалқлари орасида машҳур бўлган мутафаккир ва мутасаввиф шоир Мирзо Бедил Аврангзеб даври шеъриятининг сиймоси эди. Унинг шогирлари сафида мусулмонлар билан бирга ҳинд шоирлари ҳам бўлган. “Мажма ун-нафоис” муаллифи Сирожиддин Алихон Орзу ва ҳинд шоири Аниндром вақти-вақти билан ўз ашъорини Бедил таҳриридан ўтказиб турганлар.

«Бедилнинг фалсафий фикр-мушоҳадаси ва таржимаи ҳоли “Ирфон”, “Ишорат ва ҳикоят”, “Ру-

каъот", "Фазалиёт", "Рубоиёт", "Муҳити Аъзам", "Тилсими ҳайрат" асарлари мажмуида ўз аксини топган».

Бобурийларнинг маданият ва маърифатга бўлган иштиёқи сабабли авлоддан–авлодга мерос қолган бойликларнинг энг бебаҳоси – юксак илмий, тарихий ва бадиий савиядаги нодир қўл–ёзма китоблардир. Аградаги подшолик фондига қарашли 24 минг жилдан иборат чиройли бе–затилган қўлёзмалар адади Аврагзеб даврида ҳам бойитилди.(45:39). Лекин қачонлардир салтанат саройларининг кўрки бўлган мусиқа ва рақс санъти сўна бошлаган. Муҳаммад Мустайидхон Соқий–нинг "Маосири Оламгирий" асарида берилган маълумотга кўра, подшо ҳукмронлигининг 13–ий–ли сарой ичида умуман мусиқа чолғусини чалиш тақиқланган. Шу зайдада бора–бора мусавиirlар ҳам пойтахтни тарк этгандар.

Индуизм ва ислом қадриятларининг муштарак асосларида шаклланган "Ҳинд–мусулмон маданияти"даги мусиқа санъати тадқиқоти ҳам фан учун ниҳоятда маствоилиятли мавзу. Чунки, бу мавзу омили, бир тараф учун Тангри томон олиб борувчи "илоҳий йўл" сифатида муқаддас бўлса, иккинчи тараф учун эса, диний эътиқод нуқтаи назаридан ўта нозик ёндашувни талаб қиласди. Шу икки муқобил муносабатларига қарамай, "муқаддас ва нозик" жиҳатларнинг умумий нуқталари ҳам бор. У шуки, инсон яратилишидан ёруғ дунёга диний туйфу билан келар экан, демак, мантиқан унга берилган барча қолган неъматлар ҳам илоҳий бўлгани учун фақат эзгуликка хизмат қилиши керак. Яъни, гўё ақлни яхшилил ва ёмонлик ёки ўғрилик ва тўғриликка ишлатилиши мумкин бўлганидек, қолган марҳаматларнинг фойда ёхуд

зарари ҳам, уларнинг қай мақсадда истифода этилишига қараб натижаланаади. Худди ана шу хулоса замиридан келиб чиқиб, биз ҳам қуйида, "Ҳиндмусулмон маданияти" мусиқий санъати тарихи ва унинг турли эътиқодга мансуб фуқаролар жамиятидаги туттган ўрни билан қисқача танишамиз.

## *Мусиқа*

Бизнингча, бу мавзуга ҳам тўғри ва асосли ёндашувда, индуизм тарихи жуда муҳим роль ўйнайди. Чунки ҳинд диний ва қолаверса, илмий манбаларида ҳам маҳаллий мусиқа тарихининг илоҳий эътиқод ибтидосидан бошланганлиги қайд қилинган. "Сарасвати" – фан ва санъат маъбуласининг "вина" сози билан бирга тасвирланиши ёки қатор ривоятларда рагаларнинг Шива ва Парватий илоҳлари номи билан боғлиқлиги шу сабабдан. Буларга қўшимча тарзда яна шуни айтиш мумкинки, ҳинд ибодатхоналаридағи мусиқа таҳсилига хос "гурукул" – «устоз ва ўқувчи» тизими Маҳабҳарата ҳамда Рамаяна каби эпосларда ҳам учрайди.(105:5-7). Муқаддам кўрилган нашр ва хабарлардан маълум бўлишича, ҳинд мусиқашунослигига дин ва мусиқанинг ибтидоий бирлиги хусусига жиддий аҳамият берилиши боиси – бу ҳар икки обьектни ҳиндупарастларнинг "садҳна" тушунчасида мавжудлиги. Зоро, мусиқашунос олим Свами Пражнанананда тафсилича, «садҳнада мужассам маънавий такомиллик сарчашмаси бўлмиш эзгулик, жумбиш, хушнудлик ва хаёлот сингари талай инсоний руҳий экспрессиялар Веда матнида тасдиқланган факт». Қолаверса, наинки фақат ҳинд, балки дунёning барча йирик динларида илоҳий каломни маълум оҳанг-

да қироат билан ўқилишининг ўзи ҳам, ҳар бир зътиқодли кишига мусиқанинг бегона эмаслигига кафолатдир.

Сўз ва оҳанг мутаносиблиги деганда, одатда қўшиқ жанри тушунилади. Аммо ҳинҷ мусиқисида бу тушунча озроқ ўзгача маънода талқин қилинади: санскрит тилида “вад” – бу сўзламоқ ва шундан келиб чиқсан “вадя” – сўзловчи, яъни соз, “вадана” эса сўзлатмоқ, демаки, созни чалмоқ. Аслида одамзоддининг маълум бир оҳанг билан сўзлагани, танасининг эса “вина” чолғу асбобига ўхшагани учун, инсоннинг ўзи ҳам ҳинձларда мусиқа ва сознинг инъикоси саналади.

“Сангит макаранда” манбаида ёзилганки, мусиқий товуш одатда беш турдаги восита орқали юзага чиқади: “накх” – чертиш, “ваю” – пуллаш, “чарм” – тери, “лоҳа” – темир ва ниҳоят табиий жараңг”(123:1–2). Шунинг учун созлар ҳам ўз тури асосида тўртга бўлинади: «тата вадя» – торли асбоблар, «сушира вадия» – ҳаволи асбоблар, «авағаддҳа вадя» – зарбли асбоблар, «гҳама вадя» – қўнғироқ ва бошқалар.

Самаведадаги тароналар таркибан етти тоvuщдан иборат бўлиб, уларнинг ижроси диний маросимлар руҳига мансуб тарзида олиб борилган. Тароналар одатан бир авлоддан иккинчисига оғзаки йўл билан ўтиб келган. Баъзи ҳинҷ манбалари бўйича, олдин веда оҳанглари замирида дуневий мумтоз мусиқа яратилиб, ундан сўнг эса, шу аснода замонавий асарлар ёзишга ўтилган(95:8).

Ведалар тизимидағи иккинчи қисмнинг махсус мусиқий оҳангларга бағишланishi, ҳинҷ сарзамида нишонланадиган барча диний ва миллий байрамларнинг куй ва қўшиқлар жўрлигига ўтка-

зиш анънасига диний эътиқод томонидан расман кенг йўл очиб берган.

Балки шу сабабдан бўлса керак, Шарқ ва Фарб, хусусан ҳинд ва Европа мусиқаларининг шаклланиши ҳамда тараққиёти тўғрисила сўз юритилганда, ҳинdistonlik мусиқашунослар бир жиҳатни алоҳида ургулайдилар. У ҳам бўлса, “ҳинд мусиқасининг ўз ибтидосидан ҳозиргача босиб ўтган йўлида Европадан фарқли равишда, ҳеч вақт ўз давридан орқада қолмаган”лиги.(95:1).

Ушбу қиёсий таҳлилдан шундай савол туғиладики, “Ҳар икки ўз йўналиши, тарихи ва руҳий-фалсафий асосига эга мусиқаларининг “замон ва макон” каби тушунчалар ўртасидаги фарқланишини таъкидидан кўзланган мақсад нима?” Саволнинг жавоби илмий манбаларда қўйидагича:

«Ҳинdiston доим – Шарқ ёки Farbdan бўлсин, хорижий савдогарлар учун дунёning энг катта бозорларидан бири бўлган. Яна шуниси ҳам муҳимки, савдо-сотиқ ишлари жараёнинда гоҳ ўзаро ва гоҳо бир тарафлама маданий-маърифий руҳдаги ҳамкорлик ҳамда ўзлаштиришлар юз бериб, бунда мусиқа ҳам қатнашган».

Масалан, Свами Пражнанананда қаламига мансуб рисолада<sup>1</sup> ҳинд дини, фалсафаси, маданиятининг дунёда кенг тарқалишига, асосан чет элликларининг бевосита иштироки натижаси деб қаралади. Италия, Месапатамия, Ассирия, Хитой, Корея, Япония ва бошқа давлатлар савдогарлари шулар жумласига киради. Муаллиф юнонлар масаласида тўхталиб, уларнинг ҳинд цивилизацияси

<sup>1</sup> Swami Prajnanananda. A Historical Study of Indian Music. Printed by Print India. New Delhi 1981.

унсурларини ўзлаштириб, сўнг ўзларида жорий этганликларини Фарб тадқиқотчилари Дэ Лэси О Лэари, Аллиян Денийоу ва Жон Малнколн асарларидан олинган иқтибослар билан асослайди:

“Элладанинг тонал тизими, Ҳиндистон ёхуд Хитойдан ўтган. Юнонлардаги чолғу созларининг асоси, Ҳиндистон ёки Осиёнинг башқа ўлкала-ридан ўзлашган. Одатда юонон созандалари чала-диган мусиқа шаклан миллий бўлса-да, унинг ас-ли ҳинд мусиқасидан олинган ёки жуда бўлмаса, шу негизда ўзига жослик касб эттан”.

Ёки Свами Абхедананданинг айтишича: “Ҳиндлар аввал ўз миллий мусиқасини Веданинг тароналарида ривожлантирган. Самаведа туфайли етти товуш силсиласи ва уч актава Ҳиндистонда юононлардан илгари Маълум бўлган. Оҳангнинг ёзма услуги соҳасида ҳам юононлар ҳиндардан ўрган-ганлар. Ва ниқоят, шунга ўхшашиб яна қатор омиллар мулоҳазасидан келиб чиқсан ҳолда, ҳинд мусиқашунослари қуийдаги умумий хуросага келганлар:

“Дунёдаги аксарият ўз цивилизациясига эга бўлган мамлакатлар мусиқа соҳасидаги ривожланишда биринчи турткини ҳар қалай ҳиндардан олган бўлишлари керак. Демак, ҳинд мусиқаси фақат Ҳинд ярим оролидагина эмас, ҳатто Хитой, Корея ва Япониядек Шарқий Осиё малакатлари орқали Эрон ва араб дунёсидан Юононгача етиб борган”.

Ушбу эътиборга ҳавола қилинаётган маълумот ва хабарлар ҳамда баҳоли қудрат қилинаётган айрим таҳдиллар, албатта, бу масаладаги мутахассис хуросаси ёки “сўнгги сўз” каби тушунчалардан узоқ. Мазкурдан асосий мақсад, фақат Ҳиндистон олимларининг ўз маданий қадри-

ятларининг ажралмас бир қисми бўлган миллий мусиқанинг тараққиёти ва оламшумуллигига нисбатан қандай муносабатда эканлигини билдириш.

Ҳинд мумтоз мусиқасининг ўз худудидаги шаклланиши ва равнақи икки жутрофий йўналиши билан характерли: бири шимолий – "Ҳиндустаний" бўлса, иккинчиси, жанубий "Карнатак". Ваҳолонки, ҳар икки йўналишнинг илдизи бир бўлиб, уларнинг таркибий асослари "raga" ва "тала"дан иборат (95:2). Бундан чиқди, таркибан ҳинд мумтоз мусиқасининг асосларини тушуниш ва унга хос хусусиятларни илғай билиш учун аввал "raga ва тала" атамаларининг лугавий мазмуни ва мусиқий моҳияти билан танишиб чиқиш керак.

**Raga (rag)** – бу сўзнинг ҳинд тилидаги лугавий маъноси бир неча: ранг, овоз, қўшиқ, истак, севги, эҳтирос, интилиш, дард, изтироб ва ҳоказо. Раганинг санаб ўтилган маънолари ичida мусиқадаги истифодаси фақат оҳанг бўлса ҳам, лекин қайсиdir жиҳатдан унинг қолган талқинлари ҳам оҳангга ёки ундан туғиладиган туйғуларга турдош ботиний кечинмалардек туюлади.

**Тала (tal)** – бу сўзнинг ҳинд тилидаги лугавий маъноси: кафт, қарсак, усул ва гоҳо, мажозан, булоқ. Тала – мусиқада усуллар мажмуини бирор циклга монанд тартибда таъминловчи омил.

Агар raga ва таланинг бевосита ҳинд мусиқашунослиги талқинида таърифласак, "Raga – бу шундай оҳанглар композициясики, у мусиқий товушлар билан зийнатланиб, ўзининг доимий ҳаракатдаги таъсир кучи билан тингловичи юрагида ранго – ранг кайфият касб этувчи мустақил асар.

Тала – бу усуллар циклининг муайян шакллар ва қочиримлар орқали ифодаланиши. Ҳар

бир "тала" ўз услуб ҳисобига эга бўлиб, уни "тхека" дейилади.

Аслида рага муайян анъанавий қонунлар асосида бошқариладиган оҳанглар тизими бўлсада, у созанда ё хонандага импровизация учун жуда катта имкониятлар эшигини ҳам очиб беради. Ва ундаги импровизация, унсурий жиҳатдан, доим асар руҳи ва тингловчи кайфиятига янги талқин бағишлайди.

Одатда инсон тилининг чиқиши арафасидаги турли "оҳанглар" мажмуи, айрим ҳинд манбаларида, ўзаро муомаланинг илк воситаси ҳисобланиб, фақат шундан кейингина тилининг шаклана бошлаганлиги эслатилади. Чунончи, тилдаки алифбо, интонация, морфология, синтаксис ва диалектлар бор экан, демак, ҳиндалар учун мусиқада ҳам ўзига хос аналогик таркиб ва тартиб мавжудлиги ортиқча исбот талаб қилмайдиган қонун.

Бордию, таркиб борасида янада чуқурроқ таҳлил қилсак, ҳар бир тил адабиётидаги сингари мусиқанинг ҳам ўз жанрлари бор. Яъни, бадиятда роман, достон, қисса, ҳикоя ва бошқа жанрлар бўлганидек, "ҳинд мусиқасининг ҳам "дҳурапад", "палларий", "тҳумрий", "жавалий" аталмиш шимолий ҳамда "крити", "варнам", "падам" каби жанубий шўъбалари бор".

Яна, рагалар номининг жуғрофий маъно касб этиши ҳам муҳим маълумотларни ўзига қамрайди. Уларнинг муайян қисми, масалан, худди Бенгал, Гужаратий, Карната каби бирор вилоят ёки шаҳар шарафига аталганидек, айримлари хорижий — арабча номлар билан ҳам номланган: Хижжаж ёки Яман рагалари(95:2-8).

Шарқ мусиқаси ижрочилигига, шу жумладан ҳиндаларда ҳам, қисман боя сўз очилган импровизация агар ҳал қилувчи бўлмаса, кам деганда, жуда муҳим роль ўйнайди.

Яъни, санъаткорнинг йиллар мобайнида авлоддан авлодга ўтиб келаётган тажрибанинг миридан сиригача эгаллаши билан унинг янги жилоларда зийнатлаши асарни янада бойитади ва унга янги қирралар бағишлайди. Бунинг энг синашта самараси ёки айтайлик, импровизациянинг мусиқага ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишнинг жонли ифодаси – бу Ҳиндистонда раганинг мазмуни ва муқаддам ижроси билан таниш муҳлиснинг холисона баҳоси билан белгиланиши.

Айни воқеликни аниқроқ ва яқинроқдан ҳис этиш учун, ўз миллий мусиқий меросимиз – мақом тарихига академик Юнус Ражабий талқинида бир назар ташлайлик:

“Мақомлар ривожланиш жараёнида шаклан ва мазмунан ўзгариб борган. Давр ўтиши билан қанча-қанча бастакорлар, хонанда ва созандарнинг жон куйдириб изланишлари, сайқал беришлари натижасида мақом йўллари мукаммаллашиб, яхлитлашиб келди.

Авлоддан авлодга, устоздан шогирдга оғзаки ўтиб, бизга етиб келган мақомларнинг шаклланиши ва тараққиётига ҳар бир авлод, ҳар бир со занда, хонанда ва бастакор ўз ҳиссасини қўшган.

Мақом санъатининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унинг анъанавий қонун-қоидалари сақланиб қолган. Шу сабабга қўра мақомларни ижро этишда тасодифийликка ўрин йўқ” (86:8–9).

Ҳиндистонда маълум рага турларининг ижро қилиниши куннинг муайян вақтларига бўлина-

ди. Улар ўз ижро соатларидан бўлак вақтда на чалинмайди ва на куйланмайди. Бундай схематик ижро маҳаллий шарт-шароитга қараб саккиз соатта мўлжалланган. Агар баъзи рагалар кун чиқиши билан соат олтидан чалина ё куйлана бошланса, бошқалари эса, фақат кун ботганидан кейингина тингланади – кеч соат олтидан сўнг. Чунки, шом палласидаги мусиқий садо тақво ва муроқаба – медитация учун энг қулай дам.

Энди рага ва фасллар масаласига келсак, ҳар бир фасл рагаси, мавжуд табиий муҳит билан ҳамоҳанг. Яъни, оҳанглар бамисоли теварак-атрофда ҳукм суроётган у ёки бу фаслнинг мусиқий инъикоси. Айтайлик, "Дипак" – лугавий маънода чироқ бўлиб, у шунингдек, ёзниңг ҳам рамзи. "Мегҳа" – лугавий маънода булат бўлиб, у шунингдек кузнинг тимсоли. Вақт, фасл каби шартли шароитларда ижро этиладиган рагалардан ташқари, яна истисно тарзида исталган пайтда эшитиладиган рагалар ҳам бор. Масалан, "Манд", "Синдҳура", "Дҳани" ва бошқалар(122:87).

Рагаларнинг даврий ва мавсумий характеристики шунчаки шартли ёки мажозий эмаслиги ривоятлар замирида ҳам шарҳланади. Шулардан энг ибратлиси Акбарнинг машҳур сарой созандаси, хонандаси ва бастакори Тансен билан бўлган ҳайратомуз воқеа.

"Эмишки, Тансеннинг подшоҳ назарига тушиб, ниҳоятда обрў эътибор топиши сарой мулозимларида кучли ҳасад уйғотибди. Шунда улар санъаткорни жазолаш мақсадида атайн Акбар ҳузурида ундан бемаврид "Дипак рагаси"ни ижро этиб беришни сўрабдилар. Аёнлар истагига қўшилган ҳукмдорнинг райига қарши чиқолмай Тансен зўр-базўр созни қўлига олишга мажбур

бўлибди. У Дипакни бошлиши билан бирн-кетин пилик чироқлар ўз-ўзидан ўт олиб ёна бошлабди. Рага оҳангининг ботиний тафтию чироқлар шўъ-ласининг кучайиши, Тансеннинг баданини оташ-дек қиздириб юборибди. Ҳатточи, ҳофиз ўзини ўргадаги ҳовуз сувига ташлагандаги ҳам вужудидаги ўт чўғи пасаймабди.

Шунда унинг яқин бир дўсти, энди нажотни фақат Тансен жуфти ҳалоли муҳаббатидан топиши мумкинлигига имони комил бўлиб, югурга саройдан уларнинг уйига етиб келиб, уй бекасига эрининг аҳволи аянчли эканини етказибди. Зирақ аёл севикли ёрини ўлим чангалидан қутқариш учун бор эҳтироси билан "Малҳар" рагасини куйлаши билан, севги ва ижро маҳорати туфайли Тансен ўзига келибди".

Аслида бундай бевақт Дипак рагаси ижросининг ривоятга айланиши бесабаб эмасди, чунки муқаддам подшоҳ буйруғи билан шу рагани бевақт куйлаган Гопал Наял мусиқий садо остида куйиб ҳаётдан кўз юмган экан.

Мисол келтирилган ривоятлар қанчалик ҳақиқатга яқин ёки ундан узоқ бўлмасин, бу ерда асосий гап биринчидан, Веда билан нозил бўлган мусиқий оҳанрабонинг илоҳий кучга эгалигига ишора бўлса, иккинчидан, унинг ҳиндалар маънавиятидаги муқаддаслиги.

Айтиш керакки, айрим рагаларда хорижий мусиқаларнинг таъсири ҳам сезилиб туради. Шулардан бири, кечки мусиқий дастурларда ижро этиладиган "Яман" ёки "Иман" рагаси. Раганинг арабча номидан ташқари, яна баъзи муаммоли томонлари ҳам бор. Бир тоифа манбаларда "Рага яман"ни Амир Хусрав Дехлавий яратганлиги қайд қилинса, иккинчисида, унинг исломий тасар-

руфдан олдинги рагалар сирасидан эканлиги кўрсатилган. Дарвоҷе, тарихий манбаларда, ҳиндистонлик қалам соҳибларининг мумтоз мусиқа ҳамда чолу созлар тараққиётига қўшган ҳиссалари хусусида турли маълумотларнинг учраб туриши одатдаги ҳол.

Хуллас қалом, бобурийлар салтанатида олиб борилган ички сиёсатнинг маданиятга нисбатан ҳомийлик руҳияти, юқорида таъкидланганидек, ижодкорларни умуминсоният манфаатларига хизмат қилишга қодир маънавият манбаларини оммалаштиришга илҳомлантириди. Ва натижада, ҳинд ҳамда мусулмон санъткорлари ўзаро ҳамкорликда маҳаллий мумтоз мусиқанинг янги-янги саҳифаларини кашф этдилар. Хусусан, ўз замонасининг бетакрор бастакори, хонанда ва созандаси Тансенning номи, ҳали кўзи тириклигига ёқ, рага жанрининг тарғиботи ва унинг кейинги ривожига қўшган ҳиссаси билан абадулабад ҳинд классик мусиқаси тарихи зарварафига ёзилган. Аслида унинг ҳақиқий исми Ром Тану бўлиб, у исломни қабул қилгач, Али Хон деган ном олган. Тансенning устози Ҳаридас эса, Жамна дарёсининг соҳилларидағи Вриндавалда яшаб, тангри Кришнани куйлаб улуғлагани учун "Свамийжий" унвони билан танилган(46:19).

Док. Манжусри Човдҳри хоним таърифича, "юзлаб йиллар мобайнида ҳануз мусиқа санъатида тенги топилмаган Тансен" атрофида албатта унинг маҳоратидан баҳраманд ўнлаб ҳинд ва мусулмон ҳамкасабалари ва шогидлари бўлган. Моҳир ҳофизлардан Баба Рамдас, Субхон Хон, Миян Чанд, Баз Баҳодир, Довуд Ҳәрий, созандалардан эса Бир Мандал Хон, Шиҳаб Хон, Устод Юсуф Хиротий(тамбур), Мир Сайд Али

Машҳадий(ғиччак), Мир Абдулла(қонун), Рой Дақ Калават, Бобо Ҳарийдаслар сарой саҳнасининг кўрки ҳисобланганлар».

Акбар бошлаб берган мусиқа соҳасидаги хомийлик ва анъаналар, унинг зурриёдлари Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Ушбу жараённи ҳинд олимлари сўзлари билан ифодаласак:

“Буюк Мўғиллар даврида – Акбар, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигига мусиқа санъати ўзининг меъроjига кўтарилиди. Зеро, улар инглизлардан фарқли ўлароқ, Ҳиндистонни ўз ватанлари деб билган эдилар. Бобурийлар ҳинд диёрини фақат у ерда яшаганлари ёки ҳукмронлик қилганлари учун эмас, балки унинг юксак маданият ва маърифат даргоҳи бўлгани учун ҳам севганлар ва ўргангандар”.

Қадим ҳинд мусиқий чолғу созлари мусулмон созандалари қўлида ҳам шакл ва сифат маъносида маълум ўзгаришларга юз тутди. Икки орада ҳатто шундай созлар ҳам кашф этилдики, уларда ҳинд мумтоз мусиқаси янада мазмунан бойиди. Яъни, масалан, ҳинд мутахассисларининг аксарияти, “Сурсингар”, “сурбаҳар”, “сетор”, “тампур” ва “рабаб” сингари созларни, мусулмон усталари туб ерлик чолғулар асосида яратган ёки ислоҳ орқали уларнинг чолғу имкониятларини оширган, деган хуносадалар.

Энди ҳинд миллий чолғулари ҳақида умумий тасавур ҳосил қилиш учун, қуйида баъзи чолғу созларининг муҳтасар тарихи ва хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот келтирамиз:

## «Шаҳнайи»<sup>1</sup>

Шаҳнайи – ҳинд мусиқасида “сурнай”нинг синоними. Хос ёғочдан ясаладиган айни сознинг турли ўлчовлардаги тури Эронда ҳам учрайди. Гарчи шаҳнайи номи эронча бўлгани билан, бу асбоб Ҳинди斯顿да ҳам ўз узоқ тарихига эга.

Веда адабиётида қатор пулфлаб чалинадиган созлар ҳақида маълумотлар берилган. Ва уларнинг таърифи кўп жиҳатда шаҳнайни эслатади. Демак, ҳозирги шаҳнайига ўхшаш асбоблар ўтмишда ҳиндуларда ҳам бўлган. Баъзи мусиқашунослар тахмин қилишича, “Мусулмонлар Ҳинди斯顿га келгандарида ўз миллий чолфу асбобларига ўхшаш созларни кўриб, уларни ҳам ўзларидағига қиёсан атай бошлиганлар. Шунинг учун маҳаллий чолгуларни ҳукмдорлар қандай номлаган бўлсалар, оддий халқ ҳам шундай қабул қилган”.

Лекин яна шундай фикрлар ҳам борки, “шаҳнайи аслида эронча сурнай бўлиб, у мусулмонлар билан бу ерга келган. Эронда “сурнай”, арабда эса “мизмар” деб аталган асбоблар, ўз мамлакатларида тўй ва бошқа шодиёналарда чалинган”. Айни маънода бу анъана Ҳинди斯顿га ҳам тегишли.

“Ойин-и Акбарий” асари муаллифи Акбар саройидаги “наққорахона”да чалинадиган мусиқий созларнинг тўлиқ тавсифини берган, шу жумладан шаҳнайининг ҳам. Нандлал ва Таълим Хусайн исмли ҳинд ва мусулмон усталар шаҳнайини такомиллаштириш устида ишлаб, бу созни ҳинд классик мусиқаси ансамбли таркибиға киритиш учун кўп меҳнат сарфлаганлар.

1. Ҳинд чолфу созларининг тарихи ва тузилиши баёнида док. С. Касливал ҳамда Б. С. Деваларнинг асарларидан фойдаланилди.

## «Сетор»

Дастлаб ўз номи билан "уч тор"дан иборат бўлган сетор, Ҳиндистон мусиқа санъатида доим етакчи чолғу бўлиб келган. Унинг ҳозирги овози ва имкониятлари кўп йиллик маҳаллий уста ва созандарнинг меҳнати маҳсулидир.

Сеторнинг келиб чиқиши баъзи манбаларда Амир Хисрав Деклавий номи билан бояланади ва кўпчилик буни ҳақиқат сифатида қўллаб қувватлайди ҳам. Ваҳолонки, бу хулосадан фарқли ўлароқ, "шоир ўз ижодида сетор сўзини соз маъносида ишлатмаган" деган фикрлар ҳам йўқ эмас.

Проф. Лал Мисра фаразича, "Мусулмонлар "Ҳинд"га келганларида, "Тритантри вина"ни кўргач, улар "три" сўзини талаффуз қилолмай, чолғуга эронча ном берганлар, яъни "сехтар" ва шундан сўнг у сетор бўлиб кетган бўлиши керак".

Муҳаммад Карам Имомнинг "Мадан ул-мусиқий" асарида XVIII асрнинг жуда кўп таниқли сеторчилари номи келтирилган: Масит Хон, Раҳим Сен, Навоб Хусайн, Фулом Раза, Фулом Муҳаммад ва бошқалар. Сеторнинг ижрочилик нуқтаи назаридан кенг имкониятлари, Farb созандаларини ҳам кўпдан қизиқтириб келади.

## «Рубаб»

Рубоб Ҳиндистон классик мусиқасига XIV ва XV асрларда кириб келган. У ниҳоят XVI асрда кенг тарқалиб, то XVIII асргacha "рудра вина" каби машҳур торли чолғу сифатида қадрланган.

К.С.Бриҳаспати маълумотида, Ҳумоюн саройида Туфон номли машҳур рубобчи ўтганлиги зикр этилган. Акбарнинг сарой мусқачилари ичida эса Қосим Кўҳабар номли рубобчи ўз маҳорати билан ном чиқарган. Шунингдек, тарихий манба-

ларда Жаҳонгир давридаги сарой мусиқачилари орасида ҳам таниқли рубобчилар номини учратиш мумкин. Рубобнинг Ҳиндистондаги тарихида турили талқинлар учрайди. Баъзилар уни мусулмонлар билан Ҳиндистонга келганлигини таъкидласа, бошқалар рубобни "чирта вина" ёки шунга ўхшаш торли асбоблар асосида ясалган, деб ўйладилар.

Умуман, мусулмон мамлакатлари тарихида биринчи бор рубобнинг номи Фаробийнинг "Китоб ул-музиқий" асарида берилган. Олимнинг ёзишича, "Рубоб Хурросон танбурига ўхшайди. Лекин Араб ва Эрон рубоблари ҳам Ҳиндистоннинг сарангисига жуда яқин. Ундаги торлар ичакдан йигирилади".

Гарчи рубоб Амир Хусрав, Абулфайз ва Факируллоҳ асарларида қайд этилса-да, аммо уларнинг мукаммал тавсифи учрамайди.

### «Тампурा»

Танпурা, айрим биз кўриб ўтган чолгулардан фарқли ўлароқ, у бир вақтнинг ўзида Ҳиндистоннинг шимолий ҳамда жанубий вилоятлари мусиқий созидир. Бу сознинг классик мусиқада ўзининг хос фони билан моҳияти катта. Яхши созланган танпурा барча етти товуш имитациясини бера олади. Аммо Танпурा соз сифатида бирор оҳангни мустақил чалишда иштирок этмай, ансамблда фақат созандалар дастасига жўр бўлади.

Тампуре илоҳий соз сифатида, "Риши тампураси" мақомида Маҳабҳарата эпосида ҳам келтирилан. Дарвоҷе, "тамбур" номи, эрамиздан аввалги биринчи мингийилликларда қадим Миср, Юнон каби цивилизация ўчоқларининг чолғу созлари рўйхатига кирганлиги маълум. Ўрта Осиёда

танбурнинг кенг тарқалиши, тадқиқотлардаги ху-  
лоса қўра, X асрга тўғри келади.

Тампуруанинг ҳинд еридаги тарихи ӯзининг турфа маълумотлари билан жуда хилма-хил. Баъзи нашрда чолфунинг Ҳиндистондан пайдо бўлишини XI аср бошидан — Маҳмуд Фазнавийнинг Ҳиндистонга юриши вақтидан тахмин қилинса, яна бошқа бир манбада, унинг форс ёки араблардан ҳинларга ўтганлиги хабар қилинган. Мавжуд хуносалар орасида тампурага ўхшаш чолфу ҳиндарда азалдан бўлганлиги зикри ҳам истисно этилмайди.

Тампурага тегишли турли хабар ва хуносаларда ажойиб бир диққатни ӯзига жалб этувчи "жавобсиз савол" бор. Яъни, унинг араблар, эронийлар ёки разнавийлар томонидан Ҳиндистонга олиб келинганида мустақил куй чалишга мўлжалланганлиги айтилган бўлса-да, аммо ҳинд ерида бу чолфунинг қандай аккомпаниатор созга айланиб қолганлиги ҳақидаги саволнинг ҳануз фанда жавоби йўқ.

Талаффуз жиҳатдан нега аслида "танбур" сўзи ҳиндарда "тампур" бўлиб кетганлигининг асосий сабаби, "тамбур" ё "тамура" сўзининг талаффузи ҳинд тилига у қадар мос тушмаслигидан кўрилади.

### «Сантур»

Ушбу соз аввал Кашмирдаги сўфиёна мусиқанинг чолғуси сифатида истифода этилган. Ҳолбуки, унинг прототипи қадим замонлардан Хитой, Венгрия, Греция, Эрон ва бошқа мамлақатларда бўлганлиги янгилик эмас.

Ҳиндистон сантури трапеция шаклда бўлиб, у икки ёғоч чўп билан чалинади. Агар сантурга

шаклан бўлмаса ҳам, аммо мазмунан ўхшашликларни ўтмиш созларидан изласак, ҳали веда даврида ёки қадим Юнонистонда мазкур чолғунинг ибтидои турлари бўлганлигига дуч келамиз. Шунингдек, айтайлик, ригведада эслатилган камалак шаклидаги кўп торли соз ҳамда юнонилар арфаси ёки эрамиздан аввалги иккинчи асрда Бўуж ва Санчидаги топилган илк буддизм давридаги камалак шаклли чолғулар, овоз жиҳатдан бир-бира га анча ўхшаш. Мажозан “сўфиёна қалам” – чўп билан чалинадиган сантур торлари сони 100та бўлиб, улар жами 25та харакка устига тортилади.

### «Табла»

“Табла” ноғорасининг номи аслида арабча “табл” сўзидан келиб чиққан. Баъзилар бу номни лотинча “табула” сўзидан олинган, деб ҳисоблайдилар. Табла ибтидодан то ўзининг ҳозирги шаклини олгунича, коса шаклидаги гардишга тери қопланган ноғора сифатида мусулмонларнинг ҳарбий юришларида ишлатилган. Унинг илгари тухум кўринишида бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот бор. Чунки, ноғорани фақат шу шаклда отда ва туюда олиб юриш қулай бўлган бўлиши керак. Ҳолбуки, коса шаклидаги “дундубҳи”, “бҳери” ва “нисан” номли ноғоралар, Ҳиндистонда мусулмонлар юришидан муқадда ҳам истифода этилган. Лекин шуниси ҳам борки, XV асргача бирор тарихий манбада “табл” сўзи учрамайди.

Агар табланинг ҳинд мусиқасидаги тарихини муҳтасар таърифласак, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларида бу ноғора тури ўрта асрларнинг иккинчи ярмидан ҳинд мусиқасида фаол ўзлашган. Табланинг чалиш услубидаги янги имкониятларни очища деҳлилик Сидҳар Хон, Лала

Бұған Дасларнинг хизматлари катта. Шу тариқа XVII асрда табла ҳинд чолғу асбоблари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, унинг "тұхаран" – «хона-ки» каби хос ижро услублари Лакұнау, Фарру-хобод, Банорас ва Панжобда кеңг қулоч ёйди.

Мисол тарзидаги "Ҳинд-мусулмон мадани-яти"нинг мусиқий қисмиға доир лавҳаларнинг тарихий аҳамиятидан ташқари яна бир әнг қим-матли хусусияти шундаки, биз ҳинд мусиқашу-нослиги манбаларидан, турли әътиқод ва қадрият вакилларини соз ва овоз оқанрабоси ўзаро яқин-лаштирганлигининг гувоҳи бўламиз.

Дарҳақиқат, Ҳиндистонда жами чолғу ва қўшиқ турларига созандар ва хонандалар, насл-насаб ёки диний әътиқоддан қатъий назар, ягона миллий санъатнинг илоҳий воситаси сифатида қа-райдилар. Зоро, мусиқа, инсон қалбининг ниҳоят-да нозик идрок этувчи шайхлар таъбирида, "ки-шини "ҳол" мартабасига яқинлаштирувчи ман-бадир" (67:58-55). Ва бу манба неъмати, ҳазрат Жа-лолиддин Румий мадҳ эттанидек, барча миллат ва диний әътиқод вакилларига баробар улашилган:

Ҳамоҳангдир ишқ тилига рубобнинг тили,  
Шу боис бир: турку араб, юононнинг дили.

## *Хулоса ўрнида*

Ислом — маълумки, мажозан занжирдаги узвийлик қонунига биноан, унинг «энг мустаҳкам халқаси» бўлиб, муққаддам бир юз йигирма тўрт минг нафар пайғамбарлар орқали нозил этилган динларнинг сўнггисидир. Демак, биз қанчалик ўтмиш эътиқодларини батафсил билсак, шунчалик ўз дину диёнатимизни эъзозлаб, қадрига етамиш. Айни шу нуқтаи назардан дунё диний-фалсафий таълимотларини қиёсий ўрганиш уч жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга:

Биринчидан, бу омил, ўзга диний эътиқод вакиллари дунёқараашларига нисбатан тегишли ҳурмат билан муносабатда бўлиб, улар билан Куръони карим Нахл сурасининг 125-оятида кўрсатилган-дек, «гўзал йўлда мунозара қилиш»га ёрдам беради:

\* وَجَادِلْهُمْ بِالْيَقِينِ...

«Улар билан энг гўзал йўлда мужодала —  
мунозара қилинг!»

Иккинчидан, қадимдан турли диний эътиқодлар жорий мамлакатларда тарқалган ислом тарихи ва у ерлардаги мусулмонлар ҳаёт тарзини билиш каби мушкул ишни осонлаштиради. Чунки, масалан, "Ҳиндистонлик мусулмонларнинг маънавияти, урф-одатлари ва ҳатто улар эътиқод қиладиган ислом дини ҳам ўзига хос чизгилари билан Миср, Туркия ва Эрон мусулмонлариникидан ажралиб туради" (43:215).

Учинчидан, индуизм ва ислом тимсолида кузатилганидек, дунё динларидағи ибтидоий бирлик ва уларнинг илоҳий ирода ва қудрат гўзаллиги инъ-

икоси янлиғ турли тил, давр ҳамда ҳудудларда нозил этилишидаги "турфалик"ни, бутун борлиқнинг яратилиш тамойиллари мисолидан ҳам англаш қиёйин эмас. Яъни: курраи заминнинг етти иқлими, ҳар бир фаслнинг ўзига хос ранго-ранглиги, камалакнинг етти жилоси, оҳангларнинг етти товуши ёки хилқатнинг тур-тоифалари, жумладан, одамзоднинг шакл-шамойили, ранг-рўйи, феълатвори, тил-забони ва ҳоказо. Мазкур ҳақиқатнинг энг ишончли ҳужжати сифатида Каломи покдан қуийидаги оятларни келтиришнинг ўзи кифоя:

الْمَرْأَةُ أَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَا يُخْرِجُنَا بِهِ ثُمَّ رَأَتِ مُخْتَلِفًا  
الْوَانَّهَا وَمِنَ الْجِيلِ جَدَدَ بِيَضْنٍ وَحَمْرًا مُخْتَلِفٌ الْوَانُّهَا وَغَرَائِبٌ سُودٌ

"Аллоҳ (Биз) осмондан сув(ёмғир-қор) ёғдириб, унинг ёрдамида рангу рўйлари турли-туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми? Яна тоғларда ҳам оқ, қизил – рангоранг йўл(ли тоғлар) ҳам, тим қора(тоғлар) ҳам бордир(Фотир сурасининг 27-ояти).

Ёки:

وَمِنْ ءَايَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْخِلَافُ أَسْتِكْمُ وَالْوَانِكُمْ إِنْ فِي ذَلِكَ  
لَا يَتَّعَالَمُونَ

"Унинг оятларидан (яна бири) – У зот осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйганидир. Албатта бунда барча оламлар учун оят-ибратлар бордир"(1.Рум сурасининг 22-ояти).

Хуллас, биз қисқача танишган "бирлиқдаги турфалик" омилини инобатта олганда, Жанубий Осиёнинг йирик минтақаларидан бири бўлмиш «Ҳинд ярим ороли»да қарор топа бошлиган исломнинг тарихини, фақат ўша давр маҳаллий диний-фалсафий таълимотлари-нинг асл ғояси ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқибгина реал тасаввур этиш мумкин.

Албатта, биринчи қадам бехато бўлмаганидек, бизнинг нашрдаги таҳлилу талқин ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, баҳоли қудрат амалга оширилган илк тадқиқот юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, келгуси изланишлар савиясини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

## **Short thesis of the book "Islam in India: history, social-political life and Indo-Muslim culture".**

Actually the history of Islam in the former non-Muslim countries cannot be separated from the local religious-philosophic teachings and national traditions. In this regard the Indian subcontinent is not an exception. That's why, before touching upon the main subject, at first a reader should focus on short information about the history and process of reformations in Hinduism from the time of Vedas up to Sikhism due to mental, social, economic and even political reasons. Because, among the very process even in the cast – in so called "four arterial system" of Indian society morally survived certain changes in comparison with the outlooks of Jainism and Buddhism.

Consequently concerning the history of Islam, a natural question may arise: "What was the impact of Islam on Indian life, education and art?" Some scholars, historians and religious thinkers feel it had tremendous im-pact and enriched the Indian culture and art, created new institutions and so on. But among the invaders who came from the South as well as North were many scientists and Sufi saints who greatly attracted by what they saw and studied in the country. For

example, Arab scholar al-Jahiz in his diary left very important information regarding the Indian Medicine, Astrology, Philosophy, Mathematics, Literature and Music.

The Uzbek scientist, al-Beruni having a good command of Sanscrit, for the first time translated "Sankhya" and "Jogasutra" into the Arabic language, wrote his world-famous work entitled "Hindustan" including translation from Greek into Sanskrit for Indians "Almagest" and "Elements". Likewise Iranian scholar of the 12th century, Abdul Karim Shahristani, specialist on comparative study of world religions, considered Indian people as a great nation and religious community – "Umma kabira wa millati azimat"

As for Sufism in India, it can, without hesitation, maintained that Sufi saints received equal respect among the Muslim and Hindu population. They remained inseparable part of "Bhakty movement" preached equality, brotherhood, tolerance and applied spiritual ideals of human love and good will into practice. Thanks to such humanistic Indo-Muslim activities, the believers of both religions – Muslims and Hindus started to feel pride belonging to India. In other words, "Hindus and Muslim of India", - as Mahatma Gandhi emphasizes,

— "are not two nations, whom God has made one, man will never be able to divide"

Having considered all the above mentioned factors, we put the history of Islam in India in the following order:

1. Prehistory of Arab's relationship with Hindus.

2. Prescription of the first Muslim merchants and their authority among the people of southern regions of India.

3. Short description of the local religious-philosophic teachings: Vedas, Brahmanism, Jainism, Buddhism, Yogashastra, Hinduism, Bhaktism and Sikhism.

4. Invasion of Muslim rulers from the South and North of India and the reasons of embracing Islam in India

5. The History of Sultanate of Delhi and Great Mughals and their rulers roll in localization of Muslim gourmets.

6. Creation and prosperity of "Indo-Muslim culture" in all spheres of life: architecture, literature, music and art.

7. Conclusion, short thesis of the book in English and some samples of materials related to the history of Islam in India.

## *АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ*

- 1.Қуръони карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). Т.1992й.
- 2.Қуръони карим ( Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур) Т. "Ислом университети" 2001й.
- 3.Ҳадиси шариф ("Минг бир ҳадис")1–2 қисм.Т. "Ўзбек маскани" тижорат бирлашмаси. 1991й.
- 4.Инжил. Библияни таржима қиласидиган институт. Стокгольм. 1992й.
- 5.Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар (Сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи И. Ҳаққулов) Т. Фофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991й.
- 6.Абу Рейхан Беруний. Индия. Избранные соч. II-том. Т. Изд-во Академии наук Узбекистана 1963г.
- 7.Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Таржима Н.Комиловники. ) Т. "Камалак" нашриёти. 1996й.
- 8.Аш-Шахрастани. Книга о религиях и сектах. Часть 1. (Перевод с арабского С.М.Прозорова) М. "Ислам" 1984г.
- 9.Афанасий Никитин. Хождение за три моря. М – Л. 1953г.
- 10.Азимджанова С. Индийский диван Баяру. Т. "Фан" 1966й.
- 11.Антонова К.А. Очерки общественных отношений и политического строя могольской Индии времен Акбара. М. 1952г.
- 12.Авдиев В.И. История древнего востока. М. Гос. изд-во полит. лит. 1948г.

- 13.Ашрафян К.З. Делийский султанат. М. "Наука" 1987г.
- 14.Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии. М."Наука". 1968г.
- 15.Алиев Г.Ю. Байрамхан туркменский поэт. Ашгабад. Изд-во "Туркменистан" 1969г.
- 16.Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Вали. Т.1966й.
- 17.Бхагавад-Гита (как она есть). "Бхактivedанта Бук Траст" Бомбей. 1984г.
- 18.Бартольд В.В. Сочинения II-т. М. "Наука". 1963г.
- 19.Бертельс Е.Э. Избранные труды (Суфизм и суфийская литература). М. "Наука". 1965г.
- 20.Введение в Буддизм. Санкт-Петербург. 1999г.
- 21.Васильев Л.С. История религии востока. М. 2000г.
- 22.Вафа А.К. Джавахаралал Неру о происхождении и сущности кастовой системы в Индии. (Касты Индии. М. Гл. ред. вост. лит. 1965г.).
- 23.Ганди М. Моя жизнь. М. "Наука".1969г.
- 24.Гольдберг Н.М. Русско-индийские отношения в XVII веке(Ученые записки Тихоокеанского института) М-Л. 1949г.
25. Гафурова Н.Б. Кабир и его наследие. М. Изд-во гл. ред. вост. лит. 1976г.
- 26.Дж.Неру. Открытия Индии. М. Изд-во вост. лит. 1955г.
- 27.Дж.Неру. Взгляд на всемирную историю. 1-2том. М. "Прогресс". 1972г.
- 28.Древнеиндийская философия. М. Изд-во соц. эконом. лит. 1972г.
- 29.Еремян И. Могольская школа миниатюры. Т. "Наука" 1966г.

30.История стран зарубежной Азии в средние века. М. «наука» 1970г.

31.Ислом тасаввуфи манбалари.(Тузувчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Қ.Болтаев) Т. «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005й.

32.История Индии в средние века. М."Наука" 1968г.

33.Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. Т. ЎзССР ФА нашриёти. 1963й.

34.Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Т. Абдулла Қодирий номли нашриёт. 2002й.

35.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т."Ўзбекистон" нашриёти.1999й.

36.Крывелев И.А. История религии. II том. М. "Мысль" 1976г.

37.Кочетков А.Н. Буддизм. М. "Наука"1976

38.Культура древней Индии. М."Наука".  
1975г.

39.Комилов Н. Тасаввуф. (Биринчи китоб)  
Т."Ёзувчи" нашриёти. 1996й.

40.Комилов Н. Тасаввуф (Иккинчи китоб.  
Тавҳид).Т. F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат  
ҳамда "Ўзбекистон" нашриётлари 1999й.

41.Кныш А.Д. Некоторе проблемы изучения суфизма (Ислам: религия, общество, государство). М."Наука" 1984г.

42.Кариева Н. Представители культуры Средней Азии и Индии во второй четверти XVIв. (Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии). Т. «Фан». 1986г.

43.Кудрявцев М.К. Мусульманские касты (Касты Индии. М. "Наука" 1965г.).

- 44.Казиев А.Ю. Художественное оформление азербайджанской рукописной книги XIII–XVIIвв. М. Изд-во «Книга» 1972г.
- 45.Короцкая А. Сокровищница индийских искусств. Т. "Искусство". 1966г.
- 46.Караматова Д. Бобур ва ҳинд маданијати. Т. "Гулистон" 1994. 1-сон
- 47.Луния Б.Н. История индийской культуры.М. Изд-во вост. куль. 1960г.
- 48.Мутрибий Самарқандий. Ҳинд сафари(Таржимон ҳамда сўнгти сўз ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон) Т.2005й.
- 49.Муродов А. Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. Т. "Фан". 1971й.
- 50.Мирзоев А. Из истории литературных связей Маверауннахра и Индии во второй половине XVI – начале – XVIIв М. 1963г
- 51.Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедиля. Т. Изд-во АНУз. 1957г.
- 52.Новая история Индии М. Изд-во вост. лит. 1961г.
- 53.Низамов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Средней Азии. Душамбе, "Ирфон" 2002г.
- 54.Накорчевский А. Синто. Санкт-Петербург. 2002г.
- 55.Низамутдинов И. Из истории среднеазиатско-индийских отношений. Т. "Узбекистан" 1989г.
- 56.Низамутдинов И. Очерки истории культурных связей Средней Азии и Индии в XVI – начале – XXв. Т. «Фан» 1961г.
- 57.Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари Т. «Ўздавнашр» 1961й.

- 58.Низомиддинов И. Маданий ҳамкорлигимиз сахифаларидан. Т. «Фан» 1987й.
- 59.Низомиддинов Н. Ҳиндистон туркийзабон адабиёти(XV-XIX аср). Т.2005.
- 60.Низомиддинов Н.Ф. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. Т. 2006й.
- 61.Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. Т. "Фан". 1994й.
- 62.Обидов Р. "Қуръони карим мавзуларининг маънавий аҳамияти ва тафсир илми". Т. 2005й.
- 63.Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. Т. "Мовароуннаҳр" 2006й.
- 64.Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди Абдулла Қодирий нашриёти Т. 2004й.
- 65.Радугин А. Введение в религиоведение. М. Изд-во "Центр" 2000г.
- 66.Родионов М.А. Учение друзов в изложении Сами Насиба. (Ислам: религия, общество, государство) М. "Наука" 1984г.
- 67.Радий Фиш. Джалалиддин Руми. М.Наука" 1987г.
- 68.Сайди Али Раис. "Мироътул мамолик" (сўз боши С.Азимжонованики) Т. Ўзбекистон ФА нашриёти. 1963й.
- 69.Сайд Эхтишам Хусейн. История литературы урду М. Изд-во вост. лит. 1961г.
- 70.Сирожиддинов Ш. Навоий маънавий камолот ҳақида. ("Имом ал -- Бухорий сабоқлари") Т. 1-сон.2004й.
- 71.Серебряков И.Д. Ҳинд адабиёти классикилари (Рус тилидан И.Хошимов таржимаси). Т. ЎзССР Давлат Бадиий адабиёти нашриёти. 1958й.

72.Сомий Ш. Қомус-ул-аълам. Стамбул. ...  
(1306)й.

73.Триминген Дж.С. Суфийские ордена в  
Исламе. М."Наука" 1989г.

74.Турк тили эдебиятининг тадрис услуби.  
Бакы. 1926й.

75.Торчинов Е.Б. Религии мира. Санкт-  
Петербург. 2002г.

76.Фахруддин Али Сафий. «Рашаҳоту ай-  
нил-ҳаёт»(Таржимон: Домла Ҳудойберган ибн  
Бекмуҳаммад. Асарни нашрга тайёрловчилар: Маҳ-  
муд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ.) Т. «Абу Али ибн  
Сино» 2004й.

77.Фролова О. Б. Неизвестные рукописные  
трактаты первой половины XVII века посвящен-  
ные Ибн Араби и его философии. (Суфизм в кон-  
тексте мусульманской культуры) М."Наука" 1989г.

78.Фильшинский И.М. Концепция еди-  
ство религиозного опыта арабских суфиев (Су-  
физм в контексте мусульманской культуры). М.  
"Наука" 1989г.

79.Цветков Ю.В. Поэзия хинди XV–XVІІІвв.  
(Литературы Индии) М. "Наука".1979г.

80.Цветков Ю.В. Великий памятник ин-  
дийской культуры. М. "Прогресс". Журнал "Ин-  
дия" 1975. №4.

81.Челышев Е.П. Основные направления в  
развитии современного литературоведения(Ли-  
тературы Индии) М. «Наука» 1978г.

82.Шайх Ислом Маҳдум. Тошкентдаги Ус-  
мон Мусҳофининг тарихи. (Арабчадан И smoил  
Маҳдум ўғли таржимаси) "Мовароуннаҳр" наш-  
риёти 1995й.

83.Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф

Тасаввуф хақида тасаввур. Т."Мовароуннаҳр" 2004

84.Шри Йошапанишад. Бхактиведанта Бук  
Траст. Бомбей. 1990г.

85.Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир  
Ҳусров Деҳлавий. Т. "Фан" 1971й.

86.Юнус Ражабий. Мусиқа меросимизга  
бир назар. F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат  
нашриёти Т.1978й.

87.Яблоков И.Н. Религиоведение. М. "Гид-  
ратики" 2000г.

88.Ўзбек шеърияти жанрлари. Т. "Ўқитув-  
чи" нашриёти. 1979й.

89.Ҳасанов А. Қадимги арабстон ва илк ис-  
лом (жоҳилия асри.)Тошкент ислом университети  
2001й.

90.Ҳожа Убайдулло Аҳрор. Табаррук рисо-  
лалар(Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний,  
Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидулла Амин} Т. «Адолат  
2004й.

### *Хорижий адабиётлар*

91. Asghar Ali Engineer. Islamic Approaches  
to Nationhood and National Building Islam in India.  
Edited by Asghar Ali Engneer. First Published in  
India 2000.

92. Abdulrayim Gavahi. Mistical Relations  
between Iran and India. (Sufis and Sufism. Edited by  
Neeru Misra. Manohar 2004).

93. Arhtarul Wasey. Indo -- Islamic Cultural  
Interfase. (Islam in India. Edited by Asghar Ali  
Engneer. First Published in India 2000).

94. Contemporary Relevance of Sufism. Indian  
council for cultural relations. Published by Himanchal  
Som. New Delhi 1999.

95. Deva B.C. Indian Music. Printed in India  
at Indraprasth Press. New Delhi.1990.

- 96.Ernst C.W. Sufism and Yoga according to Muhammad Ghavth(Швецариядан юборилган мақола ксеро нусхаси).
- 97.Elliott H.M. The history of India. Vol-2. 1931
- 98.Goyal D.R. Indian Response to Islam. (Islam in India. Edited by Asghar Ali Engneer. First Published in India 2000).
- 99.Gokul Chand Narang. Real Hinduism. New book society of India. New Delhi 1999.
- 100.Gavin Humbly. Cities of India. Printed in Great Britain 1968.
- 101.Maksud Ahmad Khan. A Rare Suhrawardi Manuscript of Late Fourteenth Century AD: The "Malfuzal" of Ahaikh Akhi Jamshed Rajgiri.( Sufis and Sufism. Edited by Neeru Misra. Manohar 2004).
- 102.Maksud Ahmad Khan. Sufis and their Contribution in the Process of Urbanization.( Sufis and Sufism. Edited by Neeru Misra. Manohar 2004).
- 103.Mohammad Sadiq. A History of Urdu Literature. Oxford University press. 1958.
- 104.Morelend W.H., Chandra Atul Chaterjee. A history of India. Forth edition. London 1957.
- 105.Dr.Manjusree Chaudhri. Indian Music In Professional and Academic Institutions. Sanjay Prakashn. India, Delhi. First Edition 1999.
- 106.Mohan Lal Vidiyarthi. Indian culture through the ages. Second edition. Kanpoor 1952.
- 107.Nizametdinov N.G. The study of Kabir's poetry in Uzbekistan. (The journal of the "Asiatic Society") Calcutta, India. 2001.
- 108.Islam in India. Edited by Asghar Ali Engneer. First Published in India 2000.).
- 109.Iqbal Sabir. Impact of Ibn Arabi's Mystical Thought on the Sufis of India during the Sixteen

Century.( Sufis and Sufism. Edited by Neeru Misra. Manohar 2004).

110. Ishtiaq Husain Qureshi. The Administration of Mughal Empire. Karachi. 1966.

111. Linugt M. Sufism – Religion in the Middle East V-1. Cambridge. 1969.

112. John A. Subhan. Sufism its Saints and Shrines. Osmo Publications. India 1999.

113. Percival Spear. A history of India. Penguin books 1990.

114. Pande B.N. The Vedant and Sufism. A Comparative Study. (Contemporary Relevance of Sufism. Indian council for cultural relations.

Published by Himachal Som. New Delhi 1999.).

115. Persian miniature, Painting. London. 1937.

116. Rafiqi.A.G. India's Interface with Islam. (Islam in India. Edited by Asghar Ali Engineer. First Published in India 2000)

117. Ramila Thapper. A short history of India. V-1. Penguin book. London. 1966.

118. Dr. Radhakrishnan S. Indian Religions. New Delhi. 1985.

119. Rasheedudin Khan. The Role of Sufism in Building the Values of the Composite Culture of Iran. (Contemporary Relevance of Sufism. Indian council for cultural relations. Published by Himachal Som. New Delhi 1999.).

120. Riazul Islam. Indo-Persian relations. Tehran. 1971.

121. Sufis and Sufism. Edited by Neeru Misra Manohar. 2004.

122. Sandeep Bagchee. Nad – Understanding Raga Music. Published by "Eeshwar". Mumbai, 1998.

123. Dr. Suneera Kasliwal. Classical Musical Instruments. Printed in India by Gopsons Paperes Ltd. New Delhi. 2001

124.The Tarikh-I Rashidi of Muhammad Khaidar. Translation by Denison Ross. London. 1895

125.The Sacred Books of the East. V-XVII. Oxford. 1881.

126.Thara Chand. Influence of Islam on Indian culture. Allahabad 1963.

127.Tara Chand. Society and State in the Mughal period. Patel memorial lectures broadcast All India radio. 1960.

128.The Rig Veda. Published by Penguin Books 1981.

129.William C.Chittick. A Sufi Psychological Treatise from India (Contemporary Relevance of Sufism. Indian council for cultural relations.

Published by Himanchal Som. New Delhi 1999.)

صور تگران و خوشبویسان هرات در عصر تیموران. مطف على 130.

احمد نعیمی، از نشریات انجمن تاریخ افغانستان. 1328

مقنیه عهد. مسلمان و هندو مورخن کی نظر میں. جلد اول. 131.

معارف پریس اعظم گرہ میں چھپی۔

مقارنة الاديان. محمد ابو زهرة. قاهرۃ. 1960. 132.

133.Govind Trigunayat. Kabir ki vicharadhara. Kanpoor. 1959.

134.Savitri Shukla. Kabir sakhi. Aminabad str. Lukhnow. 1967.

135. Kumar Sinha. Hindi kavita. Delhi 1970.

**Хинд - мусулмон диний, маърифий,  
меъморий ва маданий қадриятларидан  
намуналар**

**1.Хиндистонда чоп этилган Куръони карим  
нусхасидан намуна**



*Куръони каримнинг ҳинд тилидаги  
таржимаси нусхаси*

# तर्जिमा कुराँओव

जिल्द अब्दत  
(प्रथम खंड)

मौलाना अब्दुल कलाम आज़ाद

देवनागरी लिप्यांतर  
प्रो. अख्तरल वासे

भारतीय सांस्कृतिक संबंध परिषद

*Қуръони каримнинг ҳинд тилидаги  
таржимаси матнидан нусха*

## ۱- الْفَاتِحةُ

### اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكُكَ الْرَّحْمَةَ

سُور: فَاتِحة مركبی है और इसमें सात आयतें हैं।

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

अल्लाह के नाम से जो रहमान और रहीम है


الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ۝۱۷۰ الْرَّحْمٰنُ الرَّحِيْمُ ۝۱۷۰ مन्त्रिक  
يَوْمُ الدِّيْنِ ۝۲۶۰ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَشْفِعُ ۝۵۰ مै अपिना  
الصِّرَاطُ الْمُسْتَقِيمُ ۝۵۷۰ صِرَاطُ الَّذِينَ أَنْعَثْتَ عَلَيْهِمْ ۝۵۷۰  
غَيْرِ الصَّفَّصُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الصَّالِحِينَ ۝۵۰

हर तरह की साक्षातः; (1) अल्लाह ही के तिए हैं जो तमाम काइनाते सिल्कत<sup>2</sup> का चरकरदिगार है (2)। जो रहमत वाला है और जिसकी रहमत तमाम मख्लूकात<sup>3</sup> को अपनी बरिकशों<sup>4</sup> से माला-माल कर रही है<sup>5</sup>। जो उस दिन का मालिक है जिस दिन कामों का बदला लोगों के हिस्से में आएगा<sup>6</sup> (3) (खुदाया!) हम सिर्फ़ तेरी ही बदनगी करते हैं और तिरु तू ही है जिससे (अपनी सारी एहतियाजों में) भदद भाँगते हैं<sup>7</sup> (4)। (खुदाया!) हम पर (सजावत की) सीधी राह खोल दें<sup>8</sup>। वो राह जो उन लोगों की राह हुई जिन पर तू ने इनाम किया<sup>9</sup>। उनकी नहीं जो फिटकारे गए और न उनकी जो राह से भटक गए<sup>10</sup> (5)।


नोट: कौतैन में जो नम्बरात हैं वो हवाली के हैं और ऊपर की 3 लाइनों में हुक्म के नीचे जो 4 नम्बर लगे हैं वो इस हाशिये के हैं।

1-सुति, प्रशंसा। 2-सृष्टि जगत। 3-सृष्टियों। 4-अनुकंपा-अनुदानों।

## *Дөхлийдаги Жомеъ масжид*



*Кутуб-минор*



*Кутуб-минор қурилиши Кутбиiddin Ойбек томонидан  
бошланиб, Итутмииш даврида тугалланган(1211-36.)*

## *Тоҗс-маҳал*



*Тоҗс-маҳал 1630-1648 йиллари Шоҳ Жаҳон то-монидан севикли хотини Мумтоз бегим хотирасига барпо этилган.*

## *Ҳаво- маҳал*



*Ҳаво-маҳал қасри олти қаватдан иборат бўлиб, унга ўнбир минг эшик ва деразалар ўрнатилган.*

## Шоҳ Жаҳон



Нодир аз-Замон мўйқаламига мансуб миниатюра

*Аврангзеб ва унинг укалари:  
Шоҳ Шуҗсо ҳамда Мурод Бахш*



*1635 йили мусаввир Балғанд томонидан ишланган миниатюра.*

*Абулфазл Алломий “Акбарнома” асарининг  
иккинчи жилдини Акбаршоҳга тақдим  
қилмоқда*



*1602 иили Говардхан томонидан  
ишланган миниатюра*



*Басаван томонидан ишланган миниатюра.*

ہندوؤں کے مقبول و مردو د جملہ اقوال کا  
صحیح اور محققانہ بیان

مؤلفہ

ابوریحان محمد ابن احمد البيرونی


## “Хиндустон 1030 йил”



Индостан. 1030 мис

# Шахнайи

Shahanai.



Тузилиши:

Чап тарафдан:


- Сужжа — нилчүп(темир тозалагич).
- Чаппил — найпачоқ (қисқич).
- Экстра паттер — захира найпачоқ.
- Пяла — шахнайининг оғзи.

Үнг тарафдан

- Паттер — «найпачоқ».
- Дхарий — шахнайи асоси.
- Фингер холз — бармоқ тешиклари.
- Нари — найча.

# Сетор

Sitar (Single Tumba)



**Тузилиши:**

**Чап тарафдан:**


1. Кхунти — асосий торларнинг қулоғи.
2. Чикари — бас торлар.
3. Кхунти тараб — жўр бўлувчи торларнинг қулоғи.
4. Гулу — дастанинг уланиш жойи.
5. Бриж — жўр бўлувчи торлар харраги.
6. Патта — нақшинкор ёпқич.
7. Тумба — резантор.
8. Лангот — сим тутқич.

**Ўнг тарафдан:**

9. Таар гҳан — тор тутқич.
10. Меру — мурват.
11. Фингербоард — даста.
12. Фрет — парда.
13. Симпесетик стрингз — жўр бўлувчи торлар.
14. Зулф — зулф(декорация).
15. Табли — товуш чиқарувчи.
16. Жавари — асосий торларнинг харраги

## *Кашмирский рубаб*

Kashmiri Rabab



### Түзилиши Чап тарафдан:


1. Пег — кулоқ
2. Гат фретс — тери пардалар.
3. Аппер бриж — тела харрак.
4. Тараб кхунти — жүр бўлувчи торлар қулоқлари.
5. Соунд бокс — товуш қутилари.
6. Тараб — жўр бўлувчи торлар.
7. Пияла — бўртма коса.
8. Нат — тор тутгич.

### Ўнг тарафдан:

9. Пег бокс — қулоқлар қутиси.
10. Фингербоард — даста.
11. Вууден плейт — ёғоч қоплама.
12. Чамара — тери қоплама.
13. Мейн стрингз — асосий торлар.
14. Бриж — харрак.
15. Жава — медиатор.

# Тамбура

Тарща



## Тузилиши

### Чап тарафдан:


- 1.Гулу – бүйин қисмийнинг уланиш жойи.
- 2.та – безак.
- 3.Тумба – резонатор.
- 4.Пег бокс – қулоқ қутиси.
- 5.Пег – қулоқ.
- 3.Меру – юқори харрак.
- 4.Данд – даста.
- 5.Гшруч – харрак.
- 6.Манака – созлагич
- 7.Лангот – сим тутти.

### Үнг тарафдан:

- 4.Пег бокс – қулоқ қутиси.
- 5.Пег – қулоқ.
- 3.Меру – юқори харрак.
- 4.Данд – даста.
- 5.Гшруч – харрак.
- 6.Манака – созлагич
- 7.Лангот – сим тутти.

# Сантур

Classical Santoor



## Тузилиши Чап тарафдан:

1. Аад – ён харрак.
  2. Тюнинг кейз – созлаш калидлари.
  2. Стинг – симлар.
  3. Жавари – харрак.
- Үнг тарафдан:**
4. Таблиустки – қоплама.
  5. Саунд бокс – товуш қутиси.
  6. Қалам – чүплар.

# Табла

## Tabla



### Түзилиши:

#### Даян -- ўнг

1. Гажара – гардиш ҳошияси.
2. Гщанти – (құнғироқ) жаранг.
3. Майдан – чалиш жойи.
4. Сияхий – махсус қора қотишка.
6. Баддхи – тери чизимчалар.
7. Гатта – ёғоч созлагичлар.
8. Геди – таглик мослама.


#### Баян – чап

1. Сияхий – махсус қора паста.
2. Майдан – чалиш жойи.
3. Гұанти – (құнғироқ) жаранг.
4. Гажара – гардиш ҳошияси.
5. Баддхи – тери чизимчалар.
6. Созлаш болғачаси.

## *Мундарижа*

1.Муқаддима.....	3-6
2.Хиндистонда исломгача бўлган диний–маънавий мухит.....	6-13
3.Веда дини ва тароналари.....	13-30
4.Браҳманизмда яккахудолик ғоясининг шакланиши.....	31-37
5.Жайнизм – оламни идрок этиш диний–фалсафий таълимоти.....	37-45
6.Буддизм – ноортодоксал диний–фалсафий таълимот.....	45-60
7.Индуизм – умуммиллий руҳдаги диний таълимот.....	60-65
8."Бир миллат – икки диний эътиқод".....	66-75
9.Деҳлий сultonлиги(1206–1526).....	75-99
10.Бобурийлар салтанатида ижтимоий, диний – сиёсий ва маданий мухит (1526–858).....	99-124
11.Индуизм ва ислом.....	125-154
12. "Ҳинд тасаввуфи" тарихи.....	154-171
13.Ҳинд диний – фалсафий таълимолтлари ва йоганинг муштарак жиҳатлари.....	172-228
14."Ҳинд–мусулмон маданияти".....	228-286
15.Хулоса ўрнида.....	287-289
16.Адабиётлар рўйхати.....	293-302
17.Ҳинд–мусулмон диний, маърифий, меъморий ва маданий қадриятларидан намуналар.....	303-320

Босишига руҳсат этилди 10.10.08 Бичими 60x84 1/16.  
«Times Uz» гарнитураси.  
Босма табоғи 2,0 Адади 500. Буюртма №121



## Муаллиф ҳақида мухтасар маълумот

Н.Ф.Низомиддинов 1947 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1965-1970 йиллари Тошкент Давлат университетининг шарқ факультети ҳамда Ҳиндистоннинг Лакхнау университетида уқиган. 1971-1991 йиллари Ҳиндистон ва Покистонда ҳинд, урду ва инглиз тиллари таржимони бўлиб ишлаган даврида «Brahma Kumaris World Spiritual University» — «Браҳма кумарийларнинг дунё руҳий университети» филиалида Ража йога таълимоти ва амалиёти бўйича таҳсил курсини тамомланган.

Н.Ф.Низомиддинов 1994 йили номзодлик ва 2001 йили докторлик диссертациясини ёклаган. У «ХV-XIX аср Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти», «Жануби-Шаркий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом»; «Шаркий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом», «Инфаркт булмай десангиз ё инфарктдан сунг — яшангиз» номли туртта монография, ҳамда бобурийлар тарихи, шарқ тиббиёти, ҳинд кино санъати, мусиқаси мавзуларида Тошкент ва шунингдек Бешкек, Ашхабод, Дехлий, Калькуттада чоп этилган уттиздан зиёд илмий-оммабоп маколаларнинг муаллифи.

Н.Ф.Низомиддинов 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида етакчи илмий ходим булиб ишлайди.

Алоқа телефони: 376-78-06, 240-6045

E-mail: a\_navoi@uzsci.net